

ISSN 0131 – 1832

R 440

Шарқ Юлдузи

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN'AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK
- SAN'ATSHUNOSLIK




3/18
№ 7

Sharq yulduzi

3 / 2018

Унутилмас лаҳзалар



Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Туроб ТЎЛА
(1918 – 1990)

JAlisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Эта
№ 7

Мухаммад Али	Хайриддин Султонов
Кенгесбой Каримов	Сирожиддин Саййид
Энахон Сиддиқова	Махмуд Тоир
Иқбол Мирзо	Меҳрибон Абдурахмонова
Қаҳрамон Қуронбоев	Йўлдош Солижонов
Жумакул Қурбонов	Тоштемир Турдиев
Фармон Тошев	Шухрат Маткаримов
Ислом Ёқубов	Адхамбек Алимбеков
Умарали Норматов	Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир в.б. — Сирожиддин Рауф

Наср бўлими мудири — Рисолат Ҳайдарова

Назм бўлими мудири — Икром Отамурод

Адабиётшунослик бўлими мудири — Ориф Ҳожи

3

2018

НАЗМ

Омон МАТЖОН



ИЛХОМ, БУ — ВАЯЛАННИ СЕВМОҚ
МАСТЮНА!

Шеърлар

Башорат айтолса замон зайлидан,
Феруза бўшлиқдан илгаса хабар,
Ҳар гал янгрогидан ўқиса дoston,
Демак, шоир қалби — илоҳий самар...

НАСР

Жамила ЭРГАШЕВА



ҒАНИМАТИМ — ОНАМ

Эссе

Бир жойларга меҳмонга бориб келишса, отам раҳматлик кулиб-кулиб, момомга гурунг берарди: “Эна, ошхўрга ош, ишхўрга иш йўлиқар, деганлари рост экан. Бунингиз ўлиб, тандирга қолип қазди (ёки кийим тикди), мен ош едим”, дер эди.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Насим ОЧИЛОВ

БАХШИЛАРИ ҒАРҲАЎТИ МАСКАН



Воҳада Чирокчи, Қамай дostonчилик мактаблари мавжудлиги, Шеробод дostonчилик мактабининг қўллаб бадихағўй бахши-шоирлари бевосита шу худудда яшаб ижод этганликларининг ўзиёқ ушбу санъатнинг ўзига хос ривож топганидан далолат беради. Гарчи Қашқадарёда фаолият кўрсатган дostonчилик мактаби вакиллари эпик репертуари ҳам умумўзбек дostonчилик мактаби бахшилари репертуари ва ижро усулларига ўхшаш бўлса-да, уларни ажратиб турувчи хусусий жиҳатлар ҳам мавжуд.

Усмон АЗИМ

НАСР

БИР ДАСИЛА ҚИЗИЛ ТУЛ

Ҳикоя

Учраган йигит унинг ортидан бир эргашиб кўради. Аммо адалдасиз чирой ёруғларига чўлғонган бу қизга етадиган манзил қаерда эканлигини ҳеч ким тасаввур этолмайди. Висол деб йўлга чиққанлар, юраклар кесишадиган чорраҳада бу қизнинг изи ҳам йўқлигига иқрор бўлишгач, тақдирларига тан бериб, қолиб кетишаверади. Қиз эса бу ёруғ оламдаги ҳеч кимга талпинмайди.



Шодмон ОТАБЕК

МУҲТОЛАА

*ИБРАҲИМА ИҶҒРИМАН
ХОПТИРАЛАР*

Дидактика шарқ менталитети, шарқ фалсафаси ва адабиётининг муҳим таркибий қисмидир. Бу мавзуда ўлмас асарлар битилган. Асрлар синовидан ўтиб, ҳали-ҳамон таълим-тарбия борасида муҳим қўлланма бўлиб келаётган машҳур “Қобуснома” ҳам дидактик асардир.



ЧОРШАМЪ

БУ БУСҲОҲ САҲНИДА

*... ЖАМОЛИНҲНИ ҚУРИБ РУҲИ
РАВОНИМ ЯИРАСИН*

*Содиқи ёр ҳеч қачон айрилмагай
Айлаган аҳду вафо, паймондан.
Раиш ила чин ёрни сев, эй Чоршамъ,
Раиш деган Ҳақ Мустафо иймондан.*





ФУРКАТ
(1858–1913)

Мен дедим: “Фурқат деган бир беқарорингдур ўшал”

Сўрголи холимни, эй қоши қалам, кел эртароғ,
Йиғламоқдин қолмади кўзларда нам, кел эртароғ!

Сендин айру гўшаи хижрон аро ёлғиз топиб,
Ўртаға олди мени дарду алам, кел эртароғ!

Мархабо, бош устина, айлаб карамлик шахсувор,
Кўзларимни устина кўйгил кадам, кел эртароғ!

Муддатедур даҳр аро топмай вужудингдин сўроғ,
Эл аро анко каби бўлдим адам, кел эртароғ!

Эй хуш ул тунлар фироқинг ёдима келмас эди,
Билмайин комим висоли муғтанам, кел эртароғ!

Бистарим хоки мазаллат, хамдаим андухдур,
Ҳасратингда масканим бўлгунча ғам, кел эртароғ!

Фуркатий ошуфтадил то чанд тортар интизор,
Дилда токат қолмади, жоним-танам, кел эртароғ!

Лабинг гунча, юзинг икки кизил гул,
Қадинг сарву сочинг гўёки сунбул.

Висолингга, нигоро, маҳрам эрдим,
Фироқингга нечук айлай таҳаммул?

Чу шавким хомаси таҳрири лаълинг,
Қилиб доим ёзар хатти тасалсул.

Гулистондур жамолинг, эй париваш,
Мен они ишқида шўрида булбул.

Чу Юсуф хуснунгга барча харидор,
Зулайходек тушуб кўнгулга гулгул.

Чикарга етти жон, жоно, гамингда,
Бу гамдин ёна жисмим ҳам тазокул.

Гадо Фуркатни холига карам кил,
Эрусен подшоҳи ботаҳаммул.

* * *

Ёкма жоним ўтлара, эй шўху, зорингдур ўшал,
Мубтало кўнглум низор этма, фигорингдур ўшал.

Гул тароват топмоғи акси рухингдандур баҳор,
Бу сабабдин мисли наргис интизорингдур ўшал.

“Сабзаларким чашмаи хайвон уза недур?” деди,
Мен дедим: “Лаб узра хатти мушкборингдур ўшал”.

Дедиким: “Найлай, бир ой бошида бир умри тавил”,
Мен дедим: “Юз узра зулфи тобдорингдур ўшал”.

“Бел, оғиздин очма лаб, сомони сабринг тут”, деди,
Мен дедим: “Борим йўк этган йўқу борингдур ўшал”.

Деди: “Билдингму тағофул этмоғим мохиятин?”
Мен дедим: “Бормоқ учун берган карорингдур ўшал”.

Деди: “Юз минг ошиким, аммо бири муштоқроқ”,
Мен дедим: “Фуркат деган бир бекарорингдур ўшал”.

* * *

Туруб хар эрга, жононим, йўлингда,
Окарди чашми хайроним йўлингда.

Фалак узра малакларга етушти,
Сенга етмасму афғоним йўлингда?


Муродинг қатлим эрса келмагингдин,
Фидодур бир қошиқ коним йўлингда.

Ғубори тавсанингдин топти ором,
Чикарди йўқ эса жоним йўлингда.

Маломат тошидин бўлди мунаққаш,
Чу Мажнун жисми урғиним йўлингда.

Кел, эй Юсуф, Зулайхо козасидек,
Қуруғлик байт ул-эхзоним йўлингда.

Гар ўлсам интизоринг бирла Фуркат,
Ётар жисмим мени, жоним, йўлингда.



Усмон АЗИМ

БИР ДАСТА ҚИЗИЛ ГУЛ

Ҳикоя

Бош хисобчи Жамила Ғафуровна чиройли аёл. Бу аёлнинг ёши қирқлардан ошиб, қирқ бешларга тутшиб қолганини ҳеч ким тасаввур ҳам қилолмайди! Ниҳоятда гўзал! Шодмонбековнинг таъбири билан айтсак, дунёдаги энг, энг, энг, энг... энг гўзал аёл! Тенгсиз. Гўзаллар танловида қатнашса, биринчи, иккинчи, учинчи... мингинчи – қанча ўрин бўлса, ҳаммаси, албатта, Жамила Ғафуровнага тегишли бўлади! Унинг ёнида бошқалар санокка қиролмайди. Воҳ, унинг ҳусну жамоли! Кўрган одам бир қалкиб тушади!

– Ҳуснини сотганда-чи, маши аёл минг қарра миллиардер бўларди-де! – деган “янги ўзбек”ларнинг ҳусни жамолини кадрлашда афсонага айланган йирик вакили Карим бойвачча, Жамиланинг ортидан армонда қараганча.

Ҳар қандай молни неча сўму неча тийин, неча доллару неча сент туришини бир қарашдан аниқ биладиган шундай одам ҳам, бир “уф!” тортиб, дунёда бозорнинг ҳадди сизгайдиган нарсалар борлигига жуда қаттиқ ачинган:

– Нодон-де! Вақтида сотиб қолмийдими! Эртага кеч бўлади! Хазон гулнинг ҳузурини мусурхона кўради-де... Лекин маладес!

Ҳа, “лекин маладес!” деган. Тан олган! Бошқача ўйинлар қилишга журъат этолмаган.

Чунки Жамила Ғафуровнанинг чиройи ниҳоятда сипо, тортинчок, сирли, хаёли, “қучинг етса, олиб кет”, дегандай эркаланиб турмайди. Нозланмайди. Худди мунг-раниб ёзилган мусикага ўхшайди ёхуд шеърнинг руҳидан бунёд топгандай – дардли ва самимий.

Чирой ҳам дардли ва самимий бўладими?

Бўлади! Ў-хў! Бу дунё не турфа чиройларни кўрмаган! Фирибгар чирой, нодон чирой, бозор чирой, подшоҳ чирой, кўнгил чирой... Бу чирой эса ҳеч нарсага даъво қилмайди, ҳеч нарса талаб этмайди, фақат этларни жимирлатади, юракни ҳапқиртиради, ҳатто суяклар қисирлайди, аммо чидаб бўлмас ҳайрату лолликнинг чегарасидан бир қадам ўтказмайди. Аёлнинг бекиёс ҳусни, латофатию латифлиги шу қадар озодаки, унга яқинлашишдан эркақлар ҳайиқади. Ахир, бунча ҳусни қандай эплаш мумкин? Бу чирой ойдай балкиб, бағрингга бош қўйганда, юрагинг

Усмон АЗИМ – Ўзбекистон халқ шоири. 1950 йилда туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. Ижодкорнинг йиғирмадан ортиқ шеърий тўпламлари, бир неча насрий ва драматик асарлардан иборат китоблари нашр этилган.

ёрилиб ўлмайсанми? Бунинг устига, яқинига борсанг, доғинг юкадигандай... Ҳар холда, кўркинчли! Шу сабабданми, бу аёлга биров кўнгил изхорини ошкор айтишга журъат этолмаган. “Ох”у “уф”лар ошиқликнинг пинҳон кечаларида қолиб кетган. Ноилжонликданми, энди бу ошиқлар Жамила Гафуровнанинг мухлисига айланган. Ишонганинг жами эркаклари бош ҳисобчининг мухлиси!

Жамила кийинишни ҳам қойил қилади. Нимаки кийса, ярашиқли! Сочларининг турмакларини юзидаги пардоз-андози, кулоқларидаги исирғалару бармоқларидаги узуклар – барчаси антиқа! “Қаердан топдингиз?”, деб ҳавас билан суриштирган аёлларга Эски шаҳар бозоридан олганини айтади. Ҳеч ким ишонмайди. Чунки унинг устида арзонгина либослар шоҳона кўриниш олади, нархи бир тийин тақинчоқлар маликаларнинг зебу зийнатига айланади – ҳозиргина “Кристиан диор”дан кийиниб, Фарангистоннинг “Гўзаллик салони”дан чиқиб келаётгандай! Коридордан йигирма минглик қалбаки атирни “Шанел”нинг энг қимматбахосидай уфуртирганча, эркакларнинг бошини айлантириб ўтади. “Бахтли бўлишдан осони йўқ, – дейди Шодмонбеков. – Ана, Жамила ўтган коридордан нафас оласан – тамом, бахтлисан!”

Камгапгина Жамила гап бошлаганда ҳам суҳбатдошлари жим қолади. Чунки фаросати бор, ақли бор – бўлар-бўлмасни гапирмайди. Бурунги йил идорада уюштирилган семинарда ҳисоб-китобни янгича тизимга ўтказиш таклифи билан чиққан. Шундай асосли илму амал билан гапирганки, гўё Жамила Гафуровна артистдай, залдагилар қарсақ чалиб, олқишлаганлар.

– Во-о, уқкарди қизи-и! – деган танаффусда идоранинг Сурхондарёдаги шубҳаси бошлиғи Жўрақобилов. – Ақли ҳам бор экан-да! Тоғам Панжи чобағоннинг бир оти бўғич эди! Шўнга бир қойил қолганман! Энди бул пошикастага таслим бўлдим! Оғзим очилиб қолди-я! Ҳозир ҳам юмолмай юрибман-а!.. Ҳусниям лекигин!.. А?.. Дамига тортса, йўқ бўп кетасан-да!..

У эмраниб анчагина гапиринган, сўнг Шодмонбековдан жиддий сўраган:

– Бу балони қаердан топдиларинг?

– Бизнинг айбимиз йўқ, – деган камтарлик билан Шодмонбеков ва фалакка ишора этган. – Ўзи яратган! Ўзи топган!

– Э, Худойим-а! – деган сурхондарёлик Жўрақобилов.

Хуллас, бу “Ўзи яратган” аёлни бутун ишхона яхши кўради. Унинг юмшоққина – кўзга ташланмайдиган мардона феъли ҳам барчани мафтун этган. Бош ҳисобчига иши тушмаган одам борми? Дейлик, хонасига қирасан! Ийманибгина гап бошлайсан:

– Жамилахон!.. Шу ойликкача... кургур... етмай қолди!

Жамилахон Гафуровна ийманганингни сезмаганга олади. Дарҳол иккиланмай, ғазначини чақиради.

– Акангизга бироз пул керак экан... Айтганларини беринг!

Ғазначи зоти борки, бундай гапни ёқтирмайди. Жамилахон юзида норозилик липиллаган ғазначига қулибгина қарайди:

– Сиз билан ўзим ҳисоблашаман, Ёкутхон!

Иш битди, вассалом!

Баъзан ғазначини чақирмайди ҳам. Негадир илтимосингизга алоқаси йўқ мавзудан гап бошлайди. Сўнг пулат сандиқчани очади-да, айтганингизни арзимаган қоғоз таҳидай олдингизга қўяди. Пулга заррача эътибор бермайди. Гўё гапирётган гапи муҳим. Аслида, сизнинг хижолат тортаётганингизни кўрмасликка олади, баттар хижолат тортирмасликка ҳаракат қилади.

Карзни олиб келганингизда эса, кўзингизга синовчан назар ташлайди.

– Агар зарур бўлса, ишлатиб тураверинг, – дейди.

Бу гапни сизни аяб, жуда самимий, таъбир жоиз бўлса, меҳр билан айтади. Эгачингиз ёки онангизга ўхшаб кетади. Зўриқмаяптимиқан, деган хаёлга борган-да! Қайтарганингиз пулни ҳам ҳеч қачон санамайди. Стол тортмасига ташлаб қўяди. Гўё пул эмас, унга сиз муҳим.

Ишхонадан бировнинг бошига иш тушиб колса-ку, Жамилахон у одам хали ҳаракатга тушмасдан, бошликнинг олдига кириб, барча муаммони ўзи хал этиб чиқади – ёрдам пулими, ё аллақандай хизматингиз учун мукофотми...

Бу савоб хизматларни у одам танламай – барчага баробар бажаради.

Ҳамкасблари эса уни кўқларга кўтариб, мактайдилар.

Бу фазилатлари Жамила Ғафуровнанинг чиройига чирой қўшгани аниқ.

Идоранинг Бухородаги шуъбаси бошликлигига тайинланган Бўрсаев ишхонага илк келганида, уни кўриб, “иби, иби” лаганча, гангиб колган.

– Ин пари аст, – деган ўзбекчани бир лаҳза унутиб. – Пари!..

– Йўқ, – деган катъийлик билан раҳматли Олим Жўраевич. – Фаришта! Жамила Ғафуровна – фаришта!

Жамила Ғафуровна фаришталигидан беҳабар, ўзининг ҳаёти билан яшайди.

Эрга тегиб чиккан. Ўтган йил университетни битирган биргина кизи турмуш қилиб, хорижга кетган... Одамларнинг бу аёл ҳақида билганлари – шу.

Унинг ўзи ҳам бу маълумотга қўшимча қилолмайди. Бори шу-да!.. Яна нима? Яна... Албатта, нималардир бор. Бор! Аммо... Қандай айтсин? У ҳаётини тушуниксиз сиру синаотга тўлдирган, орзиктирган, соғинтирган – интизор умргузаронликда яшашга маҳкум этган ажиб бир ғаройиботнинг асири! Бу асирликдан кутулиш чорасини, мана, йилларки, тополмайди! Бу асирлик занжиридан озод бўлмоққа ҳам кучи етмайди. Қийналади, азобланади, аммо бу сирни бировга айтишдан ийманади. Хатто кизига ҳам гапирмаган. Ўзи тушунмагандан кейин, бировга нима десин? Фақат кулгига қолиши мумкин! Асрори фақат Тангри таолога маълум сирлар озми? Эҳтимол, шу сирлардан бири унинг қисматига йўлдош бўлгандир? Аммо яшайпти-ку! Яхши кўрган эри урушда беиз йўқолган аёлдай, соғинчда ўртаниб бўлса ҳам, яшайпти-ку! Номини айтай деса, исми йўқ, сурадини кўрай деса, жисми йўқ кимдир ўзидан ҳам ортик яхши кўради-ку!.. Ҳа, ҳамма гап шунда! Жисми йўқ бўлгандан кейин... Э, Худо! Бу сирни ҳеч кимга

ТАҲРИРИЯТДАН

“Шарқ юлдузи” ижтисомлари яхши эсласалар керак, журнализмнинг 2016 йил 7-сонида Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг “Ишхонадаги кўргазма” номли ҳикоясини чоп этгандик. Айтиши жоизки, Усмон Азимни шу чоққача забардаст шоир сифатида таниган ўқувчилар шу ҳикоя боис унинг бошқа бир қиррасини ҳам кашф этган бўлсалар, ажабмас. Бу ҳикоя журналхонларда ўзгача қизиқиш уйғотгани баробарида Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси Наср ижодий кенгаши томонидан ижобий баҳоланди.

Ҳикоядаги суратлар кўргазмаси идора ҳаётини шу қадар алғов-далғов қиладики, кимдир тақдирдаги тўмтоғликни илғаб қолади, кимдир хотираси қатидаги яширин сирни эслайди, кимдир эса, нимагадир журъат қилиши кераклигини тушунади... Хуллас, “Ишхонадаги кўргазма” рамзий маънода ибтидо эканлиги равшан эди. Усмон Азим ушбу ҳикоя асосида триптих яратиб, журналга тақдим этди. Бу сонда триптихнинг иккинчи қисми “Бир даста қизил гул”ни чоп этмоқдамиз. Кейинги сонларда эса триптихнинг учинчи қисми – “Ходимлар бўлими бошлиғи” ҳикоясини ўқийсиз.

ошкор этмай, хувуллаган қисматини бегона кўзлардан яширин тутиб, сиртида умрини кулиб-ўйнаб ўтказаётгандай яшашга мажбур эканлигини ҳис этмок жуда мушкул! Аммо мажбурсан! Чунки атрофда одамлар бор! Уларга ўхшашинг шарт! Фарёдни-ку, кўявер, “уф” тортсанг ҳам қуёшқондан чиққан кўринадан. Одамлар ўзларига менгзамаганларни кечиришмайди! Ғийбат билан омон қолсанг-ку, майли! Ундан баттарига дуч қилишади. Шунинг учун уларга менгзаб яшашга ҳаракат қилиш зарур. Тўғри, ишхонада уни хурмат қилишади. Аммо бир кадам бежо кадам кўйиб кўр, қани! Ҳеч бўлмаганда, Муяссар Қодированинг эътиборини тортасан! Бу эътиборнинг қанчали эса!.. Ў-ў!

Жамила Фафуровна худди шундай кун кечиради. Рисоладагидай одам. Орқада қолмайди. Югуриб олдинга чиқмайди. Ичида эса... Ичидаги эса фақат ўзига тегишли! Фақат ўзига!..

Аммо Ван Гогнинг суратлари уни тамоман издан чиқариб юборди. Натюрмортдаги қизил гуллар қаердан келди? Ўша гуллар-ку! Ўша – тушидаги гуллар! Адашгани йўқ! Ўша гулларнинг ўзи!

Гулларни...

сен

юбордингми?

Ван Гогнинг хаёлига

гулларни

қандай олиб қирдинг?

Гулларни

рассомнинг

хаёлидан

суратга кўчириб,

менга

ҳада этдингми?

Бу дунёда

борлигингни

билдиридингми,

азизим?..

Дунёни сенинг бўйларинг тутиб кетди. Ҳаволарни бағримга босиб, кўксимни тўлдириб-тўлдириб, нафас олиб юрибман. Аниқ биламан, сен тушдан ерга кўчгансан. Шу атрофдасан. Менга тобора яқин келяпсан! Кел! Тезроқ кел! Сени бир бор кўриб, дунёдан ўтсам, армоним йўқ! Эшитяпсанми? Эшитяпсанми, умр бўйи соғинганим! Суратда алвон гулларингни кўргандан кейин тоқатим қолмади. Кел!..

Ўшанда нечада эди? Йигирмада!

Институтда ўқиб юрган чоғлари! Ёшлик! Муҳаббат ва орзулар фасли! Ҳа, ўша! Ўша!.. Жамиланинг атрофидаги тенгдошлари, дўстлари, дугоналари – барча севги ва орзу уммонида тўлғонади. Унинг мавжлари юракларни ҳапқиртиради. Оёғи ерга тегмай юрганлар қанча, чилпарчин йиқилганлар қанча! “Қарашма денгизин кўрдим – на нозли тўлқини бордир, Ҳалокат бўлғусин билмай, қулоқни қатта отдим-ку!” Ким айтган? Чўлпон! Топиб айтган. Севги деган тўфон етганда, ҳалокат хаёлинга келадими? Нажот фақат шу тўфонда эканлигини яхши биласан! Ўзингни ўйлаб ўтирмайсан! Ё ҳаёт, ё мамот! Ё баҳордай гуллаб-яшнаш, ё қуздай қовжирароқ!..

Жамиланинг теграсида шундай ҳаёт мавж уради.

У тенглошларига ҳаваси келиб қарайди: бировнинг кўйида ёниб яшаш қандай яхши!

Ошиқларининг эса саноғи йўқ. Учраган йигит унинг ортидан бир эргашиб кўради. Аммо ададсиз чирой ёруғларига чулғонган бу қизга етадиган манзил қаерда эканлигини ҳеч ким тасаввур этолмайди. Висол деб йўлга чиққанлар, юраклар кесишадиган чорраҳада бу кизнинг изи ҳам йўқлигига иқроор бўлишгач, тақдирларига тан бериб, қолиб кетишаверади. Қиз эса бу ёруғ оламдаги ҳеч кимга талпинмайди. Аммо юрагида соғинч бор. Юраги кимнингдир соғинчида лаб бургани бурган...

Шундай кунлардан бирида туш кўрди.

Дашту қирда якка-ёлғиз ўзи – соғинчдан ўртаниб, тўрт тарафга югурапти. Бу қирдан ўтса, муродига етадигандай, бу тепадан ошса, истаганини топадигандай... Гоҳ шамолдай олға учади, гоҳ излагани қолиб кетгандай сарсонун саргардон ортига қайтади. Истагига етмаса, умри адо бўладигандай югуради. Қаердасан, кичкиради у. Қа-ер-да-сан? Ахир, соғиняпман-ку! Соғи-на-яп-ман! Шу пайт рўпарасида бир даста қизил гул кўринади! Ерга тушса, увол бўладигандай, ўзини ҳавода муаллақ тутиб турган бир даста қизил гул! Эпкинда гулбарглари нозик титрайди. Худди орзу каби чиройли! Ҳатто бўйлари ранго-ранг товланади! Жаннатнинг гуллари, ўйлайди Жамила, жаннатнинг гуллари! Кимдир бу гулларни унга интизор тутиб тургани аниқ, аммо кўринмайди – на юзи, на кўзи, на қўли – вужуди туманга ўралган. Аммо... Қизил гуллар! Қиз ақлу хуши кетиб, ўзини унутганча, гуллардан кўз ололмайди. У – маст! Ўша – фақат муҳаббат тортик этадиган мастоналик вужудию қалбини тамом асир этган. Жону жаҳонини бахшида этишга тайёр аснода гулларга қўл чўзади. Бироқ қўллари етмайди. Яна интилади – дастлари фақат ҳавони ушлайди. Гулларни бер, ёлворади у. Бу гуллар – меники! Менга атагансан! Мен сени соғинганман ахир! Ўзингни туманларга ўрама! Ўзингни кўрсат! Мен сени соғинганман, деяпман-ку! Гулларингни бер!..

Бирдан кўринмас одам тилга қиради. Унинг овози ниҳоятда ғаройиб – жонўртар, анвойи, юрагу бағирни бурдалайдиган. Мен сени севаман, дейди овоз. Мен сени севаман... Бу овоз бунча чиройли бўлмаса! Инсон зоти бундай товушда қаердан гапирсин! Фариштамикан? Фаришта! Ё севган одам фариштага айланадими?.. Қиз товушнинг беқиёс оҳангига тоқат қилолмай, йиғлаб юборади. Гулларни бер, дейди ёлвориб. Гулларни бер!..

Ногаҳон товуш шеър ўқиётганини ҳис қилади:

*Бир даста қизил гул бизни ўртагай,
Бир даста қизил гул – бир даста армон.
Қисмат айрилиққа тошдай ўрнагай,
Азалнинг ёзмиши соғинч – беомон...*

Жамила ҳўнграб йиғлайди. Гулларни бер, дейди у фақат! Гулларни бер! Сени соғинганман! Сени кутиб яшаяпман! Ўзингни кўрсатсанг-чи!.. Нега гулни бермайсан?..

У уйғониб кетади. Ҳўнграб, ўксиниб йиғлаётганини, “гулни бер”, деб ёлвораётганини эшитади. Тушу хушлигини ажратолмай, қўли билан юзини силайди – кўзлари, ёноқлари, юзига ёпишган сочлари хўл!.. Туш ҳасратининг ҳарорати вужудини тарк этмай, яна узок – ўзини тўхтатолмай – йиғлайди. Бу соҳир овознинг дардли, оғрикли, лаззатли оҳанги уни тарк этишини негадир истамайди. “Эслаб қолишим керак, – дейди уйқу аралаш. – Эслаб қолишим керак! Шеърни ҳам... Нима эди? “Бир даста қизил гул... Бир даста қизил гул...” У уйқу комига яна тортиб кетаётганини сезади. Уйқу безовта ҳолини парку кучоғига олади – бесас аллалайди. Унинг йиғидан бўшашган вужуди уйқуга сингиб кетади.

Эрталаб одатдагидай уйғонади. Аммо шу кеча нимадир бўлгани аниқ эди. Бирок ҳеч нарсани эслаёлмайди. Фақат кўксида нимадир шуълаланиб, юрагию руҳини ёритиб турганини хис қилади. Деразани очиб, ҳовлига қарайди. Вой, гул очилибди! Атиргул! Бир донагина атиргул! Қип-қизил!.. Ва бирдан кечаги туши эсига тушади. Нима эди... “Бир даста кизил гул!..” У югуриб ҳовлига чиқади. Апрельнинг илик хавосига чулғаниб, пир-пираганча, ҳовлининг четидаги гулзорда – бошқа гуллардан кўра олдинроқ очилишга улгурган атиргулга термилиб туради. Энгашади. Кўзларини юмиб хидлайди. Йўқ, тушидаги атиргулнинг бўйи ўзгача, таровати ҳам бўлакча! У гуллар!.. У товуш-чи?..

Кел!.. Сен кўринмадинг, аммо мени яхши кўришингни биламан! Шу қадар яхши кўрасанки, ҳатто тушларимга киришни удалайсан! Товушинг юрагимни лиммолим тўлдирди! Оламга ёғду тараётгандайман! Келсанг-чи!.. Нима эди? “Бир даста кизил гул!” “Бир даста...” У ёғи нима эди?.. Эсимда қолмади! Воҳ, эсимда йўқ! Кел, ҳаммасини қайта айтиб берасан. Кел!..

У келмади.

Соғинч эса юракда шовуллагани шовуллаган.

Узлуксиз, бепоеён, жону жаҳонини асир олган соғинч.

Бир ойлardan кейин тушига яна ўша – бир даста кизил гул кирди. Ҳавода муаллақ турган бир даста кизил гул!.. Бирок энди Сўз эшитилмади. Сўз бесас мусиқага – фақат юрак эшитадиган садога кўчган – кўринмас одам чидамоқ амримахол узлуксиз сукутфигонда дил изхор этар, аммо Жамила титранганча, унинг бор гапини шундоқ тушуниб турар эди.

“Мени севасанми? – деб сўрар эди бесас мусиқа. – Мени севасанми?”

“Ҳа, – дер эди энтиқиб Жамила. – Ҳа! Фақат ўзингни кўрсат! Фақат кел! Мен сени севаман!”

“Мен ҳам!.. Мен ҳам сени севаман!..”

“Кел!”

“Боролмайман! – дер эди фиғон юракни ёргудай авжланиб. – Боролмайман!.. Сен чиройлисан! Сен – Парвардигор яратган гўзалликнинг танҳо хилқатисан. У сен каби ҳеч кимни яратмаган...”

“Кел, деяпман! Тушда нима қиласан? Ҳушга тушсанг-чи! Соғиндим...”

“Биз учрашмасликка маҳкуммиз! Тегранда чирой қурган довондан ошиб бўлмайди!.. Ошиб бўлмайди!..”

“Ундай дема!.. Ундай дема!.. – Тушнинг бўшлиқларига ҳайкиради киз. – Илтимос, ҳеч бўлмаса гулларни бер! Илтимос!.. У гуллар менга аталган! У гуллар – меники!.. Сени севаман! Кел!..”

Бир даста кизил гул ҳавода муаллақ турибди. У гулларга қўл узатади. Қўллари етмайди. Яна узатади. Қўллари фақат хавони ушлайди.

Қиз йиғлайди.

Жамила кўча-кўйда, автобусу трамвайда, институтда, меҳмонда – қаерда бўлмасин, ҳушёр юради. Ногаҳон тушдаги одам рўбарў келса, ўтказиб юборишдан чўчийди. Кўрмаган бўлса ҳам уни шу захотийёқ танишини аниқ билади. Ахир, кизил гулнинг бўйлари димоғида! Овози-ку!.. Унутиб бўладими?

У келмайди.

Фақат тушларига киргани кирган.

Соғинчнинг харорати ёндириб, қул этадиган даражага етганда, яна кизнинг тушига келади.

Жамила энди тушдан тушгача яшайди. У кизил гулдан таралган бўйларга кўксини тўлдириб, юрак-бағирни бурдалайдиган товушнинг садоларидан мастона юради. Ўша шеърни эсламоқчи бўлади. “Бир даста кизил гул...”дан бошқа сўзлар эса ёдига тушмайди.

Киз уни излайди.

Келади! Албатта, келади! Тушидаги кўринмас кимсанинг бу ёруғ дунёда борлигига бутун борлиги билан ишонади.

Атрофида эса йигитлар чирок атрофидаги парвоналардек чарх уришади. Аммо канотлари бепарволикнинг совуқ ўтида ёниб битгач, судралиб, қайгадир ғойиб бўладилар.

Уйдагилар эса тўй орзусида. “Турмуш кил”, деб жон холига қўйишмаяпти. Уларга нима десин? Ёши ўтиб бораётгани ҳам, эртага кеч бўлиши ҳам ҳақиқат, аммо туш... Ундан қандай айрилсин?

Жамила тушидаги кўринмас одам тақиб этмаётганини; фақат уни аяётганини, шафқат қилаётганини; ўзини қурбон этиб бўлса-да, унга бахт тилаётганини – шунинг учун, тушдан хушга тушмаётганини энди фахмлайди. “Кет” деса, уни бахти-қароликда кетишини ҳам хис қилади. Шу сабаб бу сўзни айтишга куч тополмайди. Ахир, соғинчда ўлиб кетади-ку! Ўзи-чи? Ўзи омон қолармиди?

Ўзини тўрт томонга урмасин, уйдагилар ғолиб келди. Тўй тараддуди бошланди. Жамиланинг ўзи ҳам онаси айтгандай, “бошқалардай” яшаш лозимлигини тушиниб турар – “одаминг борми?” деган саволга тайинли жавоб беролмаса, нима қилсин? “Одаминг тушимда”, десинми?

Туш эса қайтарилгани қайтарилган.

Турмуши бўлмади. Ажралиб кетди. Бировни овора қилгани қолди. Яхши одам эди. Жанжалсиз жавобини берди. Тўғри айтдинг, деди у, ажралсак яхши бўлади. Кечалари хўнграб чикишингни билмайди, деб ўйлайсанми?

Нима десин? Сизни яхши кўрмайман, десинми? Тушимдаги бир одам ақлу хушимни олган десинми?

Индамади. Эри ҳам бошқа ҳеч нарса дегани йўқ. Ортикча ғалваларсиз ажралиб кетишди. Ундан қолган ёдгор – кизи – Ҳанифа. Жуда билимли, жуда ақлли, бунинг устига, аллақайдан омилқорликни ҳам юктирган. Дунёга кўнгил билан эмас, ақл кўзи билан қарайди. Шу сабабданми, унинг “яхшилаб ўйлаб кўр”, деган пинҳон илтижо ўтинчларига парво ҳам қилмай, хорижга ўқишга кетди. Ўша ёққа – немис аралаш туркками, турк аралаш немисгами турмушга чиқди. Ўзидан йигирма ёш қатта. “Буни-си қандок бўлди?”, деган саволига, Ҳанифа гапни чўзмай, унга шуниси қулайлигини айтди, холос. Бинойидай яшаб юрибди. Эри билан аллақандай лабораторияда ишлайди. Хуллас, нима бўлса ҳам, бошида эри бор. Жамила Ғафуровнанинг кўнгли тинч.

Туш эса қайтарилгани қайтарилган.

Ў-хў, неча йилларким, у соғинчнинг заржирбанд кучоғида яшапти!

Аммо Ван Гогнинг кўрғазмасидан кейин, соғинчнинг ёнида ногоҳ умид ҳам пайдо бўлди. Ахир, Ван Гог унинг тушини қаердан билади? Қандай қилиб у айнан тушидаги гулларни чизди? Ҳатто расмнинг тағидаги бир энли қоғозга ёзиб қўйилган – “Бир даста кизил гул” лавҳаси ҳам унинг тушидан. Ван Гог ўша шеърни ҳам... биладими? Қаердан билади?..

Сен бировга ҳукмингни ўтказдингми? Тушимдаги гулларни боёқиш расмонинг илхомига Сен ҳаёда этдингми!.. У сенинг дўстингми? Сен ҳозир Ердамисан? Ҳа-а... тушимдан ерга тушганинг аниқ... Сезяпман... Тушгансан! Бу гулларнинг расмини кўрган онимдан англадим! Ўзингни кўрсат! Ахир соғиниблар кетдим! Ўзингни кўрсат деяпман!..

Бокибек – Ван Гог деганлари жуда антика одам. Унинг Ван Гоглигини билмаган пайтлари – бу идорага ишга келишидан аввал ҳам – бу йигитни кўп учратган. Талабалик йиллари институтда, метрода, автобусда, кўчада, ишхона эшиги ёнида... дуч келгани дуч келган эди. Унга бир кўз ташлайди-да, хаёлланиб ўтиб кетади. Кўз ташлаганига Жамила ажабланмаган, чунки учраган одам унга эътибор беришига кўникиб кетган. Бир кўз ташлаб ўтишса ҳам майли – бировлар тўхтаб қолади, бировларнинг оёғи чалкашади; ортига бурилиб қараганлар қанча; йўлидан қайтиб, уни яна бир бор томоша қиладиганлар... Ван Гог эса “одам одамга қарайди-да” қабилда бир кўз ташлайди-ю – тамом! – ўтиб кетаверади. Юзида ҳам, кўзида ҳам ҳеч нарса ўзгармайди. Эҳтимол, безътибор қарагани учун ҳам Жамиланинг хотирасида колгандир? Учратгани бори кас эсу ҳушидан айрилиб қолай деганда, бу йигитнинг алоҳида бепарволиги, аёлнинг эсида муҳрланган-да! Ҳа, Жамила бу йигитнинг бировлар билан тўдалашиб юрганини ҳам кўргани йўқ. Доим якка-ёлғиз...

Жамила шу идорага ишга келганидан кейин бир-икки ой ўтиб, бу йигит ҳам ишхонада пайдо бўлган: “бўёқлар бўйича эксперт”, деган лавозимними-ей эгаллади. “Лавозимними-ей...” деб шубҳага олганимизнинг сабаби бор. Маълумингизким, лавозимнинг ўзига хос шону шавкати бўлади. Аммо лавозим, кўпинча, мансаб курсисига ўтирган шахснинг кўламига, микёсига, билимига, ташкилотчилигига, ўзини “қўя билиш”ига ва қанчадан-қанча майда-чуйда нарсаларга боғлиқ. Дазмолланган костюм-шим, оппоқ қўйлак кийиб, бўйинбоғ такиб олинса, бир қарич лавозим ҳам бир қулоч кўринади. Агар мансаби баландлар сени яхши кўриб, мартабаси пастлар хайикса, лавозимингнинг обрўйи янада ошади. Сенга иши тушадиганлар қабулхонада секингина гаплашиб, котибадан кайфиятинг қалайлигини суриштира бошлаганда эса, бил, энди идоранг, ундай-бундай одам қараса, дўпписи тушиб кетадиган жойга айланган – ўзинг эса истикболи порлоқ раҳбарчалар тоифасига кирасан.

Бирок иш бошлаганидан икки-уч ой ўтиб, бу йигитнинг лавозими борлиги идорадагиларнинг эсидан ҳам чиқиб кетди. Эҳтимол, лавозими борлиги бу йигитнинг ўзини ҳам хаёлидан кўтарилди, ё лавозим уни писанд этмади – ҳуллас, у бору йўқлиги унча ҳам билинмайдиган хизматчилардан бирига айланди. Ҳолбуки, эксперт дегани хазилакам иш эмас! Уни фикридан одамларнинг ойлаб-йиллаб қилган меҳнатларининг тақдири ҳал бўлади. Идорага тааллуқли ёки у билан ҳамкорлик қиладиган қанчадан-қанча ташкилотлар экспертнинг оғзига қараб туришади. Унинг кўнглини овлашга ҳаракат қилишади. Илгари бу ўринда ишлаганлар ҳозир бою бадавлатгина умргузаронлик этаётганлари ҳақида кўп ривоятлар юради. Одамлар бу йигитнинг атрофида ҳам айланиб кўришди. Бирок уни аврайман деб овора бўлмастикни тезда тушуниб етдилар. Энди Асрор Валиевичнинг совук нигоҳи қаршисида бу исқирти одамнинг ҳукмини эшитишдан ўзга чора йўқ. Аммо бу йигит ишга келгач, лавозимининг шавкатидан урвоқ ҳам юкмади. Худди заводдаги усталардай кийинади. Бунинг устига, аллақандай хизматкор – кўнгилли тарзда – шиор чизадими-ей, хоналарни таъмирлашга киришиб кетадими-ей, деворларга антика расмлар туширадими-ей... Лавозимнинг обрўйи қоладими? Бора-бора идорадагилар унинг исми шарифини ҳам унутишди. Кимдир “Ван Гог” деб қўйган лакаб эса унга ёпишди-қўйди. Аммо биров унинг мушугини “пишт” деёлмайди. Ахир котиба Жасмина тарқатган тезкор ахборотга кўра, Асрор Валиевичнинг шахсан ўзлари шу Ван Гогни ўнга яқин номзодлар орасидан танлаб олган! Раҳбарга яқин одамга гапириб бўладими? Кўнглига келганини қилади-да! Бунинг устига, бу одамнинг фикрини Асрор Валиевич тасдиқлаб турса!

Ҳулласи қалом, Жамила Фафуровна ёшлигидан буён кўзи тушиб турадиган бу йигит – Ван Гог унинг сирини англагандай эди.

Аммо ўша “кўрғазма куни” кўнгилни хира қиладиган яна бир воқеа бўлди.

Кўзёшлари қуримасдан туриб, хонасига ранги бўзариб, Муяссар Қодировна кирди.

– Жамила Ғафуровна, – деди у расмий оҳангда. – Сиздан кутмаган эдим! Ҳар ҳолда, раҳбар ходимларимиздансиз! Бу нимаси? Сурат томоша қилиб ҳам одам шу аҳволга тушадими? Мен ҳам қарадим – бир даста қизил гул! Шунга ҳам раҳбар одам йиғлайдими? Хайрият, мендан бошқа ҳеч ким кўрмади! Идорамизни ҳам, ўзингизнинг ҳам обрўйингиз бир пул бўлар эди! Хафа бўлманг, айтиб қўйиш бурчим! Ё бирор синрингиз борми?

Жим ўтирган бош ҳисобчининг вужуди музлаб кетди.

– Йўк!.. – деди у негадир шошиб. – Йўк! Ҳеч қандай сирим йўк!

Муяссар Қодировна унга синчиклаб қаради.

– Одам ҳам ишхонада йиғлайдими? Ё анави ўлгур Ван... Бокибек одам сезмас этиб, суратда бирор нарса қилганми? Яширманг, айтаверинг! Бу писмиқнинг қўлидан ҳар иш келади! Сезиб турибман, бу жойда бир сир бор! Бўлмаса, сиздай эсли-хушли одам ҳам алламбало қизил бўёқ чапланган ажи-бужи суратга қараб йиғлайдими?

Жамила Ғафуровна кўркиб кетди. Бу совук уфуриб гапирётган аёл унинг тушларига ҳам бостириб қираётгандай туюлди. Бу аёлни қўлидан ҳар иш келади! Жамила Ғафуровна калхат чанг солаётган қушдай алланечук қунишди. Ўзини йўқотганидан тили ҳам гапга бормади. Бироқ негадир қулишга ҳаракат қилди. Юзида аянчли табассум пайдо бўлди-да, кўзларидан ёш оқа бошлади. Факат – ёшларини арта-арта, бошини сарак-сарак этиб – хавотирга зарра ўрин йўқлигига зўрға ишора қилди.

Муяссар Қодировна эса унга яна бир бор синовчан тикилди. Қаттиқ тикилди.

Жамила Ғафуровна дош беролмади.

– Кечирасиз, – деди Жамила Ғафуровна ёшларни артаркан, ўрнидан туриб. – Мени ёлғиз қолдирсангиз. Илтимос...

Муяссар Қодировна қандай бўзариб қирган бўлса, шундай бўзариб чиқиб кетди.

Эртаси Жамила Ғафуровнанинг хонасига қорасини ҳам кўрсатмайдиган Ван Гог тўсатдан кириб келди. Негадир ўзини ноқулай сезиб, хонанинг ўртасида тўхтади. Бу одам унинг аллақандай улкан гуноҳини оламга ҳозир ошкор этадигандай, аёлни юраги шувуллаб кетди.

– Ассалому алайкум, – деди Ван Гог жуда жиддий тарзда. – Сизга менинг ишларим ёқдими?

Жамила Ғафуровна тушунмади. Нима деяпти? Қанақа иш? Уни Ван... (Оти нима эди? Нима эди?.. Ҳеч эслай олмайди!..) Гогнинг ишлари билан нима иши бор?

– Кечирасиз, – деди аёл негадир юраги зимиллаб. – Қанақа иш? Ишларингиздан хабарим йўк...

Ван Гог ним жилмайди:

– Иш... энди суратларим-да! Суратларим сизга ёқдими демокчи эдим?

– Ҳа, – деди аёл бор кучи билан ўзини бепарво кўрсатмоқчи бўлиб. – Ёқди... Ёқди!..

Ван Гог бошини ҳам қилди. Жим қолди. Хафа бўлди, деб ўйлади Жамила Ғафуровна ва ўзига хос бўлмаган жонсаракликда тақорлади:

– Чиндан ҳам ёқди! Ёқди! Айниқса...

Вой, нима кераги бор? Шу гапни айтиб, нима қиламан!

Ван Гог бошини кўтариб, унга тик қаради:

– Айниқса... қайси?

Жамила Ғафуровна сеҳрлангандай – тилига келган гапни қайтаролмади:

– Айниқса, “...қизил гул”... “Бир даста қизил гул!”

Ван Гог яна бошини ҳам қилди.

– Шу яхши иш, – деди у худди бировни мактаётгандай. – Жуда яхши иш! Сура-
тимни айтаепман... “Қизил гул”ни...

Сўнг ортига бурилиб, жўнади. Эшик олдига етгач эса, бир нарсани унутгандай
ортига қаради:

– Раҳмат...

У мувозанатини йўқотиб қўйишдан кўрқаётган монанд – аллатовур юришда
чикиб кетди.

Аёл бутун вужуди титрабгина турганини ҳис қилди. Э, Худойим! Бу одам нима-
нидир биледи. Биледи!.. Эй! Эй!.. Уни сен юбордингми? Аллақандай Ван Гоглар-
ни юборганча, ўзинг кела қолсанг-чи! Бир даста қизил гулларни кўлингда тутиб,
каршимдан чиксанг-чи! Соғинчинг ҳаддидан ошди! Юрагим дош бермаяпти! Кел!
Умрим адо бўлмасдан кел!..

Бу орада ишхонада қутилмаган ўзгаришлар бошланди. Асрор Валиевич тўсатдан
ўз аризасига кўра ишдан кетди. Жамила Гафуровна хизмат сафарида эканлигида
эса идорага янги раҳбар тайинланганини эшитди.

– Вой, Жамила опа, – ҳаяжонланиб кўнғироқ қилиб қолди ғазначи Ёкутхон. –
Ишхонага янги раҳбар келди! Жуда антика одам экан! Ҳаммани йиғиб, мажлис
қилди. Мажлисда шеър ўқиди, опа!.. Одамларнинг оғзи очилиб қолди!

Жамила Гафуровна ҳам ҳайрон қолди. Чунки шу ёшга кириб, мажлисда шеър
ўқилганини эшитмаган эди.

– Исми ким экан? – беихтиёр қизиксинди у.

– Даврон Раҳмонов... Даврон Исмоилович Раҳмонов! Ходимлар мактаб юри-
шибди. Зўр одам экан, дейишяпти! Ҳали келсангиз кўрасиз, опа!..

Ўша кеча яна туш кўрди. Қизил гул! Бир даста қизил гул! Гулларни олай деса,
хатто қўлларини кўтаришга ҳам кучи етмади. Гул эса шундоқ юзларига яқин келди.
Қандай гўзал! У эрқаланиб, юзларини гулбаргларга босди.

У бор вужуди гул хидларига тўлиб кетганини ҳис қилди.

Жамила Гафуровна ишга келганда, ишхона кўтаринки руҳда эди.

– Онам, Жамилахон! – деди Шодмонбеков уни коридорда учратганда ва тепани
бош бармоғи билан кўрсатди. – Қаранг! Қаранг!..

Бош ҳисобчи тепага қаради ва ҳеч нарса кўрмади.

– Нимага қарай, Зафар ака?

Шодмонбеков қаҳқаҳа отиб қулди.

– Шифтимиз баландлаб кетди, Жамилахон! Шифтимиз баландлаб кетди! Елкан-
гиздан босмаётганини сезмадингизми? Ҳавонинг енгиллигини қаранг! Энди идо-
рада бемалол кўксимизни тўлдириб нафас оламиз!..

Жамила Гафуровна гап нима ҳақида бораётганини тушунди ва негадир овозини
пастлатиб сўради.

– Раҳбар яхши одам эканми?

– Яхши ҳам гапми, онажоним! Аъло одам! Ҳамма нарсадан хабардор. Қасбимизни
иғнасида ипигача сув қилиб ичиб юборган! Мажлисларни қулиб-ўйнаб олиб боряпти.
Ҳар қандай фикрни айтишдан чўчимади. Бугун эрталабки режамажлисимизда “Ўқиш,
ўқиш ва яна ўқиш” деган шиор ҳеч қачон эскирмайди, деб қолди. Кўркмай гапирганини
қаранг! Унинг айтишича, одам фикрининг олдига тўсиқ қўймаслиги лозим экан! Бу тўсиқ
эса эринчоқликдан ёки кўрқидан келиб чиқар экан! Ўқиган, билимдон одам эса кўрк-
мас экан! Зўр гап-да, Жамилахон! Айниқса, раҳбардан эшитсанг, алоҳида жаранглайди-
да, а? Яна бир гапи... Ишга ва ҳаётга кўнглили бўлиб ёлланмоқ лозим экан! Ўшанда ишга
ҳам, ҳаётга ҳам қўл бўлмас экансан... Э, зўр одам экан бу Даврон Исмоилович!

Жамила куйиб-пишиб рахбарнинг “зўр”лигини исботлаётган Шодмонбековнинг шаштини ўлдирмаслик учун суҳбатга чўғ ташлади.

– Мажлисда шеър ҳам эшитибсизлар!..

– О!.. – доим ҳазиллашиб гапирадиган Шодмонбеков жиддий тус олди. – Навоий ҳазратларидан ўқиди, онам! Ҳазратимнинг ўзларидан ўқиди. Мен Навоийни ёд биладиган рахбарни биринчи кўришим! Ўзимча Навоий бизга ўхшаган ғарибларга тегишли экан-да, деб гамхаёл суриб юрган эдим! Кўнглим ўсди!.. Ажойиб одам экан! Энди роҳат қиламиз! Ёйилиб ишлаймиз!.. Хайр, онам!..

У ғайрат билан коридордан уч-тўрт кадам ташлади-да, бурилиб улгурмаган Жамиланинг ёнига қайтиб келди.

– Юраги нозик одамга тез кўз тегади! Шу одамнинг ҳам юраги жуда нозик экан! Кўз тегмасин!

Жамила Ғафуровна Шодмонбековнинг тўлиб-тошишларига кулиб қараб турди. “Яхши одам, шу Шодмонбеков, – ўйлади у негадир қувониб. – Биров учун куйиб-пишишини қаранг!”

Хонасига кириб ўтирар-ўтирмас, гул-гул очилиб, ғазначи Ёқутхон кириб келди.

– Келдингизми, опажон! – Кечаги хабарини яна янгиликдай такрорлади Ёқутхон. – Сизни сафарга жўнатиб, ўзгаришлар қилиб юбордик!..

Бировни ерга уришда ҳам, макташда ҳам ҳеч ким аёлларга тенг келолмайди. Ерга уришса, қора ернинг тагида мўлтираб ётаверасан – қайтиб ёруғ дунёни кўрмайсан; макташса, етти қават осмонга олиб чиқишади – ташлаб юборишмаса, қушдай учиб юраверасан! Ёқутхон оғзидан бол томиб, янги рахбарни макташга тушди. Вой, опажон, ундай одам экан! Вой, опажон, бундай одам экан!.. Жамила аёлларнинг бу тахлит гапларига кўп эътибор бермайди. Бунинг устига, иши кўп! Аммо ҳозир макталаётган одам рахбар-да! Бевосита у билан ишлашига тўғри келади. Шу сабаб эшитди. Ғазначи эса мактов шиддатида рахбарни фалакка кўтариб кетяпти! Даврон Исмоилович осмон сари учиб кетаётганини билмасдан, қайсидир бир мажлисда жиддий тарзда ўтирганини кўз олдига келтириб, Жамила Ғафуровна жилмайди.

Бу орада эса Ёқутхоннинг барқ уриб турган юзида ташвиш аломатлари кўринди.

– Аммо ҳар тўқисда, бир кам деганларидай, опажон, – деди у овозини пасайтириб. – Шу одам ҳам бахтсиз экан!

Булар қаердан билади? Рахбарнинг ишга чикканидан бир ҳафтагина ўтганми, йўқми...

– Нега бахтсиз бўлади?

– Билмайман-да, Жамила опа! Билсам, сизга айтмасмидим...

У ичидагининг ҳаммасини айтишдан бор кучи билан тийилиб тургани шундоқ билиниб туради. Аммо бу куч шу заҳотиёқ тугади:

– Хотини ёмон бўлса экан, опа! Қайси бахтсиз эркакни кўрсангиз билингки, хотинини Худо урган! Айтишларича, у киши хотини билан беш йилдан буён бирга яшамас эканлар... Хотини бир ёмон иш қилган дейишади! Энди шу шарманда “ажралмайман” деб туриб олганмиш, опа! Ёмон хотин – ёмон-да!

Ёқутхон эркакларнинг бебахтлигини чуқур ҳис этганидан, бирдам жимиб қолдида, сўнг аллақандай орзумандликда энтикди:

– Даврон Исмоилович шундай яхши одам экан!.. Шундай яхши одам экан!..

– Бирга ишлайверсак, – деди Жамила Ғафуровна суҳбатни яқунлаш пайти етганлигини ҳис қилиб. – Кимлигини билиб олаверамиз!

Бу тунги уйку фақат тушдан иборат бўлди. Аммо қизил гул тушига кирмади. У қизил гулни излаб, дашту қирларда сарсон-саргардон кезди. Бирок вужудию руҳига беаёв ҳасрат сочиб, туткич бермайдиган рўё тушини тамом тарк этгандай эди! У

тентираб, тонггача югурди. Гуллар каерда колди? Гуллар! Қизил гуллар! Эй!.. Энди бу сарсонликка кучим етмаяпти! Қаердасан?..

Тонг отганда эса аллақандай бахтиёрликда уйғонди. Ва ногоҳ ётоқхонасида ўша гулларнинг бўйи элас-элас анкиб турганини сизди. Негадир бахтдан тўликиб, кўлларини юзига босди. Вох! Ўша гулларнинг хиди! Кўлларида ҳам ўша гулларнинг хиди! Худойим, бу қандай кўрим?

Ташқарига чиқди. Ташқарида ҳам ўша бўй!

Аёл гул бўйларига ўралиб, ишхонага жўнади.

Шошиб жўнади.

Бироз ҳаяллаб қолса, нимадир кетиб қоладигандай бесабр ошикиб жўнади.

Жамила Гафуровна ишхонага кирганда, гулларнинг бўйлари кучайганини сизди. Хаяжондан лаблари қақраб, юраги тез-тез ура бошлади. Жисмида эса аллақандай безовта фароғат жунбуш урар, бахту саодатга ўхшаш бир туйғунинг шуъласидан кўнгли ёп-ёруғ эди.

– Вой, опа-а-а!.. – деди коридорда қаршисидан чиққан Ёкутхон чиндан хайратланиб. – Бунча чиройли бўлиб келяпсиз! Юзингиз нурланиб турибди-я! Вой, опа-а! Атирингиз ҳам антиқа! Бунакаси бу оламда йўқ! Вой, опа-а-а!..

“Бунакаси” бу оламда қайдан бўлсин! Ахир, бу бўйлар тушдан!.. Ўша кип-кизил гулларнинг хиди!

Жамила Гафуровна ғазначи билан шўху шодон кулиб сўрашди-да, хонаси томон йўналди.

Хонасига яқинлашгани сари бу мастона бўй тобора куюклашиб бораётганини туйганча, кўллари қалтираб қулфга қалит солди. Эшикни очди-ю, бир сесканиб тўхтаб қолди.

Вой, Худойим!..

У эшикни беихтиёр қайта ёпди. Юраги ёрилгудай урар, вужудини титроқ босган эди.

Вой, Парвардигор!..

Ростдан ҳам...

У тақдир дарвозасини очаётгандай эшикни авайлаб қайта очди.

Стул устидаги бежирим гулдонда бир даста кизил гул барқ уриб турар эди.

Келдингми?

Шу ердამисан?

Гулларингни хонамга

кўйиб,

каерларга кетдинг?

Кел!

Кел!

Ҳозир

сени кўрмасам,

соғинчдан ўлиб қоламан!

Соғинчда ўлиб қолмасимдан, кел!

У хаяжондан тўлғониб, хонасига кирди. Мана, ўша тушларидаги гуллар! Кип-кизил гуллар! Тушларини кезиб-кезиб, охир хонасигача етиб келган гуллар!..

Аёл бесабрликнинг тошқин ҳаракатларини енгиб, гўё гулдаста учиб кетадигандай унга беозор бир ҳаракатда кўл узатди. Гулларга бармоқлари текканда, бир ажиб безовта фароғат бор-йўғини қамраб олганини хис қилди. Гулларни икки кўллаб

охиста тутиб олди-да, авайлаб бағрига босди. Воҳ! Нақадар муаттар бўй! Ўша – тушидан таралиб, уни девона этган соғинчнинг бўйи!.. Гулларинг мени топиб келди, азизим! Ўзинг қаердасан? Ўзинг?..

Ногаҳон эшикда ҳовликиб Ёқутхон кўринди.

– Опа, телевизорни кўйинг!

У бағрига гулларни босганча, анграйиб қолган Жамила Ғафуровнага парво қилмасдан, тошқин ҳаракатда стол устидаги телемурватни олди-да, шошиб, бош ҳисобчининг қаршисида ўрнатилган телевизорни кўйди.

– Каттамизни кўрсатаяпти, Жамила опа!.. – деди Ёқутхон ҳаяжонланиб, керакли канални топар экан. – Даврон Исмоиловичи!..

Ёқутхон ёришган экрандан кўз узмай, ногаҳон бахтни топиб олган одам каби қувончли овозда бидиллади:

– Опа, қаранг! Қаранг! Вой! Бунча чиройли одам! Вой! Қандай одам-а!..

Жамила Ғафуровна гулларни бағрига босганча, тушу хуш оралиғидаги бир ахволда тик турар; кўзи экранда бўлса ҳам, ҳеч нарсани кўрмасди.

Ёқутхон унга ўгирилиб қаради.

– Опа!..

Жамила Ғафуровна ноҳос уйқудан уйғонган одамдай сесканиб ғазначига қаради:

– Нима, Ёқутхон?

– Жамила опа, сизга нима бўлди? Телевизорга қаранг!.. Даврон Исмоилович!

Жамила Ғафуровна оғриниб экранга кўз ташлади.

Экранда келишган, ниҳоятда келишган одам нималарнидир гапирар, қаршисидаги машҳур телебошловчи кизгина эса юзини табассумга тўлдирганича, унинг гапларини маъқуллаб бош қимирлатар – одатда, бир қарашданок сезиладиган сохта эътибори бу сафар ниҳоятда ҳақиқийга ўхшарди. Даврон Исмоилович деганлари эса, аллақандай ўзига ярашиқ виқорли самимиятда нималарнидир кўтаринки кайфият билан тушунтириб турар эди. Шу кишими?.. Барча оғзидан бол томиб мактаган раҳбаримиз шу кишими?..

– Вой!.. Опа!.. Қаранг, опа! Шундай эркаклар бор-а! Ақлини қаранг! Гапларини! Бундай сўзлари қаердан билади, а?

Ёқутхон кўзлари ёниб, экрандан нигоҳини узмайди.

Жамила Ғафуровна Ёқутхон тезроқ телевизорни ўчириб, хонадан чиқиб кетишини истайди. Нега у кетмайди?

– Опа!.. Қулоқ солинг!

Бу орада телебошловчи кизгина гапира бошлайди.

– Раҳмат, Даврон Исмоилович! – дейди у бисотидаги сурурли бир ифодани абжирлик билан юзига қўндириб. – Янги соҳадаги ишларингизда муваффақият тилаймиз! Энди мавзунини озгина ўзгартирсак... Биз сизни адабиёту санъатнинг муҳлиси сифатида ҳам яхши биламиз. Ҳатто, гарчи соҳангиз бошқа бўлса ҳам, адабиёт ҳақида ёзган мақолаларингизни ўқиганмиз. Айниқса, шеърятни яхши кўрасиз. Келинг, шу суҳбатни ноанъанавий тарзда яқунласак. Томошабинларга бирор шеър ўқиб бермайсизми?

Экрандаги одам тараддудланмайди, фақат бироз тин олади.

– Бир шеърни яхши кўраман... Ёшлигимда ўқиганман. Муаллифнинг исми ҳам хира-шира эсимда қолган: назаримда... Боки Бек бўлса керак. Унинг шеърларини кейин ҳеч учратмадим...

У шеър ўқий бошлайди. Аммо Жамила унинг шеър ўқийётганини ҳам англамайди. Уф!.. Нега гапини чўзгани чўзган? Тезроқ гапини тугатиб, уни Ёқутхондан қутқазса-чи!

Аёл бетоқатлик билан, аммо Ёқутхоннинг истагига бўйсунганча, телевизорга тушунмай термилади ва... бирдан хушёр тортади. Бу овозни қаерда эшитган эди? Қаерда?.. Нима? “Қизил гул”, дедими? “Бир даста кизил гул”, дедими? У ақлу хуши сачраниб, телевизорга қарайди. Экрандаги одамнинг ҳар бир сўзи унга энди яққол эшитила бошлайди:

– ...*Бир даста қизил гул бизни ўртагай,
Бир даста қизил гул – бир даста армон.
Қисмат айрилиққа тошдай ўрнагай,
Азалнинг ёзмиши согинч – беомон...*

Жамила Ғафуровнанинг вужуди баногоҳ урилган хаяжон мавжида тўлғонади. Воҳ, нега дарров билмади? Ахир, ўша овоз! Ўша!.. Ўша тушларидаги шеър!..

– *Тақдир қайлардадир милтирар элас,
Умр хушдан кетар, чалкашар йўллар.
Тушларимдан түшиб сенга етолмас
Сенга атаганим қип-қизил гуллар...*

Аёл экрандаги одамга хаяжонда қалтираб қарайди.

Сенмисан?..

Келдингми?..

Сен шунакамисан?..

Тележувон нималардир дейди. Даврон Исмоилович ярашиқ бир табассум килади. Кўрсатув тугайди.

– Опа, шеър ўқиганини кўрдингизми? – дейди орзиқиб Ёқутхон, бошлиқ яна қайтиб чиқадигандай, телевизордан кўз узолмай. – Қандай ажойиб одам! Вой, қарасам, кўз ололмайман-а!.. Опа, гулларни нега кучоклаб турибсиз! Менга беринг!..

У Жамила Ғафуровнанинг кўлидан гулни олади-да, хидлаб кўради.

– Вой, хидини қаранг!

Сўнг бошлиғига негадир хавотир ичида қарайди:

– Опа, хиди аtringизнинг ўзи-я...

У жиддий тортиб, гулларни вазага қўяди. Сўнг титраб-қакшабгина турган аёлга юзланади.

– Сизга нима бўлди? Мазангиз йўкми? Рангингиз ҳам оқариб кетибди.. Вой, ўлай! Ўтиринг, ўтиринг!..

Жамила Ғафуровна хонага кирганидан буён тик турганини англайди. У зўриқиб, жилмаяди-да, стулга чўқади.

– Опа, дори керак эмасми?

– Йўк, – дейди тетик ва бахтиёр кўринишга ҳаракат қилиб Жамила. – Йўк, сизга шундай туюлгандир... Бораверинг, Ёқутхон!..

Аммо юрагида ноҳос пайдо бўлаётган мантикнинг зўридан зўриқиб, бурилиб кетаётган ғазначини шошқин бир талвасада тўхтатади:

– Шошманг... Сизга телевизорни қўйишни ким айтди?

Ёқутхон бу гапни ўзича тушунади.

– Ҳеч ким... – дейди у қарахтланиб. – Нима, телевизорни бекор қўйдимми, опа?

– Йўк, йўк... Раҳмат! Раҳмат!..

Ёқутхон яна бош ҳисобчига синчиклаб тикилади.

– Дори керак бўлса, – дейди у қандайдир хулосага келиб. – Кўнғирок қилинг, опа.

Газначи чикиб кетиши билан стол устидаги телефон жиринглайди. Жамила Гафуровна тушдан илкис уйғонгандай сесканиб, трубкани олади.

– Алло...

Жасминанинг овози! У намаларнидир гапиреди. Жамила тушунмайди.

– Нима? Яна кайтаринг, Жасминахон! А? Қачон? Бошлиқ сўраяпти? Ҳозирми? Мен билан танишмоқчи? Ҳозир бораман! Ҳозир!..

Аёл боши ловуллаётганини, томоғи нимадир хапкириб тикилганини, лаблари қовжираб қолганини сезади. Дунёда ҳаво қолмаётгандек, антикиб-энтикиб нафас олади. Ўзини суянчиққа ташлайди. Парвардигор! Ўша... Бу гулдастани ўша олиб келган! Эрталаб ҳеч ким йўқ пайтда келган-да, гулларни қўйиб, чикиб кетган. Энди эса “кел” деб чорлаяпти! “Кел” деяпти!.. Ногоҳ ичида гуч бўлиб, портлай деб турган аллақандай куч уни силкиб, фалакка – осмонлару чексизликлар сари отмоқчи бўлаётганини хис қилади. Ўша... Ўша... Тушларидаги одам... Сапчиб ўрнидан туради-да, ташқарига отилади.

Жамила Гафуровна ичкарига кирди-да, тўрдаги стол ортида ҳозиргина телевизорда кўрган одам алланималарнидир чаккон ёзиб ўтирганига кўзи тушди. Аёл бечас энтикиб, унга қаради ва вужудининг ҳар бир хужайраси билан бу одамни таниди. Ўша!.. Ўша!.. У ҳозир нималар бўлишини билмас, аммо вазни тамом йўқолиб, оёғи ердан узилганини шундоқ фахмлади. Даврон Исмоилович эса, кабинетига кимдир кирганини сезган бўлса ҳам, бош кўтармай, “ҳозир-ҳозир” деганча, ёзгани-ёзган эди. У охири ёзишдан тўхтаб, қоғозга бир зум термилиб турди. Ниманидир тузатди. Сўнг қоғозларни бир четга суриб, шашт ўрнидан кўзгалди-да, юзига табассум ёйилиб, аёлга томон юрди. Узун хонанинг ўрталарига етганда, илк бор аёлга эътибор бериб, тик қаради ва гўё йўли ногахон шарт кесилгандай тўхтади. Унинг юзида табассум ўча бориб, ногахон хайратнинг қарахтлиги томон кўчди. Саросималанди. Нимадир демोकчи бўлди-ю, тили сўзга келмади. Фақат қўллари ноиложликдан бетартиб ҳаракат қилди. Бундай пайтда кўмак берадиган расмий муомалаю мулозамаат бир зумда кайларгадир ғойиб бўлган, фақат рости чин сўзлар қолган эди.

– Сиз билан бир танишай деб... неча кундан буён йўқлайман... – деди у зўрикиб ва овози ниҳоятда ҳасратли эканидан ўзи таажжубга тушиб. – Келдингизми?..

Жамила бу овозни яна таниди. Ўша – овоз! Ўша!.. Тушларида уни саргардон этган – бир даста қизил гулга етказмай, интизор югуртирган армон...

– Келдим, – деди аёл овозлари ўзи ҳам билмаган осмонларидан етган дарддан қалтираб. – Келдим...

У бу гапининг оҳанги Даврон Исмоиловични ҳам қалтиратиб ўтганини сезди. Бошлиқ нажот сўрагандай у ёқ-бу ёққа қаради. Юрагини ногоҳ шовуллатган туйғу селидан омонлик йўқдай, жавдираб аёлга тикилди:

– Ниҳоятда чиройли экансиз... – деди у тўсатдан. – Тушдан тушгандайсиз...

Жамила Гафуровнанинг хапкириб турган юраги баттар музлаб кетди. Бу одам ҳам ўша тушни кўрган! Аниқ. Бўлмаса... У фикрини охирига етказолмади.

– Сиз ҳам!.. Сиз ҳам!.. – деди у шошқин бир ўртанишда.

Иштиёр тизгини қўлдан чиққан эди. Аёл бу беихтиёрлик бундан сўнг тақдири эканлигини, бу тақдир уни қайга бошласа, кетаверишини бору йўғи билан бирдан англади.

Ёқутхоннинг ишхонага у-бу нарса олиб келиб, аёлларга сотадиган одати бор. Опам олиб келди, дейди. Айтишича, опаси сайру томошага ўч – гоҳ Туркия, гоҳ Хитой, гоҳ Вьетнамни ихтиёр этадиган одати бор экан.

Шаҳарнинг бозорларию дўконлари кийим-кечакка тўла бўлса ҳам, ишхонадаги аёллар негадир Ёқутхон келтирган кийимларни талашиб-тортишиб олишади. Чунки бу савдонинг қулайлиги бор – пулини бўлиб-бўлиб тўланса ҳам бўлаверади. Қолаверса,

аёл зоти кийим деса ўзини тутиб туrolмайди: бирови либос харид килса, бошқаси ҳам – оламдаги барча кийим-кечак эртага ёниб кетадигандай – ташланади. Ёқутхон “мол” олиб келгани зумда хоналарга тарқалади. Аёллар ҳамма ишларини ташлаб коридорга отилиб чиқадилар-да, ҳисобчилар хонаси тарафга ҳовлиқиб жўнайдилар. “Тавба, буларнинг кийими йўқдай-а”, дегич эди, бундай пайтда раҳматли Олим Жўраевич. “Афсуски, бор-да”, деб аския илдирарди Шодмонбеков. Барибир аёлларнинг – қўллариди харидлари – кўзлари ёниб, қувониб, бир-бирларига қумрилардай чулдираб – хона-хоналарига тарқалишлари қўнгилларга ҳам ажиб бир тароват тарар – эркаклар мамнуният самимий табассумда, уларни “ўлжа” билан қутлашар эди.

Бугун эрталаб ҳисобчилар хонасида яна Ёқутхоннинг “кўчма” дўкони фаолиятини бошлади. Столларнинг усти дўкон пештахталарига айланган – туфлилару этиклар, кўйлақлару плашчлар, ички кийимлару устки либослар териб қўйилди. Аёллар бунисини олиб, бунисини танлаб кўришяпти.

Бундай пайтда ҳисобхонага қорасини ҳам кўрсатмайдиган Муяссар Қодировна ҳам бу сафар ногоҳ эшикда пайдо бўлди. Чувуллаётган аёллар унга кўзлари тушгач, бирдан жим бўлиб қолди.

– Келинг, опа, – деди Ёқутхон, овози пасайиб.

У далли-ғуллилиқни бирпасда унутиб, хатарни сезган жонивордай Муяссар Қодировнага қаради. Ходимлар бўлимнинг бошлиғи вазифаси доирасидан чиқиб, буй малашган бозорга келиб қолганидан уялгансимон, ковушмайгина ичкарига кирди.

– Бирор нарса керакми, опажон, – деди жавдираб Ёқутхон.

Опа ҳадиксираб, “пештахта”лардаги молларга назар ташлади.

– Менга... – деди Муяссар Қодировна эркаклар орасида ички кийимдан гап очишга мажбур бўлган аёлдай кизариниб. – Этик керак эди...

– Бор! Бор! – деди Ёқутхон, опанинг кунига яраганидан қувониб. – Уч хил этик бор! – У энг бежирим этикнинг бир пойини олиб, шоша-пиша опага кўрсатди. – Мана! Энг сўнги мода! Ҳозир Тошкентда ҳеч ким бунақасини кийгани йўқ!

Муяссар Қодировна этикни қўлига олмай, аммо унга синчиклаб, ниҳоятда синчиклаб қаради. Аёлларнинг назарида, бечора этик кичрайиб бораётгандай туйилди.

– Йўқ, – деди харидор ийманибгина. – Бу жуда олифта экан... Менга сал одмироғи...

Ёқутхон чакқонлик билан бошқа этикни бир пойини олди-да, кўз-кўз қилди.

– Мана, бу – сиз айтган этик! Қаранг! Пишиқ! Ўн йил тепкилаб кийса бўлади.

Опа яна ўша қарашда этикка тикилди. Кўнглига ўтиришди, шекилли, қўлига олиб қаради.

– Кийиб кўринг, Муяссар опажон! Ўтиринг... – деди ғазначи ясама жонкуярликда, чакқонлик билан стулларнинг бирини у томонга суриб. – Ўтиринг...

Муяссар Қодировна Ёқутхоннинг жон куйдириб, айланиб-ўргилаётганига парво ҳам этмади, фақат – мана шу аёллар қаторида савдолашиб турганиданми-ей – яна кизаринди.

– Размери неча?

– Ўттиз еттинчи...

– Кичик экан, – деди у афсусланиб. – Менинг оёғим ўттиз саккиз...

– Ўттиз саккизи ҳам бор, опажон! – деди Ёқутхон “опажон”ига ёкишга астойдил уриниб. – Бор! Фақат опамнинг уйида-да! Эртага олиб келаман!

Муяссар Қодировна бир пой этикни Ёқутхоннинг қўлига бўшашибгина тутқазди-да, индамай ташқарига йўналди. Аммо остонадан ҳатлабоқ тўхтади. Бурилиб, Ёқутхонга юзланди. Олди-берди маҳали бўшашган аёллар яна хавотирли сукунатга чўқдилар. Савдодан халос бўлган ходимлар бўлимнинг бошлиғининг туришида, юзида, кўзида эса дунёни тош тартибга солувчи расмиятнинг қатъияти яна қалққан эди.

– Ёқутхон, – деди у барчани хайкиртирадиган хос овозида. – Этик масаласини шу бугун хал қилайлик. – Сўнг ҳаммага қарата хитоб этди: – Сизлар ҳам олди-сотдиларингни тезроқ қилинглар! Давлатнинг иши қараб турмайди!

Муяссар Қодировна Ёқутхондан жавоб ҳам кутмасдан, ортига бурилди. Унинг оёк овози коридорда эшитилмай қолгунча, барча кимирлолмай турди. Охири кимдир “уф” тортиди. Бирпас қарахтланиб қолган “бозор” ўзига келиб, ҳамишаги қизғин савдосига киришиб кетди.

Этикнинг ҳам падарига лаънат! Келиб-келиб шу Муяссар Қодировнанинг этик кийгиси келадими? Юрмайдими алмисокдан қолган пойафзалини судраб! Шунча овора қилгани қолди! О, келгунча кўргазган нағмаларини! Аввал таксида бормай-миз, деб туриб олди; сўнг метродан кўркаман, деб ваҳима қилди; маршрутқа бечора эса тор экан, ҳаво йўқ экан... Неча автобусларда сарсону саргардон – нари борса ўн беш дақиқалик йўлни, нақ бир ярим соатда босиб – чарчаб-терлаб манзилга етдилар. Худди биров елкасига милтиқ тираб олиб келгандай, ковоғини солганча, у этикни, бу этикни кийиб кўрди, аммо ёқтирмади – биттаси тор экан, биттаси кенг экан; бировининг тумшуғи сўппайган чиқди, бошқасининг ранги мурданинг рангига ўхшаш!.. Ҳа, худди шундай деди! Шундай совук айтдики, бечора этик ҳам ўзининг рангидан ўзи кўркиб юраги ёрилгандай, кўнжлари аста осилиб тушди. “Жони йўқ бир нарса экан”, деди Муяссар Қодировна унинг бу холига ижирганиб қараб. Ёқутхоннинг опаси қулибгина этикнинг тарафини олмоқ бўлиб, оғиз жуфтлаган эди, бироқ опaxonнинг қахрли қараши забтига дош беролмай, довдираб, ногоҳ тоқдан узилган радиодай ўчиб қолди. Хуллас, барча этик бракка чиқди. Ў-ҳў! Кимсан Муяссар Қодировнага пойафзал бўлиш осонми? Аммо олмагани ҳам яхши! Этиклар Ёқутхон билан бир ишхонада ишлаганларида эди, бу аёлдан қутулганларига минг бир шукрона айтиб, элга худойи берган бўлар эдилар!

Мана, энди Ёқутхон уни кузатгани олиб чикаяпти. Опанинг ковоқ-тумшуғи етмагандай, ташқарида ёмғир ҳам бошлаб юборган – эндигина тушган шом қоронғилигини оралаб, майдалаганча, беовоз, кўрка-писа ёғаяпти. Бошқача ёғиб кўрсин-чи! Аммо Муяссар Қодировнага ёмғирнинг шу ёғиши ҳам малол келгандай, унга парво қилмай шиддат юришда бекат тарафга кетяпти. Ортидан келаётган Ёқутхонга бурилиб ҳам қарамайди. Опадан таралаётган аллақандай оғирлик ҳавони қуюқлаштирган – Ёқутхоннинг нафаси бўғзидан аранг ўтади, оёқларини зўриққанча кўтариб босади. Бу балога йўликкур ҳавони ҳам бир бало қилди! Ҳозир дунёни ҳам тошга айлантиради. Илоё, этик оламан деган хаёлларинг чириб кетсин! Юрак-бағирни қонга тўлдириб юборди-я!

Дунёни кўрқитганча олдинда йўртаётган Муяссар Қодировнанинг ортидан Ёқутхоннинг ҳасратидан дуд чикиб йўрғалайди. Аммо қутилмаганда опа секинлайди ва кўчанинг нариги бетиға тикилган кўйи, тезлигини йўқотганча, имиллаб тўхтайди. Ёқутхоннинг юрагига ногоҳон совуқ бир ваҳима ёпишади. У ҳам аввал кўчанинг нариги бетиға, сўнг опаға ҳайрон қарайди:

– Опа? Ҳа?.. – дейди у негадир овози қалтираб. – Нима бўлди?

Муяссар Қодировна аёлнинг саволини эшитмайди, балки ёнида турганлигини ҳам унутган – кўчанинг нариги бетидан кўз узмай, сеҳрланган каби туради. Ёқутхон опаси тикилган тарафға қарайди. Ҳар куни кўриб юргани бинолару дарахтлар ёмғир аралаш бу шомда аллақандай сирли кўриниш олган – реклама чироклари рангоранг товланади, шишадевор дўконлар бағридан нур тараб яраклайди, турфа идора иморатларининг мраммар қадди-қоматлари ғира-шира ялтирайди, одамлар йўлқадан шарпалардай ўтади. Мошинларнинг бири тўхтаб, бири қўзғалиб – кўчада шовул-

лаб оқаётган автомобиллар оқимига кўшилиб кетяпти. Барчаси, барчаси ёмғирнинг ним тумани ичида... Нима бўлди? Ёқутхон опага яна бир қараб олади.

– Нима бўлди?

Опа жавоб бермайди. Кўзлари кўчанинг нариги бетига – бир нуктага тикилган, юзида ажабтовур ҳурмату иззат ифодаси аралаш нохуш бир кизиқиш... Ёқутхон Муяссар Қодировна кўз узмай турган нуктага синчиклаб тикилади ва пештоқига ёнарғул харфлардан “Гулузорим” деб ёзилган ресторан рўпарасида – кўнғиздай қоп-қора машинанинг ёнидаги эркакка кўзи тушади. У энгил плашчининг ёқасини кўтариб олганча, бир жойда қаккайиб турибди. Аммо бу эркакдан таралаётган аллақандай интизор кувонч шохкўчани тўлдириб оқаётган мошиналар оша юзига уриллаётганини аёл сезади. Бу кувонч шабадаси унинг вужудига оқиб қиради-да, Муяссар Қодировна туфайли кўнғиздай пайдо бўлган ғашликка аралашиб – аллақандай хавотирга айланганини ҳам ҳис қилади. Ёқутхон эркакни таний бошлайди.

– Опа, Даврон Исмоилович-ку... – дейди бирдан кувониб ва ўша заҳотиёқ бу одам Даврон Исмоилович чиқишини истамаётганини англайди.

Опа жавоб бермайди.

Икки аёл эркакдан кўз узмай турадилар. Ногаҳон эркак бирдан жонланади. Кимгадир қўл кўтариб, ўзи қаерда эканлигини билдиради ва шашт ҳаракатда мошина эшигини очиб бир даста кизил гул олади. Бу гулдаста олисдан қаттақон бир гулга – аллақандай сеҳр билан ҳавода ушлаб турилган бир уюм қонга ўхшаб кўринади.

– Вой! – дейди сесканиб Ёқутхон ва шу зумда хаёли чалғийди.

Унинг кўзи эрка бир юришда, ҳар бир ҳаракатидан бахту иқбол тараб Даврон Исмоиловичга яқинлашиб келаётган аёлга тушади. Тушади-ю, юраги ҳапқириб кетади. Жамила Гафуровна! Жамила Гафуровнанинг ўзи! Вой, ойдай балқиб гулдастани олишини қаранг! Гулларни ҳидлашлари, юзлари билан силлашлари, бағрига босишлари қандай чиройли! Гулларга бунча ярашмаса бу аёл! Эркак ва аёл бир-бирларига нималардир дейишади, кулишади, сўнг етаклашиб, ресторан тарафга йўл олишади. Ресторандан кимдир шошилиб чиқиб, уларга пешвоз келади. Қўлларини кўксига кўйиб, ичкарига таклиф қилади. Эшиқоға тавозе билан эшик очади. Ярашиқ бир юришда Жамила Гафуровна, сўнг Даврон Исмоилович ичкарига қиради... Ёқутхон улардан уфуриб, бутун дунёни тутган аллақандай мастона бахтиёрликнинг бўйини туюб, бутун вужуди билан энтикади.

– Яшамагурлар!

Бу вишиллаган овоздан Ёқутхон чўчиб тушади. Вой, Муяссар Қодировна ҳам шу ерда-ку! Вой-ей!.. Энди нима бўлади?

Муяссар Қодировнанинг юзида қаҳру ғазаб – дунёни тартибга келтирадиган, кўшинларни жангга ташлайдиган, халқларни балоларга дуч эттирадиган, ёлғонни рост, ростни ёлғон этиб кўрсатадиган – ҳеч нарсадан тап тортмайдиган – аллақандай бир кўркинчли расмий ироданинг шашти акс этган.

– Опа!..

Муяссар Қодировна Ёқутхонга бурилиб ҳам қарамайди. Ҳамон ресторанининг эшигидан кўз узмай турибди. У ичида буралиб келаётган ғазабнинг забтига тоб беролмай, яна вишиллайди:

– Буларни қилиб юрган ишини! Ер ютгурлар!.. Бузуқлар! Даврон қилиб юришларини қара! Бу ишни бундай кўйиб бўлмайди!.. Давлатнинг идорасини наҳсга бо-тиришади!..

Ёқутхон ходимлар бўлимнинг бошлиғи бу қадар жунбушга келганини ҳеч қачон кўрмаган эди.

– Опажон!.. – дейди Ёкутхон негадир ёлвориб.

– “Опажон” ламанг! Даврон Исмоиловични хотини бор-а! Йўк, бу ишни бундай кўйиб бўлмайди! Шармандалар!

У ҳозир пулемёт амбразурасига ўзини ташлайдиган жангчи каби, мислсиз бир шиддатда, бекат томонга юради.

Шодмонбеков шахар хокимлигида идоранинг юмушларини битириб, тушликка озгина колганда, ишхонага келади.

Панжараларга бош уриб, қатор турган автомобиллар орасига машинасини жойлаштиради-да, ишхонанинг дабдабали эшигига олиб борадиган, икки четида гўё тавозе билан “Хуш келибсиз” дея, қатор арчалар тизилган кенг йўлкага бурилади. “Хурматларинг учун раҳмат!” деб кўяди у ичида, қатор турган дарахтларга қараб. Ўзининг бу ҳазилидан юзига табассум ёйилади. Ҳар хил шакл бериб ўстирилган турли-туман гулларга ҳам кўз кисиб кўяди! Чиройлисизлар, дейди у, чиройли!.. О, дунё қандай яхши! Гуллар! Дарахтлар!.. Воҳ, буларнинг куз келганини сезмаганга олиб, яшнаб туришлари!.. Аммо... Бу нимаси? Бу оғирлик қаердан келди? У тева-ракка безовталаниб қарайди. Атрофга ажабтовур – кўнгилга қандайдир ғашлик со-ладиган сукунат чўкканини ҳис қилади. Шодмонбеков тўхтаб, яна теваракка назар ташлайди. Дарахтларнинг бирор барги кимирамас, шамоллар аллақайларга бош олиб кетгандай... Сукунат ҳам бежон – ноҳос юраги ёрилиб йиқилган каби – панжа-ралар ўраган боғу ҳовлини баҳайбат гавдаси билан тўлдириб ётар, ундан таралаёт-ган тушунуксиз диккинафаслик бор ҳавони ютиб кўйгандай... Ҳатто ишхонанинг ҳамиша кадрталаб салобатли иморати ҳам негадир қарахтланган, гўё аллақандай баҳайбат махлук ногаҳон унинг юзига шапалок тортиб юборган каби гангиб ту-рибди. Эшик олдида ҳам ҳеч ким кўринмас – аллақандай куч бу жойда ўралашиб турадиган ходимларни хона-хоналарига қувиб юборгандай...

Шодмонбеков нафас ололмай ютинади. Бу нимаси?

Шу пайт ишхона эшигида Жамила Ғафуровна кўринади. Шодмонбеков унга кўзи тушган заҳотиёк фожиа юз берганини ҳис қилади. Аёл аллақандай бужмайиб, кичрайиб, хўрланганнамо – ўзинию дунёни унутиб, бир афтода аҳволда зиналардан туша бошлайди. Чап қўлидаги харир шарфнинг бир учи ерга судралиб келяпти. Жамила Ғафуровна бу дарахтларни, гулларни, ишхона ҳовлисини, зиналарни, ҳатто Шодмонбековни ҳам кўрмагани, сезмагани аниқ эди! Унинг сочлари тўзгиган, юзлари юмдаланган, кўйлаги устидан кийгани костюмнинг бир ёкаси чокидан сўкилган... Шодмонбеков энди теваракдаги сукунат нега бежонлигини бирдан ан-глайди. Шундай аёл бу аҳволга тушганда жон қоладими! Шундай аёл! Кимнинг ҳадди сиғди? Кимнинг?

– Онажоним... – дейди Шодмонбеков бехос аёл яқин келганда ва овози хириллаб чиқаётганини, томоғига йиғи тикилганини ҳис қилади. – Онажоним! Нима бўлди?

Жамила Ғафуровна унинг сўзларини эшитмайди, ҳатто уни кўрмайди ҳам; Шод-монбеков аёлнинг рангида ранг йўқлигини, юзи беҳад – мурданикидай – безариб кетганини кўриб, сесканиб кетади... Воҳ, осмон ўйилиб ерга тушган! Бўлмаса, бу аёлнинг рангу рўйи нега мурданикидай оқаради? Қаттик хўрланибди! Қаттик!.. Шундай аёлни ҳам хўрлаб бўладими? Ким уни тириклай ўлдирди? Ким?

– Жамилахон!.. Онажоним!

Аёл вайронлик қуршовида – теваракка фожиянинг мудҳиш бўйини тараб, Шод-монбековнинг ёнидан ўтиб кетади. Энди унга бу дунё барибирлигини эркак сезади.

Шу пайт ишхона эшигидан ўқдай отилиб Ёкутхон чиқади.

– Опа!.. Жамила Ғафуровна!..

Ғазначининг кўлида сумкача, изиллаб йиғлаганча, зиналардан зувиллаб тушади.

– Опажон! Сумкангиз қолиб кетибди! Опа!..

Жамила Ғафуровна Худо урган одамдай гунгу кар – Ёкутхонни эшитмай, ишхона ховлисининг кўча эшиги томон телбавор бир бехушликда кетиб боради. Бу пайтда Жамила Ғафуровна кўча дарвозадан чикиб, кўздан пана жойга – панжаралар ортида тиғиз килиб экилган арчалар ортига бурилиб улгурган, Ёкутхон ҳам унинг ортидан чопкилаб югурганча, бирпасда кўздан ғойиб бўлади.

Шодмонбеков гарангсираб, ердан оёғини узолмай, михлангандай туради. Чўнтагинда дастрўмолини олиб кўзини тезгина артади. Сўнг кўзойнагини зўр бериб тозалашга тутинади. Кўзойнагини қайта таққанида, йўлакдан келаётган Ёкутхонга кўзи тушади. Сурмаси кўзлари атрофига чалпишган – йиғиси тўхтаган бўлса ҳам, хўрсиниб-хўрсиниб келяпти. Шодмонбеков кўлидаги дастрўмолини Ёкутхонга узатади.

– Юзингизни артиб олинг...

– Э, юзимни бало ҳам урмайди! – дейди ғазначи, рўмолчани олмай. Сўнг хаяжонда ўртаниб, овозлари қалтираб гапира бошлайди: – Шодмонбеков ака, Жамила Ғафуровнани кўрдингизми? Шундай аёлни оёкости килди ана у ялмоғиз!

– Ким у ялмоғиз?

– Бу дунёда битта ялмоғиз бор-да, Шодмонбеков ака! Битта ялмоғиз ишхонамизга ҳам, бу дунёга ҳам етади!

Шодмонбеков бу ялмоғиз ким эканлигини англайди.

– Ўша... Жамилахонни... – У сўз тополмай ўйланиб қолади. – ...шу кўйга солдимиз?

– Ўша!.. – Ғазначи овозини пасайтиради. – Ўша Даврон Исмоиловичнинг шарманда хотинига бир нарсалар деган. У келиб, Жамила опани юмдалади. Вой, дўзахнинг ўзи экан! Бутун идорани ямлаб ташлайман, деди!

– А-а!.. – дейди Шодмонбеков ҳаммасини тушуниб. – Бечора Жамила! Бечора!..

У яна нималардир демоқчи бўлди-ю, ишхона эшигидан чикиб, зиналар устида тўхтаган Муяссар Қодировнага кўзи тушиб, жимиб қолди. Ходимлар бўлимининг бошлиғи бир кўлини белига тираганча, оламга хайкал монанд қараб турар – унинг бу музаффар киёфасидан ишхона ховлисига яна зил сукунат чўқади. Ёкутхоннинг кўзидан яна ёш оқа бошлади.

– Муяссар опа! – дейди у, ногаҳон жон ҳолатда бақириб. – “Ҳамманинг адабини бердим”, деб мактаниб турибсизми? “Ҳаммани кўрkitдим”, деб ўйляяпсизми? Мен кўркмайман сиздан! Билиб кўйинг, мен кўркмайман! Сиз ялмоғизсиз! Эшитиб кўйинг, сиз ялмоғизсиз! Аммо сиздан кўркмайман!..

Муяссар Қодировна белидан кўлини олади. Нимадир демоқчи бўлади. Аммо Ёкутхоннинг вожоҳатидан чўчийди шекилли, бирор сўз демасдан, кайрилиб ишхонага кириб кетади.

Жамила Ғафуровна ишхонага қайтиб келмади.

Ўша воқеадан кейин шундай катта ишхонадан бирор киши уни на кўча-кўйда, на бир йиғинда, на бир тўю ҳашамда учратди. Фақат аллақандай узунқулоқ гаплар – шамолда учиб келгандай – коридорларда, хоналарда, кабинетларда баъзан-баъзан айланиб қолади: бировлар у бошка шаҳарга кўчиб кетган деса, бошқалар хорижга – кизининг олдига кетган дейди. Уйидан чикмай – хонанишин умргузаронлик килиши ҳақида ҳам касрдандир гап етиб келди. Ҳатто унинг ўлгани тўғрисида ҳам кимдир гапириб қолди. Бу гапга барча ёппасига қаршилиқ қилди. Шундай чиройли аёл ҳам ўладими? Йўқ, албатта, ўлади, ҳамма Худонинг бандаси, аммо... Бир гал кимдир ҳаммани қарахтлантирган гап топиб келди: Жамила Ғафуровна ўзини

ўлдирган эмиш. Шодмонбеков бирдан ғазабланди. Э, Кўйинг-э!.. Сал ўйлаб гапиринг! У столидан забт турди. Дереза ёнига бориб, кўчага термилганча узок турди. Сўнг илкис кўзгалиб, ташқарига чикиб кетди. У кетгач, хонадагилар “ўйлаб гапирмаган”ни таънаю дашномга кўмиб ташладилар. Ҳар хил гапни одам деган ишга кўтариб келаверадими? Кўзингиз билан кўрмаган бўлсангиз! Тилни тийишни билиш керак, оғайни. Гапнинг пўсткаласини эса, ташқаридан қайтиб кирган Шодмонбеков айтди:

– Отажоним, дунёда шундай покизаликлар бўладики, унга гард тегса, одамман деб юрганин барчаси ҳақоратланади! Тушундингизми?

Гап кўтариб келган хижолат тортди. Тушунди.

Унинг чиройи, одоби ҳақида хикоялар эса кунлар ўтиб, ривоятга айланди. Ишга янги қабул қилинганлар бу ривоятларни эшитиб, оғизларини очиб ўтирадилар. Кўпни кўрган акаларнинг завку шавкка тўлиб сўзлашларидан тўлқинланиб, хаёлларида бу аёлни негадир Лайлигами-ей, Жульеттагами-ей менгзатадилар, кўшилиб хайратланадилар. Жамила Ғафуровнанинг тақдири ҳақида турфа хаёлларга борадилар. Ҳатто шоирларнинг шеърини ёд ўқиб юрадиган Равшан деган янги ходим, у бу дунёдан учиб кетган бўлса керак, деган тахмин айтганда ҳам, ҳеч ким ажабланмади.

Шодмонбеков ота-онасининг қабрини зиёрат қилишга, бу удумни одамлар умумтарзда бажо келтирадиган кунлар бормади. Бегим кунлари – қабристон одамлардан холи пайти боради-да, ота-онасининг ёнма-ён мазорлари ёнига тиз чўқади. Тиловат қилади.

Бугун ҳам биров бирон жойда Куръон ўқиганини кўрмаган бу одам худди қорилардай ёқимли овозда бутун вужуди билан тебраниб оят ўқиди. Падарию волидасига жаннатнинг тўридан жой ато этишини сўраб, Оллоҳга илтижолар қилди. Кейин узок бош эгиб ўтирди. Ота-онаси билан суҳбатлашди – юрагидаги бор дардларини тўкиб солди. Мендан хавотир олманглар! Мен сиз уқтиргандай ҳалол яшайман! Невараларингиз ҳам пешона тери билан топган ризқлари билан кунларини ўтказаяпти. Қийин! Аммо шундай яшаймиз! Тангрини эсдан чиқарганимиз йўқ... Сўнг энгил тортиб, атрофга каради ва... Ван Гогни кўрди. У бир даста кизил атиргулларни икки қўллаб кўксига тутган кўйи, бошини эгганча, рўпарадаги йўлакчадан борар, унинг беозоргина юришидан ажабтовур ҳазинлик ҳазондай тўкилиб қолаётгандай эди. У бироз юриб бурилди-да, мазорлар оралаб, тўхтади.

Шодмонбеков, негадир Ван Гог унга кўзи тушса, ноқулай бўлади, деб ўйлади. Ўрнидан оҳиста кўзгалиб, йўлакдан Ван Гогга тере томонга қараб юрди. Билмас экан, бу Бокибойнинг ҳам яқинлари шу қабристонга қўйилган экан-да! У қабристоннинг ярмини аста-аста айланиб, Ван Гогни кўрган жойига етди ва йўлакчадан сал нарида – қабрдаги ёдгорлик пойига бағир босиб ётган бир даста кизил гулга кўзи тушди. Бокибекнинг қўлидаги гуллар! Ким ётибди экан бу жойда? Шу одамнинг ҳам қариндошлари бор экан! Қаро ер тагида ётган бўлса ҳам қариндош-да! Бир ўзи хувуллаб юргани-юрган эди...

Шодмонбеков бу хаёлларидан негадир хурсанд бўлди. Ўша қабрга қараб борди. Қабртошдаги лавҳани ўқишга тутинди. Ким? “Жамила Ғафуровна Акбарова?” Наҳотки... Бечора! Бечора! У қабрнинг пойига ўрнатилган бежирим ўтиргичга чўкиб, оят ўқиди.

Қабристондан чикиб кетишда эса, яна Ван Гогга кўзи тушди. У қабристон дарвозасига олиб борадиган ишқомли йўлқанинг четидаги ўтиргичда гўё бу оламни унутгандай бошини ҳам қилиб ўтирибди. Шодмонбековга у аллақандай дахшатнинг қаърига чўкиб кетаётганини, ҳозир бориб нимадир демаса, уни қутқазиб бўлмаслигини ҳис қилди.

– Бокибек...

Ван Гог бошини кўтариб унга каради. Ўрнидан турди. Унинг кўзларидаги дахшатли ғусса Шодмонбековнинг юрагини зиркиратиб юборди. Аллақандай фожианинг совук изгирини вужудига кирди. Ван Гог эса одамни чўчитадиغان сокин овозда, кўзларидаги ғусса аллақандай теранлик қаърига чўкиб, каерлардадир – етиб бўлмас узоклардаги бировнинг кўзига тикилганча ниманидир гапира бошлади. Нималар деяпти? Жинни бўлиб қолмаганми? Э, шеър-ку! Шеър... Шодмонбеков бирдан унинг ҳар бир сўзини аниқ тушуна бошлади.

– ...Не дейин қийналган кўнгиш қушимга?

Азоб учушига пичоқ қадалган.

Бир даста қизил гул эса тушимда,

Сенга аталган у, сенга аталган.

Тақдир қайлардадир милтирар элас,

Умр ҳулидан кетар, чалкашар йўллар.

Тушларимдан тушиб сенга етолмас

Сенга атаганим қип-қизил гуллар.

Изиллаб кезаман ўнгу ҳушимда,

Вақтнинг шамоллари борар учириб.

Бир даста қизил гул эса тушимда,

Сенга беролмайман тушдан тушириб...

Шодмонбеков шеър яна давом этса, ўлиб қоладиган каби “Тўхтатинг, бас қилинг...”, дегандай кўллларини жонҳолат силкитди. Ван Гог шеър ўқишдан тўхтади.

– Бандачилик... – деди Шодмонбеков кўзлари ёшланиб нохос.

Ван Гогнинг лаблари қалтиради. Кўллларини кўксига қўйди.

– Раҳмат... Раҳмат...

Шодмонбеков кабристондан чиқаётиб, ортига каради. Ван Гог яна боши ҳам, қовжираб ўтирибди... Кимни кутаяпти? Тақдирнинг келиб кечирим сўрашиними? Тақдирнинг у билан нима иши бор! У ёзмишдаги ишини бажаради-да, охир-окибат, ана, қабрга тикиб кетаверади! Худди шундай!.. Худди шундай!.. Эй, Парвардигор! Сир-асроринг бунча кўп! Бу асрорга шериклар ҳам уни охиригача билмайди. Билмайди! Нега яна кўзимга ёш келди? Нега бунча юрак оғриydi? Нега?.. Аммо яшаш керак. Бу дунё елканга ташлаган юкни зўриқиб бўлса ҳам тортиб, яшаш керак! Хушёр бўлмасанг...

Шодмонбеков каддини тик тутди, кадамини тезлаштирди. У дали-ғули одамнинг чапани юришида кабристоннинг рўпарасидаги бозорчага оралаб кетди.



Омон МАТЖОН

Илҳом, бу – Ватанни севмоқ мастона!

Ватан сўзи

Тонг ҳар кун қуёшни кузатар қўкка,
Қанотдир Гўрўгли шаҳди Ғирқўкка,
Нафс устида руҳинг турса бас тикка,
Шаҳд эт, ўзлигингга абад қайтгали,
Шошил: “Бу – иймон!” сўзин айтгали!

Навоийдек зотга Хожа Аҳрор пир,
Олди Мирбарака дуосин Темур,
Жалолиддин учун Кубро – тожи нур,
Доим улгур, эй дўст, тавоб этгали,
Улгур, улгур: “Пирим!” сўзин айтгали!

“Қуръон” башар қалбин шаърий тобидир,
“Инжил” ҳам эзгулик файзиёбидир,
Она – инсон меҳр устурлобидир,
Сорилма келар, деб, кутлуғ пайт хали,
Бошни тик “Эй она!” сўзин айтгали!

Мактаб остонаси илм конидир,
Ҳаёт сенга берган зўр имконидир,
Болам, сен кетма илм деган нуктадан,
Бўлсин азиз юртинг битта пайкали,
Бош тик “Она Ватан” сўзин айтгали!

Етар бу юрт тортган хасрат ва тутун,
Сино-ку манъ этди банг-тарёк хидин.
Қалбинг асра, ўғлон, ён, севгинг учун,
Бир даста гул қолсин ёрга тутгали,
Улгур: “О, муҳаббат!”, сўзин айтгали!

Омон МАТЖОН – Ўзбекистон халқ шоири. 1943 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида таҳсил олган. Ижодкорнинг “Очиқ деразалар”, “Қарвон қўнғирози”, “Қўёни соати”, “Ёнаётган дарахт”, “Ҳаққули қичқириви”, “Қули йўли”, “Дийдор азиз”, “Халоскор руҳ” сингари йигирмага яқин китоблари нашр этилган.

Дехкон дон тикишдан кечикса, сўз йўк,
Ошик ёр кутишдан кечикса, сўз йўк,
Бомдод кун чиқишдан кечикса, сўз йўк,
Десанг бир интик сўз қолсин, ҳар гали,
Кечикма, “Ё, Оллоҳ” сизин айтгали!

* * *

Очилгин эй гул, вақтинг бўлди,
Уйғонгин эй дил, вақтинг бўлди.

Етар минг бир кеча эртаги,
Тонг сирларин бил, вақтинг бўлди.

Ўз ҳаққини билмаган қулдир,
Шукр этган ҳам қул, вақтинг бўлди.

Номинг азиз, ўзинга бек бўл,
Эл бўл энди, эл вақтинг бўлди.

Огоҳ этар соатсоз қисмат,
Ҳаракатинг қил, вақтинг бўлди.

Тилни қутқар тиллар бандидан,
Тилга киргин, тил вақтинг бўлди.

Ўзбекистон, фалак буржига
Юрагингни ил, вақтинг бўлди.

Илҳом парисига

Дединг: – Надир сенга Илҳом париси,
Кўнглингда ранг-баранг иқлимлар қурган?
Надир ул, илоҳий робита тузиб,
Рухинга ғойибдан саслар етқурган!

Ўз умринг чархида ипак қатимлар:
Гарчи чексиз эмас, гарчи учма-уч,
Олис фалакларда юлдузлар билан
Меҳр боғлаттирган қандай буюк куч?

Кипригинг майсасин қатор ён айлаб,
Қоронғилик узра ёқиб вулконлар,
Бир олмос нуктага жамлаб оламини,
Тафаккур уфқингда отган қай тонглар?

– Эй дўст, надир менга Илҳом париси,
Кимдир ўз билгича бергувчи фармон?
Балки ҳар жойдаги жўшқин умид у,
Балки ҳар жойдаги жавобсиз армон.

Эмиш, юнонларда, Олимп тоғида
 Шеърни ёклагандир Аршнинг эгаси.
 Шундан, олий маснад йўриқларидан
 Шоир вокиф бўлган, бўлган Пегаси.

Аммо, айна шу пайт, Қипчок даштида
 Бойчибор боради ўтдай буркираб.
 Туёғига унинг ғаним коккан мих
 Юрагига қадар етиб, сиркираб...

Қай сувратда эди Илҳом париси
 Бу ваҳшат пойгада, билмам, бу жангда,
 Лекин шу зафари боис Алпомиш
 Кўшиққа айланиб қолди Ватанда!

Элга Ҳақ йўлларин торлигин кўриб,
 Алишер ҳайқирса – ёнди Қаҳқашон:
 “Ким бу гулистонким, эрур бир жаҳон,
 Балки жаҳоне гул ичида ниҳон”.

Инсон идрокига етти иклимни
 Очди унинг “Садди Искандарий”си.
 Бу гал ҳам халқининг азиз орзуси
 Шоирга бўлмишдир Илҳом париси.

Аммо, кўп шоирлар нечун майга ром,
 Нечун сарфларга фақат махлиё?
 Парвонада кўрди бири эрк рамзин,
 Бири митти шамъда халоскор зиё...

Тўғри, қафасдаги булбул эди Шарқ,
 Гулгун чехраларнинг эрки – тўрт девор.
 Аммо, қонидаги хур чақмоқларни
 Ошкор этолди-ку Машраб – исёнкор!

Кечагина кўрдим, жажжи болакай
 Келтирди хирмонга бир дўппи пахта,
 У ҳали билмайда ўлчаш, сотишни...
 Гўдакман – виждонлар синалар вақтда.

Башорат айтолса замон зайлидан,
 Феруза бўшлиқдан илғаса хабар,
 Ҳар гул янгроғидан ўкиса дoston,
 Демак, шоир қалби – илохий самар...

Мухтор элчилари менинг руҳимнинг
 Ҳаётнинг ҳар жабҳа – қабатинда бор:
 Шаҳбоз юракларнинг қанотидир у,
 Тушқун кўнгилларга ҳамшира ва ёр.

Қонимнинг тарихи бўйлаб, фидойи,
 Қўшинлар келмоқда йиқила-тура.
 Илҳом, бу – элнинг зўр эҳтиёжидан
 Шоир юрагига тушган ғулгула!

Илҳом, бу – Ватанни севмоқ мастона,
 Ҳа, суймоқ, севишнинг бўлмас шартлари!
 Менга Ўзбекистон – Илҳом париси,
 Унинг қувончлари, унинг дардлари!

* * *

Ўртамизда биргина олма –
 Олам ичра юмалоқ, илинж.
 Ўртамизда биргина олма –
 Балки ғам у ё балки севинч.

Ўртамизда биргина олма:
 Ярми қизил, ярми оч-яшил.
 Ҳаё туғёнидан қизил у,
 У соғинчнинг рамзидир асл.

Ўртамизда биргина олма,
 Бармоқ учи тегса товланар.
 Алвон ифбат, яшил ташналик
 Бир сенга, бир менга довланар.

Ўртамизда биргина олма,
 Гард тегмаган, бирам покиза.
 Ҳозирча у рангин бир хавас,
 Лаб тегса бошланар мўъжиза.

* * *

Эй сирли диёр, Хоразм,
 Эй нурли шиор, Хоразм.

Неча эврилган тарихнинг
 Сенда расми бор, Хоразм.

Сени кимлар туртиб-четлаб,
 Қилмади абгор, Хоразм.

Гоҳ сени сотди Гулдурсун,
 Гоҳ сотди Ўтрор, Хоразм.

Минг бир минорлар ўлкаси,
 Минг парчин девор, Хоразм.

Мироби иклим бўлгансан,
 Гоҳи сувга зор, Хоразм.

Жахон алжабринда номинг
Ҳар дафъа такрор, Хоразм.

Ўйноқи ғамдир куйларинг,
Чалсам ёнар тор, Хоразм.

Шайх Нажмиддин баходир
Кўксингда тумор, Хоразм.

Сенга абад Жайхун ва Сир
Шошмайди бекор, Хоразм.

Тўлар дарё, тўлар денгиз,
Қолмагайсан зор, Хоразм.

Юртда не-не улуг зотлар
Сени деб бедор, Хоразм.

Ўзбекистон жамолида
Сен накши нигор, Хоразм.

Жахон меҳробида сўзим:
Бор Хоразм, бор Хоразм!

Болакай чизган қуёшлар

Йўлакда
болакай юрипти,
Ўзича кашф этиб кўчани.
Кўлида оппок бўр –
қуёшчаларга
Тўлдирди ховлининг ичини.
У қуёшни чизди
коронғи муюшда
Унутилиб ётган бир тошга.
Уйнинг ҳам эшигу деразасини
Тўлдириб юборди қуёшга.
Суйқади бўрини юнгли ғалтакка –
Момосини бир зум босганда уйку.
Занжирда талзинган кучугига ҳам
Жажжи бир қуёшча ҳадя этди у.
Серкатнов чорраҳа,
таниш-нотаниш
кишиларнинг оёқлари остига
сонсиз қуёшларни чизди болакай,
чизди дарахтларнинг пўстига.
Кўприкларга чизди,
сояга чизди,
харбий машинанинг чизди зирхига.
Яна қайларгадир:
ўнлаб ё юзлаб
унут деворларнинг сиртига

оппоқ куёшларни чизди болакай.
 Тагин чизмоқчийди.
 бўри тугади,
 бошқа нарсаларга
 кетди махлиё.
 Кетди
 бошқа нарсаларга махлиё.
 Лекин,
 шу каттакон,
 кекса оламнинг
 бир кичик кўчаси,
 бир бурчагида
 митти куёшчалар,
 оқ куёшчалар
 Ёниб колди бола умиди каби!
 Биладан!
 Кўп эди,
 кўп эди ҳали
 нурга зор гўшалар,
 нурга зор ерлар –
 лекин
 уларга ҳам болакай бир гал
 куёш элтишига ишонгим келар!

Дўстлик

Ҳар эл қарори дўстлик,
 Ҳар дил тумори дўстлик.

Кўпдир инсонда хислат,
 Энг улуғвори дўстлик.

Бу жумлайи жаҳоннинг
 Асоси-бори дўстлик.

Кўк ичра оламларнинг
 Ўчмас ҳарори дўстлик.

Орзу-тилак шахрининг
 Олий меъмори дўстлик.

Хонадон ойинаси,
 Номуси-ори дўстлик.

Ёшлик севги диёри,
 Майин баҳори дўстлик.

Ҳаётда ҳар мушкулнинг
 Самари-кори дўстлик.

Омон яшовчи элнинг
 Мангу шиори дўстлик.





Зикрилла НЕЪМАТ

Кўкда қуёш боқий эрур нури билан

Бахт қасрининг бекаси

Баҳорнинг шивир-шивир ёмғиридур – сўзларинг,
Нафис бойчечак гулин сохиридур – юзларинг,
Мунаввар ишк осмонин чоғиридур – кўзларинг,
Эй сен, муҳаббат майин қалбларга тутган, аёл,
Шамдек ёниб бир умр, садоқат кутган, аёл!

Момо Ҳаводан мерос дилдаги муҳаббатинг,
Тўмарис момомга хос шиддату шижоатинг,
Бибихоним, Нодира, Увайсий заковатин
Дилга жойлаб оламни лол ҳайрон этган, аёл,
Бир кўлда бешик, бирда дунё тебратган, аёл!

Сенга ярашгай баҳор, ярашгайдир ишва, ноз,
Шаънингга қанча ашъор, қўшиқлар битсак-да оз,
Оламнинг бор гуллари бўлсин сенга пояндоз.
Тунлар хилолдек бедор аллалар айтган, аёл,
Бори дарду ғамларин ичига ютган, аёл!

Сен – садоқат моҳисан, латофат маликаси,
Умримиз гултожисан, бахт қасримиз бекаси,
Бахтимизга бўл омон, эй кўнгуллар эркаси.
Ишқи бирла оламни мунаввар этган, аёл,
Қалб мехрини қуёшга баробар этган, аёл!

Зикрилла НЕЪМАТ – 1961 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. Ижодкорнинг “Иккимизнинг ёниқ ишқимиз”, “Ватан ва муҳаббат”, “Эзулик ўлкаси”, “Онам эккан райҳонлар”, “Қалбим қальаси” сингари ўндан ортиқ китоблари нашр этилган.

Қалбим қалъаси

Ҳаётда ҳар қалбнинг ўз қалъаси бор,
Қалъаси бут бўлса, умрдир пойдор.
Қалбим қалъасининг хоқони – Ҳақдир,
Лашкарлари эса – номус, виждон, ор.

Гоҳида қалбимга қилишар хужум
Нафс навкарларин очкўз галаси.
Ёвуз ғанимлар-да жангга кирмоқчун
Ҳамиша тайёр бўл, қалбим қалъаси!

Черик хушёр бўлса агар туну кун,
Қор қилмас ҳар қандай ёвнинг ҳамласи.
Бағрингда иймонни бут сақламоқчун
Сен мудом бедор бўл, қалбим қалъаси!

Сардоба

Қадим қарвон йўли – Чўли Малиқда
Мунғайиб ётар бир кўҳна сардоба.
Қорайиб кўринар унинг пойида
Синган кўза ё бир пачок офтоба.

Қор, ёмғир сувларин бағрига босиб
Атрофга термилар кўҳна сув қаср.
Бу ердан не зотлар чанқоғин босиб,
Не-не зўр қарвонлар ўтмаган, ахир!

Ўшал лаҳзаларни эслаб, тўкиб ёш,
Хўрсиниб, уф тортар шўрлик Сардоба.
Ачиниб, аянчли бу ҳолга қуёш
Бош чайқаб қўяди, дегандек: “Тавба!”

Бир пайтлар элга сув, ҳаёт улашган
Нажот қасрин бугун ҳоли хароба.
Қадим қарвон йўли – Чўли Малиқда
Мунғайиб ётар бир кўҳна сардоба.

Олис манзилларга маънос термилиб,
Кимсасиз саҳрода турар у қакшаб,
Не-не кимсаларга бор меҳрин бериб,
Охир нутилган одамга ўхшаб.

Япроқ

Оёк остидаги заъфарон япроқ,
Эзилганча унсиз, оҳ чекарсан, оҳ!
Хайхотким, оху воҳ чекиб ўтарсан,
Жисмингни бағрига олгунча тупроқ.

Дарахт шохидаги чоғларинг эслаб,
Хўрсиниб кўярсан, бағринг эзилиб.
Сарғайган бўлсанг-да, турардинг яйраб,
Магар тушмасайдинг шохдан узилиб.

Сени босиб, янчиб ўтар бу дамлар,
Бераҳм, бемехр, оғир қадамлар.
Бепарво, йилбўйи соф хавонг ютиб,
Соянгдан баҳраманд бўлган одамлар.

Қисматинг шу бўлса, не ҳам қиларсан,
Хазон боғлардаги эй зарҳил япроқ!
Боғлар илдизига кувват бўларсан,
Бир қуни устингга тортилгач тупроқ.

Оёк остидаги заъфарон япроқ,
Эзилганча унсиз, оҳ чекарсан, оҳ!

Ишқ алдоғи

Ой – маъшукнинг олтин балдоғи,
Минг йилларким кўкда муаллак.
Изсиз кетмас ишкнинг алдоғи,
Ал қасосул, дерлар, минал ҳақ.

Ўз ошиғин ёндириб неча,
Ўзгага ёр бўлган санамлар?
Оймомога боқиб ҳар кеча
Чекар эмиш ғаму аламлар.

Юлдузлар – ёр хажрида ёнган
Ошиқлар кўзёшларимикин?
Шабнам бўлиб тўкилар тонгда
Маънос боғлар устига секин.

Тўлин ойга термилиб тунлар,
Ишқ нурига кетгум эврилиб.
Олисларда бир жувон йиғлар
Осмондаги ойга термилиб.

Бир-бирингиз асраб яшанг

Қалблар эрур – нозик туйғулар олами,
Дўстлар, уни зинҳор зимистон айламанг.
Шифо бўлсин дилга муҳаббат малҳами,
Ҳеч кимсанинг кўнглини вайрон айламанг.

Кўкда қуёш бокий эрур нури билан,
Денгиз гўзал эрур гавҳар-дури билан,
Тоғлар баланд чўққилар бирла буюқдир,
Ахли башар буюқдир қалб қўри билан.

Кўҳна дунё сизу биздан қолиб кетар,
Кимдир рози, кимдир ундан нолиб кетар.
Кимки баланд тутса меҳр байроғини,
У хамиша зафар қучиб, ғолиб ўтар.

Аё дўстлар, Ватан ичра яйраб яшанг,
Боғу роғлар бунёд этиб, яшнаб яшанг!
Дунё ахлин эзгуликка чорлаб мудом,
Бир-бирингиз авайлаб ва асраб яшанг!

Умр омонат

Одам бор оламда турфа, тумонат,
Ким гулга, ким нурга, ким ўтга монанд.
Урмимиз ўтгайдир тўрт фасл мисол,
Бу ёруғ дунёда умр омонат.

Фасли баҳоримиз – ёшлик ғанимат,
Урмимиз ёзидир – энг олий неъмат.
Куз келса, сарғаяр дилнинг япроғи,
Оппоқ киш, о, сўнгги эзгу фазилат.

Инсонлик нақшидир инсоф, диёнат.
Яхшига яхшилик – қарзи қиёмат,
Кўнгул кўзгусига ҳеч тушмасин доғ,
Омонатга зинҳор қилманг хиёнат.

Одам бор оламда турфа, тумонат,
Бу ёруғ дунёда умр омонат...

Тўртлик

Севар бўлсанг, кўркма ҳажру фироқдан,
Кўнгул устун эрур яқин, йирокдан.
Висол насиб этса, келгай нигоринг,
Чин-Мочину ҳатто Шому Ироқдан.



Жамила ЭРГАШЕВА

ФАНИМАТИМ – ОНАМ

Эссе



Одатда, “Ота-онангиз ҳаётми?” деб сўрашганда, “Ҳа”, десангиз, “Давлатманд одам экансиз” дейишади ҳавас билан.

Оллоҳга шукр, онажоним 84 ёшга кирдилар. Назаримда, менинг онам дунёдаги энг меҳрибон, энг кечиримли ва энг сулув аёл.

Оиламиз катта оила эди. Бобом, момом, амаким, етти фарзанд, қарияси бор хонадонларда бўладиган узлуксиз келди-кетдилар. Ана шу катта хонадондаги ягона хизматкор онам эди. Шунча иш кўп бўлиши билан ҳам бирон марта “кийналиб кетдим” деб, нолиганини ёки баъзи оналарга ўхшаб, “Тўйиб кетдим сенлардан ҳам, ҳаётдан ҳам”, деб, зарда билан бизни қарғаб-нетиб уришганини эслай олмайман. Нон ёпса, кичкинтойлар учун албатта қулчалар ёпилар эди, киш қунлари эрталаб турсак, уч офтоба илиққина сувга тўлдирилган, мактабга қиядиган пойафзалларимиз гиштин печнинг гирдида ювилган, тумшукларига юмшоқ латталар тикилган ҳолда иссиққина бўлиб турарди. Орадан канча йиллар ўтиб кетган бўлса ҳам ана шу пойафзалларни эсласам, оёқларимда ажабтовур ёқимли хароратни ҳис қиламан.

Сал улғайиб, ёнига кириб у-бу юмушларга ёрдамим тегадиган бўлгач, укаларимнинг бир амаллаб йиғиштирган жойларимни бирпасда тўзғитиб ташлайверишидан нолисам, онам: “Қижоним, сен буларнинг юмушларини суюниб-суйиб қилгин, эрта-индин беш оғанг беш қўрғонинг, синглинг меҳри дарё ғамгусоринг бўлади”, дерди.

Энди ўйлаб қарасам, онагинамнинг зиммасида не юмушимиз бўлса, барини мажбурлигидан, оғриниб эмас, ўзи айтгандек, ўзимизни суйгандек ишимизни ҳам суйиб қилган экан.

* * *

Онам ҳеч қачон оилада “Бу иш эркакнинг вазифаси, бу иш аёлнинг вазифаси” деб юмуш ажратган аёл эмас. Ўзи чевар аёл, бир умр элнинг кийимини тикиб, гиламини тўқиган. Зарур бўлганда эса гишт териб, бетон ҳам қориб кетаверарди. Қўшниларимиз махсус печ терувчи уста чақириб, фалон пулга тердирган гишт печ

Жамила ЭРГАШЕВА – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1956 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Изҳор”, “Интиқом”, “Таназзул”, “Аёл жодуси”, “Зулфизар”, “Шом шафақи жилвалари” каби китоблари чоп этилган.

бизнинг уйда онам томонидан ҳар йил бузилиб, ҳар йил қайта терилар эди: “Катта бўлиб кетибди, анча жойни эгаллапти”, “Баланд бўлиб кетибди, ўтин кўп сарф бўлади”, деган сабаблар билан.

Бир жойларга меҳмонга бориб келишса, отам раҳматли кулиб-кулиб, момомга гурунг берарди: “Эна, ошхўрга ош, ишхўрга иш йўлиқар, деганлари рост экан. Бунингиз ўлиб, тандирга қолип қазди (ёки кийим тикди), мен ош едим”, дер эди. Энди ўйлаб қарасам, иш билганга ҳам кийин-да, онагинамни кўрганда одамларнинг биткиза олмай турган ишлари эсига тушиб қолаверган: “Яхшиям келиб қолдингиз, тандирим тўкилиб қолган, бир қолип қаздирадиган одам топмай юрган эдим, сиз бошлаб беринг, мен овқатга уннай”, деган. Шу билан онагинам меҳмонга киядиган “хай-хай” кўйлагининг этакларини липпага уриб, қолип қаздиради тушиб кетган. Ўзи танти аёл, куч-ғайрат бор, бошлаган ишини чала қолдирмай деб, ош пишгунча терлаб-пишиб қолипти охиригача қазиб берган. Ёки дейлик борган жойида: “Вой, сизни Худо етказди, дўсим, эртага тўйим бор эди, кўйлагимни кимга тиктирсам, деб турган эдим. Бир кўкрагини кўшиб берсангиз бўлди, у ёғини ўзим тикаман”, дейди-да, тикув машинасининг бошига ўтказди. Кийим тикиб юрган кишилар яхши билишади, кўкракни кўшиш учун кўйлакни аввал бичиш керак, елкани, ённи тикасиз, ҳоказо, ҳоказолар ва кўкрак кўшилди, деган сўз, кийим битди, дегани бўлади. Кўкракни кўшган онамиз энгни ҳам тикиб, этакларини қайтариб, тайёр қилиб, мезбонга топшириб қўя қолади. Кейин отамиз ҳалигидай кулиб юради, “Ошхўрга ош, ишхўрга иш йўлиқар” деб...

Онам ҳеч қачон одам ажратмаган. Ҳамиша эшикдан келган одамни тўрға чиқариб, дастурхон ёзиб, ишини битказиб берган. “Қозонинг қайнаб турган пайти эшигингдан тиланчи кириб келса, ўша таомда тиланчининг ҳам ризки бор”, дейди доим. Онамга бир марта кийим тиктирган одам қариндошдек кадрдонга айланиб қолар, бора-бора кўпларига анчайин ишларни текинга ҳам тикиб бериб юбораварди. Фақат бир сафар...

Тикувчилигининг орқасидан опа-сингил бўлиб қолган бир аёлнинг эри келди. Маълум бўлишича, эркак аёлининг эгри юра бошлаганини сезиб қолган. Шу куни ҳам “Опамникига кўйлак тиктиргани кетяпман” деб чиққан экан, эр унинг изидан қорама-қора келса, аёл бизникига кирмай, кўчамизнинг нариги бошидан чиқиб, тутнинг панасида турган машинага ўтириб кетиб қолибди...

Орадан бир неча кун ўтиб, ҳалиги аёл бир неча кийимлик қимматбаҳо газмол кўтариб онамнинг ёнига келди. Онам бизни чиқариб юбориб, аёл билан гаплашди. Ҳовлида юрган эдим, бир пайт аёл газмолларини кўтариб чиқиб кетди. Унинг қошлари қаҳр билан қимирланган, кўзлари йиғидан қизариб кетган эди. Онамдан бу ҳақда сўрасам, гапни қисқа қилди: “Мен бундай аёлларнинг кўйлагини тикмайман”.

Оиламиз ўртаҳол эди. Отам оддий ишчи, онам мактабда фаррош бўлиб ишларди. Тиктиришга олиб келишган чиройли газмоллардан баъзан парча-пурча лахтақлар ортиб қолса, синглим иккаламиз диқиллар эдик: “Она, шунга олиб қолайлик, эгаси билиб ўтирибдими?” Онам ҳалиги лахтақларни шартта қўлимиздан юлиб

оларди: “Кишининг хаки – Тангрининг ўти. Қиёматда мен бунинг жавобини беришим керак. Агар эгасига қайтармасам, бу кийкимлар у дунёда илонга айланиб мени қувиб юраркан”.

Онам эхсон қилишни жуда яхши кўради. Бинойидек кийимларини ҳам бировларга бериб юбараверади. “Нега ундай қилдингиз, сизда ҳам бирор нарса бундо-ок тахланиб турса бўлмайдами?” десак, “Тирикликда қил хайр, жонингни дўзахдан айир”, дейди доим.

Бир сафар касалхонага тушиб қолганида: “Хонангизда чой қайнатиб ичавера-сиз”, деб электр чойнагимни бердим. Қайтаётиб, чойнакни ҳамхоналарига ташлаб келибди: “Уларнинг сеникидай чойнаклари йўқ эди, кийналиб қолишмасин, савоб бўлади, дедим”. Тутаб кетдим: “Вой она-ей, савобга чой қайнатиб бўлмайди-ку”. Онам норози чимирилди: “Одам хайрли бўлиши керак, сен ўз уйингда ўтирибсан, улар касалхонада ётишибди”.

Онамга ҳамма хавас қилади: “Ҳамма фарзандлари ўқимишли, меҳр-оқибатли. Ўзи саксондан ошган бўлса ҳам, на гапидан, на йўлидан адашмаган. Қайтага тикиш қилиб, ҳамманинг хожатини чиқариб ўтирибди, бизга ҳам шу кишининг йўлини берсин”, деб, биров бошига рўмол, биров елкасига бир кийимлик сарпо ташласа, “дод” деб, берганларини қайтариб ташлайди: “Йў-йўқ, менинг тўримдан гўрим яқин, мени қарздор қилманглар”.

Онамга: “Бу қарз эмас, буларга ховуч дуо берсангиз бўлди. Ўзлари рози бўлиб беришган нарса қарзга ўтмайди”, деган гапни ҳеч тушунтира олмадим.

Онамнинг уйи қўшни аёллар учун доимий кўнгил бекати. Биров тўрт оғиз суҳбатини олиш учун, яна биров бир оғиз маслаҳат сўраб, биров ўзи эплай олмаган тикиш-бичишини кўтариб бораверади. Бахонада қанча гурун!.. Бир ўзимдан ортиб борганимда олдида ўтирган қўшни аёлларни кўриб, тўғриси, хафсалам пир бўлиб кетади. Қанийди, улар ҳам: “Ҳой, манави кампирнинг кизи келибди, она ва кизнинг бир-бирига айтадиган гаплари бордир, бемалол ўтириб суҳбатлашишсин”, деб кўзгала қолишса. Йўқ, ўтираверишади.

Бир сафар онамдан йигирма ёшлар кичик бир қўшни аёл узилиб кетган маржонини кўтариб чиқибди: “Опа, шуни тизиб бермасангиз, ҳеч кўзим ўтмаяпти”.

Ўзи ошга тушган пашшадек бўлиб, бемаврид кириб келганига ғашим келиб ўтирганди, чакиб ола қолдим: “Боласи тенги бўлиб сизнинг кўзингиз ўтмаганда, саксондан ошган онамнинг кўзи ўтадими?”

Аёл заррача ҳам хижолат бўлмади, мендан кўпроқ кириб-чиқиб юрган эшигида, онамнинг феълени билади, худди ўз онасига эркалик қилаётгандек нозланиб, маржонни онамнинг олдига ташлади: “Опам йўлини билади”. Онам ҳам маржонни олиб, у қилди, бу қилди, ипларни хомитди, бир-бирига улаб пишитди, ишқилиб бирпасда беш қатор дурни тизиб, қўшнининг олдига ташлади-да, ўз-ўзидан мамнун жилмайиб, менга қаради: “Ишнинг ўзини эмас, кўзини билиш керак”.

Ҳалиги аёл маржонни тақиб олгач, халтасидан бир шим чиқарди: “Укангиз бир

шим олган экан, пича узун келди, тўрт энлилар кесиб, шуниям ғириллатиб бир юргизиб беринг, опажон. Ўзим қиламан десам, қуриб кетгур чол, қўймади, бузиб қўясан, шу опага олиб бор, дейди. Мен ҳам вақтида не бир тикишлар қилганман, бир ўтиришда тўрт кизимга тўрт қўйлақни тикиб, сўнг турган пайтларим бўлган. Бу кишим бўлса, менинг ишимдан ҳеч қўнгли тўлмайди”.

Онам “ғириллатиб” бергандан сўнг ҳам оламжаҳон вақт ўтириб, ниҳоят, менинг ковоғим уйилавергач, эрка қўшни ўрнидан турди. Кун шомга қараб йўл олган, менинг ҳам вақтим соб бўлган эди: “Она-ей, шу хотин бир ўтиришда тўртга қўйлақни тиккан бўлса, мен осмондаги ойни олиб айвонимга фонус қилиб, осиб қўйганман. Бир умр савдода ишлаб, тангани тангага уриб, пул қилишдан бошқа ишга вақт ажратмаган хотин-ку бу. Индамай, ёлгон мактанишларини эшитиб ўтирасиз-ей”. Онам қўл силтайди: “Киши айбин кўрмоқ бор-у, демок йўқ, кизим. Эшигимдан етмиш икки томири эгилиб келиб ўтирибди, қандай юзидан оламан?”

* * *

Тўнғич неварам ўн бирга кирди, кейингиси тўққиз ёшда. Онагинам уларга чилласи чикқунча биринчи чопонни қавиб қийгизган эди. Шундан бери ҳар икки йилда ҳар бирига битта пахталик нимча, битта тўн қавиб беради.

“Қўйинг, онажон! Бозор тўла чопон, қўзингизнинг нуруни аясангиз-чи”, дейман ичим ачиб. “Ай, болам-а, қўлимдан келаркан, қилаяпман. Бозорнинг чопони мен қавиган чопондек бўлармиди? Орасига ватин солган, мен юмшоққина пахта солдим, бу пахталарга қанча қуёш нури сингган, дўхтирлар уни давои, дейди. Буларни невараларинг қийиб, ёнимга келганда қанча қувонишимни сен тасаввур ҳам қила олмайсан. Шундай аёллар бор, на эрига, на болаларига умрида бир тўн қавиб, қийгиза олмайди. Худого шукр, отанга неча тўн қавиб қийгиздим, болаларимга, невараларимга, энди чевараларимга ҳам тўн қавиб қийгизиш насиб қилди. Бекор ётгандан қимга наф? Қимгадир фойданг тегиб турганига нима етсин”. Ҳар доимгидек, онам ҳақ.

* * *

Дунёда онамдек соғлигини, жонини авайлайдиган, ҳаётга ташна инсонни кам учратганман. Тўй-ҳашам, меҳмондорчиликларни жуда яхши кўради, маърака-таъзиялардан ҳеч қолмайди. Ёки саломатлик борасида. Масалан, менинг бир жойим оғриси, дардни бергувчи ҳам, олгувчи ҳам Оллоҳ, дейман-у, индамай ётиб оламан. Онам эса, жон ҳам, тан ҳам Оллоҳнинг омонати, уни асрамоқ керак, Оллоҳ ҳам асрагани асрайди, бир кун ёти-иб қолсанг, ҳам ўзингга, ҳам бола-чақанга жабр қилиб, қимга фойда, қимга зиён, дейди. У кишим шу ёшида ҳам не бир келинларнинг сепига қурок кўрпа-ёстик дейсизми, елпигичу, қопчик дейсизми, буюртма олиб, нафақасига қўшимча пул ишлайди. Касалхоналарда ётиб даволанишдан ташқари телевизордан бир нарсани эшитиб қоладими, қўни-қўшнилар маъни бериб кетган бўладими, шу нарсаларни ҳам албатта қўллаб кўради. “Ойдин ҳаёт”, “Ўзингни англа” кўрсатувларининг бирор сонини ҳам қолдирмасдан кўриб боради. Бир борсам, наҳорда тузсиз қайнатилган гуручга парҳез қилиб ўтирган бўлса, бошқа сафар овқатдан ярим соат олдин лимон суви ичаяпман, дейди. Иккита лимондан бошлаб, йигирматага чиқариши керак экан. “Онажон-ей, сизга нима зарил, бетаъм гуруч-у, талхўр лимон сувини ичиб?” дейман. Лимон таъминини оғзимда ҳис

килиб афтим буришади. “Керак! Худо хохласа, оёқларим оғримай колса, машина чақириб ўтирмай уйларингга боравераман”, дейди онам. “Э-э, онажон, кимнинг оёғи оғримайди? Оёқ бўлгандан кейин пича-пича оғриб, ўзининг борлигини билдириб, каддини ошириб туради-да”. “Болам, ётиб қолиб, сизларга ташвиш бўлмайин, дейман-да”, гарчи бировимиздан бир сўм олмаса ҳам ўзини оқлаган бўлади.

* * *

Йиллар ўтган сайин онамизнинг биз фарзандлар учун нечоғлик катта давлат ва ганимат бахт эканлигини тобора чуқурроқ хис қилиб бораётган бўлсам-да, мени шиддат билан илгари олиб кетаётган ҳаёт ташвишларидан узилиб, ҳадеганда иззатиغا етавермайман. Ҳар кун эрталаб аҳвол сўраб, бир кўнғироқ қиламан: “Соғ-саломатмисиз, онажон?” Онамнинг овози ҳамиша ўктам ва шодон жаранглаб туради: “Раҳмат, болажоним. Ўзинг яхшимисан?..” Ке-етади шу билан... Бир бошдан ҳамманинг аҳволини сўраб чиқади, кеча уйига кимлар келди, қандай ахборотлар берди... Менинг эса вақтим!..

Ҳар қандай ҳолатда ҳам сени кечиришини билган одамнинг каршисида ҳар доим ҳам андиша қилиб ўтирмайсан. Кўпинча иложим етганча: “Ҳа, ҳўп” деб тураман-у, баъзан гапларини шартга бўлиб: “Онажон, шошиб турган эдим”, деб шу кунги фарзандлик вазифамни ниҳоялаб қўя қоламан. Ва онам менинг бу беадаблигимдан сира хафа бўлмайди, аксинча хижолат тортади: “Майли, болам. Ўзингга қара, жонинг соғ бўлсин”.

Кейин эса кундалик ташвишларимга андармон бўлиб кетаман ва шу ташвишлар ичра юриб онамнинг хижолат инган нурафшон юзини ҳеч кўз олдидан кеткиза олмайман. Ўзимни оқлаган бўламан: “Ўзлариям... Ҳеч гаплари тугамайди-да, ахир телефон гурунг учун чиқарилмаган-ку”, дейман. Аммо барибир ўзимни ўзим юпата олмайман. Аллақаердан онанинг кўзларидаги қувончга харидор бўлган Ҳожи ҳақидаги ривоят ёдимга тушади.

Эмишки, ҳаж ниятида сафарга чиққан бир кишига бир оқшом тунаш учун жой берган Ҳожи унинг нима мақсадда йўлга чиққанини эшитиб, қутилмаганда: “Онанинг борми?” деб сўрайди ва онасининг ҳаётлигини эшитгач: “Мен эллик марта ҳаж қилдим, ҳар сафар ялангоёқ, ялангбош, ёлғиз ҳаж қилдим. Эллик ҳажимнинг ҳам савобини сенга бераман, сен менга онанг кўзларидаги қувончни бер”, дейди.

Мен эса вақтимни қизганиб ўтирибман...

* * *

Нафақага чиққанимдан буён тез-тез ёнига бориб, узоқ-узоқ суҳбат қилиб қайтаман. Онагинимнинг юзи бирам нурли, меҳр тўла нигоҳлари сокин, суҳбатлари шундайлар ширин... Кўнглингизнинг гадоси. Дилингизни оғритиб қўймайин, авайлабгина гапиради. Лекин ҳар гапига бир мақол қўшиб гапирмаса, ҳисобмас. Ҳеч ёнидан кетгим келмайди. Бир кун сўрадим: “Онажон, армонларингиз кўпми?” Онам бироз ўйланиб турди-да, хотиржам жавоб қилди: “Йўқ, болам. Нимага интилсам, аввало Оллоҳ, қолаверса, ўзимнинг ҳаракатим билан эришдим, нимага уринсам, ақлу заковатим билан удаладим. Ҳеч қачон бугунги ишни эртага қўймадим. Худойим ўғил берди, қиз берди, барингизни ризқингиз билан, бахтингиз, мартабангиз билан берди. Бир армоним – ота-онам яшайдиган жойдан мактаб жуда узоқ эди, савод чиқара олмадим. Оқ қоғознинг бетидаги ёзувни ўқий олмадим. Турмушга чиққанимдан кейин ҳам мустақил ўргансам бўлар эди, онла, бола-чақа ташвиши-

дан орта олмадим. Сизларнинг китоб кучоқлаб юрганларингизни кўрсам, хавасим келади. Агар китоб ўқишни билганимда тикув машинасидан ташқари китоблар ҳам менинг кадрдон дугоналарим бўлиб қолар эди”.

* * *

Бола эдим. Онам укамни кўтариб, акам билан мени етаклаб олис кишлоқда яшайдиган холаминикига меҳмонга олиб борди. Қўшни кишлоқда яшайдиган қичкина холам ҳам келди. Кечки овқатдан сўнг катта гужум остидаги лой супага қатор қилиб жой ташланди. Йўлда толиққанмидик, биз болалар аввал оқшомдан ухлаб қолдик. Тонг пайти шитирлаган овоздан уйғониб кетдим. Секин кўзимни очиб, ёнбошимдаги тўшакни шоша-пиша йиғиб, жойнамоз ёзаётган онамни кўрдим. Унинг қиблага тикилган кўзлари хавотир ва кўрқувга тўла эди.

Намозини ўқиб бўлгач, хайрон тикилиб ётганимни кўриб, паришон ҳолда ёнимга ўтириб, бармоқлари билан сочларимни тароклади. Онамнинг бармоқлари енгилгина титраб турарди.

– Эна-а, сизни ким кўрқитди?

Онам пастки лабини тишлаб, гуноҳқорона бош чайқади:

– Холаларинг билан тонг отари гурунг қилиб, намозни бироз кечиктириб қўйдим... Ишқилиб, даргоҳида қабул қилсин-да.

Ўшанда онамнинг гапларига умуман тушунмаган эдим. Энди... Онамнинг ўша дамдаги кўрқув тўла нигоҳларини, титраб турган бармоқларини эсласам, ғалати бўлиб кетаман.

* * *

Онам бетоб бўлиб қолди. Кечқурун ёнида ётиб қолдим. Илтимоси билан шом учун, хуфтон учун таҳорат суви тайёрлаб бердим. Астойдил “Энажон, ахволингизга қарасангиз-чи?” дейишимга қарамасдан намозини ўтирган ҳолда ўқиди. Қарасам, бомдодга ҳам инқиллаб-синқиллаб ўрнидан тураяпти: “Онажон-ей!” дейман ўзимча онамдан қойиниб. Онагинам эса: “Болам, келиндан хижолат бўламан, қап-катта аёл, еб-ичиб ўтирибди, намозини ўқимайди, деса-чи”, дейди. Ёқа ушладим: “Нега бандасидан хижолат бўласиз? Оллоҳдан эмас?”

Онам шуни ҳам билмайсанми, дегандай ғалати қараб, елка қисди, сўнг “Оллоҳ ахволимни кўриб турибди, у доим кечиради. Банда банданинг ичидан нима ўтганини қаердан билсин?” деди.

* * *

Қутилмаган фалокат туфайли қўлтиқтаёққа суяниб қолганимга етти йил бўлаяпти. Аммо ўзимнинг бечора ахволимни сира назарга илмадим. Шу ахволда ҳар йили Тошкентга бир бораман. Театрларга қираман, китоб дўконларини айланаман. Бухорою Самарқанд, Хоразму Қорақалпоғистонга ҳам бордим. Соғ-саломат пайтларимда излаб бора олмаганим қанча дўстларимни кўриб, қанча азиз-авлиёларни зиёрат қилиб қайтдим. Мадинаи Мунавварага бориб, қўлтиқтаёқда, ногиронлар аравачасида Оллоҳнинг суюкли расули Мухаммад Мустафонинг (с.а.в.) турбатларини зиёрат қилдим. Муборак Маккага бориб, Оллоҳнинг байтини зиёрат қилдим. Термизда-ку, тўрт йил ишладим. Иш жойим Термизда эди, ўрганган ишимдан кетгим келмади.

Хуллас, кўлтиктаёқда бўлсам ҳам, юрдим-кўрдим, ўзимга ёкмаган шу сиёғимда кўриндим... Аммо шу етти йил ичида киндик қоним томган, бахтиёр болалигим ўтган, ҳамиша йўлимга муштоқ онажоним билан падари бузрукворимнинг дийдорига элтгувчи кадрдон Жарқўрғон кўчаларида кўлтиктаёқ билан бир марта ҳам юрмадим. Ўзим шу шаҳарда яшаб туриб ҳам... жарқўрғонликларга ўзимнинг бечора сиёғимда кўрингим келмади...

Азалдан кўчат экишни яхши кўрардим. Ҳар йили эрта баҳорда ўзим бозорга чиқиб, турли кўчатлар олиб келиб, ховлимга ўтказардим. Етти йил шу машғулотдан ҳам Мосуво юрдим. Шу йил баҳор эрта келди. Кўнгил баҳорий ҳислардан кенгайиб кетдим, бир куни пешиндан сўнг неварамни олиб бозорга бордим. Кўчатлар бозорнинг бир четида сотилар, бозорни ораламасдан ҳам кўчат олиб чиқиш мумкин эди.

Кўчат бозорига кираверишда кучок-кучок кўчатларини аскардек бир сафга чиройли қилиб тизиб чиққан сотувчининг ёнида тўхтадик. Саломига алик олиб, савдосига барака тиладим. Унинг жавдираётган кўзларига қараб, кўлтиктаёқларимдан хижолат тортдим. Ўзимча дадил-дадил гапирган киши бўлдим: “Қани, ука, кўчатларингизни бир бошдан мактанг-чи”. Сотувчи чайналди: “Энди, опа, бироз узрли жойим бор. Ўзимнинг кўчатларим кеча тугаган эди. Бир танишим: “Шуларни сотиб бер” деб ташлаб кетди. Буларнинг нархини, отини биламан-у, ўзини билмайман. Ким пайванд қилган, нави қандай? Сизга берсам, эрта бир кун олдингизда хижолат бўлиб қолмайин, дейман-да”.

Кейинги растадаги сотувчи йигит ҳам қуюккина сўрашди. Кўчатларини сўраган эдим, кўлини кўксига қўйиб, узр сўради: “Опажон, бу кўчатларни сизга бера олмайман. Олиб келинганига ўн беш кун бўлган. Томирларини намлаб турибмизку-я, барибир кафолат йўқ-да. Сиз керакли кўчатларингизнинг рўйхатини қилиб беринг, бугун келингиз Деновга кўчатга кетган, эртага янги кўчатлардан олиб, ўзим ховлингизга экиб бериб келаман”.

Ана, холос... Мен кўчатларнинг номини, сонини ёздим. Нархини ҳам айтинг, биратўла ҳисоб-китоб қилиб кетайин, дедим. Савдогар негадир кимтиниброк нархини айтди. Кўчатларнинг сони ўттизга яқин, нархи юз мингдан ошиб кетди. Йигитнинг “Аввал кўчатларни олиб борай, кейин пулини берасиз”, деганига ҳам қўймай, пулини бердим: “Қутулиб қўйганим яхши, кўнгил хотиржам бўлади, ука”. “Хўп, опа”, “Уйимни биласизми ўзи?”, “Биламан, опа”.

Неварамнинг ранги ўзгарди. Бурилишим билан тирсагимдан тортди: “Моможон, сиз бу одамни танимайсиз-ку, алдаб кетса-чи?”, “Алдамайди, болам”.

Жарқўрғонда Машраб деган бир хардамхаёл йигит яшайди, ҳамма уни “Машир тентак” деб атайди. У тонг сахардан ярим тунгача бозор айланиб, дўконларга кириб, ризқини териб, еб юради. Уни одамлар “тентак” дейишади-ю, лекин унинг хотираси жуда кучли, жуда кўпчиликни, эҳтимол, бутун Жарқўрғонни танийди: исми ким, касби нима, ота-онаси ким, ака-укалари ким, болалари ким... Ҳеч кимнинг дилини оғритмайди.

Бозор дарвозаси ёнида унга дуч келиб қолдим. У қирк йиллик кадрдонини кўргандек, тавозе билан сўрашди, онамни, ўғлимни сўради, албатта ҳаммамизнинг исми шарифимизни айтиб! Машинанинг ёнига келгач, неварамнинг қўлидан қалитни олиб, мени жентельменларга хос такаллуф билан машинага ўтирғизди, кўлтиктаёқларимни орқага қўйди. Агроф машина, аравасига ҳар хил қутиларни уйиб, “пўш-пўш”лаб дунёни бузаётган аравакашлар, бозорга кираётган, чиқаётган,

шунчаки музқаймоқ ялаб, ўзлари ҳам музқаймоқлари каби эриб, ўтиб кетаётганлар ҳисобига ниҳоятда тирбанд эди. Машраб кенг қулочини ёзиб, баланд овозда “хай-хай”лаб ҳайкирганча, то машинамни орқага ҳайдаб, катта йўлга тушиб олгунимча, тўрт томондаги гавжум ҳаракатни тўхтатиб турди. Мен бир зум тўхтаб, ташаккур билдирган киши бўлиб, бош ирғадим. У машинанинг очик деразасига яқин келиб: “Сен ҳалиям жуда чиройлисан! Хафа бўлма”, деди менга. Шу ерда унинг тентаклиги билинди. Кўнглимни кўтараман деб, дилимни ранжитиб қўйди...

Димоғим ачишди, кўзларимдан иссиқ ёш қуйилди, бурним бўшади. “Мана, моможон, бозорга чиқишни ҳам ўрганиб олдингиз. Энди тез-тез чиқиб турсангиз ҳам бўлади”, деди неварам. Мен унга қарамасдан бош чайқадим: “Йўқ, энди бозорга чиқмайман”.

Кўчатлар-чи, дейсизми? Албатта, уларни ваъда қилган вақтида олиб келиб, экиб кетди.

Орадан бир неча кун ўтиб, бу воқеани онамга ҳикоя қилиб бердим.

– Болам, инсон ўзининг яқин кишиларидан бу хил дардини яшириши шарт эмас. Кўлтиқтаёқда юриш гуноҳ ишми? Шукр қил. Йиллаб тўшакда ётиб қолган одамлар қанча...

Кейин ўйлаб кўрсам, ўша куни Машраб ҳам “Ҳалиям чиройлисан”, деганида, онамнинг шу фикрларини айтмоқчи бўлган. Яъни “Шукрли бўл” демоқчи бўлган...

* * *

Ҳаж сафарида имконингиздаги ҳар бир дақиқа ҳисобли. Шерикларим фарз амалларни адо қилиб бўлишган бўлсалар-да, кўпроқ вақтларини Ҳарам шарифда ўтказишар, ҳажга кела олмаган яқинлари учун умралар қилишар, нафл умралар қилишар, нафл намозлари ўқишар эди. Байтуллоҳда ўқилган бир намознинг савоби бошқа жойларда ўқилган намозларнинг савобидан юз минг марта кўп экан. Бунинг устига Ҳарам шариф шундай маҳобатли, файзли, гўзал эдики, бу муқаддас даргоҳда шунчаки ўтириш ҳам, дуо қилиш ҳам киши руҳига бекиёс ҳаловат, лаззат бағишлар эди. Зеро, дуо қилиш ҳам ибодат-да. Ҳар кун, ҳар тун, сафардаги ҳар бир дақиқамни шу муборак Ҳарамда ўтказмоқни жуда-жуда истасам-да, менга сафарда тоға тутиниб, ўз хомийлигига олган эр-хотин – Абдувоҳид ака ва Солияхоннинг кўмагида фарз амалларини бажариб қайтгач: “Мени ҳам яна Ҳарамга олиб боринглар” деб уларга юк бўлишдан ийманар эдим. Элликбошимиз кўнглимдаги оғриқларни сезгандек: “Ҳожи она, бу муқаддас шаҳарнинг ҳар қайси бурчида ўқилган намоз муборакдир”, дер эди мени тинчитиб далда бериш учун. Мен ҳам тақдирга тан бериб, намозларимни меҳмонхонада ўқир, ибодатдан бўш вақтларимда меҳмонхона олдида ўтириб, шаҳарни, ўтган-кетган одамларни томоша қилар эдим.

Ноилож одамнинг бу махзун томошасида кўпинча менга ўхшаб аравачада ўтирадиган жикаккина кекса аёл ҳамроҳлик қилар эди. Бу аёлни жуда келишган, ўрта ёшлардаги басавлат бир киши ёнимга қўйиб кетар: “Опа-сингил гурунглаши-иб ўтиринглар. Онажон, агар зериксангиз, кўнгирик қилинг”, дер эди. Менинг эса бу кампирга ҳавасим келар: “Агар ўғлим билан келганимда, унинг бўйнига осилиб олган бўлар эдим, ҳар кун Ҳарам шарифга борар эдим, Ватанга қайтгунча сира Ҳарамдан чиқмас эдим”, дея ўйлар эдим. Бир куни кўнглимдагиларни айтдим ҳам: “Хола, бу ерга ўғли билан келган оналар дунёдаги энг бахтли оналар бўлса керак”, дедим. “Э-э!.. Бу ўғилга кўнглимда нафратдан бўлак ҳеч нарса йўқ”, – қўл силтади кампир. “Нега?” – ҳайрон бўлдим мен. “Бу ўғил фарзанд бўлиб, умрида

бир пиёла каймоқ ёки бир кило гўшт билан мени излаган одам эмас. Топгани хотини ва қайин-бўйинларидан ортмайди. Мен кенжа ўғлим билан яшайман. Кенжамнинг қўли бироз юпқароқ эди. Қизи ТошМИга кирган йили Россияга ишга кетди, шу қизнинг контрактини тўлайман, деб. Бир йилда яримжон бўлиб қайтиб келди. Мен касал, ўғлим касал. Контракт тўлашга қийналиб қолдик. Бир куни денг, буни чақиртирдим. Неча-неча дўкони бор, пул, мол-дунё мил-мил! “Шу қиз ўқишга бир амаллаб кирган эди, меҳнати куйиб қолмасин. Қарашиб юбор, савоб бўлади”, дедим. “Бу шўртумшукларингизга ота ҳовлини ташлаб чиқиб кетдим, яна нима қилиб беришим керак? Уни Россияга мен жўнатганим йўқ, яримжон бўлиб қолишига ҳам мен сабабчи эмасман. Ўзиям, қизиям тақдирида борини кўраверсин. У аҳмоқнинг ақли бўлса, пул излаб, Россияда юрмасди. Ишлайман, деган одамга шу ерда ҳам иш тўлиб ётибди. Қийналиб қолибди, сизни орага солмай, ўзи борсин, “Ака!..” деб! Йўқ, у киши министр, отдан тушсалар ҳам, эгардан тушмайдилар!” – хуллас, бир дунё гап билан таъбимни тиррик қилди. “Э-э, бор, кўзимдан йўқол! Ўз уканг оёғингга йиқилиши керакми ҳали? Бир тиканли гап қилиб, дилини оғритган жойинг бордирки, олдинга бормапти уканг. Қайтиб туркингни кўрмай!” дедим. Кенжа келин жуда доно, қаноатли аёл эди. Ҳамма зебу зийнатларини, ҳатто мебелларини ҳам сотди, қариндошлардан озроқ қарз кўтардик. Кейинроқ қизимиз ишга кирди. Хуллас, қизни ўқитдик. Ҳозир катта дўхтир, бойбичча. Кейинги неварам тадбиркор. Жуда бойиб кетмаган бўлсақ ҳам, энди бировга муҳтож жойимиз йўқ. Бир кун кутилмаганда катта ўғил кўнғироқ қилди: “Она, тайёргарлигингизни кўраверинг, мен сизни ҳажга олиб кетаман”, деди. “Қачон? Нега?”. “Икки ойдан кейин! Эртиндин тиббий кўриқдан ўтасиз”.

Бирдан оркам тутиб кетди: “Мен сен билан ҳеч қаерга бормамайман. Умрингда бир пиёла каймоқ ёки бир куйган кулча билан изламаган ўғил энди мени ҳажга олиб бормоқчимисан?” дедим. “Э-э, она, қўйсангиз-чи шундай гапларни! Сизникига каймоқ кўтариб юришга менинг вақтим борми? Эрка ўғлингиз бола-чақасига нима едирса, сизга бериб ўтиргандир. Хурсанд бўлиб, раҳмат болам, дейишнинг ўрнига бу нима гап бўлди?”. “Қаймоқ обкелма, майли, оч қолган жойим йўқ. Аммо шу кекса онам тирикми-ўликми, яримжон ўғлининг остонасида бирор нарсага муҳтож бўлиб қолмадимикин, деб олти ойда бир йўқламайсан. Мени кўргинг келмаса, ўзингни бир кўрсатиб кет, тошбағир, номард! Йўқ, мен ҳеч қачон сен билан ҳажга бормамайман!”. “Онажон, онам бўла туриб мени тушунмайсиз-а! Менинг умуман вақтим йўқ. Бутун умрим сафарларда ўтади. Одамлар ҳам тўловини қилиб, ҳам пора бериб, ҳажга бора олмайди, сиз бўлсангиз!.. Майли, мени кўяверинг, Худодан кўркинг, она!”, “Бошимни оғритма, мен барибир бормамайман. Ҳов, ана, қайнонажонингни олиб боравер”.

Ростдан ҳам келмоқчи эмас эдим. Кенжа ўғил билан келин қўймади: “Боринг, онажон. Биз сизни ўша жойларга олиб бора олмадик. Акам ўзидан билиб, олиб бораман, деяётган экан, бу фикрни акамнинг кўнглига Худо солган. Бу сизга Худонинг марҳамати. Йўқ деманг”.

Ўзим ҳам ҳажга келишни бир умр орзу қилганман, денг. Ўйлаб-ўйлаб охири: “Э-э, майли, шу нобакор ўғилнинг топганида она сифатида менинг ҳам ҳақим бор”, дедим. Жаҳл – кофир, деганлари рост. Энди бу муқаддас жойларда юриб, жаҳлимни энга олганимга, ўзимни идора қила олганимга шукр қиламан”.

Кампир нурсиз кўзларини олис-олисларга тикиб, анча вақт жим қолди, сўнг чуқур хўрсиниб, қўшимча қилди:

– Ўзинг туккан боланг бўлса ҳам, кўнглинг қолса, бегонадек бўлиб қолар экан. Ё менинг дийдам шунчалар қаттиқми, билмадим, шу ерларда юриб ҳам, ўғлимга нисбатан ҳеч меҳрим товланмади. Биламанки, у мени бу ерга Оллоҳнинг ва менинг розилигим учун эмас, “Онасини ҳажга олиб бориб келди” деган обрў учун олиб келган!

Ҳамсухбатимни тинглаб туриб, онагинамнинг бир гапини эсладим. Биров-ярим боласидан шикоят қилиб қолса, шундай дер эди: “Ичингдан чиққан ола илон, ол-да, белингга бойла!” Халқимиз қанчалар донишманд, ичингдан чиққандан воз кечиб бўладими ахир?! Яна ҳазрат пайғамбаримизнинг муборак ҳадислари бор: “Нафсим кўлида бўлган Оллоҳга қасамки, мўмин бўлмагунча жаннатга кирмайсизлар” ва “... бир-бирингизни севмагунча комил мўмин бўла олмайсизлар”.

Она ва ўғилки, бир-бирини кечира олмаса, мўминлик ҳақида, жаннат ҳақида ҳаёл қилиши мумкинми? Ахир биламиз-ку, Раббим кечиримли, марҳаматли Зот ва кечиримли бандаларини севади. Оллоҳ Қуръони Каримда марҳамат қилган: “Оллоҳнинг марҳаматидан умидингизни узманг!..” Яна шундай мазмунда ҳадис бор, ер юзини тўлдириб юборадиган миқдорда гуноҳ қилган банда тавба қилса, Оллоҳ бандасини ер-кўкни тўлдирадиган миқдордаги маҳфират билан қарши олар экан.

Онахонга раҳмим келди. Ахир, нафрат ва кек тўла кўнгил билан, айниқса, бу нафрат ва кек ўз фарзандингга қаратилган бўлса, яшаш ниҳоятда кийин бўлади. Ҳадису шарифларга ҳаётини мисоллар қўшиб, секин-секин тушунтирдим. Биз узок суҳбатлашдик:

– Холажон, кенжа ўғлингизнинг ҳаётидаги кийинчиликлар ҳам ўтиб кетибди. Энди Оллоҳнинг розилиги учун бу ўғлингизни ҳам кечирмасангиз бўлмайди, ундан рози бўлинг. Ахир у сизнинг фарзандингиз, олдингизга ўғлим нега бунча беоқибат чиқди экан, деган саволни қўйганингизда, она бўлиб берган тарбиямда ўзимдан бирор камчилик ўтмадимикин, деб ўйлаб қўйишни ҳам унутманг. У сизни Оллоҳнинг уйига олиб келди. Уни кечирсангиз, Оллоҳ ундан ҳам, сиздан ҳам рози бўлиши аниқ. Иккинги сизнинг кўнглингиз ҳам ҳаловат топади. Бу жойларга бир келдингиз, яна келиш насиб қиладими-йўқми, ёнингизда шундай меҳрибон, полвон ўғлингиз бор экан, бўйнига осилиб олиб, ҳар кун Ҳарамни шарифга бормаисизми?

Аёл маҳзун жилмайди:

– Билмасам, синглим...

Эртаси куни у “томошагоҳ”имизга чикмади. Шерикларидан сўрасам, ўғли билан Ҳарамни шарифга кетибди. Худди мен орзу қилгандек, “ўғлининг бўйнига осилиб олиб!..” Унинг қарорига, бахтига астойдил ҳавас қилдим. Мен ҳам юракларим ёниб, ният қилдим: “Эй, Оламлар Парвадигори! Бу ҳажимни охиригиси қилмагин. Бу муборак шаҳарга, муқаддас Каъба зиёратига яна келишни, албатта, ўғлим билан келишни насиб айла!”

* * *

Онам ҳар нарсадан нолиб юрадиган одамларни ёқтирмайди. Ўзи ҳам ҳеч қачон нолимайди. Шукрлилик, қаноат ҳақидаги бир ривоятни кўп айтади.

Эмишки, бир подшонинг ёлғиз кизи бетоб бўлиб қолибди. Мамлакатнинг барча табиблари уриниб ҳам маликани даволай олишмабди. Бундан қаҳрланган подшо: “Агар қизимни даволай олмасанглар, барчангизнинг бошингизни қиличдан ўтказаман”, дебди. Шунда бир табиб: “Қизингизга дунёда ҳеч армоним йўқ, ўзига

шукр, деган одамнинг кўйлагини олиб кийдирсангиз, кизингиз батамом соғайиб кетади”, деб, ҳамкасбларини ўлимдан сақлаб қолибди. Қизининг соғлигидан қаттиқ хавотирланган подшонинг ўзи хос навкарлари билан “Ўзига шукр, армоним йўқ” дегувчи одамни излаб чиқибди. Не бир бой-боёнлар, оғзидан куй-кўшиқ тушмайдиган шоёнлар билан гаплашишибди. Барчаси “Шукрку-я, аммо...” деб, бир армонини айтибди. Беармон одамни излаб-излаб ҳолдан тойган бир пайтда кимсасиз бир чекка кишлокнинг чеккасидаги ғарибона кулбанинг ёнидан ўтиб кетишаётиб, “Ўзингга шукр, Яратган Эгам, ҳеч бир армоним йўқ”, деган хитобни эшитишибди. Улар кулба ёнида тўхтаб, уй эгасини чақиришибди: “Ҳой, шукрли инсон, ташқарига чиқкил, сен билан юрт подшоси гаплашмоқчи”. Ичкаридан овоз келибди: “Подшоҳим мени кечирсинлар, мен чика олмайман, сабаби устимда кўйлагим йўқ”. Бундан подшо ўзига хулоса чиқарибди. Ҳалиги кишига бош-оёқ сарпо кийдириб, кизига муаллим қилиб тайинлабди.

Ушбу сатрларни ёзар эканман, юрагимнинг туб-тубида симиллаб турган соғинч хиссини туйдим. Онам – Оллоҳ берган беминнат хазинам, ғанимат неъматим. Шошиб, болалигим ўтган кадрдон уй томон йўлга тушдим.



**Оналар оёғи остидагур
Равзайи Жаннат у Жаишон боғи.
Равза боғи висолдин истар эрсанг.
Бўд онанинг оёғин туфроби.**

Алишер НАВОЙЙ

Сиз айтган гапларда сўзларим яшар



Шукур ҚУРБОН

ТАҚДИМОТ

ёхуд маърифат ҳайкали учун сюжет

Миллий кутубхона.
Кўзларида нам,
Китоб қошида тиз чўкди кекса бир одам.
Худого ширк келтиришми, йўкми бу, билмам,
Кўпчиликка хуш ёқди бу,
Ёқди менга ҳам.

Битилганди унда ўзбек тарихи рўй-рост,
Минглаб йиллик халқ тарихи, замонага хос.
Минглаб йиллик орзу-армон, ҳайрат, ҳаяжон,
Минглаб йиллик далил ила битилганди соз.

Олқишлардан титради зал,
Титради юрак,
Тиз чўкди чол, туролмади ўрнидан бироқ.
Сизарди кўзёшлари соқолига жим,
Англадикки, ёрдам учун шошилиш керак.

Энг аввало, муаллифлар кўзгалди шитоб
Ва отахон пойига тушди у китоб –
Тегиб кетиб, бехосдан кимнингдир кўли,
Эхтиромга эхтиром қайтганди шу тоб.

Ва оҳ тортиб юборди бу ҳолатдан зал,
Балккан эди тайёр мазмун-эскиз шу маҳал:
Тиз чўккан зот. Пойида очилган китоб...
Бўлар эди маърифатга ясалса хайкал.

Шукур ҚУРБОН – 1951 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг филология факультетини битирган. Ижодкорнинг “Оққушлар кўли”, “Соғинч дарвозаси”, “Нафас”, “Ёз кунлари”, “Бир қалб манзараси”, “Балиқчиликлар”, “Озорингни соғиндим”, “Шарқ марвариди” каби шеърый ва бадиалардан иборат китоблари нашр этилган.

Азизларим

Бирингиз ўғлимсиз, бирингиз – қизим,
Менинг фарзандларим – ҳозирги ёшлар.
Сиз юрган йўлларда қолади изим,
Сиз айтган гапларда сўзларим яшар.

Қандай из, қандай сўз, гап ана шунда,
Сизларга неларни қолдирдим мерос?
Қоврилиб қақшадим қайси бир мунгда,
Қайси қувончларда яйрадим рўй-рост?

Мўл эди саволлар қўнглим қатида,
Жавоб тополмадим барига тугал.
Девона бир шоир мухаббати-ла
Ёнсам, Ваган учун ёндим, энг аввал.

Замон оғир эди, қалбу онглари
Эгаллаб кўпдан бир ёлғон ётарди.
Кутардим ўшанга ботиб тонглари,
Ўшанинг забтида кунлар ўтарди.

Ҳақ сўз рамзлару тимсоллар аро
Бурканган гўдакми, келинчакмиди?
Зиёли кўксига қон сизган аро
Юксак орзуларга беланчакмиди?

Йўллар ўнгсиз эди, қоқилиш-тойиш
Тинкамни қуритган, олмоқ керак тан.
Эвоҳ, қонимдаги чўчиш-хайиқиш,
Азизларим, сизга юкмадимикан?

Юрак-юрагимда борган курашлар
Қолдирган бағримда жароҳат, асар.
Истиклол авлоди – ҳозирги ёшлар
Ўз имонин ўзи бутлар сарбасар.

Тилакларга уйкаш аламли бир сас:
Тарих саҳфасида номингиз қолсин.
Ёшлар томирида менинг қониммас,
Шавкатли аждодлар қонлари оксин.

Нон-насиба, мавқе, шароит, замон
Белгилар ўзакни, асосни азал.
Имоним қомилдир, яшайсиз шоён,
Қуриб ҳаётингиз тўкис, мукаммал.

Ризо қилажаксиз оталарни ҳам,
Демакки, мени ҳам, кўрғазиб сабот.
Бу ёруғ оламда бўлмайди ҳеч кам
Яратганинг ўзи қўллаган авлод.

Таомилга кўра...

“Жаноблар, бу нусха бор-ку бизда” – демасдан,
 Қабул қилиб олди Навоий
 Асари нухасини
 Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
 Ходимлари,
 Таомилга кўра,
 Тантана билан.

– Нега олиб келишмабди аслини?

Асар Навоийники, ўзбекники,
 Бизники-ку, бошқача айтсак?

– Сотилади асли,

Палон пулга, шартнома билан.

– Олиб кетишган-ку қийин кунларда,

Арзимаган ақчага ёхуд

Рўзгор учун керакли

Бугдойгами, арпагами айирбошланиб,

Бечоралардан.

– Бечоралар эдик, кетишган олиб,

Мана, энди, бечорамасмиз,

Мустақилмиз,

Олиб келамиз

Вакти-соати билан

Халқимизга қайтариб.

Яхши бўлган, бир хисобда,

Саклаб келган Ҳазрат асарин

Шу чокқача саломат-омон.

– Лекин, нахот, саклаганлар

Бир кун келиб сотиш учун?!

Олтин эмас-ку?!

– Авваламбор, олтиндан қиммат –

Навоий асарлари,

Ёза олмас уни биров

Олтин берсанг ҳам қанча.

Қолаверса, фойдаланишган

Ўстириш-чун ундан ўз

Халқи маънавиятин.

Гапларига қараганда, керак уларга

Бундан кейин ҳам.

Дарвоқе, ўқийдими

Бизда Ҳазрат асарларини?

Мутахассислардан

Бошқа кимлар ўқийди?

Ўқимагач, фарқи бор қандай

Асл нусхами у, асл эмасми?

Масалан, сиз ўқиганмисиз

Йигирма жилдикдан бирор жилдини?..

– Ана, кўрдингиз,

Улар бизни синамоқ бўлган:

Қадрига етарми, етмасми дея

Навоий асарларин

Келтирсак аслин!..

Юрак хуружи

Дунёдан бемахал кўз юмди бир зот,
Юрак хуружи деб, ташхис қўйдилар.
Дўстлар дўстча, ётлар боқди мисли ёт,
Ғанимлар ғанимлар каби қуйдилар.

Бирок фожианинг сабабчилари –
Номард дўсти ҳамда аҳмоқ фарзанди –
Қизи қандай қуйди биров билмади.
Тупроққа икки ит кўзи қадалди..

Қизим бор – бир эмас, учта менинг ҳам,
Дўстларим ҳам тақчил эмас, етарли.
Биттадир юрагим ҳамма каби, ҳа,
Минг битта қайғуга, ғамга чидарли.

Лекин минг иккинчи қайғуга у тор,
Тор – меҳрсизликка, тор – хиёнатга.
Юргизиб туради уни номус-ор,
Садоқату вафо боғлар ҳаётга.

Турмуш тўла сабоқ, дарс берар у жим,
Ҳатто кўр-басирнинг очар у кўзин.
Юрак хуружига дучор бўлса ким,
Силаб қўйгим келар бориб чап кўксин.

Тўртлик

Бизни бир-бировга кўнгил боғласин,
Доғласа, бизни ишқ ўти доғласин.
Иқтисодий инқироз кўркинчли эмас,
Маънавий инқироздан Худо сакласин!

Она ер сезади қуёш тафтини



Абдулла ВАХШ

Дединг, ишқ гунчаси гуллар нопармон,
Сени ўзим истаб, ўзим топарман.
Уч юз олтмиш беш кун баҳор, аҳ...
Кўнги
гуллади, гуллади, тинмай беармон.

Муждалар топмадинг, баҳорлигимдан
ва интиқ кўнгилда сен борлигиндан.
Дунёнинг лаззати зағизғон бўлиб –
кулдилар,
кулдилар,
абгорлигимдан.

Ох урдим,
охларим сенга етмади,
Осмонинг баланд, қуш ҳам ўтмади.
Севгингнинг баланд дорига осилдим,
Осдинг,
захри суягимдан кетмади.

Кеч кузнинг қуёши ўткир ва тафтли,
Шунчаки айтмадим бу эски гапни.
Намозшомгул каби тунда порладинг,
Шавкинг маст айлади тўртта тарафни.

Гулладинг, гулладинг, тинмай беармон...

Абдулла ВАХШ – 1962 йида тузилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) тарих факультетини ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган. Ижодкорнинг “Сизни яхши кўраман”, “Ишқ дарахти”, “Жаннат юртим” номли шеърӣй ҳамда “Онаизор”, “Қора олмос фожиаси”, “Ажал комидаги тўйгу” каби насрий асарлари ва йиғирмадан ортиқ ҳикоялари чоп этилган.

Кўклам.
Ҳали қирларнинг ёнбағирларида
Қорлар бор, эски шол рўмолдек ҳарир.
Вахшивор чўккисин ўнгирларидан
Чечаклар куёшга боқар мунтазир.

Юракка санчиган ҳижрон доғини
Енгаман,
енгаман бардошим билан.
Оҳиста силайман, гул, япроғингни,
Исмингни айтаман кўзёшим билан.

Пичирлаб айтаман,
шунчаки, дилдан,
Биров эшитмасин дейман исмингни.
Э, Худо, тоғлардан қайтар акс садо,
Чорлаб сафсаргулли, сарвдек жисмингни.

Этим жунжикади,
номинг эшитиб,
Жойидан кўзгалар чўккининг тоши.
Осмонтолошда ҳам чакиллаб эрир
Дарёларга сигмас баҳор куёши.

Кўзимни узмайман сирли нуктадан,
Исмингни айтаман, такрор ва такрор.
Сен бу, ахир, сенсан, сенга ўхшаган,
Ҳали учрамади, сендек, мафтункор.

Вахшивор тоғининг этаги корли,
Қор кетган жойларда гуллар барк урар.
Юзимдан сидириб сохта викорни –
Даранинг сувлари сархуш – шаркирар.

Товонимдан онг ва шуурим қадар,
Сонияда кўчиб, ўрнар лағча чўғ.
Шунча йил орада, эй нозлидигар,
У менинг жисмимни совутгани йўқ.

Исмингни айтаман, ҳар субҳи тонгда,
Куёш ботганда ҳам: маънос ва сирли.
Исминг, умр шерик қолади жонда –
Сенинг исминг..
айтиш бирам ҳузурли.

* * *

Кафтдек баҳаво ер,
Осмони тоза,
Ширин нафаслардан яйраб кетар дил.
Паға-паға момик, оппок, покиза
Булутлар ортидан қуёш излар йўл.

Кумуш, зарҳал тусда товланади нур,
Майсаларнинг артиб қўяр ёшини.
Она ер сезади қуёш тафтини,
Ҳаловат маст килар кафтдек очунни.

Митти, жажжиларин қўлидан ушлаб,
Ялпизлар ариқдан сачраб ўтишар.
Ёмғирга тўйинган чоғирин пешлаб,
Бойчечак кизлари меҳмон қутишар.

Атрофимда гуллар, ётибман сармаст,
Дала чечакларни базмга чорлар.
Атри димоғимга, бағримга пайваст,
Қизғалдоқни асло қўйворгим келмас.

Кафтдек баҳаво ер, тупроғи тоза,
Ёнимда бир чашма тўлғаниб ётар.
Мен мамнун юмаман кўзимни,
бир кун,
Тангрим элчилари келиб уйғотар.

Соғинч азоби

*Мени қутгин ва мен қайтарман,
Фақат қутгин жуда интизор.*

Константин СИМОНОВ

Сени кутдим,
кутдим интизор,
Кутдим қуёш, ой гувоҳида.
Сени кутдим,
кутдим умидвор,
Ҳижронларнинг тубсиз чоҳида.

Хазон кўрмай сарғайди юзим,
Соғинчлардан хафакон юрак.
Сўнг манзилга етмасдан аввал
Сени бир бор кўришим керак.

Кўринмайсан: шафақда, шомда,
Ҳилвирайди кўнгил толаси.
Оёғингга тўкилмоқ истаб,
Қонаб кетар вужуд ноласи.

Илк бор, бир бор,
ҳам сўнги марта,
Ёнимга кел,
қўлларимни куч!
Кўзларимнинг ёшини артма,
Меҳримга қон,
кел, меҳримни ич!

Соғинчлардан киприқлар синар,
Издиҳомга бурканар соғинч.
Сачраб кетар сахархез кушлар,
Сезгир дилнинг парвози нотинч.

Оққушларга айланган соғинч
Бирин-кетин пойингга кулар.
Қанотида, тўшида ўкинч
Қор гулидек ерга тўкилар.

Сени кутдим.
Кутдим.
Умидвор...

* * *

Шамол йўлларимга сочар алвон гул,
Ифорлари ўткир, димоғим сармаст.
Ўйлаб босажакман, кадамим тугул,
Хаёлим гулларга қилмасин деб қасд.

Оҳиста қўяман, ҳар бир кадамни,
Шафтоли гулидек лаблардан холи.
Раббим, кийнамасанг, бунча одамни,
Уни рад этишдан қолмади ҳолим.

Қабул қилишга ҳам таассуфдаман,
Тонг ва шудринг каби бу илиқликни.
Ўзинг кадамимга гул ташлаб қўйиб,
Менга тўнкарма-да бор қилғиликни.

Шамол йўлларимга сочар алвон гул...

Жавдирар соғинчнинг юраги



Зухра ОЧИЛОВА

Таксида елади лахзалар
шошилиб кутилаётган
дийдорга.
Шошиб келаяпсан менга,
сенга шошиб бораялман.
жавдирар соғинчнинг юраги.

Осмоннинг
ўйноқи ёруғлиги,
турфа кушлар хониши,
серхосил боғлар овози,
зиллол сувлар тўлкини,
гулзорнинг муаттар шивирини,
капалакнинг нафис ҳаракати,
далалар умрининг хорғинлиги
сўниб қолди,
оқшомги сукунат қатига
нихояланди бугуннинг чиройи...

Оғироёқ мусича
кўзларида
товланади –
хаёт масрурлиги.

Зухра ОЧИЛОВА – 1975 йилда туғилган. Қариш давлат университетининг филология факультетини битирган. Шоиранинг “Мовий ифोर”, “Гулишамол”, “Тафтли ошён” номли шеърини тўпламлари нашр қилинган.

* * *

Настарин тусида
 тўлин ой иси,
 Ҳиссиёт қадамига
 кўяди тузок.
 Ўзга маънодадир
 кечанинг исми,
 Бир соғинч ҳақида
 куйлар чирилдоқ.

Коинот муждасин
 йўллаётгандек
 Кўк тешигида
 саноксиз ёнаркурт.
 Анқайиб оқизар
 ариққа мева,
 Ел сескантирган
 белгинаси мўрт.

Майсалар шивири
 ўгириксиз сўз,
 Ишқдан тўлғокли
 жуфтлашган силов.
 Ҳаяжон кенглигига
 сингиб олар кўз,
 Тўлин ой саҳнида
 уйкусиз инсон.

Настарин тусида
 хаёл энтикар.

* * *

Сени билмам.
 Сени танимам.
 Сен кимимсан, мени суйгувчи?
 Сен айтилмас асрориммисан,
 Нечун сезиб тураман, қайдан?
 Узоқданам хароратингни
 Тақдир раво кўрдими сенга,
 Менинг ишким тароватини,
 Лекин, кимимсан суйгувчи?..

* * *

Ёз билан куз
 оралигидаги субҳидам,
 кузатдим кўк мавжини.
 Қароғимнинг кенгликларида
 жилмаяр майинлик.

* * *

Индамасдан
 қарайсан, шаксиз.
 Ёктиргансан.
 Бермабман имкон.
 Дилингдаги кисматда зоҳир
 кадрлисан.
 Мен учун ишон.
 Боқамиз индамасдан.

* * *

Ой – мис кўзгу.
 Унда кўринар
 тунги сояларнинг
 бегуноҳ доғи.
 Замин кўксида
 сочилма сояларда
 ёғилар фазолар кукуни.
 Ой – мис кўзгу.

* * *

Олам ботинида
 Ахриманнинг ёвузлик рангида эмас,
 Ахурамазданинг эзгулик рангида бўлса
 орзунинг ранги.

* * *

Кузги ёмғир,
 Салқин кечинма,
 Зиркирайди кексарган оғрик.
 Ачишади ҳаёт димоғи,
 Ёгин ичра толгинлик сорик.

Қунишади бекат елкаси,
 Шошилади қайгадир кўча.
 Ивиб қолар ёмғирда кўнгил,
 Ахир, қимни соғинган бунча?

Хабари етмаган телефон
 Ё эринчоқ вақти имиллар.
 Эгаси йўқ уй деразаси
 Ёмғирларнинг сасини тинглар.



**Нодирабегим
ИБРОҲИМОВА**

МЕН, ДАДАМ ВА АЛЬЦГЕЙМЕР

Ҳикоя



Алоис Альцгеймер.

Нейропатологиянинг отаси. Инсоннинг мия фаолияти сўниши, яъни ўз исми билан аталадиган касалликни кашф қилган, ўрганган олим. Мен унинг исмини сўнгги йилларда тез-тез тилга оламан. Бу сўз менга анча яқин бўлиб қолган. Альцгеймер элик бир ёшида ўлган. Юраги сабабли. Эҳтимол, кўпроқ яшаганида бу хасталикка даво топган бўларди, мен ҳам ҳозиргидек чорасизлик гирдобига тушиб қолмасдим...

Йўқ, мен касал эмасман. Касал бўлганимда касал эканимни билмаган ҳам бўлардим. Альцгеймерга дучор бўлганлар менга ўхшаб қалам олиб ўз тарихини ёзармиди? Йўқ, ёзмайди. Кечинмалариними? Билмадим. Улар нимани ҳис қиларкин ўзи? Ахир улар ҳеч нимани эслолмайди, нимани қораласин? Бугун тонгда нонуштага нима еганиними? Йўқ, йўқ, сираям ёдига келмаган бўларди.

Альцгеймер сўзини илк марта дадамни яхшилаб текширган шифокордан эшитдим. У бунга анча-мунча изохлаб берди. Ҳа, ҳа, тўппа-тўғри. У рост гапирарди. Анчадан бери дадамнинг кўзойнагини ўзим топиб бераётгандим. У ҳар куни китоб жавонининг шундоқ юзасида турар, негадир дадам уни тополмасди. Кейин... кейин дадам ишхонасини адаштириб қўйди. Етти йил аввал бўшаб кетган иш жойига бориб ўрнини биров эгаллаб олганини айтиб хуноби ошди. Ҳозирги ишхонаси ҳақида гапирсам, эслай олмади... Мен ҳайрон бўлиб қолавердим. Паришонхотирлик. Эсарлик. Онам қарилик аломатлари сезилаётган дадамга ёнғок едира бошлади.

Ва яна кўплаб шундай ҳолатлар бўлдики, биз дадамдан жиддий хавотир ола бошладик. Ишдан бўшатиб, уйда парварилладик. Асаблари чарчаган, яхшилаб дам олсин, ўтиб кетади, деб санаторийга жойлаштирдик. Бир куни кўргани борсам, дадам йўқ. Қидиришга тушдик. Излай-излай кишлокдан топдик. Амакимнинг ўғли ўзи хабар қилди. Дадам ота уйига келиб жойлашиб олибди. Уйнинг ҳозирги эгалари – амакимнинг ўғлини танимай, тўполон ҳам қилибди. Марҳум ота-онасини сўроқлабди...

Мен дадамни алдаб-сулдаб олиб кетдим. Келдим-у энг яхши неврологга кўрсатдим. Изланишлар, текширувлар, тажрибалар... сўнг мен Альцгеймер билан

Нодирабегим ИБРОҲИМОВА – 1989 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетини тамомлаган. Ҳикоя ва таржималари республика матбуотида чоп этилган. Ҳозирда “Бекажон” газетасида фаолият юритмоқда.

танишдим. Ўшандан бери у биз билан бирга. Менинг бу касаллик ҳақида ўқимаган манбам қолмади, бормаган шифокорим қолмади, ўтинмаган илтижоларим қолмади. Лекин бирор чора тополмадим.

Дадамни уйда парваришлагга қарор қилдик. Зотан, бу хасталар учун энг мақбул ер шифохона бўлса-да. Аммо ишга кетганимда, онамнинг бир ўзи қийналишини билардим. Наҳора, оиламизда фақат уч киши. Мен аллақачон кўнгил қўйган йигит билан турмуш қуришга ахдлашган бўлсам-да, аммо биз ҳозир совчи кутишга тайёр эмасдик. Умуман олганда, оиламни бу ҳолда ташлаб, турмушга чиқиш – ақлсизлик эди мен учун. Суйганимга буларни айтганимда, бари тугади. Онаси дадамни жиндилар қаторига қўшганидан сўнг мен ҳаммасига нукта қўйдим.

Шундай пайтда дадамнинг ўғли йўқлиги менга ҳам сезилади.

Онам ҳам ҳар куни ух тортиб ухлолмайди.

Дадам эса ўғли йўқ-борлигини билмайди ҳам. У бир куни мени ҳам танимади. Қизингизман, десам, онамга боқди. Онам тасдиқ ишорасини қилгач, ишонди, шекилли. Лекин нигоҳлари бегона эди...

– Мен бироз сайр қилиб келаман, – дадам бир куни кўчага отланиб қолди. Шерик бўлишимизга унамади. Ночор қўйиб юбордик. Кўнглим бўлмади яширинча ортидан эргашдим. Дадам хиёбонда сайр қилди. Сўнг ортга қайтди. Уйимизни тополмай анча қийналди... Қўлларидан тутиб олиб кетдим.

Бу воқеаларга ҳам анча бўлди. Ҳозир дадам касалхонада яшайди. Мен эса уйда. Ҳар куни ишдан чиқиб кўргани бораман. Бир йилки, мени танимади. Дадам нота-нишлар билан суҳбатлашиб кетаверади. Ҳар куни бир хил мавзуда.

– Бугун рафиқам кўргани келди. Сен уни танимайсан, – жилмаяди у. – Яна мен яхши кўрган майизли пирог олиб келибди. Чой ичиб танаввул қилдик. Эртага яна келаман, деб кетди.

Мен сумкамдан майизли пирог чикараман.

– Татиб кўринг, меники ҳам мазали чикқандир...

– Йўқ, овора бўлма. Яхшиси, болаларингга оборақол.

Болаларим бўлганида жон деб олиб борардим. Кўп бора дадамга ўзимни танитдим, эслашига умид қилдим, охири индамай қўйдим. Муҳими, дадам ўзини яхши ҳис қиляпти.

Ночор руҳда уйга қайтдим: хувуллаган хоналар ютаман дейди. Китоб жавонимдаги кадрли китобларим ҳамроҳ. Бирини олиб ўқийман, ҳаётдан узоклашаман. Ҳаёллар оламида бир дам яшаб, куч оламан. Баъзан Анна Каренина билан, баъзан Онегин билан ёлғиз қолгим келади. Аммо... аммо Альцгеймер ёнимдан жилмайди, у ўзгаларни ёнимга йўлатмайди. Мен уни деб севган кишиларимдан айрилдим. У мендан қувончларимни тортиб олди. У мени ёлғизлик ўлкасининг тутқунни қилди.

Тонгда ишга кетаман. Ёзув-чизувлардан сўнг, яна дадамнинг ёнига. Бу гал дадам онам олиб келган мазали таомни мактайди. Менинг егуликларимни олгиси келмайди. Қизик, дадам онамни сира унутмайди. Ҳатто бир марта бундан ўттиз йил аввал қандай танишиб қолганликларини ҳам сўзлаб берди. Кўзлари намланди... Йиғлаб юбормаслик учун бўғзимдаги аччиқ “тош”ни ютдим, ютдим, ютдим... Юрагим яна бир тош билан тўлди.

Онам. Бизни тарк этганига икки йилдан ошди.

Бу ҳақда дадамга сира эслагмадим. Эсласам, юрагимдаги тошлар бир-бирига урилиб оғриқ беради. Лекин билмайман... онам қандай ўлганини билмайман. Ишдан уйга келдим. Онам йўлақда чўзилиб ётар, дадам эса хотиржам газета ўқиб ўтирарди. Дарҳол “Тез ёрдам” қақирдим, юрагим тўхтаб қолгандек бўлди. Шифо-

кор онамнинг вафот этганини айтди. Дадам бизни кузатаркан, бир сўз ҳам демади. Сўнг дадамни олиб кетишди...

Дадам охирги вақтлар ўзи билан ўзи сўзлашиши, кўзларига шарпалар кўриниши ва тажовузкор бўлиб қолганини сезган эдим, аммо... у ҳеч қачон онамни унутмаслигига ишонган эдим. Онамнинг бўйнида бармоқ излари қолган эди...

Ҳа, дадамни ҳар куни кўргани бораман. Рухий хасталар шифохонасида дадамга ўхшаганлари деярли йўқ. Альцгеймер фақат менинг меҳмоним. У кетмайдиган меҳмон. Ҳар куни унга юзлашаман. Фақат дадам уни танимайди. У касал эканини ҳам билмайди. Унга таширфларимнинг ҳам фарқи йўқ. Лекин бугун...

– Ўша кунни унутишни истайман, – деди кутилмаганда. – Бу ерга бошқа келма. Унутишни истайман.

Дадам шундай деб столдан туриб кетди. Қараб қолавердим...

Менимча, бундай ҳаёт ҳеч қачон тугамаса керак. Назаримда, абадий шу тарзда яшаймиз... Шу фикрга келиб турган чоғларим мен бир инсонни учратдим. Биз тасодифан танишиб қолдик.

– Шифокорман. Альцгеймер касаллиги бўйича илмий изланишлар олиб боряман... – суҳбатимизнинг кульминацион нуқтаси шу бўлди.

– Менинг дадам... – ниҳоят кимгадир ёрилдим. Узоқ сўзладим. Юрагимдаги тошлар пуфаклар каби ёрилиб-ёрилиб кетди. Қандайдир енгил сездим ўзимни. Пуфакчалар кўзларимдан ёш бўлиб чиқди, юзимга оқиб тушди. У беихтиёр кўзёшларимни артди.

– Менинг онам шу хасталиқдан вафот этган, – деди у.

Альцгеймер уни ҳам йўқлаган экан. Меҳмон бўлган экан. Аммо ўзи билан бирга онасини ҳам олиб кетган экан.

– Мен дадамдан айрилишни истамайман, – нажот билан унга термилдим.

– Мен Альцгеймерни енгаман, – деди у ишонч билан.

Юрагимда умид гуллари очилгандек бўлди. Қушдек енгил бўлиб уйга қайтдим. Китоб жавонимдаги дўстларим билан юзлашдим. Муҳаббат киссасини қўлимга олдим...

Альцгеймер ҳамон мени кузатар, аммо ҳалал беролмасди...

...Ҳар сафар хотираларинг сўзлаб берасан



**Ҳайитбой
АБДУСОДИҚ**

Ота юрт

Кўзларимни юмсам
кўз олдимда пайдо бўласан,
Кўзларимни юммасам ҳам
кўз олдимда пайдо бўласан.

Орзиқиб кутиладиган ҳамсуҳбат

Китобнинг орасида
бир дона япроқ.
Қуриб қолган, сариқ тортган
бир дона япроқ.
Ҳар сафар менга шуни
кўрсатасан
Ва ҳар сафар хотираларинг
сўзлаб берасан,
Ва ҳар сафар мен
сен айтаётган толларнинг
кесилиб кетганини
аниқ билсам-да,
индамайман атайин.

Қадрнинг нисбийлиги

Уй тўрида турибман, деб,
гердайма сандиқ,
Сенинг қадринг ичингдаги
молларга боғлиқ.

Ҳайитбой АБДУСОДИҚ – Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналист. 1957 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Ижодкорнинг “Мени кашф этинг”, “Ёруғлик истаги”, “Аслим, аслим хўжа эли”, “Тирик тугилган ой” номли шеърый китоблари нашр этилган.

Эски сир —

икковимизни
боглаб турган
бирдан-бир
тугун.

Руҳий пўртана

Бундайин пўртанага
дунё чидолмас,
кўллар чидолмас,
кўзлар чидаркан.

Ҳазрати эшик

Хамма ишдан хабардор:
у ённинг саломини олғувчи,
бу ённинг саломини олғувчи.
Ўртадаги кўш туткичли
ҳазрати эшик.

Ерга оғирлик

Ҳаммамиз ҳам вазмин тортиб,
ўзимизни босаверсак,
ерга оғирлик тушмасми?

Ноаниқ нуқта

Кеча сўрок бўлиб кўринди,
бугун ундов,
эртага қандай
кўринаркан
бу нуқта?

Минг жонли

Минг жонли ошиқман,
висол сари жоним
бир сон кўпаяр.
Ҳар хижронда
озаяр бирга.

Куч

Куёш нури сувда
синади.
Менинг нурим
кўзларингда.

Ушалмаган орзуларим

Армон, дейдилар-а,
ушалмаган орзуларни.
Бор бўлинг-а,
ушалмаган орзуларим.
Кўп туринг-а,
ушалмаган орзуларим.
Ушалмаган орзуларим
менинг бахтим,
овунчоқларим.
Ушалмаган орзуларим –
зирҳли кўргоним.

Ёмғир

Ерни тозалашга зўр бериб уринасан:
баъзи ерларни тозалайсан ҳам,
баъзи ерларни эса лой қиласан.

Тош отди

Инсон эқди дарахтни,
инсон кўқартирди.
яна бир инсон
унга тош отди.

Лоқайд одамнинг қалби

Унинг қалбидан
самимиятни
заррабин тутиб кидир,
заррабин.

Қонуният

Биз ўз ҳукмимизни
ўқимасданок,
табиат ҳукмидан
узилгай япроқ.

Ажаб

Баъзилар дунёга устун бўлсам, дер,
Ҳолбуки, беустун айланади ер.

Иссиқ ва совуқ нурлар

Энг иссиқ нурларни
одам кўзларида кўраман.
Энг совуқ нурларни ҳам
одамнинг кўзларида.

Айтар

Кимдир тушини
жуфтига айтар.
Кимдир эса
анхор сувига.

Айириш ва юмшатиш белгилари

Бу айириш белгиси –
айиради.
Бу юмшатиш белгиси –
юмшатади.
Юмшатиш белгиларини
яхши кўраман.

Аксил самара

Қулоч ёйиб,
камровни кенг
олган сайин,
тораймоқда кўнглимиз.

Ҳижрон

Кўчада изғирин,
ичда изғирин,
дунёда изғирин.
Мунгли кўзлардан
сизиб чиқар,
аччиқ таъмли сув
юзни қиздириб.

Бизларни масрур қилган ишқдан айтинг, ё бегим!



Маъмура ЗОХИДОВА

Шамол билан суҳбат

Шамоллар, йўл бўлсин сизга, саҳарлаб
Йўл олибсиз қай бир сокин жойларга?
Меҳмонни қаршилаб чарчамайди ҳеч,
Бормасдан қўймасиз Ғовасойларга?

Ортимдан эргашган тоғларга бўйланг,
Қарсак чалиб кутар сизни тераклар.
Сойларга қўшилиб мен учун куйланг,
Ахир, сел бўлди-ку бунда юраклар.

Дехкон оталарнинг юзларин силаб,
Бўй кизлар сочини ўйнатиб келинг.
Меваларни тўкиб, шохин кайириб,
Боғбонни шошириб, ўйлатиб келинг.

Шамоллар, деразам сиз учун очик,
Қайтишда кирарсиз бир ҳўплам чойга.
Ёмғирга қўл ювинг, мен тутай сочик,
Сизни ўтқизайин энг баланд жойга.

Келсангиз қуригай кўзимнинг нами,
Елпиб юборинг дил озорларимни.
Олиб келинг, албат, менга онамнинг
Қалампирмунчоқли ифорларини.

Маъмура ЗОХИДОВА – 1973 йилда туғилган. Наманган давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаган. Республика матбуотида қўлаб илмий-оммабоп мақолалари, “Айтилмай қолган гаплар”, “Ҳикоялар”, “Нажот куйи” каби шеърӣй ва насрий тўпламлари нашр этилган.

* * *

Азобли тун, рухим зир чопди,
Яшайманми кетса тонг отиб?
Ишқ ахтарин ахтариб топдим,
Сўнг ўзимни кўйдим йўқотиб.

Энди излаб юрибман сархуш,
Тотли армон кўксимда маним.
Қанча бўлса шунча бўлди хуш
Ўзимни ҳеч тополмаганим.

Ўйлар ширин, бошим унга тор,
Севмам десам, жонимга тухмат.
Яна қандай жазоларинг бор
Шу афтода ҳолимга, қисмат?

Терс юмалок ерни тепмасдан
Куёшга тик боргум пиёда.
Жўн ва узоқ яшаб ўтмасдан
Куйгим келар бундан зиёда.

Бошим силаб кузат, эй дунё,
Бир кун сенга керак бўламан.
Кўп бўлсин деб ишқ отли зиё,
Шу куёшга юрак бўламан.

Йўкса, каро тунларда ғафлат
Сарғайтирар толе юзини.
Кун кўзидан нур сочиб фақат
Ёндираман ёрнинг ўзини.

У менингмас бошидан охир,
Лек кўкдай кенг хуш хаёлимдир.
Ерда топган давлатим, ахир,
Дилга томган қатра болимдир.

* * *

Осиб кўйдим вақтни деворга,
Имконимни олганларичун.
Изн бермай ширин дийдорга,
Ўзга ғавғо солганларичун.

Осиб кўйдим вақтни деворга,
Кун кўрмокка қилмади рухсат.
Кўйиб ўтди жонни озорга,
Пушаймонга кўп берди фурсат.

Осиб қўйдим вақтни деворга,
Ортига бир бокмаган золим.
Жазо бердим тортгандай дорга,
Токай келар у мендан ғолиб?

Осиб қўйдим, ёшлигим дамлар,
Билагимдан тутиб турарди.
Дилдаги ғаш, кўздаги намлар,
Барисини ютиб юарди.

Осиб қўйдим вақтни деворга,
Мени излаб айлансин боши.
Чопганлари кетсин бекорга,
Нур бермаса ҳужрам куёши.

Осиб қўйдим, додлаб турар вақт,
Йўқман унинг эрталигида.
Топилмади бир саҳифа бахт
Бу соатнинг кундалигида.

* * *

Бағримизни ўртайди кўнглимиз шикастлари,
Хўрлигимиз келтирар кадримизнинг пастлари,
Жон қадар, тошлар қадар тилингизнинг ростлари,
Ётга тушган ишқингиз туш бўлса бўлмасмиди,
Ё аввал руҳим мани куш бўлса бўлмасмиди?

Ўт бўлган кўнгил билан баҳрингиздан ўтолмай,
Тутдай тўкилар жоним бир кадимни тутолмай,
Оғу бўлар ичганим дардим ичга ютолмай,
Бизларни масрур қилган ишқдан айтинг, ё бегим,
Сенда кўнглим йўқ деган сўздан қайтинг, о, бегим!

Ул агёрни кўргандан кўз ортимда лаҳча бор,
Озурда доғ кўнглимга озорингиз тоғча бор,
Қай кунда пайдо ёрга сўзингиз қаймоқча бор,
Ўзгага назар қилмай қўйсангиз не эди-я,
То сўнги нафас мени, суйсангиз не эди-я?

Юракни банд-бандидан, оқ ишқингиз банд этса,
Панд берган ишончимга, энди афсус панд этса,
Ул Самарқанд жонони сўзин сизга қанд этса,
Қолсам бўлмасмиди-я, дунёга келмай, бегим,
Ўзгани севманг, бегим, ўзгани севманг, бегим!

* * *

Бегим, ойлар бориб, омонлар келинг,
Қайтсангиз, аввал биз томонлар келинг!
Жонимиз бормоқда соғинчада куйиб,
Кетсин видо деган гумонлар, келинг!

Дарду озорига кўндирди дунё,
Завқимни, шавқимни сўндирди дунё.
Гул эдим, хушнаво булбулга лойик,
Менга қарғаларни кўндирди дунё.

Бегим, энди, сиз ҳам бахт беролмайсиз,
Фурсат йўқ – синовга вақт беролмайсиз.
Лахзалик дийдор ҳам насия, ҳатто,
Сиз бир нигоҳни-да нақд беролмайсиз.

Бегим, бизга тақдир ишқ берди, етар,
Хижрондек зийнатли кўшк берди, етар.
Сиз бор бу карвонлар ўтар-да кетар,
Майли, сиз ой бориб, омонлар келинг!

Она тилимга

Менинг жами билганларим она тилим туфайлидир,
Хуш каломлар қилганларим она тилим туфайлидир.
Ўтмишни англадим бугун келажакка айтдим тилак,
Яхши умид қилганларим она тилим туфайлидир.

Отам сўзи, онам сўзи, бобом, синглим, оғам сўзи,
Ҳар банди маъно гавҳари, ҳар жумласи дурнинг ўзи.
Тилим – ўзбек, элим – ўзбек, мен – элимнинг эрка қизи,
Менинг фахр қилганларим она тилим туфайлидир.

ХОТИНМАСЖИД

Эссе



Абдуқаҳҳор
ИБРОҲИМОВ

XX аср элгинчи йилларнинг бошлари, ўспиринликдан ўтиб, ўсмирликка илк қадамлар қўйган кезларим эди. Йилнинг шундай пайти эдики, Қиш билан Қўклам тортишар, Қиш “Давом этавераман” деса, Қўклам “Ўринни бўшатиб қўй, энди менинг галим келди” дерди, яъни баъзан Қиш изгирини эсса, баъзан Қўклам ели келарди. Шундай кунларнинг бирида тушдан кейин мактабдан келдим-да, уйда ўтиролмай қолдим, қўнглим ниманидир, балки кимнидир истарди, лекин бу “ниманидир”, “кимнидир”ни билмасдим. Тушки овқатни ҳам қилмай боққа отландим. Онамнинг “Ўғлим, овқатланмайсанми?” деганларига қарамай йўлга чиқдим. Ҳастимомдан Зарқайнар кўчасиго Эски Жўва майдони орқали Хадрага келиб, 8-трамвайга ўтирдим. Икки тийин тўлаб “Қўкча”га келдим.

Кўнгиб безовта, гаш, хира, нотинч, мажхул пайтларда қабристонларга бориб, азиз-авлиёларнинг, ота-боболарнинг мазорлари зиёрат қилинса, қўнгиб равшан тортади, деган тавсияни ўқиган эдим. Шу тавсия ёдимга тушиб, Шайх Зайниддин жоме масжиди томон юрдим. У пайтларда харсанг ётқизилган учта зинадан кўтарилиб, масжид дарвозаси остонасига чиқиларди. Шу сабабли туб аҳоли Пастбордан бошланиб, Назарбекка олиб борувчи Тошкўчанинг бу қисмини “Мозортеги” деб атарди. От минган йўловчилар бу ерда отдан тушиб, пиёда ўтишарди.

Масжид ҳовлиси орқали ўтиб, Шайх Зайниддин бува қабристонига “Қиёмат яқин”, “Қиёмат яқин”, “Қиёмат яқин” дея қадам қўйдим. Аввало Шайх Зайниддин бува макбарасига яқин бориб, ғиштин супачага қиблага қараб ўтириб (у пайтлари макбара эшиги кулфлоклик бўларди, ичкарига киритилмасди), Куръони Каримнинг “Фотиха” ва “Ихлос” сураларини тиловат қилиб, савобини Шайх Зайниддин бува, у кишининг авлодлари ва қабристонда ётган барча мўмин-мусулмонлар, муслималар руҳига бахшида этдим. Руҳим анча равшан тортди.

Эллик метрча орқага қайтиб, бобом Иброҳимхожи отанинг ғиштин сағаналари ёнига келдим. Бу ерда чўқкалаб ўтириб тиловат қилиб, савобини бобом руҳларига, у кишининг вафот этган зурриёдлари руҳига, Иккинчи жаҳон урушидан қайтмаган Мансурбой амаким, отам Абдусамад Иброҳимхожи ўғли руҳи покларига бағишладим. Қўнглим янада равшанлашиб кетди.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ – Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор. 1939 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎЗМУ), Москвадаги Олий адабиёт курсини тугаллаган. “Зўлдир”, “Олқили”, “Сенга бир гап айтаман”, “Пуч” каби ўндан ортиқ пьесалари мамлакатимиз ҳамда чет эл театрлари сахнасида намоён этилган. “Уйқу келмас кечалар” романи, “Миллат овози”, “Ёруғтуғ”, “Рухий озиқ маҳзани” каби китоблари нашр этилган.

Қабристондан чиқа бошлаганимда, кўзим ер бағирлаб ётган, ҳажми катта китобнинг муковасидек оқ мрамар тахтачага тушди. Синчиклаб қарасам, унда арабча сулс хатида “Абдурахим кизи” деган ёзув бор, холос. Марҳуманинг на исми шарифаси, на туғилган ва вафот этган йили бор. Ҳайрон бўлдим. Шу пайтгача менинг кўзим тушган хотира лавҳаларда марҳум ёки марҳуманинг исми, отасининг исми, туғилган ва вафот этган йили ёзилган бўларди. Саволимга жавоб топиш умидида эшигига “Имом хатиб” деган лавҳа ўрнатилган хужрага яқин бордим. Ичкаридан Куръон тиловати эшитиларди. Тиловат тугаб, фотиҳа ўқилгач, салом бериб остонадан ичкарига бир қадам босдим:

– Ассалому алайкум!

– Ваалайкум ассалом! Келинг, жиян, – дедилар хонанинг қуйироғида жойлашган танчага бағрини бериб ўтирган ўрта яшар, сийрак сокол киши. Мен бу хонани торгина бир хужра бўлса керак, деб ўйлардим, чунки ҳовли томонда бир тавақали эшик ва битта деразаси бор эди-да. Йўқ, хона ўн бир ёғочли, тўсин ораларига токи (васса) қўйилган росмана уй экан. Тўрида ўртаси тоқчали иккита тахмон, икки томон деворлари катор тоқчалик эди. Танча устида думалоқ мис баркаш турарди, унда ушатирилган каллақанд, новвот ва сочиққа ўралган ёпган нон.

Мен хона сохибининг салобати босиб, тик турардим. У киши мулойимлик билан мени ўтиришга ундади.

– Ўтиринг, марҳамат, – дея танча ёнига таклиф этди. – Жиян, агар адашмасам, биз кўз танишлармиз. Сиз жума намозларида масжидимизга келиб турасиз, тўғрими?

– Ҳалимкўп маҳалласидан келиб кетаман, – дедим мен. – Нариги томондаги Оқилон маҳалласида туғилганман. Шаҳар ҳовлимиз катта бозорга яқин Бедабозор маҳалласида эди, хозир у давлатга ўтиб кетган, ертўламиз чойхона қилинган, 84-чойхона.

– Иброҳимхожи отанинг набираларидан экансиз-да?

– Шундай.

– Бу масжидни, ёнимиздаги қабристонни обод қилишда Иброҳимхожи отанинг катта хиссалари бор. Бу хужрани, ёнимиздаги ноиб имом ва мутавалли ўтирадиган худди шундай хужрани, чап томонимиздаги хонакоҳ олдидаги катта айвонни, қарши томонимиздаги гўрқовхона, қоровулхона ва гувалахоналарни бобонгиз қурдирган, Шайх Зайниддин бува мақбарасининг пештокини қайта бунёд этган. 1866 йилда Тошкентда қаттиқ зилзила бўлганда Тошкентдаги кўпгина бинолар, жумладан, Хўжа Носируддин Аҳрор валий жоме масжиди, Шайх Зайниддин мақбарасининг пештоки кулаб тушган. Мақбара то 1922 йилгача пештоксиз хароб бўлиб ётган. Ўша йили бобонгиз Кўкча Октепаси мавзеида махсус ғиштхумдон қурдириб, пишган ғиштларни масжидимиз дарвозасигача от араваларда ташитиб келтирган. Бутун Тошкент масжидларида умумхалқ хашари эълон қилинган. Ўша пайтда навкирон йиғит эдим. Қоригўди маҳалласида яшардик. Савобталаб уч-тўрт жўраларим билан бирга мақбарани таъмирлашда қатнашганман. Масжид дарвозаси олдидан то мақбара олдигача ғиштларни қўлма-қўл қилиб келтирдик, хашарчилар кўп эди-да. Бобонгиз усталарга ҳақ тўлаган, лекин айримлари ҳақ олишмабди, у киши эрталаб нонушта, пешинда суюқ овқат, оқшом палов билан сийлаган, ошпазлар пул олишмабди, савоб учун ишладик, дейишибди. Пештоқ уч ойга борар-бормас тикланди. Бунинг шарафига масжид ҳовлисида маърака оши тортилди. Шаҳримизнинг катта домлалари, уламолар, юрт қатталари келишди. Ҳаммага ош тарқатилди. Биз ёшлар ҳам ош ташидик, кейин тўйиб палов едик. Йиғин охирида бир олим одам Шайх Зайниддиннинг ким эканлиги ҳақида сўзлади, анча маълумотга эга бўлдик. Энг охири бобонгиз ҳақида сўз бўлди, хайрли ишлари макталди. Шу тариқа Иброҳимхожи отанинг обрў-эътиборлари шаҳримизда янада ошиб кетди. Айтишларича, асримиз

бошларида ўзлари туғилиб ўсган Бедабозор маҳалласида ўз номларида жоме масжид ва мадраса курдирганларида ҳам бунчалик юксак эътибор қозонмаган эканлар. Негаки, бу гал Шайх Зайниддин бободек улуғ авлиё аждоимизнинг руҳи поклари шод этилган эди... Мен ўзим хотираларни ҳикоя қилишни болалигимдан яхши кўраман. Аслида тарихчи бўлсам бўларкан, деб қўяман ўзимга-ўзим. Машхур тарихчи, “Тарихи жадидаи Тошканд” деган каттакон тарих китобини ёзиб кетган Муҳаммад Солиҳ Қорахўжа ўғли аслида бизнинг “Қориёғди” маҳалламиздан-да. Маҳалламизда азалдан қорилар кўп бўлгани учун шундай аталган. Тарихчилар ўзи бироз эзмарок бўлади, тингловчи топилса, ўтмишдан гапираверади... Энди муддаога ўтайлик, ҳализамон аср намозига азон айтилиб қолади.

– Бир саволимга жавоб истаб олдингизга кириб келдим, – дедим мен.

– Хўш?

– Бобом қабрлари яқинида сулс хатида битилган, ер бағирлаб ётган бир қабр тошини кўриб қолдим. Унда “Абдурахим қизи” деган ёзувдан бошқа ҳеч қандай маълумот йўқ. На марҳуманинг исми, на туғилган ва вафот этган саналари бор.

– Бобонгизнинг дафн этиш пайтида мен ҳам ўша қабртошни кўриб хайрон бўлгандим. Суриштириб билсам, бу аёл Эски Жўва майдони ёнида бир жоме масжид курдирган экан. Халқ уни “Хотинмасжид” деб атабди. Ҳозир бу масжид йўқ. Ўрнини Хотин-қизлар клуби эгаллаган, жой номи эса Хотинмасжид бўлиб қолаверган. Бу борада билганим шу, жиян.

Шу пайт аср намозига азон айтила бошлади: “Оллоҳу акбар, Оллоҳу акбар, Оллоҳу акбар!..”

Кейин суриштириб билсам, суҳбатдошим масжид йигирмалик кенгашининг аъзоси Абдуҳакимқори ака экан. У киши аллақачон оламдан ўтган. Аждоддан авлодга қон ўтади, дейдилар. Абдуҳакимқори аканинг набиранларидан бири Нейматулло Муҳамедов таниқли тарихчи олим, Тошкент давлат ислом университети доценти, “Шош воҳаси олимларининг илмий-маънавий мероси” деб аталган монография ёзган.

Хотинмасжид борасида Абдуҳакимқори акадан эшитганимни тўлдириш ва аниқлаш мақсадида яна изланишда давом этдим.

* * *

Эски Жўва майдонининг шарқи шимолида, ҳозирги Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғининг шимоли ғарбида бир бадавлат бева аёл томонидан 1754 йили ишга туширилган масжид Тошкентнинг йирик ва қадимий масжидларидан, ноёб меъморий ёдгорлик бўлган. Аёл киши курдиргани учун “Хотинмасжид” деб аталган. 1858–59-йилларда тошкентлик Ўрозалибой томонидан таъмирлангач, унинг номи билан ҳам атала бошланган. 1907 йили Ўрозалибойнинг ўғли, масжид мутаваллиси Мулла Нормуҳаммаднинг шахсий маблағи ҳисобига қайта таъмирланган. 1932 йилда Хотинмасжид Шайх Хованди Тохур мозори ёнига кўчириб берилган. 1953 йилда ушбу масжид биноси 240 квадрат метр майдонни эгаллаб турган. Хотинмасжиддан бир қанча вақт кутубхона сифатида фойдаланиб келинган. 1957 йили бирор сабабсиз Тошкентда ўнлаб масжидлар қаторида бузиб ташланган.

Хотинмасжиднинг асл ўрни топоним (жой номи) сифатида туб тошкентликлар ёдида ҳамон сақланиб келмоқда. Бу ерга 1932 йили қурилган Хотин-қизлар клуби шўроларнинг Эски шаҳардаги мафкуравий муассасаларидан бири бўлган. Клубнинг катта зали кейинчалик кинотеатрга айлантирилиб, унга “Октябрь” номи берилган. Мен ҳам ёшлигимда бу кинотеатрда ҳинд ва араб фильмларини кўрганман.

Халқ орасида Хотинмасжид қурилиши ҳақида кўп ривоятлар юради. Баъзилар ривоят эмас, ҳикоят дейишади. Бир ҳикоятда айтилишича, шу масжиднинг ўрнида жойлашган ташқи, ўрта ва ички қисмлардан иборат каттакон ҳовлида Неъматиллабой яшаб ўтган. Унинг вафотидан кейин ҳовли-жойлари, ер-сувлари, дўконлари, чорва моллари, яйловлари, йилқилари, хуллас, барча бойлиги унинг Исмадиллабойвачча деган ёлғиз ўғлига мерос бўлиб қолган. Исмадилланинг бойлиги отасининг бойлигидан ҳам ортиб кетган бўлса-да, халойиқ уни Исмадиллабой деб эмас, Исмадиллабойвачча деб аташда давом этаверган.

Исмадиллабойвачча дастлаб, отаси тириклигида, ўн олти-ўн етти ёшида уйланган, хотини билан икки-уч йил яшаса-да, фарзанд кўрмаган. Яқинлари бошқага уйланишни маслаҳат қилишган: “Бошқасидан фарзанд кўриб қолсанг ажабмас”.

Исмадиллабойвачча шу маслаҳат бўйича иш тутган: маҳрини тўлаб, биринчи хотинини рози қилиб, жавобини бериб юборган-у, бошқасига уйланган. Бу хотинидан ҳам фарзанд кўрмагач, яқинлари қозикўчаллик (кейин Табибкўча деб аталган) табибга бориб учрашишни маслаҳат қилишган. Халойиқ бу табибни Эшон табиб деб атаган, сабаби, у машҳур, дами ўтқир, муриди кўп эшонзодалардан бўлиб, хатто Тошкент теварак-агрофларида ҳам дами ўтқир руҳоний, билимдон, қўли енгил табиб сифатида кенг танилган.

Исмадиллабойвачча нонуштадан кейин Эшон табиб томон оғлиқ йўлга чиқди. Эғнида поча-пўстин, бошида сувсар чакмоқ телпак, оёғида кўнжи қалта ағдарма махси ва ковуш.

Қаҳратон киш. Ер муз қотган. От ўқтин-ўқтин тойиб кетади. Эгаси хушёр ва чакқонлик қилмаса, отдан учиб кетиши турган гап. Лекин Исмадиллабойвачча мохир чавандоз, олти-етти ёшидан бошлаб от минган, ўспирин, ўсмирлигидан пойга, кўпқари ва улоқларда қатнашган.

Исмадиллабойвачча Эшон табибнинг қўштабақали қатта дарвозасига яқин бориб, отдан тушмасдан эгилиб, қатталиги қосанинг оғзидек келадиган мис ҳалқани бир-икки дарвозага урди. Дарвозанинг бир табақаси ярим очилиб, остонада бир ўсмир кўринди:

– Ассалому алайкум, – деди у мулоимлик билан, афтидан хизматкор эди.

– Ваалайкум ассалом, – деди Исмадиллабойвачча. – Табиб жанобларига учрашмоқчи эдик.

– Марҳамат, табиб жаноблари уйдлар, – дея хизматкор дарвозанинг иккала табақасини ланг очиб юборди. Исмадиллабойвачча чакқонлик билан отдан ерга сакраб тушди. Хизматкор йигит дарҳол жиловни қўлига олди. Чамаси, у Исмадиллабойваччани кўриниши, кийиниши ва важоҳатидан ҳоким ўрдасидан келган қатта амалдор деб ўйлаган эди.

Исмадиллабойвачча қирган жой Эшон табибнинг ташқи ҳовлиси эди. Ҳовлининг тўрт томони иморатлар – хона ва айвонлардан иборат эди. Қарши томонидаги томига оқ туноқа ёпилган иморат баландроқ бўлиб, тўрт пояли ғиштин зина орқали чиқиларди. Қунгай томондаги узун айвонда йигирма чоғли узок-яқиндан келган одамлар қўлларини манқалдаги оловга тоблаб, исиниб ўтиришарди. Афтидан, улар Эшон табибдан нажот топиш умидида келган беморлар эди. Улар Исмадиллабойваччани хурматлаб, салом беришди. У алик олди.

Эшон табиб Исмадиллабойваччани иссиқ кутиб олди, хурмати учун ўрнидан туриб, қўшқўллаб сўрашди, тўрдан жой кўрсатди:

– Марҳамат қилсинлар, хуш кўрдик, қани, юқорига марҳамат қилсинлар. Камина сизни орқаворатдан танийман. Қурашларда елкаси ерга тегмаган полвон Исмадиллабойвачча эканингизни ҳам биламан. Бир қалла уриб отни қулатганингиздан ҳам хабарим бор.

– Энди... ўртоқлар билан баҳслашиб қолиб, шундай номаъқулчиликни ҳам қилиб қўйганмиз-да, – деди Исматилла бойвачча хижолат чеккандай бўлиб.

– Энди сира бундай қила кўрманг, бойвачча жаноблари, – деди танбех йўсинида Эшон табиб. – Бўйин умуртқаси шикаст топса ёмон-а, Худо кўрсатмасин.

– Тўғри, лекин биз келиб чиқиши йўғонтепалик бўлган одамларда қалла уриштириш қадимдан одат, – дея эътироз билдирди Исматилла бойвачча. – Мана, мени кўряпсизми, бошим билан елкам тутатиб кетган, гўё бўйин умуртқам йўқдек.

– Октепа, Қизилтепа, Кўктепа, Кўшттепа, Учтепа, Тўйтепа деган номларни эшитган эдим. Лекин Йўғонттепа деганини эшитмагандим. Йўғонттепа ўзи қайси томонда? – қизиксиниб сўрайди Эшон табиб.

– Кунгай тарафларда, Сайрамдан ҳам, Чимкентдан ҳам нарида, Мутоққумда, Қўқон хонлигига қараган дейишади. Қишлоқда ҳеч қандай тепалик йўқ, одамларнинг бўйин йўғон бўлгани учун қишлоқ Йўғонттепа бўлиб кетган экан.

– Ҳа, шундай денг... Биз томонга қайси шамоллар етаклаб келди сизни, бойвачча жаноблари, – дея Эшон табиб муддаога ўтди.

– Манглайимда бор экан, икки бор уйландим-у, лекин фарзанд кўрмадим. Яқинларим то фарзанд кўрмагунимча хотинни алмаштира боришни маслаҳат беришмоқда. Бу йўл тўғрими, шуни билмоқ учун келдим, табиб жаноблари.

– Бундай ҳолатда энг тўғри йўл шуми, шу эмасми, бу саволингизга аниқ жавобни Оллоҳ таоло билади. Мен эса сизга ташхис қўйгач, ўз жавобимни айтаман. Сиз бошдан-оёқ ечиниби анави тўшакка чалқанча ётинг.

Исматилла бойвачча Эшон табиб айтганини қилди.

– Ҳой, Файзулла, бу ёққа қараб юбор, – деди Эшон табиб хонага кириш эшиги томонга қараб. Хизматкор йигит эшик орқасида шай бўлиб турган экан шекилли, дарҳол қўлида қумғон, елкасида оппоқ бўз сочик билан остонада пайдо бўлди.

– Лаббай, таксир!

– Қўлга сув қуй. Мен беморни кўздан кечираман. Сен кузатиб тур. Шу тарика кўзинг пиша боради, тажриба орттирасан.

Файзулла қумқувғонда сув қуйди, Эшон табиб енгини шимариб, ханик тепасида қўлини ювди, оқ бўз тоза сочикқа артди. Сўнгра Исматилла бойваччани бошдан-оёқ синчиклаб кўздан кечира бошлади:

– Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Ё Оллоҳим, ўзинг беморимнинг дардини аён қил, шифосини ўзинг бу ожиз банданга билдир. Омин!

Эшон табиб Исматилла бойваччанинг билак томирини ушлаб юрак уришини ўлчади, кўзини қатта очтириб, кўз соққаси, кўзининг оқини кузагди, ўмрови, кўкрак қафаси, елкаси, умуртқаси, ҳуллас, ҳар томонлама обдан текширди, қовуғига ҳам назар солди. Энг охирида ханик тепасига келиб, қўлини ювди-да, оппоқ бўз сочикқа яхшилаб артиб жойига келиб ўтирди. Исматилла бойвачча Эшон табиб айтажак гапини жон қулоғи билан тинглашга шай эди. Эшон табиб шошилмай гап бошлади:

– Сизда, аён бўлишича, эркаклик қуввати бор экан. Милтиқ ҳам бор. Милтиқ пистонида ўқ ҳам бор. Лекин шу ўқ пистондан куч билан отилиб чиқмас экан. Отилиб чиқмаган ўқ нишонга бориб тегмайди. Чунки қовуғингиздаги найчанинг бир қисми тор. Бор гап шу.

– Шундай денг, – Исматилла бойвачча маъюсланиб, умидсизланиб қолди. – Бундан бу ёғига мен нима қилишим керак?

– Биринчидан, холи жойда қорнингизни ичга тортиб, бироз ушлаб туриб, кейин куч билан қўйиб юбориб, яъни кучанишни машқ қила борасиз. Мана бундай (Табиб кучаниб, силтаниб қўяди). Фарзанд кўрсангиз, ажабмас. Фарзандни Оллоҳ таоло ато қилади.

Унинг даргоҳи кенг, химмати чексиз. Сира ноумид бўлманг. Албатта, ейиш-ичишга ҳам эътибор беринг. Биласиз, ем емаган от пойгага ярамайди. Албатта, овкатнинг миқдори, сифати ва турлича бўлишига эътибор беринг. Ётишдан аввал тўйиб овкатланманг. Ўта оч қоринда ҳам, ўта тўқ қоринда ҳам хотинингиз билан муомалага киришманг. Кун ора палов енг. Паловни кишда қора турп билан енг. Палов ёғсиз кўй гўштига, зиғир ёғига қилингани маъқул. Наҳорга беш-олтита бедана тухумини илитиб ютишни қанда қилманг. Қунига беш-олтита туршак, беш-олтита оқ мағиз ёнғоқ, беш-олтита галвирак бодом, бир қисмдан сояки майиз ва хандон писта истеъмол қила боринг. Қишин-ёзин ҳўл мевани еб туришни эсдан чиқарманг. Эътибор қилган бўлсангиз, туршак юракка, бодом буйракка, ёнғоқ шаклан мияга ўхшайди. Бу дегани бу емишлар одамнинг шу аъзоларига қувват беради. Аччиқ бодом қайнатмаси буйракни қувватлантиради... Бойвачча жаноблари, энди мана бу маслаҳатимга қулоқ солинг. Одам доимо ҳаракатда бўлиши шарт. Ана шунда умрингизнинг охиригача соғлом бўла борасиз, ҳам узок яшайсиз, ортиқча семириб кетмайсиз ҳам. Ҳозир вазингиз юз эллиқ қадоқ бўлса керак?

– Икки юз қадоқман, суягим йўғон-да.

– Ёшингиз нечада?

– Иккинчи мучалимга тўлдим.

– Ия, тенгдош эканмиз, ха-ху дегунча чорак асрни яшаб кўйибмиз-а. Бойвачча жаноблари, камина айтганларини қила борсангиз, умрингизнинг охиригача шу вазнда қоласиз, қорин кўйиб, семириб кетмайсиз. Билиб кўйингки, хотин зоти қорин кўйган эр-какларни ёқтирмайди. Ўзи ортиқча юкнинг нима кераги бор... халақит беради. Ҳафтада бир марта хаммомга боринг, ходими қилдинг. Қишда совуқ ҳаддан ошганда иссиқ уйда қора кишимидан солинган тоза мусалласдан бир-икки пиёла ичишингиз мумкин. Ҳозирча шу билан бутунги суҳбатимизни тугатсак, нима дейсиз, Исматилла бойвачча жаноблари? Вақти-вақти билан келиб бизга учрашиб турасиз. Умид Оллоҳдан...

Аслида Эшон табибда Исматилла бойваччанинг қачонлардир фарзанд кўришига юздан тўқсон тўққиз фоиз ишонч йўқ эди. Лекин шундай бўлса-да, миждозини мутлақо умидсизлантириб қўймаслик мақсадида бу фикрини ундан яширди. Яхши табиблар ўлиши аниқ кўриниб турган ўсалга ҳам “Оллоҳ хоҳласа, тузалиб кетасиз” дейишади-да. Қолаверса, Эшон табиб Исматилла бойваччадек бадавлат миждозини дарҳол қўлдан чиқариб юборишни истамасди.

Исматилла бойвачча Эшон табиб йўриғи бўйича иш тута бошлади, бир неча марта уйланди. Жавобини берган хотинларини ранжитмай, маҳрини ортиғи билан бериб, рози қилиб юборади. Улар идда муддатини ўтказгач, турмушга чиқиб, бола-чақали бўлиб кетишади. Исматилла бойвачча тадбиркор, сахий, ўзгалар холини тушунадиган ва ёрдам қўлини чўзадиган одам эди. Собик қайноталари, қайноға ва қайнилари ҳам ёрдам қўлини чўзарди. “Ахир улар не-не орзу-умидлар билан қизларини, опа-сингилларини менга хотинликка беришган эди-ку”. Сал қўлидан иш келадиган бўлсалар, бирига арқон қорхонасини очиб беради, иккинчисига бўз тўкиш дастгоҳини ўрнатиб беради, учинчисига сармоя бериб, савдогар қилиб қўяди эди ва ҳоказо. Ҳатто афсонасифат шундай гап ҳам тарқалган экан: Исматилла бойвачча собик хотинларидан бири умрининг охирида ёлғизланиб, қаровсиз қолганида унинг аҳволдан хабар олдириб, моддий ёрдам кўрсатиб турган экан.

* * *

Исматилла бойвачча умрида биринчи марта тунда ўзи кутганидек хордиқ чиқара олмади. Бундан ўзи ҳам, чой қошиқдай ихчам хотини ҳам ҳайрон бўлишди. Сабаби – қаттиқроқ ҳаракат қилса, ҳарсиллаб, нафас етишмагандай бўларди. Эндиликда

у саксонга якинлашиб қолган эди, лекин бундай улуғ ёшларга борганини хаёлига ҳам келтирмасди, чунки ғайрати, хаётга бўлган шавқ-завқи, фарзанд кўриб, ўзидан зуриёд колдиришга бўлган умиди аввалгидек кучли эди.

Исматилла бойвачча нонуштадан кейин Эшон табиб томон йўлга чиқди. Эғнида поча-пўстин, бошида сувсар чакмоқ телпак, оёғида кўнжи калта ағдарма маҳси ва пошнаси ва тагчармига нағал қоқилган ковуш. Қаҳратон киши эди-да. Ер муз қотган. От ўқтин-ўқтин тойиб кетади. Лекин Исматилла бойвачча мохир чавандоз ўтган, олти-етти ёшидан бошлаб от минган, ўспирин, ўсмирлигидан пойга, кўпқари, улоқларда қатнашган ва кўпинча ғолиб бўлган, отда юришнинг ҳадисини олган, ҳамон каерга бормасин отлик қатнайди, жума кунлари Хўжа Аҳрор жоме масжидига отда бориб келади.

Эски Жўвадан то Эшон табиб яшайдиган “Олақарға” маҳалласигача бир ярим чакиримча эди. Эшон табибнинг кўш табақали қатта дарвозаси олдигача ярим соатларда етиб борди. Отдан тушмасданоқ эгилиб, қатталиги қосанинг оғзидек келадиган ҳалқани бир-икки дарвозага урди. Дарвозанинг бир табақаси ярим очилиб, остонада эски танишимиз Файзулла кўринди. Энди у ёши етмишларга бориб қолган, озғин, новча сийрак сокол чол бўлиб қолган, лекин ҳамон ёшлардек чаккон, серҳаракат эди. Эшон табиб Файзулланинг садакат билан қилган хизмати-ни қадрлаб, унга озодлик бериб, ёши йигирмаларга борғач, уйлантириб, оқ фотиҳа бериб, шу маҳалладан кичик бир ҳовли сотиб олиб кўчириб қўйган эди. Лекин Файзулла “умрим охиригача шогирд бўлиб қоламан” деб Эшон табиб ҳузурида қолаверган. Эндиликда ували-жували бўлиб, ҳатто яқинда авара ҳам кўрган эди.

– Хуш келибсиз, бой ота, – деди у Исматиллага кўзи тушибок. – Марҳамат қилинг, табиб жаноблари уйдалар.

Файзулла ота дарвозанинг иккала табақасини ланг очиб юборди. Исматилла бойвачча қирган бу жой унга азалдан таниш, Эшон табибнинг ташқи ҳовлиси эди. Ҳовли бундан эллик беш йиллар бурун қандай кўринишда бўлса, ҳамон ўшандай эди. Ҳовлининг тўрт томони иморатлар – хона ва айвонлардан иборат, қарши томондаги томига оқ тунука ёпилган иморатга тўрт пояли ғиштин зина орқали чиқиларди, зинанинг икки тарафига эндиликда панжаралар ўрнатилган бўлиб, тепаси соявонли эди. Қунгай томондаги узун айвонда йигирма чоғли узок-яқиндан келган эркак ва аёллар кўлларини манқалдаги оловга тоблаб, исиниб ўтиришарди, улар Эшон табибдан шифо топиш умидида келган беморлар, шунча беморнинг навбат кутиб ўтириши Эшон табибнинг халқ олдида ҳамон эътиборли эканидан даракдир.

...Эшон табиб Исматилла бойваччанинг қизариб, таранглашиб кетган юзини кўриб, салом-алиқни ҳам қисқа қилиб, дарҳол муолажага киришиб кетди.

– Файзулла, мис жомни олиб кел.

Эшон табиб тоқчадаги қутичадан оқ сурпга ўралган наштарни олиб, Исматилла бойваччани хотиржам қилиш мақсадида деди:

– Сира кўркманг, сал ачишади, холос.

Эшон табиб Исматилла бойваччанинг чаккасидаги йўғон томирларига навбат-ма-навбат наштар урди. Исматилла бойваччанинг қуюқ, қорамтир қони Файзулла ота тутиб турган жомга тўқилди. Эшон табиб Исматилла бойваччанинг иккала чаккасини манглайи айлана бойлаб қўйғач, деди:

– Бойвачча жаноблари, энди бир-икки соат шу ерда дам оласиз. Биз беморларни кўшни хонада қабул қила қоламыз.

Исматилла бойвачча кўрсатилган жойга бориб чўзилди, оёқ тарафига почапўстинини ташлаб олди. Файзулла ота олиб кириб берган шарбатни ичғач, уйкуга кетди.

Икки соатлар ўтгач, Эшон табиб хонага қайтиб кирди. Бу пайт Исматилла бойвачча уйқудан уйғониб, ўрин устида ўтирарди.

– Оллоҳнинг ўзи меҳрибон, сизни унинг ўзи асраб қолди. Бир фалокатингиз ариди. Ўз вақтида бизга йўлиққансиз. Агарда бироз кечиксангиз... Худо кўрсатмасин.

– Сизга кўп ташаккур, табиб жаноблари, – деди Исматилла бойвачча. – Хизматингизни икки дунёда унутмаймиз.

– Биз табиб сифатида Оллоҳ таоло буюрганини адо этдик, холос, – деди камтарлик билан Эшон табиб. – Энди гап бундай. Бундан бу ёғига ҳар борада (таъкидлаб), ҳа, ҳар борада ҳаракатни қамайтирасиз, қонингиз қуюқлашган, юрак уришингизнинг меъёри бузилган. Бу ҳолатларни тузатиш мумкин. Сиз каминанинг айтганларини бажарасиз. Биринчидан, парҳезни қаттиқ сақлайсиз. Қазиларни, сур гўшт, тўш емасиз. Шолғомли, сабзили қайнатма шўрва ичасиз. Ёғсиз мол гўшти ейсиз. Энди ҳар қандай совуқ кунларда ҳам мусаллас ичмайсиз. Камина берадиган ҳап дориларни, суюқ дориларни, дамламаларни ўз вақтида ича борасиз. Уч кун уйдан чиқмай дам оласиз, бир ҳафта давомида ўринни алоҳида солдириб ётасиз, энг муҳими ҳам шу. Эртага бомдоддан кейин сизга зулук солгани ҳузурингизга Файзулла билан бирга борамиз...

– Тушундик, ташаккур, табиб жаноблари, – дея Исматилла бойвачча ўрнидан кўзгалди.

– Бойвачча жаноблари, – деди Эшон табиб жиддий ҳолатда. – Айниқса шу кунларда сизга кескин ҳаракат қилиш мутлақо мумкин эмас. Отга сакраб миниб юрманг, уйингизга яёв, аста қадам ташлаб боринг. Отингизни Файзулла етаклаб боради.

Эшон табибнинг бу огоҳлантиришини Исматилла бойвачча ҳовлига чиқибок унутди-кўйди. Жиловни Файзулла ота қўлидан олиб, бир сакраб эгарга ўтирди. Унинг зарбидан отнинг бели қайишиб кетди. Анқайиб қараб турган Файзулла отага қарата:

– Хайр, хўш, – дея отга аста бир камчи уриб, табиб ҳовлисида кўчага чиқди. Энди совуқ анча юмшаб, қор сал-пал эриб, ер усти пилч-пилч бўлган эди.

Исматилла бойвачча ўтган-кетганларнинг саломига алик ола-ола, уйига қайтар экан, ўзи билан ўзи гаплашарди: “Маҳалламдаги тенгдош жўраларим, мактабдошларим, мадрасадаги сабоқдошларим бирин-кетин ўтиб кетишди. Бири қирққа бормай ўтди, бошқаси пайғамбар ёшида кетди. Охиргиси кеча гўрга кирди. Охиргиси?.. Йўғ-ей! Ўзим охиргиси бўлиб қолибман-ку. Навбат менга етиб келибди. Ҳа, туғилмоқ бор экан, ўлим муқаррар. Нафас олувчи ҳар бир жонзод ўлим шарбатини ичажак... Ўтганлардан ҳеч бўлмаса зурриёд қолди. Менинг эса ҳамон зурриёдим йўқ. Бу бўлиши шарт. Чекиниш йўқ. Ноумид шайтон. Қуч-қувватим жойида, – муштумларини қаттиқ қисиб қўяди. – Кўзуга қарамасанг, ёш улуғлашганини сезмайсан. Кўз соч оқарганини, манглайга ажин тушганини кўради. Қалб эса буларни кўрмайди, чунки қаримайди, у ҳамшиша ёш. – Ҳа, бу хотиним туғиши керак. Хотиним орқамда ўғлим ёки қизим билан қолса, боламиз билан овуниб юравериши мумкин. Лекин фарзандсиз бўлса, ҳали йигирмага ҳам бормаган, албатта кимгадир эрга тегиши турган гап. Йўғ-ей, бундай бўлишига чидай олмайман, тирик эканман, бундай бўлишига йўл қўймайман, қўя олмайман ҳам. Ахир, бу суюкли хотинимнинг бировнинг қўйнида ётишига қандай чидаш мумкин?”

Исматилла бойвачча ўша куни табиб айтганини қилмади, ўзининг кучига ҳаддан ташқари ишониб юборди, ҳаётдан ягона илинжи ўзидан зурриёд қолдириш эди-да. “Агар зурриёдим қолса, ворисим бўлади, – деб ўйларди Исматилла бойвачча. – Бутун умрим бўйи йиққан-тиққанам, мол-мулким соврилиб кетмайди, номим ҳам, ўз уйимдаги чироғим ҳам ўчмайди”.

Бойвачча ўша куни ўринда жон таслим килди. Бутун мол-мулки, уй-жойлари, ер-сувлари сўнги ёш хотинига мерос бўлиб қолди. Бошқа ворислар йўқ эди. Исматилла бойваччанинг ёшгина бевасига идда муддати тугар-тугамас маҳалладан, теварак-атрофдан харидорлар чиқа бошлади. Исми сира ошкор қилинмаган бу бева аёл доно экан, биладик, ғойибона бу “ошиқ”ларни унинг хусни жамоли эмас, балки мол-мулки қизиқтирарди. Бева ўйлаб-ўйлаб, бор давлатини масжид қурдиришга бағишлашга аҳд қилди. Ниятини маҳалладаги отинойи орқали маҳалла элликбошисига етказди. Бу қарорга ҳеч ким қарши турмайди – юрт мусулмонобод, эл – мусулмон, ислом дини тўлиқ жорий. Воқеанинг бундай тус олиши Исматилла бойваччанинг ҳаёлига ҳам келмаган. Умр бўйи йиққан мулки эзгуликка буюрди – масжид қурилишига бағишланди. Бундан Исматилла бойваччанинг руҳи шодланган бўлса керак.

Қурилиш поёнига етгани сайин бевага харидорлар ҳам камая борарди. Масжид битганида бойвачча бу аёл оддий бир бева хотинга айланган, данғиллама, ичкари-ташқарили ҳовли сотилиб, маблағи масжид қурилишига сарфланиб, ёлғиз чўриси билан бир хонаю бир айвондан иборат иморатли кичик ҳовлига кўчиб ўтган эди.

Масжид ишга тушгач, аёлга совчи чиқмай кўйди. Унинг ўйлагани тўғри чиқди – харидорларни унинг ўзи эмас, мол-мулки қизиқтирган экан.


Қорлар ёғиб излар босилиб кетгач, бир қосиб йигитдан совчи келади. Маълум бўладик, бу йигит билан бева аёл илгари девор-дармиён қўшнилари бўлиб, йигит унга кўнгили кўйган, қизнинг ота-онаси фарзандларини бу камбағал қосибга бермай, қари, бадавлат, лекин бефарзанд Исматилла бойваччага узатиб юборишган экан. Бева аёл оқилона иш тутибди. Агар у бева бўлиб қолгач, ўша йигитга турмушга чиқиш истагини билдирганда, юрт зўравонлари йўлини топиб, бевани бадном қилишлари, йигитни эса йўқ қилиб юборишлари мумкин эди. Энди эса уларни камбағал бева хотин қизиқтирмасди. Аёл тадбири орқали йигитнинг севгиси ҳақиқий, беғубор, ҳеч бир таъмасиз муҳаббат экани ўз тасдиғини топган. “Хотинмасжид” ҳикояти ана шундан иборат.

Албатта, бу аёлнинг гўзал исми бўлган, лекин унинг ота-онаси шунчалар тақводор бўлишганки, бирор номаҳрам қизимизнинг исмини ногаҳон эшитиб қолиб, кўнгли бузилмасин, дея исмини айтмай, “қизим” деб мурожаат қилишган, никоҳ кутбаси ўқиладиганда ҳам исми айтилмай, “Абдурахим қизи” деб қўя қолинган.

* * *

Бу эссени ёзиб бўлиб, мушоҳада қилиб ўтирдим. Бир маҳал ҳовлимиздаги дов-дарахтларга кўзим тушиб қолди. Ҳаммаси ҳар хил мева беради, бўй-баствлари ҳам турли-туман, бирининг меваси кўкламдаёқ етилади, иккинчиси ёзги, учинчиси кузги. Бирини ҳар йили ҳосил беради, иккинчиси йил оралаб. Бирининг меваси ширин, иккинчисининг меваси нордон, учинчиси эса бемаза. Баъзи дарахтларнинг мевалари бир неча ой давомида бирин-кетин пиша боради, уларни бир неча ой тановул қила бора оласиз. Баъзи бир мева, масалан, хурмо бир пайтда – ноябрнинг бошларида ялли етилади, уларни ейишга, тери олишга ҳам шошилиб қоласиз. Ҳовлимизда фақат бир туп мева бермас дарахт бор. Уни манзарали дарахт дейишарди. Лекин барча дарахтларнинг илдизи бирдек она тупроқда. Уларнинг барини, она боласини кўксига босиб тургандек, Ер кўтариб турмоқда.

Бир тафаккур қилинг-а! Табиат билан инсоният нақадар ўхшади!



ЖАНГЧИ МАКТУБИ

Мансура



Насриддин ИСМОИЛОВ

Хотира – инсонга Оллох томонидан берилган неъмат. Баҳоси дунёлардан киммат. Ўтмиш тикланар мияда ҳар сонияда. Хотиранинг баҳоси, ўтмишимнинг даҳоси. Онамни ёдга оламан, хаёл оғушида танҳо қоламан. Хаёллар учади, хотирани кучади.

Онажон, Сизга ёзган хатимни неча бор ўқийман такрор. Сизни ёдга оламан, ўзим бирла ўзим қоламан. Уруш аянчли, нуктаси йўқ таянчли. Ўқлар учади, бемаҳалда ажал кучади. Дўстим яраланди, ётар ёнимда, мени ҳам даҳшат кутар ҳар бир онимда.

Онажон, дилингизни оғритмоқ ниятим йўқ. Ҳақиқатни айтмоқчиман: кўлимда қолди сўнги ўқ, кимнидир қилади йўқ! Ёвуз хаёллар бағрига олмақда. Дилимдаги даҳшат кўзларимда қотиб қолмоқда.

*Осмон баланд нарвони йўқ,
Кўнгил гариб қарвони йўқ.
Интиламан, кўкка боқиб,
Бедор дилли ўтда ёқиб.*

Онажон, зулматдан кўркаман. Кўркаман, яққа қолмоқдан. Кўркаман, интизорликдан, кимгадир зорликдан, дили озорликдан. Кўркаман, ўзимдан-ўзим тунда, зулматни эсласам кунда. Кўркаман, дайди ўқ, қилганда йўқ. Кўркаман, дилимдан ёмон ният ўтганда. Кўркаман, мени кимдир панада пойлаб ётганда. Кўркаман, хиёнатдан, воз кечганда санам диёнатдан. Кўркаман, панадан отилган тошдан, бемаҳал ёрилган бошдан. Кўркаман, дунёда ғаним борлигидан, дунёнинг унга торлигидан. Турар бойқушдай боқиб, уруш оловини ёқиб. Ох, Оллох гувоҳ.

*Жанг бошланди, жанг...
Кимнинг ҳоли танг.
Кимнинг бахти чопади,
Кимни ўлим топади.
Кимдир қолиб зўр
Кимдир ишлар кўр.
Ҳаёт шундай, оҳ, аямас,
Қошу кўзни бўямас.*

Насриддин ИСМОИЛОВ – “Адиб Собир Термизий” мукофоти совриндори. 1948 йилда туғилган. Ижодкорнинг “Қаҳрамонлар мангу яшайди”, “Умр дафтари”, “Ватан рамзи, жасорат рамзи”, “Умр лаҳзалари”, “Денов таронаси”, “Ховучимдаги хазина”, “Юлдузлар ёғдуси”, “Табобат шамчироғи”, “Кўнгил мулки”, “Денов гулдастаси”, “Ҳаёт қарвонлари” каби китоблари нашр этилган. Асарлари хорижий тилларга таржима қилинган.

Йикилдим бирдан, онажон, бохабар бўлинг сирдан. Ёнимга келинг энди. Кўзим тинди. Болангизман, дилингизда битмас нолангизман. Душман отди. Танам конга ботди. Жон бирла кон тортишмоқда, айбни бир-бирига ортишмоқда. Тошлоқда ётибман. Совуқдан котибман. Қуёш қочди. Ой кўкда юзин очди. Юлдузлар боқмоқда, бағримдан кон окмоқда. Кўнгил мендан тонмоқда, танам дарддан ёнмоқда.

Онажон, келинг ёнимга, аро кириг жонимга. Ҳолим йўқ, кийнамоқда ўқ. Хаёллар олиб қочмоқда, ўлим кучоғин очмоқда. Чопиб кетаётирман йўлда, сувсиз чўлда. Онажоним чиқиб йўлимдан, назаримда тутди кўлимдан. Нозик кўлларининг тафтидан танам энди. Дардли кўнгил меҳридан конди. Онам чопаётир, мени излаб топаётир.

Онажон, йиғламанг тўйиб, ўрнимга ўзингизни қўйиб. Қисматдан қочиб, эшикни очиб, бўлмас экан, армон ўлмас экан. Бақирдим, онамни чақирдим.

*Рози бўлинг, Онажон,
Қадрингизга етмадим.
Фарзанд бўлиб бир жаҳон,
Меҳрим ташлаб кетмадим.
Учиб келган дайди ўқ,
Келиб тегди танамга.
Жоним олар – қилар йўқ,
Оҳим етмас санамга.
Қисмат шундай: чора йўқ,
Қочиб бўлмас қасдидан.
Излаганда қора йўқ,
Йиглаб ўтсанг дастидан.*

Даволандим, энди соғман, мисли тойчоғман. Жавоб бўлди, кўзим ёшга тўлди. Кучоғингизга учдим, келиб Сизни кучдим.

Сўнгги ўқ, мени йўқ қилгани йўқ. Бағрингизга қайтдим. Дардларим кечмишин айтдим. Эшитдингиз кўзда ёш билан, дилда котиб қолган тош билан, ёнингизда йиглаб турган қаламқош билан. Ўтгани ўтиб кетди, яхши кунлар келиб етди. Шукр қилдим барига, кулфат кетди нарига. Ёзган хатимни қўлга олдим, ўзим бирла ўзим қолдим. Катта ҳаёт бағрига чўмдим, армонни дилимга кўмдим.

Онажон, ҳаёт ҳам жангтоҳ экан, чор атрофи чоҳ экан. Йиғладим зор, баъзида бўлганимда хор. Онажон, ёвузлик уруғин сепиб, кўнглини тепиб юрганлар ҳам оз эмас, оғуларин ит емас. Ётиб қолдим, дард аламдан қотиб қолдим. Шунда, Сиз келдингиз тунда ёнимга, аро кириб жонимга. Дардим оғир, силардингиз бошимни, енгиллатиб гуноҳ тошимни.

*Онам йиғлар кўзларида ёш,
Дилларида сўнмаган қуёш.
Умид қилиб йиглаб Оллоҳдан,
Ўғлим асра дерлар гуноҳдан.
Жоним олсанг розиман олгин,
Болам учун ўтларга солгин.
Шифо бергин ёлғиз боламга,
Сарвар бўлсин ахир оламга.*

Ватан – она. Она – парвона, дилда битилган тарона. Ватанни икки бўлиб, бирида ўлиб, бирида қолиб, бўлмайди. Кўнгил ўлмайди. Ватан ягона, она, дилимда битилган тарона. Ватанни қуйлайман тўйиб, ўртага вафони қўйиб. Ватанни сотиб, гуноҳга

ботиб, колган ёмон, дўстим Омон! Ватан менинг орим, дилда сўнмас ёрим. Уни ҳеч кимга сотмайман. Панадан тошлар отмайман. Менинг Ватаним жону таним. Ватан ягона, она! Дилим унга парвона. Бошимни кўйиб тошига, мангу ётайин қошида.

*Гардиши даврон,
Қўлида гаврон.
Савалар аямай,
Кўзни бўямай.*

*Ҳаёт кураш, Ватан йўлида.
Омад, шараф қисмат йўлида.
Холис бўлсанг, Оллоҳ йўлида,
Кам айламас – бари қўлида.*

Ватанни сотиб, ўтга отиб, гуноҳга ботиб, колгандан ўлган маъкул, бўлмаин кул.

*Дарди олам тушди ёдима,
Кимлар йиғлар кўнгил додима.
Олам турар игна учида,
Яхши ният қолсин кучида.*

Онажон, Сиздан айрилиб, канотим кайрилиб колди. Ғафлат қахрига олди. Онажон, дод солгим келади бакириб, номингизни айтиб, қакириб. Дардларим тўпланиб колди, бағрига кисиб олди. Сизни ёдга оламан, ўзим бирла ўзим қоламан. Армонни ўлдириб, кўнгилни тўлдириб бўлмайди. Дунёда армон ўлмайди.

Онажон, миянгизга қон қуйилди бирдан, беҳабар қолдим дилингиздаги сирдан. Хушингизга қайтмай, сўнгги сўзни айтмай кетдингиз. Манзилга ҳам етдингиз. Дилим сезганин, гумон эзганин, эслаб тураман. Ўзимни айбдор деб юраман.

– Эй болам, менадан айрилиб, канотинг кайрилиб, колган кунлар ҳам келади, деб айтган кунларингиз ҳам ҳаётимда бўлмади кам. Йиғладим баъзида тўйиб, ўртага армонни кўйиб.

Онажон, энди Сизни излаб қайдан топарман, ҳар томонга чопарман. Фойдаси йўқ, фойдаси. Битилган қондаси йўқ, қондаси. Онажон, Сиз бир жаҳон, жаҳон ичра маржон бўлиб дилимдан кетдингиз, манзилга ҳам етдингиз. Пойингизни излайман, излаб энди Сизлайман. Фойдаси йўқ. Дилимда армон ўқ. Йиғлайман, тиғсиз дилни тиглайман.

Кулфат тушди бошимга. Чивинлар кўнди ошимга. Кимлар куюнди, кимлар суюнди. Оҳ тортиб ётдим, кулфат ўтига ботдим.

– Болам, ҳаёт катта майдон, изласанг, топилар дон, тўкнашсанг, кўпирар қон. Барини ҳал этар бир бурда нон. Шунини ўйла, ўйлаб сўйла, дер эдилар онам бечора, излаб дардима чора. Онамни тез-тез эслаб тураман, узоқ-узоқ хаёл сураман.

Онам насиҳатларин эсга олиб, якка қолиб, ўйга толаман, ўзим бирла ўзим қоламан. Мактов ёқар барчага, ҳатто қуриб колган арчага. Кибру ҳавога учиб, қолмагин тўнкани кучиб. Кибру ҳаводан қоч, эзгулик эшигин оч. Манманлик ёмон туйғу, келтирар кўп қайғу. Осмонга етса ҳам бошинг, дунёдан оғир келса ҳам тошинг, камтарлик маъкул, бўлсанг ҳам кул. Оч бўлсанг ҳам, зардобга тўлсанг ҳам, ҳаромдан қайт, дилингда борин айт. Оллоҳдан сўра, бўлсанг ҳам тўра, ниятинг бўлса холис, манзилинг бўлмас олис. Оллоҳни унутма, ғанимдан яхшилик кутма. Ҳар кимсага тош отиб, юрмагин гуноҳга ботиб.

Сиз дердингиз: Инсон шундай яралган, сочи ғамдан таралган.

Онажон! Тунда ёқиб шамни, тополмадим ўтган дамни.

Онам дерди: Оллоҳим, гуноҳим боламга ортма. Мен учун боламни жавобга тортма. Кетайин қисматим дорга тортиб, ўз гуноҳим ўзим бирла ортиб.

Онажон! Оромим йўқ, эрта тундан, умид кочди, келган кундан. Юрак инграр, осилган тош. Қайғулардан кўзимда ёш.

Сиз дердингиз:

*Дунё фақат йигидан,
Қайғу кулфат тигидан
Иборат эмас, болам,
Унда бор қувонч ҳам.*

Онажон!

*Армон ўсиб, дилни тўсиб,
Ўрмон бўлди, ўрмон бўлди.
Кўнгил йиглаб дардга тўлиб
Қолди бугун, сўлиб... сўлиб.*

Онажон! Сиз бир жаҳон, Жаҳон ичра маржон. Садқа бўлсин жоним, Сиз меҳрибоним.

Қисматни муштлаб, кўнгилни хушлаб, тунда тушлаб, қуённи ушлаб бўлмас экан, ажал тўлмаса инсон ўлмас экан.

Онажон!

*Куйиниб яшайман ҳаётдан,
Қисматда битилган баётдан.
Одамлар меҳридан учаман,
Тунлари юлдузни қучаман.*

Тонг отмоқда, куёшнинг нурлари дилимга ботмоқда. Тонгни куйлагим бор, дилимдан сўйлагим бор. Сабо елмоқда, қувонч келмоқда. Юрак сезаётир, кўнгил эзаётир. Қўлга олдим каламни, четга суриб аламини. Ёзганларим ёз бўлар, кимга мангу соз бўлар, кимдир қувончдан тўйиб, ўртага ҳаётни қўйиб, қуйлар доим, асрасин уни Худойим.



ЧОРШАМЪ

...Жамолингни кўриб руҳи равоним яйрасин

Қайда бўлма, дилрабо, доимо кўнглимдасан,
Сен ажаб меҳригиде, доимо кўнглимдасан.

Дилга меҳринг оташи тушган гўзал кундан бери
Сўнмади, асло, зиё, доимо кўнглимдасан.

Қийнаган бирла юракни изтироблар неча бор,
Жон яна топди шифо, доимо кўнглимдасан.

Бир вафога юз жафо кўрмоқ менга душвор эмас,
Келса ҳам минг бир бало, доимо кўнглимдасан.

Арзи хол айлай десам, кўнмайди ҳеч тилу забон,
Менга васлинг муддао, доимо кўнглимдасан.

Кел, жамолингни кўриб руҳу равоним яйрасин,
Майли, билсин ақрабо, доимо кўнглимдасан.

“Узгин-эй, кўнги́л”, дема, Чоршамъда йўқдир ихтиёр,
Кўрди Оллоҳим раво, доимо кўнглимдасан.

Йўлларингда юрибман зор холдан тойиб,
Умрим ўтиб борар бедор холдан тойиб.

На туну кун, на тонгу шом демай ҳамон,
Висолингдан умидим бор холдан тойиб.

ЧОРШАМЪ – (Чоршамъ Рўзиев) 1955 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тамамлаган. “Маҳактош”, “Шарқий қутб”, “Айро йўллар”, “Севгини соғиндим”, “Афанди алдамайди” каби шеъррий, “Исмоил Сомоний” тарихий драмаси, “Занги ота” бадиий-публицистик китоблар муаллифи. Маҳмуд Дарвини, Ўлжас Сулаймонов, Анна Ахматова шеърларини ўзбек тилига таржима қилган.

Рангу рўйим кўриб хайрон бўлма сира,
Нетай, кўп бор чекдим озор ҳолдан тойиб.

Жамолингни кўрганимда тош котсам ҳам,
Елмоққа шай жоним такрор ҳолдан тойиб.

Бир табассум килсанг унут бўлгай фирок,
Не десанг ҳам розиман ёр ҳолдан тойиб.

Ошиққа ҳеч тиним борми ишк кўйида,
Ким бўлмагай дунёда хор ҳолдан тойиб.

Ёр йўлида ўлмоқ шараф Чоршамъ учун,
Фақат ўлди деманг зинҳор ҳолдан тойиб.

* * *

Дунёда энг муқаддас туйғу – муҳаббат бу, ҳа, муҳаббат бу,
Дилга, асло, бермайди уйқу – муҳаббат бу, ҳа, муҳаббат бу.

Гоҳо оташ бўлиб ёндирар, гоҳо муздай кўксинг ўйдирар,
Гоҳо дилда чалади бурғу – муҳаббат бу, ҳа, муҳаббат бу.

Сен севмайман дема менга ёр, иккимизда эмас ихтиёр,
Оллоҳ дилга солгандир эзгу – муҳаббат бу, ҳа, муҳаббат бу.

Кўзларимда доим аччик ёш, аммо етар сабр ила бардош,
Чунки, дилда яшар бир оху – муҳаббат бу, ҳа, муҳаббат бу.

Осмонларга учиб кетаман, юлдузларни кучиб ўтаман,
Олам ичра яшнатар мангу – муҳаббат бу, ҳа, муҳаббат бу.

Бахтиёрлик шу эмасми айт, бемуҳаббат манзиллардан қайт,
Кўнгил тинмай қуйлайди ёху – муҳаббат бу, ҳа, муҳаббат бу.

Яшаяпман севганим учун, кўксимда ҳеч сўнмас бу учқун,
Умримдаги маъно Чоршамъ шу – муҳаббат бу, ҳа, муҳаббат бу.

* * *

Бемаҳал қайғу келур уйқум қочиб,
Кўзларимга су(в) келур уйқум қочиб.

Минг хаёлу ўй ила озурдаман
Гўё дард мангу келур уйқум қочиб.

Кўча-кўйда кезаман девонавор,
Бўғзима “ху-ху” келур уйқум қочиб.

Бир умр орзу этиб ҳеч кўрмадим,
Ким дегай кулгу келур уйқум қочиб.

Еру кўк ичра кўнгил хайронадур,
Жон ва рух айро келур уйкум кочиб.

Уйку кочмас кеча йўк хижрон туни,
Ох, қачон гулру келур уйкум кочиб?

Тонггача соғинчда Чоршамъ, вожаб,
Келмаган туйгу келур уйкум кочиб.

* * *

Рашк ила севмок шириндир жондан,
Рашк сира айро эмас инсондан.

Рашк қилиб Момо Ҳавомиз аввало,
Бизга мерос келадир у қондан.

Рашки йўк кимсага ишқ ошкор эмас,
Бенасиб ўтгай ажиб эҳсондан.

Ҳар киши билса агар меъёрни,
Асрагай рашк они кўп хижрондан.

Кўпни кўрдим – рашк қилиб беҳудага
Топди кўп жабру жафо жонондан.

Содиқи ёр ҳеч қачон айрилмагай
Айлаган аҳду вафо, паймондан.

Рашк ила чин ёрни сев, эй Чоршамъ,
Рашк деган Ҳақ Мустафо иймондан.

* * *

Эй, кўнгил, энг аввало, нафсингни тий,
Бошга келгучи бало нафсингни тий.

Кўп киши тўйдим демокни билмагай,
Айламай умринг адо нафсингни тий.

Сенга ибрат ўлсин ул Қорун мудом,
Ютмайин уммонни то нафсингни тий.

Ҳам тану, ҳам жону, ҳам рухга азоб
Бермайин минг бир жазо нафсингни тий.

Тиймаган не кимсалар хайрон юрар,
Йўлга сол, айт: “Ошно, нафсингни тий”.

Шоду хуррам, беназир дилбар ҳаёт,
Истасанг жонга раво – нафсингни тий.

Шунча қул бўлдинг етар, эй Чоршамъ,
Энди ҳеч қилмай хато нафсингни тий.

Дилимга дардни олгандим, ки, дарди бедаво чикди,
Раво бўлгай десам жонга, нетай у нораво чикди.

Чикиб кетдим тоғу тошлар томонга арзи ҳол айлаб,
Бизи тинч кўй дея, тоғларнинг каъридан садо чикди.

Елиб бордим адирларга очилган деб ажиб гуллар,
Ҳали эрта экан дўстлар, хазонлар ошино чикди.

Ховуримни босар-ку деб, булоқлардин симирдим сув,
Чунон ёниб бағир оташ, бўғиздан ўт ҳаво чикди.

Қаро тун бағрида кутдим, гўзал ой кўринурми деб,
Абрлар пардасин очмай, яна ой бевафо чикди.

Сахарлар соф бўлур албатта олгай бор ғуборингни,
Салафлар сўйлаган таъриф менга қолгач хато чикди.

Дилинган дардни қандай даф этурсан десам, эй Чоршамъ,
У чикмас ҳеч қачон энди дея дилдин наво чикди.



Муҳаббат ўзингни бошқа одамга ўқотишдир.

**Дўстлар ёмон кунда билинади, дейишади.
Менимча, уларнинг қандайдиги яхши кунда
ҳам билинади.**

Чингиз АЙТМАТОВ

Бахтиёр АБДУҒАФУР

СУЛТОН ЖАЛОЛИДИН МАНГУБЕРДИ

Роман¹

Ҳарам бекаси ўттиз беш-ўттиз саккиз ёшлардаги, буғдойранг, кўхликкина, ўрта бўйли Ойхон бека бўлиб, Наса вилояти раисларидан бирининг кизи эди. У ҳам Нури биби сингари ўн уч-ўн тўрт ёшларда доруссалтанга келтирилиб, ҳарам хизматига олинган. Ойхон бека ҳарам аҳлининг емак-ичмаги, туриш-турмушига масъул эди. Ҳарамга келтирилган кизларни, аввало у имтиҳон қилар, хат-саводли бўлса, ҳарамда қолдирарди. Унинг тажрибали ва хийла қувлик билан бокқан кўзлари қаршисида ийманиб, нигоҳини ерга қадаган Нури бибининг гўзал чехрасида кўп нарсаларни ўқиди. Қизнинг нафис бармоқлари қўйлагини асабий мижиклар, беканинг таъкиб этгувчи нигоҳидан ўзини жуда ноқулай сезарди. Бека унинг ингичка қошлари, чиройли кўзлари, ғунчадек очилишга маҳтал лабларига аёлларга хос ҳасад билан тикиларкан, хаёлига ўй урилди: “Агар бу хусн менда бўлганида эди...”

– Хат-саводинг борми?

– Ҳа... – кўзларини ердан узмай жавоб қилди Нури биби.

– Форсий ёки арабийни билурмисен?

– Форсийни биламен, ашъорлар ўқиб юрар эдим...

Бека уни ҳарамга келтириладиган одатий кизларга ўхшамаслигини сездди. Зодагон оилалари фарзандлари, хусусан, кизларга хос устозлар тайинлаши бекадан махфий эмасди.

– Қаердансен? Ота-онанг ким?

Нури биби мушкул аҳволга тушиб қолди. Ҳоким отаси, чўриликка сотилгани ҳақида сўзласа уни ҳарамга яқин йўлатмайдилар.

– Мунший Шихобиддин жанобларига қариндош бўламен... – тўкиган ёлғонидан Нури биби кизариб, бўзарди. Беканинг ҳамон синовчан нигоҳини хис қилиб, давом этди: – Ул зотдан кўп нарсаларни ўрганмишмен... хуснихат, назм...

Беканинг кўнгли тўлди. Бошқа сўз айтмай енгил ҳаракат билан Нури бибига “боравер!”, ишорасини берди. Эшик ёнида қўл ковуштирган канизақлардан бири унинг ёнига келиб, паст овозда “мен билан юринг”, деди. Канизақлар уни эргаштириб, ҳарамда одатда кизлар тўпланиб, қун ўтказадиган кўшни хонага чиқишди.

Хукмдорларнинг ҳарами бир-биридан фарқ қилмайди. Ҳарамларга итоатга келган амир ва маликлар тортиқ қилган, қул бозорларидан сотиб олинган, турфа ёш ва миллатга мансуб канизақлар ташланади. Узоқ Рум ёки Юнонистондан келтирилган, мовий кўзли, тилларанг сочли кизлар, араб гўзаллари, Форсу Ирокнинг

¹ Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

инжу гавҳарларию Африқонинг занжи маликаларигача... Жангу жадаллар бор экан, хукмдорларнинг ҳарами тўлаверади, қул бозорларидан “мол” аримайди...

Нури биби қадам қўйган олам ҳам шундай эди. Хонанинг олис бурчида парку болишга ёнбошлаган окбадан юнона нозик бармоқлари билан конуннинг узилишга тайёр торларини чертади. Унинг ёнида шахло кўзли, зулфлари гажак арабий канизак чуқур хаёлга ботган. Балки у гулларга бурканган, хушбўй ифорларга тўла ҳарамни тарк этиб, киндик кони тўкилган жазирама саҳроларга қанот қокмоқчидир? Ундан нарироқда бир гуруҳ канизаклар пичирлашиб сўзлашадилар. Уларнинг чехрасига кулгу югурмайди, кайғу, ғам-андух қуюқ кўлка ташлаган; айримларининг лабла-ри кимтилган. Ён-атрофларига олазарак қараб олишларидан англашиладики, дарду ҳасрат дастурхони очилган: олис-олис вилоятларда қолган ота-она ва қавму қариндош соғинчи, тутқунлик надомати. Қалб туғёнларини, оху ноалаларини тил-ларига эмас, балки қонун торларига жойлайдилар.

– Қонунни чала оласанми, негадир кўзингни ололмай қолдинг, – беканинг сўзлари хаёлларини ўзига қайтарди.

– Озрок таълим олганмен... отам хос устоз белгилаган эдилар... – деди у паст овозда.

Бека юнон қизга қонун келтиришни буюрди ва Нури бибига деди:

– Чал!

Ҳамма унга тикилиб турарди. У эса нима қилишини билмай, довдиради. Қўллари титра, оёқларидан мадор кетганди. Хина кизартирган нозик бармоғига нохунни таққач, бир муддат ўйланиб қолди. Ниҳоят, хаёлларидан бош кўтаргач, қонуннинг торларини аста чертди. Гўзал, яна аллақандай сеҳрли ва сирли қуй ҳарам ичида тарала кетди. Қуй авжига чиқиш баробарида қалбнинг энг нозик торларини-да чертишга етқудек қуч оларди. Унда аросатда сару-саргардон, бировларнинг хоҳиш-истаклари қулига айланган инсоннинг фожиаси, изтироблари бор эди. Қуй одамнинг кўзёшларини равон қиларди. Нури биби эса ҳеч нарсани сезмас, унга тикилган кўзлар, уларни ўраган маҳобатли тош деворларни унутиб, тор чертарди. Қуй фажи воқеалар силсиласидан ҳикоя қилишни тугатди, энди у ғамга тўлган инсон кечинмаларидан сўзлай кетди. Унинг замирида яна *илоҳий башорат* яширингандек эди.

Қонун Нури бибининг қалб дафтларини очиб юборганди...

11-боб. Адолат таъмасида...

Шамсулмулк Алп Буғахоннинг Ғазнига келганини эшитиб, дарҳол Жалолиддиннинг олдига шошди. Шахзода туни билан ухламаганидан кўзлари қизарган, ҳорғин; Самарқандга юборган хуфияларидан ҳали дарак йўқлигидан хавотирда эди. Шамсулмулкнинг саломи хаёлларини тўзғитди, ўрнидан туриб вазирга қаради. Шамсулмулкни бемаврид келдимми, деган истиҳола чулғаб олди.

– Ҳазратим, айрим масалалар хусусида сиз мухтарам билан кенгашмоқчи эдим, – муддаога ўтди Шамсулмулк.

– Сўзланг!

– Алп Буғахон Ғазнига келмиш... – вазирнинг журъати етиб-етмай давом этди. – Кеча сиз ҳазратлари билан кенгашган масалада муборак хузурингизга ошиқмоқда. Фақирни бир истиҳола қийнамоқда. Салтанат тақдири қил устида турибди, шундоқ бир фурсатда амирларни ўзингизга қарши қўймоқ маъқул иш эрмас. Ҳазратим, Алп Буғахон ишида эҳтиёткор бўлсангиз ғоят ўринлик қадам ташлаган бўлардингиз.

Шамсулмулк унга тўғридан-тўғри сипоришлар беришга ийманиб айтмоқчи бўлганларини тилига чиқара олмади. Ўзи ҳам ўша куни девонда деҳқонлар шикоятидан оғиз очганидан афсусланади, бироқ Жалолиддин сўрагани учун буни яширишни ҳам хохламагани.

– Алп Буғахон масаласида хотирингиз жаъм бўлсин, бир қарорга келиб қўйганмиз! – деди Жалолиддин.

Бунинг қандай қарорлигига тушуна олмаган Шамсулмулк гарангсиган одамдек Жалолиддинга қаради. Шахзоданинг катъий бокқан кўзларидан эса бошқа изох ололмади. Ташқарида кадам товушлари эшитилганида Шамсулмулкнинг хаёли узилди. Беихтиёр девон эшиги томон қаради. Исми жисмига монанд, алп қоматли Алп Буғахон Кузбор Малик ҳамроҳлигида девонга кирди. Дастлаб Алп Буғахон султон ва шахзода ҳаққига дуолар қилиб, уларнинг кўп сифатларини тилга олди; уларнинг хизматида бўлиш шараф эканини сўзлади. Унга жавобан Жалолиддин бош ирғаб қўйди ва унинг сихатини, қандай ишлар билан машғуллигини сўради. Алп Буғахон яна гапга тушиб кетди.

У ўттиз беш ёшлардаги, насл-насаби Самарқанд амирларига бориб тақаладиган, баланд бўйли, келишган йигит эди. Фурийлар Гурганччи камал қилганида¹ у Шихобиддин Хивакий билан елкама-елка душманга қарши курашган, мусоҳарада султон назарига тушгач, амирлик рутбасига лойиқ кўрилганди. Кейин султон Аловуддин Муҳаммад кўшини билан Ирғизда мўғулларга қарши савашда ўзини кўрсатди. Султон буни унутмади – Самарқанддаги ўша машҳур мажлисда унинг даражасини яна оширди. Энди у Алп Буға эмас, Алп Буғахон бўлди. Султон бу билан қаноатланмай уни Жалолиддин амирлари қаторига қўшди. Шахзода эса унга Ғазни атрофларидаги кишлоклар ва катта боғларни иктоъ қилиб белгилади. Султон ва унинг ўғлидан фақат яхшилик ва ишончга ноил кўрилганидан хоразмшоҳлар хонадонига бутун вужуди билан содиқ эди.

– Ҳазрати олийлари, муборак хузурингизга буюрмиш экансиз! – дея Алп Буғахон қўлини кўксига қўйди.

– Бир нозик иш хусусида ўзингиз билан кенгашмоқликни лозим топдик, Алп Буғахон жаноблари, – деди Жалолиддин.

Алп Буғахоннинг аввалги шашти хийла сўниб, савол назари билан Кузбор Маликка қараб қўйди.

– Ҳазратим билан кенгашмоқлик биз учун шараф, – яна қўлини кўксига қўйиб деди Алп Буғахон.

Жалолиддин Шамсулмулкка қаради-да “сиз давом этинг” деган маънода бош ирғаб қўйди. Ҳам ҳаяжонланган, ҳам ноқулай аҳволга тушган Шамсулмулк девонга келган аризани ўқиб эшиттирди. Алп Буғахон ўнғайсизланди, бир Жалолиддинга, бир Кузбор Маликка қараб қўйди. Масалага тезроқ ечим бериш ва тезроқ бу маҳкамани тугатиш учун Жалолиддин деди:

– Сизга бошқа тақлимиз бор, Алп Буғахон жаноблари, деҳқонларнинг ерларини қайтарурсиз. Сизга бошқа жойдан мулк иктоъ қилурмиз!

Унинг эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда гапиришидан Алп Буғахон иккала қўлини кўксига қўйди-да: “Кулук, хазратим!” деди ҳам ноўрин иш қилганига ичида ўзини қойини бошлади. Жалолиддин гапирарди-ю, хаёлидан Самарқанд мудофааси кетмасди. Аслида салтанат узра қора булутлар қуюклашаётганда бундай нарсаларни муҳокама қилишни истамасди, бироқ фуқаро ҳаққини ташлаб қўйишни ҳам маъқул кўрмасди. Ниҳоят, ер билан боғлиқ муаммо ҳал бўлгач, Алп Буғахонга деди:

– Сизни Ғазнига чақиришликдан бошқа муддао ҳам бор, Алп Буғахон жаноблари. Алп Буғахон сергак тортиди.

¹ 1204 йилда Гур хукмдори Шихобиддин Муҳаммад ал-Фурий Гурганччи камал қилади.

- Ҳазратим! – деб қўйди у.
- Черик яқин-ўртада Ғазнида кўрикка тўпланур! Бу хусусда бошка мулклардаги ноибларга ҳам тавқлар йўлладик.
- Буйруқлари бош устига, ҳазратим! – Алп Буғахон бу сафар бош эгиб қўйди.
- Самарқанддан кўнглим нотинч, бугун-эрта мўғул катта черикни шаҳарга йўлламиш. Ўтрор ёки Бухоронинг куни тушмасмикин, деган кўркинч ўйдамен. Черикни тўплаб тайёр турмоғимиз лозим...

Ҳар қанча юраги ҳароратланмасин, тинчсизланмасин, Жалолиддиннинг ихтиёридаги кўшин унчалик катта эмас. Бироқ у қўл қовуштириб ўтиришни хоҳламасди. Отаси, барибир, унга мактуб ёзиб, Самарқанд мудофаасига буюришига ишонарди.

Кутилмаганда девон йўлагига қадам товушлари эшитилди, Жалолиддин сергак тортиб шу томонга қаради. Энтикиб нафас олаётган, кўзлари бесаранжом боққан Ахос Малик кириб келди.

- Ҳазратим, афву этинг, тинчингизни буздим, – деди у.
- Жалолиддиннинг кўнгли нохушланди.
- Самарқанддан хуфиялар келди! – деди Ахос Малик.
- Кузбор Малик ҳам, Алп Буғахон ҳам унга қараб қолишди.
- Не хабар келтирмиш?
- Мўғуллар Самарқандга етмиш! Черик катта эмиш! Шаҳар мудофааси тоғангиз Тўғайхон жаноблари зиммаларига юкланмиш...

Жалолиддин нима дейишини билмай бир Ахос Маликка, бир Шамсулмулкка қаради. Унинг таажжуб тўла нигоҳини учратган Шамсулмулк бунга ўзи айбдордек кўзларини ерга тикди. Жалолиддин бу хабарни кутмаганди. У отаси Самарқанд мудофаасига бош бўлади, деган ўйда эди, бироқ Тўғайхон қўйилибди. Султон бўлганида оддий амир черик бошига кўтарилмайди. Демак, отаси Самарқандда эмас. Нега унда мактуб юбормади, қошига чорламади?.. Унинг хаёлларини ўкигандек, девон ахли ҳам чуқур сукутга толганди. Ҳамма султон Аловуддиннинг Самарқандни ташлаб кетганини аллақачон тушунганди.

Жалолиддиннинг анчагача жим бўлиб қолганидан бошқаларнинг гапиришга ҳади сиғмади.

- Тоғамиз Тўғайхоннинг аҳволи қандай? – ниҳоят хаёлларидан бош кўтариб сўради Жалолиддин.
- Тўғайхон жаноблари бор черикни мўғул дафъига қўйган, бугун-эрта саваш бошланиши муқаррар, ҳазратим!

“Отамнинг мактубини олишга улғураманми? – ўй ўтди Жалолиддиннинг кўнглидан. – Доруссалтана фатҳи учун мўғуллар ҳеч нарсадан қайтмаслиги аниқ...” Унинг юраги увишди. Кўнглининг туб-тубларида отасидан ҳеч қандай мактуб келмаслиги, Самарқанд тақдирнинг бу зарбаси қаршисида ёлғиз қолиши, унинг бошига ҳам Ўтрор ёки Бухоронинг қисмати тушишидан қўрқарди.

12-боб. “Сен туғилдинг, Жалолиддин!..”

Қаторлашган машғалалар деворга турфа рангдаги сиркор кошинлардан солинган гуллар, хайвонлар ва кушлар суратини силаб-сийпаб қўяди. Машғалалар кўп бўлса-да, узун дахлизни яхши ёритмагандек туюлади. Шунинг учунми, шахдам қадамлар ташлаб кетаётган Жалолиддиннинг нотинч ва ғаш кўнглидаги зулмат янада қуюклашгандек... Дахлиз адоғи сарой кутубхонасига олиб чиқади. У бу оқшом нега кутубхонага келганини ўзи ҳам билмади. Балки ўзини бироз чалғитишдир...

Баъзи вақтларда хуфтон намозидан сўнг Жалололдиннинг кутубхонага ташриф буюришидан китобдор мавлоно Нажмиддин вақт алламаҳалгача қолиб кетарди. Шунинг учун шахзоданинг бу галги ташрифидан ажабланмади.

– Ассалому алайкум, ҳазратим, – биринчи бўлиб салом берди мавлоно Нажмиддин.

– Ваалайкум ассалом... Бемаврид келиб сизни тинчсизладик.

– Ҳазратим, кутубхонага бемаврид келмайдилар.

Жалололдин кутубхонага киргач мавлоно дарров шамларни тайёрлади. Ёнаётган шамдан қолганларни ҳам ёндирди-да, уларни жой-жойига қўйиб чиқди.

– Ҳазратим, бу окшом қайси китоб мутолаасини истайдилар? – сўради мавлоно Нажмиддин.

– “Ҳарбий хийлалар”ни, – деди негадир Жалололдин ўйчан.

Жалололдин кўп сўрайдиган китоблар алоҳида жавонда сақлангани учун мавлоно китобни тезда келтирди.

– Ҳазратим, бошқа нарса сўрамасалар менга ижозатми?

– Ижозат!

Мавлоно Нажмиддин қуллук қилди ва ортига тисарилганича кутубхонадан чиқиб кетди. Одатда, бундай вақтларда Жалололдин холи қолиб мутолаа қилишни маъқул кўрарди. У китобни лавҳ устига қўйди, лекин очғиси келмади. Беихтиёр ёдига Шихобиддин Хивакийнинг сабоқлари тушди. Қулоқлари остида унинг мулоийм овози эшитилгандек бўлди: “Ҳарб аслида бир санъатдур, ёғийни чора қўллаб энгмоқ илмидур. Фотиҳлик даввосидаги ҳар бир саркарда савкулжайшдан² келиб чиқиб қандай тарбиятулжайш³ белгиламоқ ёки қўлламоқни билиши шартдур! Тарихларда шундай саркардалар келурким, оз сонли черик ила катта черикни энгмиш ва шу ила номи тарих саҳифаларида қолмиш...”

“Бундай саркардаларни билурмисиз?” – ўн ёшли Жалололдиннинг кўзлари қизик-қизик ҳикоятлар эшитиш завқидан порлади.

“Албатта! Қадим юнонларнинг Леонид исми машҳур саркардаси бўлмиш. Уч юз аскар ила форслар шоҳи Қирнинг ер-кўкка сиғмайдиган лашқарини тўхтатмиш!”

“Уч юз аскар билан-а? Кишининг акли бовар қилмас!”

“Худди шундай, шахзодам. Ўша юнон саркардаси зақоси унга унча-мунча одамнинг ҳаёлига келмайдиган тарбиятулжайшни қўллаш имконини берди. Ақлли чора ва баҳодирлик алал-окибат юнонларга ушбу савашда фурсат ютиш имконини бермиш. Шунинг учун шахзодам, саваш олдидан доим пухта режа тузинг...”

Шихобиддин Хивакий қалам ва давоқ олиб, оппоқ саҳифага машҳур саркарда-фотиҳларнинг қайси муҳорабада қандай жанг қилганини қизиқ тушунтирарди: “Шахзодам, қаранг, черикнинг тартиби шундай турур: қалб, баронғор, жувангар...”

“Ҳаммаси олдиндан режалаштирилганга ўхшайди, – ўйларида давом этди Жалололдин. – Мени шу кунларга тайёрлашгандек”. Яна сўнгги кунларнинг ёқимсиз ўйлари қўнглидан ўта бошлади: Ўтрор, Бухоро... ва балою казо қаршисида ёлғизланиб қолган Самарқанд... Унинг қўнгли хира тортиди, юраги ювушди. Атиги бир йил олдин шундай кунлар бошимизга тушади, деганларида ишонармиди? Асло, йўқ! Айниқса, доруссалтана – Гурганчдаги саройда отаси шарафига Искандар навбасини қалганларида ўша шавқатли ва шуқуҳли кунлар омонат экани ҳатто тушига ҳам кирмаган.

Искандар навбасини қалиш маросимини илк бор кўрганида ҳали тўққиз-ўн ёшлардаги бола эди. Ўша маросим ҳалигача болалик хайрати билан кўз олдида гавдаланади.

² Стратегия.

³ Ҳарбий усул, тактика.

Навба ижро этиладиган кунга шахзодалар ҳам олиб чикиладиган бўлди. Султоннинг иродаси шундай. Ҳамма ҳарамда эрталабдан бери шахзодаларни кийинтириш билан банд. ЖалолIDDин, ГиёсIDDин, КутбIDDин, РукнIDDин. Болалар тинч турмайди, кикирлаб кулиб бир-бирига тегажоғлик қилади. Жориялар эса уларга кийим кийдира олмай ҳалак. Ҳарамга малика Туркон кирганида эса болалар дарров жим бўлиб қолишди. Бувининг аччиқ сўзи, тергашидан кўрққулик. Бошқа вақт малика ташриф буюрганида унинг кўзларига кўринмасликка ҳаракат қиладиган жориялар бу сафар суюна-суюна ёввош тортиб қолган шахзодаларни кийинтириб олишди. Буви уларни кўздан кечириб сўнгги сипоришларни берди. Султон ҳузурида қандай турмоқ лозим, сўзни нимадан бошламоқ, қачон ва қандай куллуқ қилмоқ керак... Ҳамма нарса ҳозир бўлгач шахзодалар бир-бирларини итариб-туртишиб саройга йўл олишди.

Саройнинг ҳашами, кираверишда ўнг ва сўл деворлар ёнида тилларанг ноғораларни бўйнига осиб олган одамлар, ичкарироқда, оёқ остига нафис ишланган мрамрлар ётқизилган улкан танобийда турфа рангли кимматбаҳо кийимлар кийган, султонни кутиб қўл қовуштирган аъёнларни кўриб ҳайратдан ЖалолIDDиннинг оғзи очилиб қолди. Саройда шундай маҳобатли танобий ва шунча одам борлигини тасаввур ҳам қилмаганди. Ноғора осиб олган одамларнинг ёнидан ўтаркан, ЖалолIDDин ажабланди: “Булар кимлар? Саройда ноғора чаладиларми?.. Уларнинг айримлари танишдек, аввал ҳам кўргандек. Бу одамлар ким эканликларини йиллар ўтиб билиб олади. Улар – фатҳ этилган, итоатга келган вилоят-мулкларнинг асирликдаги хонлари, ҳокимлари, шахзодалар, ҳам султон Аловуддиннинг қариндошлари.

Шахзодалар султон тахтидан хийла пастроқдан, вазири аъзам Низомулмулкнинг қора баҳмал тортилган ўриндиғи ёнидан ўрин олишди. Аъёнларнинг мулозаматлари ҳар томондан ёғила кетди, бироқ султон келаётгани хабари етгач, бирдан ҳамма жим бўлиб қолди. ЖалолIDDин бунинг сабабини англамай турганида қутилмаганда ноғоралар чалина кетди. Уларнинг овози кучли бўлганидан кулоқлар том битай деди. Зарб билан чалинаётган ноғоралардан сарой деворлари, шифтда осиглик каттакон қандил ларзага келди.

Султон Аловуддин Муҳаммад қаламравидаги ерларни кенгайтиргач ўзини қудратда тенгсиз ҳисоблай бошлади. Энди унинг юриш-туриши, мамлакатдорлик ишлари дабдабали бўлиши лозим эди. Ундан аввал ўтган ҳеч бир ҳукмдор довруқ таратишда унга етолмасин! Унга душманлик кўзи билан қараётганларнинг юракларига ваҳима, ғулу тушсин! Пинҳона бўлсин, унга ҳавасда ёнишсин! Султон ўзига Искандар навбасини таллади. Навба бир қунда беш вақт намозга монанд чалиниши керак. Унинг наздида, қудратини кўрсатувчи навба ҳам улуғвор, дабдабали бўлиши, уни чалгувчилар аслзодалардан бўлиши шарт. Гаровдаги ҳукмдорлар ва шахзодалар олтин суви югуртирилган таёкчаларда ноғораларга уриб навба ижро этадиган бўлишди. Уларнинг сонини йигирма еттитага етказиш учун султон ўз жияни, укаси Туғон Турдининг ўғли Эрбозхон, вазири Низомулмулкни навба чалгувчилар қаторига қўшишдан ҳам уялмади. Бир вақтлар ҳукмфармолик қилишга ўрганган ҳукмдорлар, шахзодалар ва бошқа аслзодалар минг уят, юзикаролик билан навба ижро этишар, Искандари Соний⁴ ёки туғроларда султон Санжар⁵ дея улуғланган султон Аловуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ саройга кириб келарди.

Султон кириб келди. Юзи бахт ва хурсандчиликдан порлайди, лабларида табассум жилва қилади. Қўл қовуштирган ақобиру ашроф, ёшу қари бирдек таъзим

⁴ Султон Аловуддин Муҳаммад ўзига “Иккинчи Искандар” (Искандари соний) лакабини ҳам олган.

⁵ Султон Аловуддин Муҳаммад, шунингдек, аввал ўтган машҳур ҳукмдорларга ўзини тенглаштиришни маъқул кўрган. Шундай султонлардан бири салжукий султон Санжар (1084–1157 й.) эди.

килди, бувининг сипоришларини унутмаган шахзодалар ҳам бош эгишди. Султон тахтга ўтириб, ўнг кўлини кўтарди. Ноғоралар тинди. Ҳамон таъзим бажо айлаётганлар бошларини кўтаришди...

Ўша болалик хотираларида тирилган маросимдаги отасининг юзи бир муддат кўз олдиди муҳрланиб турди. Жалололдин кўзлари ёшланганини сезди...

Мавлоно Нажмиддин кирганида Жалололдин деворга суянганича ухлаб қолган, китоб лавҳга қандай қўйилган бўлса шундайлигича қолганди. Шахзодани уйғотишга мавлононинг кўзи қиймади, овоз чикармасликка тиришиб чиқиб кетди...

...Узоқдан отликлар кўринди. Ҳаммаси оппоқ кийиниб олган, отлари ҳам оқ, улардан бири қора туғ кўтариб олган. Яқин келганларида бобоси Такаш ва амакиси Маликшоҳни таниди. Бобоси унинг ёнида тўхтаб отдан тушди.

– Ассалому алайкум, бобожон! – салом берди Жалололдин.

– Ваалайкум ассалом, болажоним! – жилмайди бобоси.

Жалололдин унга Искандар навбаси ҳақида сўзлаб беришни истарди. Бирок бобоси унинг хаёлидан ўтган ўйларни ўқигандек деди:

– Бундай ишлар султонларни улуғламайди, болажоним! – у ортига ўтирилди. Унинг нима демокчилигини тушунган туғ кўтарган отлик дарров отидан тушди-да, у томон ошиқди.

– Биздан сенга шу туғ омонат, болажоним, – Такаш ўн-ўн бир ёшлардаги набирасининг сочларини силади ва туғни олиб унга узатди.

– Буни илқингдан қўйма! – давом этди у. – Бизнинг номимиз мана шу туғ, бу туғ эса – биз! Буни эсингдан чиқарма, болажоним.

Бўйидан ҳам баланд туғни олишга Жалололдиннинг журъати етмади, юрагидаги қандайдир ҳадик қўлларини боғлаб қўйгандек эди. Шунда унинг нигоҳи туйқус бобосининг кўзларига тушди-ю қотиб қолди. Қорачиқда у Искандар навбасидан ҳали ҳам хайратланиб юрган ўн ёшли болани эмас, йигирма ёшлардаги, қалта тарашланган соқол-мўйловли, кўркама гавдасини жиба ёпган йигитни кўрди. Унинг кўзлари жуда ва жуда таниш.

– Ўзингни танидингми? – бобосининг ёқимли овози уни ўзига келтиргандек бўлди.

Жалололдин чўчиб тушди. Бобосининг кўзларидаги йигит ҳам йўқолганди.

– Ким бу?!

– Бу сен, Жалололдин!

– Ахир мен кичкинаман-ку!

– Туғни олганингдан сўнг ана шундай бўласан.

Жалололдин ишонқирамай туғни олди. Бобоси яна жилмайди ва:

– Сен туғилдинг, Жалололдин! – деди.

Жалололдин минг хайрат ва таажжуб ичида аввал туғга, сўнг бобоси томон қаради. Бобоси ҳам, отликлар ҳам йўқ эди. Бобосининг хозиргина айтган сўзлари кулоқлари остида жарангларди: “Сен туғилдинг, Жалололдин!..”

...Жалололдин кўзларини очганида шам яримлаган, кутубхона теран сукутда эди. Тик этган товуш эшитилмайди. Мавлоно Нажмиддин ҳам йўқ. Ёдига дархол тушига кирган бобоси ва унинг айтган сўзлари тушди: “Сен туғилдинг, Жалололдин!” У ўйлаб ўйига етолмасди. Бу тушга қандай таъбир кўрмоқ лозим?! Бобосининг сўзларида не ҳикмат бор?.. Назарида унга қатта бир жумбоқ ташлаб кетилгандек эди...

13-боб. Мулклардаги мўгул хуфиялари

Эрта тонгда қалъа дарвозалари очилиб қурол-яроқлик, бошига дубулға, эгни-га совут ёки жиба кийган отликлар чиқиб келишди. Уларга Жалолиддин бош эди. Кўчалар, гузарлар ва бозор майдонида хали одамлар кўринмасди. Шунинг учун бемалол от чоптириб кетишди. Отлар дупури, қуролланган отликлар энди эшик очаётган ғазниликларни хавотир ва ҳадикка солиб қўйди. Сўнгги қулардаги миш-мишлар тўғри эканига ишонтирди.

Ғазнидан ташқарига чиқилса тепаликлар, жарликлар бошланади ва кенг дашт-ликларга уланиб кетади. Қишин-ёзин бир хил – пуркивор оксоч тоғлар қўл етқудек кўринади. Илгарилари қалъадан чиққанида Жалолиддин тоғлардан ғир-ғир эсиб турадиган шободалардан, бепоён кенгликларнинг тоза ҳавосидан завқланарди. Айниқса шикор вақтида ёз тунлари ўзгача фараҳбахш, унутилмас бўларди. Бу тонг эса Жалолиддиннинг ҳаёли бошқа томонларда кезарди. Унинг ортидан от чоптираётган саркардалар ҳам шаҳзоданинг кайфияти яхши эмаслигини сезишганди.

Ниҳоят, отликлар Ғазнидан ярим фарсах шимолдаги даштда чодирлар тикилган, минглаб отлик ва навкарлар тўпланган жойга етишди. Шаҳзоданинг шаҳардан чиққани хабари аллақачон келган, шунинг учун саркардалар ипак чодир олдида қўл қовуштириб туришарди. Уларнинг бошида Ҳирот волийси, ҳам Жалолиддиннинг кайнотаси Амин Малик. Ёнида туркман ҳалажлари қўмондони, ёвқур отлиқлари билан ном қозонган амир Сайфиддин Ағроқ ва Хуросоннинг кенг мулкларига тарқалган қорлуқлар етакчиси Ҳасан Қорлуқ. Улардан ажралиб олган юзи тунд Алп Буғахон. Жалолиддин отини улардан нарироқда тўхтатганида навкарлардан бири отнинг тизгинидан олди. Шаҳзодани қаршилаш учун эса Амин Малик унинг истикболига шовди.

– Ассалом алайкум, ҳазратим, – салом берди Амин Малик.

– Ваалайкум ассалом.

– Зоти шарифлари ташрифларига черикни тўпладик, – деди Амин Малик даштга тўпланган қўшин томон бош ирғаб.

Жалолиддин ҳам бош ирғаб қўйди, аммо индамади. У салом бериб, қўл қовуштирган саркардаларга қаради. Алп Буғахоннинг нохуш чехрасини кўриб таажжубланди.

Кеча Алп Буғахон девондан ер билан битта бўлиб чикди. Волий ёки амирларнинг ер қўшиб олишлари янгилик эмасди, султонларга вақтида солиқ тўласа, хазинага кириб килиб турилса шунинг ўзи етарди. Бошқа амирларнинг девонга чақирилмагани сабабини ҳам у кейинроқ англади. Жалолиддин кишилар кўзидан унинг юзи шувут бўлишни истамаган.

Алп Буғахоннинг шу кунгача сўзи кесилмаган, қилган иши учун бировдан дакки эшитмаган, ҳам фавқуллодда юракли эди. Ҳатто малика Туркон уруғидан бўлган, ҳозирда султон хараси қўмондони Содирхон билан айтишиб қолганида “кучингни сўзинг билан эмас, илқинг билан кўрсат!” дея юзига дадил гапиргани кўпчилик орасида маълум ва машҳур. Агар Жалолиддин уни Ғазнига ўзи билан олиб келмаганида Содирхон барибир унинг бошига етган бўларди. Омад ёки тақдир, Алп Буғахон ҳам султон ғазаби, ҳам Аёз Жаҳон Пахлавон ханжаридан омон қолган санокли кишилардан эди. У Ғазнига келгач Жалолиддиннинг энг йирик саркардасига айланди. Қўл остида ўн мингга яқин отлик ва навкар бор эди.

Унинг нимадан ҳафалигини тушунган Жалолиддин бу сафар ҳам жиддий, ҳам кўрсроқ гапирди:

– Гина-қудуратни унутинг, ҳозир бунинг ўрни эмас!

Жалолиддиннинг бундай оҳангда гапиришидан Алп Буғахон сергак тортди. Султондан кўрмаган ғазабни шахзодадан кўриши ҳеч гап эмас. Қаерга бош уради? Жалолиддиндан айрилса бу ёқда Содирхон тиш қайраб турибди... Бундай нарсаларнинг мавриди эмаслигини туйқус англади-ю баданини муздек тер томчилари қоплади.

– Ҳазратим, афву этсинлар! – қўл қовуштириб бош эгди. – Мендан аҳмоқлик ўтди!

Тилида тавба қилаётган бўлса-да, дилида барибир ўша алам унутилмасди. Дақиқа сайин юрагига ўтқир ханжар каби чуқуррок ботиб бораверарди.

Жалолиддин ортиқ унга эътибор бермади. Амин Малик ва Сайфиддин Ағроқларга қўшин ахволи, рухияти ва таъминоти борасида саволлар берди. Сўнг қўшинни яқиндан кўриш учун пиёда юриб кетди.

Ҳар бир саркарданинг қўшини алоҳида. Олдинги қаторларда қора кийимли камончилар, кейинги қаторларда эса Сайфиддин Ағроқнинг оғир қуроқланган ҳалаж навкарлари. Уларнинг марказида отликлар – булар касб-қори фақат ҳарбу зарб бўлган тажрибали жангчилар.

Ағроқнинг қўшини ёнида Амин Маликнинг туркий баҳодирлари, муҳорабаларда донғи чиққан мард фидойилар. Олдинги сафлардаги кўп отликларни Жалолиддин яхши танирди. Айримлари ғурлар ва қорахитойларга қарши юришларда иштирок этган, кўплари султон билан Иргизда савашган. Жалолиддин уларнинг олдида ўтаётганида амирлар қўлларини кўксиларига қўйиб куллук қилишди. Жалолиддин уларга жавобан бош ирғаб қўйди.

Амин Маликнинг қўшинидан кейин Ҳасан Қорлуқнинг лашкари. Узун-узун найзалар, қумушсурат қалқонлар куёш нурларида ялтирайди, кўзни қамаштиради.

Ундан сўнг Алп Буғахоннинг сараланган қўшини. Аксарияти отликлар. Суворий ҳам, тулпор ҳам зирҳда; қуроқ-яроғ мунтазам, тўқис. Бундай зирҳли қўшинни энгиш мушкул. Агар отликлар елдек учса уларни тўхтайтиш имконсиз. Алп Буғахоннинг ўзи ҳам зирҳли қўшинда жанг қилган, анча ўқувли ва зукко бўлганидан кўп ҳарбий усулларни ўйлаб топган, ҳатто уларни қорахитойларга қарши очик майдонда муваффақиятли қўлаганди. Отликларнинг ортида совут ва жиба кийган, оғир қуроқланган пиёда жангчилар – Алп Буғахоннинг яна бир ишонган аскарӣй бўлинмалари. Зирҳли отликлар душман устига ташланиб қўшин тартибини бузгандан кейин бу бўлинмалар жангга ташланарди ва муҳораба тақдирини узил-кесил ҳал қиларди. Жалолиддин атроф-жавонибдаги вилоятлардан ёлланган навкарларни Алп Буғахоннинг шу қисмларига тақсимларди. Шунинг учун унинг қўшини бошқаларга қараганда кучлироқ эди.

Қўшиндан Жалолиддиннинг кўнгли тўлди. Энди у ҳайикмай мўғулларга қарши чиқиши мумкин эди. Фақат биргина отасининг мактуби бўлса бас, қўшинни кўзгагиб йўлга тушади. Шу ўйлар билан чодирга қайтди.

Чодир ичида иккита манқалда йирик-йирик чўғ лангиллайди. Тўрдаги ўриндикдан Жалолиддин ўрин олди. Қолганлар эса тик туришганича қўл қовуштиришди ва унинг оғзига термилишди.

– Самарқандга мўғул юзланаётгани ҳақида кунора хабар олиб турибмиз. Султон ҳазратларидан ишора етса бас, биз ҳам кўзгагиб Жайхундин ошурмиз!

– Ҳазратим, ижозат берсалар сўзласам, – деди Амин Малик.

– Сўзланг!

– Ҳирот мулкларида мўғулларнинг хуфияларини аниқладик, кўп таассуфким, уларни тирик қўлга тушира олмадик.

Мўғул хуфияларининг Ҳиротгача етгани Жалолиддинни ўйлантриб қўйди. Мўғуллар фақат Гурганччи кўзлаётганлари йўқ. Жайхун ошиб Балх, Ҳирот ва

Ғазнигача келишмоқчи. Агар мўғул хуфиялари Ҳиротгача борган бўлса, шубҳа йўқки Ғазнига ҳам келишган. Пана-пасткам жойларда бикиниб, Чингизхонга маълумот тўплашпти.

– Ҳазратим, ана шундай шубҳали кимсаларни биз ҳам фош қилдик! – сўзга қўшилди Сайфиддин Ағроқ. – Аммо улардан ҳам сўз олиш имкони бўлмади.

– Мўғулнинг нияти жиддий! – ўзининг ўйлари ва Амин Малик ҳамда Сайфиддин Ағроқнинг сўзларидан хулоса ясади Жалолиддин. – Ёғий исталган сонияда савашга чорлаши мумкин. Биз ҳар доим сергак бўлмоғимиз лозим!

Саркардалар бош эгиб қўйишди.

– Алп Буғахон жаноблари! – деди Жалолиддин.

– Ҳазратим!

– Ихтиёрингиздаги черикни Ғазнига яқинроқ жойлаштирадиз, амирларингиз эса калъада бўлишсин!

– Ҳазратим! – таъзим қилди Алп Буғахон.

– Кузбор Малик жаноблари! Самарқандга, Балх ва Толаконга хуфиялар юборасиз. Ҳар қандай шубҳали кишилар кўринса тергов ва тафтиш қиласиз!

– Буйруғингиз бош устига, ҳазратим! – бош эгиб қўйди Кузбор Малик.

Жалолиддин яна бошқа сипоришлардан сўнг саркардаларга рухсат берди. Ўзи эса Кузбор Малик ва Ахос Малик билан калъага қайтмоқчи бўлди.

14-боб. Жалолиддин ва Абулқосим Нодир

Йўл четидаги ғариб кулба Жалолиддиннинг эътиборини тортди. Авваллари у бу йўлдан юрмаган, бу овлоқ жойларда одам яшаши ҳатто хаёли кўчасидан ҳам ўтган эмасди.

– Бу ерда ким туради? – сўради у Кузбор Маликдан.

– Бир муаррих яшайди дейдилар, – деди Кузбор Малик. – Айтишларича, ўзи асли самарқандлик, лекин Ғазнига нечун юзланганини киши билмайдур. Ғазни мадрасаларига дарс айтишга чақиришар эмишлар, авом орасида мавлоно Абулқосим Нодир сифатида маълум ва машхур.

“Абулқосим Нодир! Таниш исм, қаердадир эшитганман...” – ўй ўтди Жалолиддиннинг кўнглидан.

Шундоқ одамнинг шаҳар четида ёлғиз яшаётганидан Жалолиддин мутаассир бўлиб, дарҳол отидан тушди. Мадрасаларга дарс айтишга чақириладиган кишининг хилватга чекинишида ўзига хос ҳикмат сезгандек бўлди. Ортидан эргашган Кузбор Малик ва Ахос Маликка қўли билан “ортимдан юрманлар!” ишорасини берди. Сўнг кичикроқ эшикни аста тақиллатди. Эшик очилиб ўртадан келган, калта оқ соқолли, яқтак ва чопони уринган бўлса-да тоза, кўзлари тийрак ва мулоқим боқадиган кекса киши кўринди. У меҳмоннинг ким эканини дарров таниди ва диккинафас юмушдан хийла тундлашган юзи ёришиб кетди. Жалолиддин бемаврид ташрифидан ўнғайсизланиб турганида қария салом бериб қолди:

– Ассалому алайкум, ҳазратим! Жалолиддин ибн Алоиддин Муҳаммад ибн Такаш ибн Эл-Арслон ибн Отсиз ибн Ануштегин! – қария унинг бутун насл-насабини тўлиқ айтиб хайратлангирди.

– Ваалайкум ассалом!.. Мени танийсизми?! – хайратини яшира олмай сўради Жалолиддин.

– Албатта! Бобонгиз сиз ҳақингизда хўп ва кўп гапирар эдилар!

– Бобом билан ҳам ҳамсуҳбат бўлганмисиз?!

Қария жилмайди.

– У вақтда бобонгиз қурдирган Гурганч мадрасасида илми ҳолдан дарслар ўтардим. Худо раҳмати бобонгиз саройга чакириб турардилар ва фақирни суҳбати аржумандларига дохил этардилар. Адабиёт ва тарих ул зоти бобаракотнинг суйган мавзулари эди. Ҳазратим кўнгиллари тиласа кулбамга қадам ранжида айласалар.

Аваллига кулбага бирров назар ташлаш истаги кўнглига чўғ ташлаган Жалолиддинда энди қария – мавлоно Абулқосим Нодир билан суҳбатлашишга иштиёқи кучли эди. Жалолиддин ичкарига кирди. Ташқаридан уй кичик кўринсада ичкари кенг кўринади, ҳам ёруғ ва ораста. Бир томонда кичикроқ сандиқ, устида китоблар ҳафсала билан териб қўйилган. Кираверишга эса уришиб қолган бўлса-да, тоза бўйра ташлаб қўйилибди. Мезбонлик мақоми ва меҳмон риясида Абулқосим Нодир Жалолиддинни юқорига олди, ўзи эса, шахзода ҳар қанча илтимос қилмасин, ундан қўйига тиззалаб ўтирди.

Жалолиддин бир нарсани сизди – негадир энгил тортган, неча қуллардан бери миясида гулжон ўйнаётган, тинчлик бермаётган ўй-хаёллар ғойиб бўлганди. Фикри ҳам тиниклашган, эрталабдан бери кўнглидан аримаган дилхиралик ариганди. Ундаги ўзгаришларни сезибми, Абулқосим Нодир изох бергандек деди:

– Бу ерда кўплар Қуръонни ёд олгани келишиб, шу ердан қори бўлиб қайтишган.

Абулқосим Нодирнинг хонақосидаги руҳ, ҳайратомуз сокинлик инсон кўпда эслайвермайдиган илоҳий дунёни ёдига солди. Бу ерда неча-неча қорилар туну кун ибодатда бўлиб, муқаддас Қуръон оятларини неча минг марталаб тиловат қилганлар, Уни ёдга олганлар. Кулба деворларининг қат-қатларига оятлардаги ҳар бир сўз сингиб кетган, улардаги илоҳий қудрат, қандайдир майин ифор ҳар томондан сизиб келаётгандек эди. Жалолиддиннинг кўнгли анча юмшаб, равон тортди. Кўпдан бери у ўзини бунчалар энгил сезмаганди. Қалби эса бир нарсани рўйи рост сизди: унинг қудратли Ҳимоячиси бор, бемалол Унга юкинса бўлади... Шунда унинг кўзларида ёш ғилтиллади, У ўзини қайтадан, бор Қудрати билан эслатди.

Абулқосим Нодир уни жимгина кузатиб турар, шахзоданинг кўнглидан ўтаётган ўйлардан вокиф бўлгандек, хаёлларини бузгиси келмасди. Ниҳоят, орада бир муддат ўтгач, Жалолиддин ўзини тамом измига бўйсундирган хаёлларидан узилиб, қаршисидаги Абулқосим Нодирга қаради.

– Узр, хаёлга берилибман, – хижолат бўлди Жалолиддин.

– Сабабсиз эмас, ҳазратим...

Жалолиддиннинг миясида энди “Абулқосим Нодир” айланарди. Бу исми у аввал ҳам эшитганига ишончи қомил эди. Бирок мезбондан бу ҳақда очиқ сўрашга ийманарди.

– Бобонгиз сиз ҳақингизда хўп фахрланиб сўзлардилар, – давом этди Абулқосим Нодир.

Жалолиддиннинг ёдига тушида бобоси айтган сўзлари тушди: “Сен туғилдинг, Жалолиддин!” Бежиз бундай туш кўрмагандир. Таъбири мавлоно Абулқосим Нодир билан учрашишларидир балки. Балки боқий дунёга рихлат қилган бобоси юрт тинчсизланганидан тушига кириб, мавлоно Абулқосим Нодирнинг лафзи билан сўзлаётгандир. Сўнгги ўй кўнглидан ўтганида вужудига титроқ кирди.

– Кўнглим сезмиш, – давом этди Абулқосим Нодир. – Сиз улуғ йўл бошида турибсиз.

Жалолиддин унга саволомуз қаради. Абулқосим Нодир жилмайиб, хонтахта устида уюлган қоғозлар томон бош ирғади.

– Бу тун шу хусусда айрим воқеаларни саҳифаларга муҳрламиш эдим, – деди у.

Шунда Жалолиддин унинг исмини аввал қаерда эшитганини англади: “Таворих...” муаллифи Абулқосим Нодир, саройда таъкибга олинган ўша муаррих...

“Таворих...” ҳақида у кўп эшитган, бироқ асарни ўқиб кўрмаганди. Яна унинг ўйларини ўқигандек Абулқосим Нодир деди:

– Ҳақиқатни сўзлаганим учун аввал Гурганчдин, сўнг Самарқанддин хайдадилар. Ва лекин сиз ҳақингизда ёзилмиш тарих сабаб номим хурмат билан тилга олингу-си, бунга шубҳа йўқ, ҳазратим.

Жалолиддин ажабланди.

– Менинг тарихим?! Ҳали ҳеч каромат кўрсатганим йўқ.

– Ҳазратим, сиз тарихни бошладингиз! – деди Абулқосим Нодир жиддий.

Жалолиддинга кўп нарсалар ҳамон тушуниксиз қолаётган, бироқ ҳаммасини сўрашга ийманарди.

– Агар жаноблари маъқул кўрсалар, саройга таклиф этардик, – деди у.

– Ҳазратим, саройлардан оёғим узилмиш! Лекин сиз билан хали кўп кўришурмиз, иншооллоҳ!

Жалолиддиннинг ёдига Ғазни кальасидан нега чиққанлари, ташқарида саркардалари кутаётгани тушди.

– Жаноблари ижозат берсалар, кетсам! – деди у.

– Ҳазратим, омон бўлинг!

Жалолиддин ўрнидан туриб, ташқарига чикди. Ичкаридаги ўзига хос енгиллик бирдан уни тарк этиб, яна ўша ёқимсиз хаёллар чулғаб олди. Ортидан кузатиб чиққан Абулқосим Нодирга бир қараб кўйиб бош ирғади ва навкарлардан бири келтирган отига минди. Сўнгги икки-уч кундаги воқеалар бирин-кетин кўз олдидан ўтарди.

“Сен туғилдинг, Жалолиддин!” – дерди бобоси.

“Ҳазратим, сиз тарихни бошладингиз!” – дерди Абулқосим Нодир.

15-боб. Шаҳзодани излаб...

Шу кунларда Султон саройининг асосий дарвозаси одатдагидан кеч очила бошлаган. Авваллари дарвозадан саройга кирувчи-чикувчи кўп бўларди. Мовароуннаҳр шаркидан келаётган хунук хабарларнинг кети узилмаётганидан, дарвозалар мустаҳкам беркитилиб, унча-мунчага очилавермайди.

Дарвозага элтувчи йўлнинг бошида эрталабдан икки киши пайдо бўлди. Улар саройга келаётган амир ва аёнларни зимдан кузатишарди. Булар Салоҳиддин ва уста Жамол эди. Келганларига икки соатдан ошган бўлса-да, улар кутаётган киши кўринмасди. Ниҳоят, узоқдан уч отлик кўринди. Улардан бири олдинда бўлиб, кийим-бошидан саройнинг юқори мартабали аёни экани билиниб турарди. Ортидагилар эса найза кўтарган навкарлар эди. Уста отликларни кўрди-ю, Салоҳиддинни оҳиста туртиб кўйди.

– Бу киши ким? – сўради Салоҳиддин.

– Амир Бадриддин Ҳилол жаноблари. Султон ҳарамии оғаси.

Уста Салоҳиддинга юзланди.

– Ҳар эҳтимолга қарши, мактуб хусусида сўз оча кўрманг, мен бошқа баҳона топиб кўйганмен!

– Маъқул.

Уста кўлларини қовуштириб, юзига итоат тусини берди. Бадриддин яқин келганида кироат билан салом берди:

– Ассалому алайкум, амир жаноблари!

– Ваалайкум ассалом, усто жаноблари, нечук эрталабдан сарой атрофидасиз?

Уста Жамол Гурганчининг казо-казолари йиғиладиган турфа мажлисларига кўп

чакирилса-да, кўнгли чопмаганлигидан ҳар хил ваз-қарсонлар кўрсатиб, бундай давраларни тарқ этарди. Бадриддиннинг саволи шундан эди.

– Муҳим иш юзасидан сизни йўқлаб келдик, амир жаноблари.

Унча-мунча нарсалар устани сарой томонга етакламлиги ҳаёлидан ўтиб, Бадриддин сўради:

– Қулоғим сизда, усто жаноблари.

– Шаҳзода Жалолиддин Султон оталари итоатларидаги амирларга фармонлар юборган эканлар. Мазмуни, ҳар бир амир мўғул билан савашган йигитларидан шаҳзодага юборишлари керак экан...

Уста Жамол ёлгон сўзлаганидан хийла ўнғайсизланиб, Салоҳиддинга қараб кўйди. Унинг кўзларидан “маъқул” маъносини ўкиди-ю, ўнғайсизлиги чекинди.

– Амир Қутлуғхон шаҳзоданинг сўзларини эшитишлари билан энг ишонган йигитларидан бирини Гурганчага юборибдилар, – уста Салоҳиддин томон бош ирғаб кўйди.

Амир Бадриддин сарой фитналаридан узок юргувчи, Жалолиддинга хайрихоҳ аёнлардан бўлганидан Салоҳиддинни дарров кўздан кечириб олди.

– Афсус, шаҳзода Жалолиддиннинг қаерда эканликларини билмаймиз, – давом этди уста.

– Шаҳзоданинг қаерда эканликларини мен ҳам билмаймен, – деди-ю, Бадриддин устага тикилганича ўй суриб қолди. Агар Жалолиддинга саваш кўрган наварлар керак бўлса, албатта бу йигитни унинг ҳузурига жўнатмоқ лозим. Аммо шаҳзоданинг қаердалиги номаълум. Бировлар Самарқанд мудофаасида деса, яна биров Ғазнида дейди. Шунда унинг миясига ўй келиб қолди. Шу кунларда малика Туркон Гурганчдан кетиш тадоригига тушган. Мўғуллар мўр-малахдек бостириб келаётган бир фурсатда малика қаёққа бориши мумкин? Балки олдинги гина-кудуратларни унутиб, Жалолиддиннинг ҳузурига ошикаётгандир? Ҳар тугул, шаҳзода жанг кўрган, илкида бирмунча қўшини бор. Малика Туркон шунча вақт камситиб келган набираси ҳузурига юкинчи бориши мумкин-ку...

– Усто жаноблари, бошимга бир фикр келиб қолди, – деди Бадриддин. – Йигит ҳозирча уйингизда яшаб турсин, мендан ишорат етиши билан яроғи билан ихтиёримга келсин!

– Маъқул, – деди уста Салоҳиддинга қараб олиб.

Бадриддин Салоҳиддинни малика Турконнинг хос аскарлари қаторига қўшишни ҳаёлидан ўтказганди. У хайрлашиб, отини никтади. Саройга кириб кетганича уста ва Салоҳиддин Бадриддиндан кўзларини ололмай туришди...

16-боб. Уста Жамолнинг ҳужрайи хосида анвойи суҳбат

Уста Жамолнинг Явмуд гилам тўшалган ҳужрасида милтиллаб шам ёнади. Тўрда мунший, ундан қуйроқда уста ва Салоҳиддин, пойгакда эса устанинг ўғли Камоллиддин омонат ўтирарди. Бундай мажлисларга кўникмаган Салоҳиддин ўнғайсизланади, гоҳ мунший, гоҳ устага қарайди, ўринсиз кўзғалиб олади. Ташқарида енгил оёқ товушлари эшитилиши билан Камоллиддин ўрнидан чакқон турди-да патнисда узатилган нон, қоқию туршакларни олиб, хонтахта устига қўйди. Унинг ҳаракатларини кузатиб турган мунший енгил, билинар-билимас хўрсиниб олди-да, деди:

– Энди... энди бизнинг ёлғиз умидимиз Жалолоддиндан! Ишқилиб, Оллох илкени ёрлакаган бўлсин!

Жалолоддин номини эшитиб Салоҳиддин сергак тортди. Муншийнинг нима демокчилигини фаҳмлаган уста нон ушатиб, унинг олдига қўяркан:

– Авомнинг оғзида ҳам шу гап, мунший жаноблари, бозору гузарларда мухокама қиладилар, – деди.

– Айтишларича, Жалолоддин савашда ҳеч нарсадан қўркмасмиш, – суҳбатга қўшилди Камолддин. – Ҳукмдорлар ёки шахзодаларнинг савашга қўшилганларини ҳеч эшитмаган эдим.

Ўртага бир муддатли сукут чўкди. Уста ўйга боғгандек ўтирган муншийга қараб айрим нарсаларни мушоҳада қилгач, паст овозда деди:

– Мунший жаноблари, мажлисимизда сирларимизга бегона одам йўқ, – у “сиз ҳам орамиздасиз” маъносида Салоҳиддинга қараб қўйди. У устанинг нигоҳида самимийлик, сўзларида ишончни сезиб, алланечук бўлиб кетди. Ўрнидан енгил қўзғалиб, унга бош ирғаб қўйди.

– Бу инимизга менга қандоқ ишонсангиз шундай ишонинишгиз мумкин, – мунший дарров устани қўллаб-қувватлади.

– Эр йигитни бир қарашингизда биласиз, мунший жаноблари, – уста давом этди. – Қўнглимда анчадан бери бир андиша бор эди. Журъатим етмаганидан ҳеч кимга қўнғил ёра олмасдим. Салтанат бошига бундай кунлар тушишига аввало малика Туркон айбдор! Агар ҳукумат тизгини ёлғиз султоннинг илкида бўлганида бундок парокандалик йўқ эди, қалтафаҳм қипчок амирларга ҳам муте бўлмасдик!

Устанинг бунчалик ошқор ва аччиқ сўзлашини мажлисдагилар кутишмаганди. Лекин бундан мунший ажабланиб ўтирмади. Уста авомнинг дилидаги сўзларни тилига олди-ю қўйди.

– Сиз тўғри гапирдингиз, уста жаноблари, – ҳазин овозда деди мунший. – Умид қиламенки, биз буни бир умр афсус ва надомат билан эслаб юрмаймиз.

Оддий одамларнинг малика ҳақидаги бундай гапларидан Салоҳиддин хайратга тушди. У фақат хожаси Қутлуғхонни танир, унга ихлол ва садоқат билан хизмат қилишни ҳаётининг мазмуни деб биларди. Ҳукумат арконларини танқид қилиш мумкинлигини ҳатто ҳаёлига ҳам келтирган эмасди. Устоздорлар: “хожанинг раёйига қарши оёқланмоқлик, Худонинг иродасига зид юрмоқлик”, дея онгига қуйгандилар. Ҳукуматга қарши фитнанинг ичига тушиб қолгандек ўзини ноқулай ҳис қила бошлади.

– Самарқандда эканмен, бу ҳақда жуда кўп ўйлардим, – маҳзун овозда давом этди мунший. – Кўп таворихларни варақладим, лекин бир салтанат тахтида икки подшоҳ бўлганини учратмадим. Султон чекинган бир фурсатда маликанинг тўзғиган черикнинг бошини бир қилиб, майдонга бошлаб тушишига ким ишонади? Анави амирлар-чи? Худо қўрсатмасин, биринчи тўқинишмадаёқ отнинг бошини ортга буриб қочсалар салтанатнинг, авомнинг тақдири не кечади? Буларни ҳатто ҳаёлимдан ўтказишга ҳам қўрқамен...

Мунший жим бўлиб қолди. Ҳаммасини кечагидек эслайди. Ҳатто султон Аловуддин тахтини барқарор қилган Самарқандда ҳам маликанинг аччиқ сиёсати сезилади. Эрталаб султон “фалон жойда девор кўтаринглар” дея фармон чиқариб, қурилишни бошласа-ю, тушдан кейин Гурганчдан етиб келган маликанинг тавқиди “ўша фалон жойдаги деворни бузинглар” деб буюрилган бўлса, албатта девор бузиларди. Англашилганидек, султон ва маликанинг бир вақтнинг ўзиде фармони чикса, албатта биринчи бўлиб маликанинг буйруғи бажариларди. Бундай вақтларда амир-

лар ва хонлар ўзаро шивирлашиб қолишар, маликанинг хуфиялари борми-йўкми, дея атрофга олазarak қараб қўйишарди. Бошлаб фарзандлик риюяси, қолаверса, иродасизликми, султон кўп ҳам онасининг раъйига қарши бормасди. Тавқ ёки иктоъ ёрлиғи ёздираётган вақтларда ҳатто султон муншийга “бу салтанатда ким ҳукмдор ўзи!?” деб қўйгувчи эди. Мунший бу вақтларда ҳукмдори риюясида сукутга толарди.

– Тахтга Жалолиддин чиқса қандок бўлади? – сўради Камолиддин.

– Бу имкон хорижидаги масала, – деди мунший. – Жалолиддиннинг ўрнига укаси Қутбиддин валиаҳд этиб белгиланган. Султон ва фуқаро ҳар қанча истамасин, маликанинг хоши-иродаси шу! Чунки Қутбиддиннинг онаси маликанинг уруғидан. Жалолиддин тахтга ҳам келди, дейлик, маликанинг уруғидан бўлган қипчоқ амирлар уни қўллаб-қувватлайдиларми? Асло! Малика Туркон Жалолиддинни ҳам, унинг онасини ҳам ёмон кўриши ҳақида миш-мишлар кўпайган. Бас, шундай экан, Жалолиддиннинг доруссалтананда қолиши дарғумон...

Султон баъзида Жалолиддин ҳақида сўз очиб қоларди. Унинг сўзларида мунший изтироб ва чорасизликда қолган отанинг надоматларини ўқирди. Султон тўнғичини ҳар доим ёнида олиб юришга ҳаракат қилар, унинг ёвқурлиғи ва муҳорабадаги укувини жуда қадрларди. Бу эса маликага сира хуш келмас, баъзида кесатиклар билан, баъзида ошқора нафратини билдириб қўярди. Шундай бўлса-да, султон Жалолиддинни махсус устоздор, донғи чиккан жангчи ва садоқатли ходими Кузбор Маликка топширди. Жалолиддин ҳарбу зарбанинг бутун сир-синаотини ундан ўрганишга киришди. Султон ҳафтанинг маълум кунлари ўғлининг машқларини кузатгани чиқарди. Устози билан тенгма-тенг олишаётган ўғлини кўриб, беҳад қувонар, устоздорга пешкашлар қиларди. Кузбор Малик Жалолиддиндан туғма жангчини тарбиялади. Қилич сермашда, камондан ўқ узишу найза отишда ҳос навқарлардан асло ортда қолишмасди. Хуфиялари орқали Жалолиддиннинг муваффақиятларидан вокиф бўлаётган маликанинг гаши келарди. Тўрт ўғилга салтанатдан мулклар тақсимланаётганда жанубдаги ерлар – Ғазни, Бомийннинг Хурорсонгача туташ ҳудудлари, Бўст, Такинобод Жалолиддинга тегди. Кузбор Малик эса бу вилоятларга ноиб этиб тайинланди. Ғазнининг Жалолиддинга тегишидан мунший ўзича маънолар ўқиганди. Ғазни султон Санжар давлатининг пойтахти бўлган. Жалолиддинни ҳам истиқболда султон Санжарникидек шон-шавкат қутаётганига мунший сира шубҳа қилмасди. Энг кизиғи, султон Аловуддин хонадонини аёвсиз танқид қилган Абулқосим Нодир ҳам Жалолиддин шахсини четлаб ўтган, “Таворих ас-салатин”нинг бир ерида “бу мусулмони комил ҳақида ёмон нарса ёзмокликка ҳаддим сиғмас”, дея ошқора эътироф этганди. Султон Аловуддин ва унинг бошқа ўғилларига хусумати бўлмаса-да, мунший ҳам Абулқосим Нодирни ҳақ топганди. Айнан Абулқосим Нодирнинг шу сўзлари хаёлидан ўтиб, кўнгли ёришганидан:

– Кўнглим сезмиш, доруссалтананага Жалолиддин қайтади, иншооллоҳ! – деди у.

Мунший ва устанинг сўзлари Салоҳиддиннинг ҳукмдорлар ҳақидаги тасаввурларини остин-устун қилиб юборди. Сўрамокчи бўлиб оғиз жуфтлаганида уста муншийдан сўраб қолди:

– Мунший жаноблари, сизни нафақат қасидагўйликда, балки тарих илмида ҳам беназир, деб билурмиз. Кўп вақт султонга ҳам мушовир, ҳам мусоҳиб бўлдингиз. Ҳатто султоннинг халифа ҳазратларига мактубларини мунший Шихобиддин Нуркалам ижод этган, деган гапларни эшитганмиз. Сўрамокчи бўлганим, доруссалтананда роса миш-миш бўлган Абулқосим Нодирнинг “Таворихи” ҳақида не дея олурсиз? Унинг ёзганларида ҳақиқат борми ёки йўқ? Қасрга борма, ким билан сўзлашма, ўзаро суҳбатларда албатта Абулқосим Нодир тилга олинмиш.

Уста муншийнинг жуда нозик жойидан олди. Мунший султон риюсида на “рост” дея олади, ҳақиқат озор чекиши истиҳоласида на “ёлғон”. Султон ҳақида ёзилган ҳар қандай яхши ёки ёмон асар албатта саройгача етиб келар, энг аввало девон ал-иншодаларнинг назаридан ўтарди. Султон макталган, улуғланганни хаттоғлар дарров нафис ипак қоғозларга кўчириб, пешма-пеш султонга етказилар, ёмонотлик қилганлари йўқ қилинарди. Халқ орасидаги хуфиялар “Таворих”ни топиб келишиб, муншийнинг кўлига топширишди. У ўша куниёк асарни ўқиб чиқди-ю номаълум муаллифга тан берди. Муаррих нафақат тирик гувоҳ, балки султоннинг кўнглидагиларини ўқигандек барча нарсани аниқ-тиниқ баён этганди. Ўз-ўзидан равшанки, “Таворих”ни султонга кўрсатиб бўлмасди. Эртаси куни тонгда келган хуфиябошига жавобан мунший бошини сараклатиб қўйганди, холос. Лекин у асарни ким ёзганига жуда кизиқиб қолганди. Саъждан воз кечилиб, содда, равон услубда ёзадиганларни аввал ҳеч учратмаганди. Хуфиялар асар фақат Самарқанд атрофларида тарқалганидан гапиришарди. Кунларнинг бирида Самарқанднинг китоб бозоридан ўзи учун қоғоз сотиб олаётганида бу нарсани сезиб қолди: “Таворих”нинг кўлёмалари ҳам ҳозиргина сотиб олган қоғозларга ўхшаш. Уларнинг бир томони билинар-билимас сарғиш тусда. Мунший ҳаяжонланди. Ахир қоғоз ёрдамида номаълум муаррихни топиш мумкин-ку!..

– Маъзур кўрадилар, сиздан қоғоз оладиганларнинг ҳаммасини танийсизми? – сўрагани у сотувчидан.

– Танийман, десам ҳам бўлади. Мендан кўплар қоғоз олади, аммо икки киши бир келганида даста-даста қилиб олиб кетади.

– Улар ким экан? – ҳаяжони кучайиб яна сўрагани мунший.

– Бири сиз, иккинчиси бир дарвеш. Ҳайронман, дарвешларга қоғоз нега керак?

– Уни қасрда яшашини биласизми?

– Биламан, шаҳардан чиқаверишда, Авлиётепада яшайди...

Мунший кейин ўша дарвешни излаб топди. Бу кўплар авлиё деб биладиган Абулқосим Нодир эди. Мунший хуфиялардан олдин султонни ёмонотлик қилган муаррихни топди, лекин бу ҳақда ҳеч кимга айтмади.

– Менимча, малика Туркондан кўра султоннинг феъли хўйи ва кибрга кетгани Худога ҳуш келмади! – анчадан бери индамай ўтирган Камолитдин мунший ва отасининг жим бўлиб қолганидан фойдаланиб фикрини билдирди. – Искандар навбасини ким ўйлаб топди?! Қариндошлари ва бўйсунган ҳукмдорларни саройга келтириб, кўлига ноғора чўпини тутқизган ким? Ўзига ёкмаган ҳожиб ёки маликни олис вилоятларга жўнатиб, ортидан ханжари доим қонга ташна таштдор Аёзни⁶ юборадиган ким эди? Бас, шундай экан, у ҳам ўз қилмишига яраша жазо олмакда!

Ўғлининг бундай кескин гапиришидан хижолат торган уста ер остидан муншийга қараб қўйди. Мунший эса кўзларини дастурхонга тикканича жим ўтирарди. Агар мажлис аҳли диккат билан разм солишганида унинг кўзлари ёшланганини сезишарди. Камолитдиннинг таштдор Аёз ҳақидаги сўзлари хотиралари тубига кўмилган воқеаларни юзага чиқариб қўйганди.

– Кимнинг қандайлиги ёлғиз Оллоҳга аён, – деди у анчага чўзилган жимликдан сўнг. – Мен сизга бир воқеани айтмай, хулоса чиқариш сиздан. У вақтларда мен девон ал-иншода энди иш бошлаган кезларим... Бир куни султоннинг ҳожиби саройга Мадинадаги ҳазрат пайғамбар мақбараси фарроши келганини айтиб, унинг киришга руҳсат сўраётганини етказиб қолди. Султон дарров рози бўлди. Ўша одамни олиб

⁶ Султон Алоуддин Муҳаммаднинг таштдор Аёз қўмондонлигидаги ўзига ҳос жазо кўшини бўлган. Султон ўзига ёкмаган кишилар ёки ғанимларини айнан таштдор Аёз кўли билан жисмонан махв этган.

киришди. У кирасолиб султоннинг қўлларини тавоф қилмокчи бўлди. Лекин султон кўнмади. “Чиндан ҳам ҳазрат пайғамбар макбарасида хизмат қиласизми?” деб сўради султон. “Худди шундай, ҳазрати олийлари”, деди у. Шунда султон ўрнидан туриб, унинг қўлларини юз-кўзларига суртди...

Мажлисдагилар муншийнинг нима демокчилигини жуда яхши фаҳмлашганди.

– Султоннинг динга мухлислиги хўп ҳавас қилгулик эди, – деди паст овозда уста. – Ҳар тўқисда бир айб, дейишади-ку...

Ташқарида енгилгина оёқ товушлари эшитилди-ю устанинг гапи бўлинди. Кўп ўтмай эшик аста, худди озор етказишдан кўркишгандек, чертилди. Камолиддин дик этиб ўрнидан турди. Қия очилган эшикдан аёл кишининг паст овозда: “Таом тайёр”, – дегани эшитилди.

Уста дарҳол муншийга қаради. Мунший унинг нигоҳидан учган маънони ўқиб, қўлларини дуога очди...

17-боб. Искандарнинг бевафо навбаси

Бомдод намози ўқилганига анча бўлган. Маликанинг ётоғидан чиқавермаганидан хавотир олган Ойхон бека аввал хобгоҳнинг эшигини журъатсиз чертиб кўрди. Ичкаридан садо бўлмагач, минг бир хаёл ва иккиланиш билан нақшинкор ёғоч эшикни охиста сурди. Бека ичкаридаги манзарани кўриб, сўзларини йўқотди: хобгоҳ ўртасидаги жойнамозда малика Туркон бошини куйи солинтириб ўтирарди. Кун совуқ бўлишига карамай, кунботиш томондаги девордаги дарча очик, ичкарига югурган елвизак пардаларни ўйнаб-ўйнаб қўяди. Шамдондаги ҳамма шамлар эриб битган.

Ниҳоят, малика эшикнинг очилгани ва хобгоҳга киши кирганини сездди, аста еростидан эшик томон қаради. Ойхон бека уни танимади. Маликанинг рўмоли остидан чиқиб турган сочлари тўзғиган, кўзларининг ости салкигани кўзга анча хунук кўринади.

– Султон хоним... – тилига сўз қайтди Ойхон беканинг. – Сиздан хавотирланиб... хобгоҳингизга изнсиз кирдим...

Малика индамай яна нигоҳини дарча томон кўчирди. Яна хаёлларига шўнғиди. Бомдод намозидан сўнг бутун ўй-хаёлини кўрган туши эгаллаб олганди.

У тушида... Чингизхон шарафига... Искандар навбасини ижро этармиш. Ортида эса нигоҳини ерга қадаган султон Отсиз, султон Такаш ва ўғли султон Аловуддин Муҳаммад. Улар уятдан ўзларини қаерга қўйишни билишмасмиш... Тушлар ғайбдан, келажакдан хабар, дейишади. Буни қандай тушунмоқ лозим? Наҳотки у, улуғ малика Туркон, фатҳ этилган вилоятларнинг асир ҳукмдорлари каби ғолиб хоконни мадҳ этади?! Йўқ, асло! Бундай бўлиши мумкин эмас!.. Ўйларидан бош кўтарганида остонада Ойхон бекани кўрди.

– Нега келдинг? – қахли овозда сўради малика.

– Султон хоним... сиздан хавотир олиб... қаршингизда гуноҳкормен...

– Жориялар кирсин! – таҳдидли овозда буюрди малика.

– Буйруғингиз бош устига, султон хоним, – Ойхон бека қўлларини ковуштирганича таъзим қилди-да, кўзларини ердан узмай ортига тисарилди.

Малика Ойхон бекага ортиқ эътибор бермай, яна ўйга берилди. Қаёқдандир пайдо бўлган саҳройи унинг салтанатига дахл қилишга қандай журъат қилди!? Ахир у малика Туркон бўлса!

У ўрнидан аста турди, дарча томон юриб, унинг тавақасини ёпди. Манқалдаги чўғ ҳам ўчиб, бир ховуч кулга айланибди. Шундагина у совуқ қотаётганини сездди. Мовут камзулини елкасига ташлаганида эшик томонда енгил қадам товушлари

эшитилиб, ўйлари тўзғиди. Қаршисида бош эгиб, зар суви югуртирилган обдаста ва чилопчин кўтарган, икки юзи уятдан дув қизарган жория турарди. Қиз ҳар кун и эрталаб кирадиган жорияларга ўхшамасди.

– Исминг нима?

– Нури биби, султон хоним... – қизнинг овози зўрға чиқди.

Нури бибининг чехрасида саройдагиларга хос бўлмаган софлик ва беғуборлик бор эди. Шунинг учунми, малика кўзларини қизнинг чехрасидан узолмай қолди. Қизнинг ёнида турган Ойхон бека журъатсизланиб гап бошлади:

– Султон хоним, Нури биби туркий ва форсийда хуснихати беназир, кўп шоирларнинг девонларини хатм қилган.

Маликанинг юзида зоҳир таажжуб ўрнини қизикиш эгаллади.

– Саводли экансен, балли!

Нури бибининг ёноклари ёнди, боши янада эгилди.

– Қуллук, султон хоним, – сўзларни айтишга кучи етмаганидан унинг овози пичирлаб чиққандек бўлди.

– Кўҳна ривоят ва ҳикоятлардан ҳам хабаринг борми? – сўради малика.

– Айрим таворих китобларида ўқиб эдим, султон хоним.

Малика Ойхон бекага қаради. У шоша-пиша давом этди:

– Султон хоним, бундан ташқари, мусиқани нозик англайди, уд ва қонунни яхши чалади.

Малика ажабланди. Бир қанизақда шунча хунар?! Хуснихати бор, девонларни ҳам хатм қилган, уд ёки қонун чалса... Бу қанизақнинг ўзи бир жумбок экан. Одатда, аслзода оилалар махсус устозлар белгилаб, фарзандларининг хат-саводини чиқарадилар, мусикага ўргатадилар. Султон хонадонига яқин бўлганлар эса қизларини ҳарамга жўнатадилар. Албатта, султон ёки шахзодаларга жуфти ҳалол бўлиш учун эмас. Ҳарам – шунингдек мактаб! Бу ерда аёлларга ахлоқ-одоб, санъат ва адабиётдан сабоқ берадилар.

Маликанинг ёдига эри – султон Такаш тушди. У удни яхши чаларди. Давлат ва ҳарб илмларидан бўшади дегунича хобгоҳига чекиниб, қўлига уд оларди. Бундай вақтларда ҳамма нарсани унутиб, завқ-шавққа тўлиб чаларди... Малика хонтахта устидаги қонунга ишора қилиб деди:

– Чал!

Нури биби хонтахта ёнидаги юмшоқ кўрпачага чўккалаб олди. Қонунни тиззасига қўйиб бир муддат қайси куйни ижро этиш ҳақида ўйланиб қолди. Мувофиқини топгач, нозик ҳаракат билан қонуннинг ингичка торларини аста черта кетди. Унинг ҳаракатлари нафис, хобгоҳни тўлдирган тиник ва жарангдор куй эса гўзал, кўнгилнинг нозик, хуфия қатларига етиб борарди. Ҳатто хобгоҳ пардаларини-да титратиб ташлаётгандек таассурот қолдирарди...

Бу баҳор, ёшариш ва тириклик куйи эди. Унга соме бўлган маликанинг кўзларидан шашкатор ёш оқар, буни яширмасди. Кейин куй авжига чиқди, шиддати ортди. Бу бамисоли тинч денгизда туйқус турган довулдек эди. Кўзларини юмиб олган Нури биби ёнидагиларни ҳам унутган, бутун борлиги билан куйга қўшилиб кетганди. Маликанинг қалбини нурга, умидга тўлдирган қонун энди бошқа нарсалардан сўзлашга тушганди. Кўкнинг чароғон ферузаси бирдан қора торгандек, оппоқ булутлар қора тус олаётгандек, қонунга дароҳларнинг учини ерга теккизгудек бўлиб бўрон қутураётгандек, куй ана шуларга ўқилаётган шафқатсиз ҳукмдек эди. Маликанинг кўнгли нохушланди, қалбига ҳавотир инди. Тўхтатармикин, деган умидда қизга қараб қўйди. У эса тугатишни ҳаёлига ҳам келтирмасди. Шунда маликанинг кўзларига қонун чалаётган қанизақ эмас, балки “Таворих” муаллифи Абулқосим Нодир кўриниб кетгандек бўлди.

– Бас! – кутилмаганда қичкириб юборди малика.

Нури биби чалишни тўхтатиб унга қаради. Маликанинг ранги оқариб кетган, нафас олаётгани ҳам билинмасди.

– Холи қўйинглар! – буюрди у.

Нури биби конунни хонтахта устига қўйиб ўрнадан турди ва таъзим қилди. Сўнг Ойхон бека иккаласи хобгоҳдан чиқиб кетишди. Ёлғиз қолган малика анча-гача ўзига келолмади. Яна ўша туши ёдига тушди. Чингизхон шарафига Искандар навбаси! У кўзларини юмди. “Бу канизакда бир гап бор”, – ўй оралади кўнглига. Ҳарамга қайдан келди? Ким ўзи у? Ёки Худонинг яна бир ишоратими?..

Уни турфа ёқимсиз хислар, ўй-хаёллар ўраб олган, саволларнинг кети узилмасди...

18-боб. “Таворих ас-салатин”даги узилган силсила башорати

Шамдонлардаги шамлардан ҳаммаёқ ёруғ. Ташқарида тизгинсиз бўлган хаёллар бу ерда узилгандек, пароканда бўлгандек. Югурик вақт сирли, кишини анча... хадикка соладиган хобгоҳда тўхтаб қолгандек. Маликанинг хос хонасига қадам ранжида қилган одам ўзга оламга тушиб қолдимми, деган хаёлга боради.

Ойхон беканинг ортидан хобгоҳга кирган Нури биби ҳам шу нарсаларни хис қилди. Хаёлига турфа ёмон ўйлар югурганидан аввалига эти жимирлади, сўнг титроқ уни анчагача тарк этмади. У ва бекадан ўн-ўн беш қадамлар наридаги хонтахта қаршисида чўккалаган малика Туркон тонг маҳалдаги калондимоғ, кишига ижирганиб қарайдиган аёлга сира ўхшамасди. Суратидан мушфиқ ва муштипар, чехраси очик, қарашлари ёқимли.

– Султон хоним, буйругингиз ила муборак хузурингизга келдик, – қўл қовуштириб, бўйинини эгиб турган бека деди.

Малика ўнг қўли билан ишора бериб, қаршисидан жой олишни кўрсатди. Ойхон бека довдираб қолди – маликага қарама-қарши ўтириш нафақат сарой, балки ҳарамда катта иноят эди. Вазирлар, амирлар ёки маликлар малика қаршисида қўл қовуштириб, унинг риоясида нафас ютқудек туришарди. Ойхон бека унинг нигоҳидаги куч таъсирида қандай чўккалаганини билмай қолди. Нури биби ҳам бека ёнидан омонат жой олди.

– Бу окшом негадир китоб мутолаа қилишни кўнглим тиламиш, – анчага чўзилган жимликни маликанинг ҳазин овози бузди.

Нури биби кўз кири билан хонтахта устидаги китоб муқовасига кўз ташлаб қўйди.

– Ўзим ҳам билмаймен, нега шу таворих сўнгги кунларда илкимдин тушмас, – давом этди у. – Ажиб ҳикоятлардин кўп хаёлларга ботамен... ўзимнинг мухтасар тарихимни ўқигандек бўламен...

Нури биби таажжубга ботди. Гурганчга келмасидан олдин малика Туркон ҳақида бутун бошли салтанат тизгинини кўлидан қўймайдиган малика қахрли, раҳм-шафқат унга бегона, султон Аловуддин ҳам онаси риоясида иш кўради, унинг раъйига қарши бормади, деб эшитган. Аммо ҳозир қаршисида ўтирган аёл тасавуридаги маликанинг тамом акси эди.

– Маймун ила йилон⁷ ҳикояти...

⁷ Илон.

– Абулкосим Нодир!⁸ – Нури биби ўзи кутмаган ҳолда гапириб юборди.

Малика таажжуб тўла нигоҳини унга қадади.

– Уни қаердан танийсен?!

– Унинг китобини ўқиган эдим... “Таворих ас-салатин”⁹ – кўзларини яширганича деди Нури биби. – Отамнинг кутубхоналарида тарих ва назмдан сара китоблар бор эди.

Абулкосим Нодирнинг “Таворих”и давлат сиёсати, ҳукумат тутуми, қўшин саклаш бобларидан ташқари ғаройиб ривоят ва хикоятлари билан қизик эди. Маликани энди ҳайратга солаётгани оддий канизакнинг бу асарни ўқигани эди...

“Ажаб, нега Абулкосим Нодирни эслаб қолдим?!” – хаёлига туйқус ўй оралаб қолди маликанинг. – “Нега “Таворих” сўнгги кунларда илкимдин тушмай қолди?” У беихтиёр кўзларини юмди. Ё алҳазар! Бу ким бўлди? Ахир... ахир бу Абулкосим Нодир-ку! Унинг ёнида эса... Тангри раҳматига олган эри – султон Такаш!

“Онҳазрат, зиммамдаги улуғ вазифани адо этдим”, – Абулкосим Нодир қўлларини қовуштириб, султон Такашга таъзим қилибди, сўнг қўйнидан... қора маотога ўралган, муковаси уринган, қалин китобни узатибди.

“Сиз буюрган таворих, онҳазрат”, – кўзларини ерга тикканича дебди Абулкосим Нодир.

Малика таажжубга ботди: “Янги китобга эски мукова ўрайдиларми?!”

Султон муковага эътибор бермай, китобни аста варақлашга тушибди. Ҳар саҳифани ағдараркан, кўзлари порлар, чехраси янада ёриша борарди. Ниҳоят, сўнгги саҳифаларга етганида кўзларидаги ҳайрат ва таажжуб чекиниб, юзига совуқ ифода парда тортибди.

“Бу саҳифалар нега бўш, мударрис жаноблари?” – сўрабди султон.

“Чунки бу саҳифаларга келганда таворих силсиласи узилмиш, онҳазрат!” – Абулкосим Нодирнинг нигоҳию чехрасини ҳукмдорга бўлган юқиниш тарк этганди. Қўлларини қовуштириб олган бўлса-да, қаддини ростлаб олган, энди у маҳкум устидан ҳукм ўқиётган қозига ўхшарди.

“Силсила менинг ўғлимда... Аловуддин Муҳаммадда узилмишми?!” – ишонқирамай сўрабди султон.

Энди Абулкосим Нодир кўринмас, султон ён-атрофига аланлаганича уни изларди.

“Силсила ўғлим Аловуддинда узилмишми?!” – ўзидан ўзи сўрармиш султон.

“Ёлғон!!!” – кимдир қичқирди. Маликами? Султон Такашми?..

...Малика сесканиб, кўзларини очди. Кўз олдида эри, Абулкосим Нодир, шарафига навба чалинаётган Чингизхон айланарди. Унинг юзи чин ўлик тусига кирган, шамларнинг заиф ёғдусида кўзга хунук кўринарди. Буни нигоҳини ердан туйқус узиб, унга кўз ташлаган Нури биби сизди-ю, ғалати бўлиб кетди. Гўёки қаршисида жонсиз ҳайкал бўй бергандек. Анчагача мубҳам ҳислар тўрига тушиб қолгандек сизди ўзини.

– Маймун ила йилон хикояти! – маликанинг жонсиз лабларидан заиф ун учди. Буни бека англамаган бўлса ҳам, Нури биби эшитди.

Абулкосим Нодир бекорга бу хикоятни “Таворих”га киритмаганди. Бу ҳақда Нури бибининг отаси баъзи-баъзида гапириб қоларди. Албатта, бундай суҳбатлар хос мажлисларда, ишонган кишилар даврасида бўларди. Мазкур хикоят билан Абулкосим Нодир салтанат қисматидан баҳс очарди, хоразмшоҳлар устидан шафқатсиз ҳукм ўқирди. Малика бу оқшом бекорга ушбу хикоятни тилга олмаётганини Нури биби тушунди.

⁸ Муаррих номи муаллиф номидан ўйлаб топилди.

⁹ Асар номи муаллиф томонидан ўйлаб топилди.

Ташқарида оёқ товушлари эшитилиб, шамлар шуъласи аллалаётган хобгоҳдаги сукунат бузилди. Малика оғир хаёлларидан юлқиниб, беихтиёр эшик томон қаради. Эшик очилиб, кўлини қовуштирган бошқа бир канизак ичкарига кирди.

– Султон хоним, – кўзларини ерга қадаб деди у. – Бадриддин Ҳилол жаноблари сизга ошиғич хабар келтирмиш.

Маликанинг хобгоҳи аввал киши назаридан холи эди. Ҳатто ҳарам бекалари ҳам бу ерга кирмасдилар. Кейинги вақтда бу тутум ҳам орадан кўтарилгандек эди.

– Кирсин! – буюрди малика.

Канизак яна таъзим қилиб, ортига чекинди.

Рағи қум ўчган, кўзлари кўрқувга тўла Бадриддин Ҳилол қўл қовуштириб, ичкарига кирди.

– Султон хоним, афву этинг қулингизни, – гап бошлади у. – Бемаврид келиб оромингизни буздим.

– Не хабар келтирдингиз? – унинг гапларига эътибор бермай, сўради малика.

– Султон хоним, Самарқанд... енгилибдур! – титроқ овозда деди Бадриддин Ҳилол.

Хабарнинг бутун дахшатини факат Нури биби англади. У кўрка-писа маликага кўз ташлади. Маликанинг туси ўзгаришсиз эди. Кўринишидан Бадриддин Ҳилолнинг “янгилиги” унинг учун тамом фарқсиз эди.

– Хуфияларнинг сўзларига кўра, – давом этди Бадриддин Ҳилол. – Мўғул Бухоро ва Самарқанд билан каноатланмоқчи эмас...

Ҳарам оғаси давом этолмай каловланди.

– Мўғул доруссалтанага ҳам юзланади, демокчимисиз? – унинг айтолмагани маликанинг тилидан янгради.

Бадриддин Ҳилол ўлимнинг совук нафасини туйгандек ёсқаниб кетди. Ўзи ҳам шуни айтмоқчи эди, бироқ бировнинг лафзидан бунчалар совук, кўрқинчли чиқишини кутмаганди. Жавобда ҳаяллаётгани илкис хаёлидан ўтиб, шоша-пиша деди:

– Султон хоним, мўғулнинг Гурганчага юриши муқаррар. Султон ҳазратлари... – Бадриддин Ҳилолнинг яна тили боғланди. Султон Аловуддинни “қочди” дейишга ҳам уялди, ҳам кўрқди.

Малика ҳам унинг нима демокчилигини дарров фаҳмлаганди. Доруссалтана чериксиз, унинг этагини тутган амирларнинг кўпи ҳадиқда. Мўғул салтанат бош кенти остоналаригача келса, бу амирлар уни химоя қила оладими?! Шунда кутилмаганда тушида Чингизхон шарафига навба ижро этгани ёдига тушди-ю, вужудини муздек тер қоплади.

“Гурганчдин кетмоқ лозим! – миясига ўй яшиндек урилди. – Чингизхонга навба чалинмасин, чалгувчилар ҳам бўлмасин!”

– Хос кишиларни машваратга ҳозирланг! – буюрди малика. – Кенгашмоқ лозим.

– Буйруғингиз бош устига, Султон хоним.

Маликадан руҳсат етгач, Бадриддин Ҳилол таъзим қилганича ортига тисарилди. Ундан кўзларини узмай турган маликанинг хаёлидан эса фавқулодда ўйлар ўтарди: “Навба чалгувчилар бўлмасин! Навба чалгувчилар бўлмасин!” Унинг кўзларига энди Гурганч тордек кўринар, ўзини бу шаҳарга тобора бегона сезарди...

19-боб. Салоҳиддин саройда

Салоҳиддиннинг совуқда бўлари бўлди. Бадриддин Ҳилол “шу ерда кутиб туринг!” дея Арка кириб кетди-ю, шу бўйи қайтмади. Юпун кийиниб чиққанига кўп афсуслар қилмоқда эди. Ниҳоят, дарвозанинг бир табақаси очилиб, соқчи навқарлардан бири югурганича чиқиб келди.

– Амир Бадриддин жаноблари сизни йўқламокдалар! Тезроқ ортимдан юринг!

Салоҳиддин навкарнинг ортидан эргашди. Улар узок юришиб, ички саройга олиб кирадиган кичкина эшик ёнида тўхтадилар.

– Ичкарига кирасиз, амир Бадриддин жаноблари шу ердалар.

Салоҳиддин бош ирғаб, эшикни очди-да, ичкарига кирди. Навкар айтганидек, ҳарам оғаси турарди. Салоҳиддин яна салом бериб, унинг қаршисида қўл ковуштирди.

– Султон хонимга сизни хўп таърифладим. Ул кишининг хос навкарлари каторида турасиз, – деди амир Бадриддин Ҳилол.

– Хўп.

– Ҳозир Султон хонимнинг хузури олиларига кирамиз.

– Хўп.

Бадриддин Ҳилол уни қайтадан кўздан кечириб олиб, боши билан “ортимдан юринг” ишорасини берди. Салоҳиддин унинг ортидан юрди. Деворлари турфа ганч нақшли, оёқостига ўхшаши йўқ эроний гиламлар тўшалган, эшик ва устунлари гулдор нақшлар билан зийнатланган, айрим ерларга анвойи ўсимликлар қаторлаштириб терилган хоналардан ўта бошладилар. Бу хоналарга соқчилар қўйилмаганди. Салоҳиддин ўзини эртақларга тушиб қолгандек ҳис қилди. Ҳарам оғаси навбатдаги ёғоч эшик қаршисида тўхтади. Ҳожати бўлмаса-да, кийимини тартибга келтирди, эшикнинг тилло суви югуртирилган туткичидан аста ушлаб, Салоҳиддинга қараб қўйди. Ҳарам оғаси эшикни очди-да “бисмиллоҳ” дея ичкарига кадам қўйди. Салоҳиддин унинг ортидан юрди.

Ичкари кенг, ёруғ, олдинги хоналардан-да аъло бўлиб, тўрдаги кенг, тилларанг ва шойи матолар қопланган болиш ҳамда кўрпачалар тўшаб қўйилган, тилло суви югуртирилган тахт устида кишига синовчан тикилувчи, нигоҳи кишини мувозанатдан чиқарувчи аёл ўтирарди. Тахтнинг икки ёни ва орти оппок, харир парда билан ўралган, тахтга чўғдек кизил, калин гиламлар ташланган зина олиб чиқарди. Унинг икки томонида эса ахли ҳарб қўл ковуштириб турарди.

Салоҳиддин тахтдаги аёлни аввал кўрмаган бўлса-да, уни дарров таниди. Султон Аловуддин Мухаммаднинг онаси малика Туркон хотун. Анали харбийлар эса унга содик кипчок амирлар. Салоҳиддин кўзларини ерга қадади.

– Султон хоним, содик қулингиз хизматингизга ҳозир, – пастроқ овозда деди ҳарам оғаси.

– Мен тайинлаган юмушларни бажардингизми, амир Бадриддин жаноблари? – улуғвор оҳангда сўради малика Туркон.

– Бажардим, Султон хоним, ҳаммасини сиз айтганингиздек бажардим.

– Садоқатингиз таҳсинга лойиқ, амир Бадриддин жаноблари!

– Саховатингизнинг чеки йўқ, Султон хоним! – ҳарам оғаси астойдил юкунди.

Ҳатто унинг кўзларида ёш ҳам кўринди.

– Султон хоним, бу навкар садоқат камарини маҳкам боғлаб, сизга хизмат қилиш орзусида остонангизга бош уриб келибди! – Ҳарам оғаси хиркирок овозда гапирди. – Мўғул билан савашган, тажрибали навкар!

Мўғул билан савашган Салоҳиддинга нафақат Туркон хотун, балки амирларнинг ҳам кизиқишлари ортиб, уни қайтадан, синчиклаб кўздан кечира кетдилар.

– Мўғул билан каерда савашдинг, навкар? – сўради Туркон хотун.

– Ирғизда, шавкатли Султон хоним, – кўзларини ердан узмай деди Салоҳиддин. – Тангри таоло ёрлакаган жаҳонгир ўғлингиз султон хазратлари хизматларида эдим, Султон хоним.

Ҳарам оғаси ер тагидан унга қараб кўйди. Хайрият, у Жалолиддин исмини тилга олмади. Малика Туркон даргоҳида бу исм ҳеч хушланган эмас. Салоҳиддиннинг жавобидан кўнгли тўлган малика ёнида қўл қовуштирган, ишонган амирларидан Хумор Тегинга буюрди:

– Навкарни хос навкарларимиз сафига кўшинг! Хизматимизда бўлсин!

– Буйруғингиз бош устига, Султон хоним! – Хумор Тегин бош ирғади.

Салоҳиддин иккала қўлини кўксига кўйиб, куллуқ қилди.

У салтанатда икки пойтахт борлигини эшитган, бироқ буни тасаввур қилолмасди. Бугун доруссалтанатада ўзини султондек тутаётган, бир гуруҳ аёнлару амирлар унга тавозеъланган Туркон хотунни кўрди-ю ҳам таажжуб, ҳам хайратга ботди. Уста Жамолнинг ҳужрасидаги суҳбатда айтилган сўзлар рост эканига имон келтирди. Салтанат таназзули маншаъи шу нарса эканини ҳис қилди.

– Амир Бадриддин жаноблари, ҳамма нарса сафарга ҳозирми? – сўради Туркон хотун.

– Худди шундай, Султон хоним.

Туркон хотун бошқа гапирмади, у қўли билан ҳарам оғасига ишора берди. У яна куллуқ қилиб, ортига чекинди.

Малика хизматиға белгиланган Салоҳиддинни турфа ўй-хаёллар, шубҳа-гумонлар тинчини бузди. Тўғри қилдимми-йўқми, деган савол уни қийнай бошлади. У ўзини аввало хожасига, сўнг султонга содик деб биларди. Малика атрофидаги амирларни кўриб, уларнинг султонга хайрихоҳлиғига шубҳаси кучайди. Агар малика ўғлига қарши чикса, бу амирлар, сўзсиз унинг гапини икки қилишмайди. Салоҳиддин эса малика раъйи ва риоясида иш кўриши, шу кинчок амирлар каторида бўлишга маҳкум, мажбур! Шунга ўйлаб унинг юраги ғашланди. Нохуш ҳислар чулғаб олди. “Хожамга, валинеъматимга хиёнат қиламенми?!” – деган ўй уни ҳеч тарқ этмасди. Садокат мамлук учун ор-номус, ғурур масаласи эди. У икки ўт орасида қолганди.

20-боб. Балх – сўнги имконият

Жалолиддин амирлар ва харас ихотасидаги отасини кўрди-ю, кўзларига ишонмади. Унинг кўзлари киртайган, юзи ориқлаб ёноқлари анча бўртган. Искандар навбасини илк бор кўрганидаги мағрур, ўзига ишонган ва ҳамма улуғлаган султонга асло ўхшамасди.

– Ҳазратим! – Жалолиддин отаси томон юраркан, томоғига нимадир тикилгандек бўлди, кўзларида ёш ҳалқаланди.

Султон ўғлини бағрига босиб, маҳкам кучоқлади. Анчагача уни кучоғидан бўшатмади. Султоннинг ортида Содирхон бошлиқ харас қўмондонлари кўринди. Улар орасидаги Қутлуғхон Жалолиддинни кўраман, дея ўйламаганди. Салоҳиддинни доруссалтанатага юбораётганида Жалолиддиннинг Гурганчада эканига шубҳа қилмаганди.

Самарканд мухосарасида енгилган саркардалар бир четда айбдорлардек елка қисиниб, қўл қовуштириб туришади. Бироқ уларни биров айбситмайди. Шундай қирғиндан омон чикқанларининг ўзи катта гап.

Балх кўрғонидаги баланд кўшкли Арк султон келишига ҳозирланган. Қунлар анча илиб қолган, росмана баҳор келган. Аммо кўрғон деворлари ортидаги, баланд тепалик ёнбағридаги адл сарв оғочлари, анча пастдаги дала-қирларнинг яшилга буркангани, тиник осмон фирузасида кабутарларнинг рақси ҳеч кимни кизиктирмайди.

Султон арка кўтарилди. Унинг ортидан Жалолиддин ва бошқалар эргашишди.

Машварат учун алоҳида уй хозирланган. Султон тўрга, қалин тўшалган адрас кўрпачаларга чўкка тушганича ўтирди. Нафақат машваратларда, балки базму мажлисларда бундай алфозда ўтирганини ҳеч ким кўрган эмас. Одатда, у чорлана қуриб викор билан ўтирар, қолганлар эса унинг оғзига илҳақ термилишганича ҳар бир ҳаракатини назардан қочирмасликка уринишарди. Ҳозир эса ўй сураётибдими ёки гапиришга ҳам ҳафсаласи қолмаганми, билиб бўлмайди. Гоҳ-гоҳида кўрқинчли туш кўрган кишидек чўчиб кетади, жонсарақ кўзлари билан ўтирганларни бирма-бир назаридан ўтказди, кейин эса нимадир бўлади-ю, беихтиёр хаёлларга шўнғийди. Жалолиддин отасининг ёнидан жой олди. Қолганлар даража ва унвонларига кўра ўтиришиб, давра ҳосил қилишди.

Нихоят, султон мажлисда ўтиргани, саркардалар унинг сўзларини кутишаётганини эслаб қолдими, сўник овозда гап бошлади:

– Бухоро илкимиздин кетди, Самарқанддан ҳам айрилдик! Шубҳа йўқ, бугун-эрта мўғуллар Жайхундин кечиби, Хуросонга ҳам юзланади. Ёғий дафъига қандай саъй-ҳаракат кўрғазмоғимиз керак, шуни кенгашмоқ лозимдур!

Султон бу сафар амирларга илтижо билан боқди. Сўз айтишга ҳеч кимнинг журъати етмас, юраги дов бермасди. Бироқ Қутлуғхон жим ўтиролмади. Султондан ижозат олиб сўз бошлади:

– Онҳазрат, бу савашларда нафақат биз, балки мўғуллар ҳам обдан ҳолдан тойди. Шаҳарларни олиш уларга ҳам осон бўлгани йўқ. Ҳали ҳам кеч эмас, Хуросондаги жамъи черикни Балхга тўплаб, Жайхун бўйида мўғулни кутиш лозим. Бир қошиқ қонимдин кечинг, рост сўзлаймен, Мовароуннахрни илкимиздин чиқардик, энди ҳеч бўлмаса Хуросон ва Ироқдаги мулкларни сакламоқ даркор!

Қутлуғхоннинг фикри Жалолиддинга жуда маъқул келди.

– Онҳазратнинг Балхда қолмоқликларига ҳеч қандай сабаб йўқтур! – икки бети қипқизил, азбаройи ишратпарастлиги ва базмларга муккасидан кетганлиги билан номи чиққан Содирхон суҳбатга қўшилди. – Султон ҳазратлари, масалан, айттайлик, Ироқ мулклари ёки Ғазнида туриб ҳам Жайхун лабидаги қўшинни бемалол бошқаришлари мумкин!

– Содирхон! – баланд овозда деди Қутлуғхон. – Султон ҳазратлари Ироққа кетсалар ёки Ғазнига юзлансалар, черикни қандай бошқаришлари мумкин? Черик бошсиз қолса қандай савашур?

– Қалта ўйлаясиз, Қутлуғхон жаноблари! – Содирхон ҳам овозини баландлатди. – Сиз султон ҳазратлари иқтидорлари ва салоҳиятларини шубҳа остига қўймишсиз, бун қандоқ англамоқ лозим?

Қутлуғхоннинг сўзи кесилиб, журъати сўнди. Содирхоннинг нотўғри талқини қаршисида султон кўзига ёмонотлиқ бўлиб кўринишини ҳис қилганида баданига муздек тер томчилари югурди.

– Қутлуғхон жанобларининг сўзларини яхши англамаган кўринасиз, Содирхон жаноблари! – кескин оҳангда суҳбатга қўшилди Жалолиддин. – Сиз бирор марта савашда бўлмагансиз, бас, шундай экан, черикни қандай бошқармоқлик хусусида баҳсларингиз ўринсиз, ҳам қулгили!

Жалолиддиннинг бундай эътирозини қутмаган Содирхон дами ичига тушиб кетди. Султонга ёқаман, деб Жалолиддиннинг жахлини чиқарганини тушуниб, кўзларини олиб қочди, ер чизди.

– Бошсиз черик Бухорони топширди, Самарқандни, Термизни ёғий оёқлари остига ташлади! Самарқанддаги машваратда ҳам черикни бошсиз қолдирдилар, оқибати нима бўлди, Содирхон жаноблари? Черик яна бошсиз қолса, Балхни топ-

ширасиз! Мўғул бу билан каноатланмай, Ирокка юради, Форсга юради! Отажон, Қутлуғхон жаноблари тўғри айтдилар, жамъи черикни Жайхун ёқасига келтириб мўғулга қарши қўймоқ лозим! Агар черикни менга берсангиз, мўғулни Жайхундин ўтказмаймен! Иншооллох, Самарқанд ва Бухорони қайтарамен!..

Султоннинг ҳаёллари бошқа томонларда кезинар эди. Жалолиддин буни сезиб қолди-ю, сўзларидан адашди.

– Содирхон ҳақ сўзни айтмиш, – паст овозда, худди ўзига-ўзи гапиргандек деди султон туйқус ҳаёлларидан узилиб. – Қолаверса, ўғлимиз Рукниддин бизни Ирокка, чўнг қоялар устидаги мустаҳкам қалъаларига чорламиш. Биз Рукниддиннинг хузурига боришга қарор қилдик!..

Юрт қайғусидаги юрагининг ҳарорати ҳадди аълосига етган Жалолиддиннинг устидан муздек сув қуйиб юборилгандек бўлди. Ўзига келолмай, анчагача қарахт бўлиб ўтирди. Отасининг: “...Рукниддиннинг хузурига боришга қарор қилдик!” деган гапи кулоқлари остида такрор-такрор эшитилиб турди. Отасининг кўзларига тик боқиб, “черикни менга беринг!” дея олмади, бегона нигоҳлар олдида отасига қарши боролмади.

Содирхон ғолибона илжайиб, аввал Қутлуғхонга, сўнг кўзларини ерга қадаган Жалолиддинга қараб қўйди. Содирхон ўз ниятига етганди – у нима қилиб бўлса-да, султон билан Хуросондан кетишни ният қилганди.

– Ҳазратим, – отасига юзланди Жалолиддин бир муддатлик истиҳоладан сўнг. – Қудратимиз ҳали сўнгани йўқ! Биргина Ғазнидаги черик билан Чингизхонни ўртадан кўтаришга ишонамен!

– Сизнинг иктидорингизга шубҳам йўқ, ўғлим! – деди султон.

Отасининг бу гапидан кейин Жалолиддин нима дейишини билмай қаловланди. Барибир, фикрини охиригача айтишга ўзида қуч ва журъат топа олди.

– Ҳазратим, қолган черикни ҳам менга беринг! Жамъи черикни Жайхун бўйига келтириб шу ерда мўғулларни тўхтатамен, иншооллох!

Султон унга ишончсиз қараб қўйди. Содирхон эса тезроқ машварат яқунланишини сабрсизланиб кутарди. Худди ҳаяллашадиган бўлишса султон фикридан айнаиб, “ўғлим, сиз билан бирга мўғулга қарши чиқамиз!” деб қоладигандек туюларди.

Султон ўғлининг қуйиб-пишиб гапиришига эътибор бермай, қуйироқда ўтирган Балх ҳокимига юзланди.

– Ихтиёрингизда қанча черик бор?

Ҳоким шошиб қолди. Чўққалаб олди-да, деди:

– Ўн минг атрофида, онҳазрат!

– Шу черик билан ўзингизни химоя қила олурмисиз?

– Худди шундоқ, онҳазрат! – ўйлаб ҳам ўтирмай деди ҳоким.

– Ҳирот мулкида қанча черик бор? – даврага савол ташлади султон.

Савол ўз эгасини дарров топди – Амин Малик қўзғалиб олиб деди:

– Бизда ҳам шунча, онҳазрат!

– Ҳиротни мудофаа қила олурмисиз?

– Худо хоҳласа химоя қилурмиз, онҳазрат! – Амин Малик ҳам тезда жавоб берди.

– Ғазнида-чи?

Жалолиддин оғир хўрсинди ва деди:

– Ихтиёримизда йигирма мингга яқин черик бор, ҳазратим. Лекин қўрқаменки, бу черик бизга камлик қилур!..

Султон унинг сўнгги гапига эътибор қилмади, яна ўйга берилди. Уни кўпроқ Рукниддиннинг мулкларига кетиш ўйлантирарди. Отасига боқиб Жалолиддин таажубланарди: нахотки қорахитойлар ва ғурийларни енгган, ҳарб илмида ҳам пешқадам отаси ол-

дий ҳақиқатни тушунмаса? Қўшинни бўлиб юборганлари учун муҳим муҳорабаларни бой бермадиларми? Хоразмшоҳ султонлар қўшинининг қудрати, аввало, унинг зарбдор суворийлари, ёвқур навкарларида эди. Қолаверса, боскин яшагга, усул қўллашга майдон керак. Савашга ташланган отликларнинг шахд-шиддати, вазоҳатидан ёғий лашкарининг қатъиятига путур етади, ўзига урилган ёввойи кучдан тартиблари бузилади, туғ ва байроқлари оёкости бўлади. Хоразмшоҳ султонлар муҳорабаларни шундай ҳал қилардилар. Бирок султон Аловуддин Муҳаммад черикни қалъаларга тақсимлаб, мудофаага буюриб, туркийларнинг азалий ҳарб салоҳиятини ҳам қўмди. Қалъага – тор жойга қисилган лашкар на боскин қилар, на усул қўлларди. Унинг ёлғиз чораси – ҳужумни қайтармоқ. Жалолиддиннинг машваратдан умиди қатта эди. Кечаги мағлубиятлар маншаъи – иттифоксизлик, черикни ўз ҳарбий анъанаси ва усули бўйича мўғул қаршисига қўйилмаганини отаси тушунишига ҳамда Хуросон шаҳарларига сочилиб кетган лашкарнинг боши бир бўлишига ишончи қомил эди. Қўрдик, ўйлаганлари бекор, пуч.

Султон мўғул мавзусига бошқа қайтмади. Содирхон ва унинг амирларига сўнгги сипоришларни бергач, ўрнидан турди. Мажлис аҳли гурра туриб кетди.

Жалолиддин Қутлуғхоннинг қолишини сўради ва ёлғиз қолишгач деди:

– Қутлуғхон жаноблари, сиздан бир ўтинчим бор.

– Ҳазратим! – бош эгиб қўйди Қутлуғхон.

– Отам ҳазратлари Рукниддиннинг хузурига етиб олгунича ёнларида турсангиз.

– Бош устига, ҳазратим!..

Қутлуғхон унинг “отамни ҳимоя қилсангиз” дея очик айтолмаганини сезди. Жалолиддин Содирхон ва унинг амирларига ишонмасди, буни Қутлуғхон ҳам сезди. У махфий мактублар ҳақида ҳам сўз очмоқчи бўлди, мавриди эмаслигини ўйлаб фикридан қайтди.

– Сиз билан Худо хоҳласа доруссалтанала қўришурмиз!

Қутлуғхоннинг ичида нимадир узилгандек бўлди, вужудига титроқ кирди.

– Иншооллох, ҳазратим! Хизматингизда бўлмоқ қулингизнинг ёлғиз муддаосидур!

Жалолиддин бунга шубҳа қилмасди, ҳам унга ишонарди. Отаси ҳам унинг садоқатини қўп синаган, шунинг учун унга олис Хуросон ёки Форс мулкларидан эмас, Бухоро атрофларидан иктоъ белгилаганди. Содирхоннинг ўрнига Қутлуғхон султон харасига қўмондон бўлганида Жалолиддиннинг нотинч юраги тинчланган бўларди. У Содирхон ва айрим амирларнинг кўзлари бежо бўлаётганини сезарди. Қулай фурсат топилса бувиси – малика хузурига жўнаб қолишларига шубҳа қилмасди.

– Омон бўлинг, Қутлуғхон жаноблари!

– Сиз ҳам омон бўлинг, ҳазратим!..

Жалолиддин бошқа гапирмади, тез-тез юрганича хонадан чиқиб кетди.

Султон Аловуддин Муҳаммад Нишопурга юзланди. Жалолиддин отасини Нишопургача кузатиб, Ғазнига қайтди.

21-боб. Тавқи лаънат

Ҳарам аҳли орасида эрталабдан турфа миш-мишлар оғиздан тушмай қолди. Малика Турқоннинг хос навкарларга берган махфий топширигидан Ойхон бека тасодифан вокиф бўлди-ю яқин сирдошига гуллади. Аёлларнинг оғзида гап турмаганидан буни бутун ҳарам эшитди. Ҳали бу овозалар оёкламай туриб, доруссалтана ҳовлисидан ноғора овозлари эшитилди. Ҳарамнинг пана-пасткам жойларига бикиниб олгудек ўтирган қанизақлар дув этиб кўтарилиб, дарчаю эшиклар томон югуришди. Арқнинг бу еридан ҳовли бемалол кўриниб турарди. Қизиқиши устун келган Нури биби ҳам дарчадан мўралади. Икки қатор саф тортган навкарлар орасидан қўллари боғланган одамлар олиб

ўтилмоқда эди. Ажабланарлиси – уларнинг бўйнига тилларанг ноғоралар осиб қўйилган. Кўринишидан қулларга ўхшамайди – айримлари мағрур, дадил қадам ташлайди, эгнида анвойи матолардан тикилган кийим-бош. Олдинроқда кетаётган киши, кўринишидан мадраса мударрисларига ўхшайди – бошида ихчам салла, оқ тўн кийган. Навкарлардан олдинда кетаётган ноғорачилар эса асбобларини жазавага тушгудек чаладилар.

Нури биби сафнинг бошидаги одамни таниди-ю, юраги бирдан калкиб кетди. У – отаси эди! Шунча йиллардан бери отасини ўлган, деб биларди. Гурганчда экан!

– Буларни таниймен, – канизаклар орасидаги Ойхон беканинг овози эшитилди. – Асир олинган хукмдорлар.

– Шуларми Искандар навбасини чаладиганлар? – канизаклардан бири сўради.

– Худди шундай...

Нури биби сал бўлмаса “ёлғон!!!”, дея қичкириб юборай деди. Йиғлаб юбормаслик учун қўли билан эгзини беркитиб олди. Султон Аловуддин отасини асир олиб, Гурганчга келтирган, ўзини шарафлашга мажбур этган. Ё раббий!.. Нури бибининг юзини кўзёшлари юва кетди. У ўрнидан турди-да, ўзини эшик томон урди. Йўлидан чиққан бошқа канизаклар унинг ортидан ажабланиб қараб қолишди.

Ҳарамни ташки дунё билан боғлайдиган катта эшик ёнидаги наварлар дарров унинг йўлини тўсишди. Малика Туркон ёки бекалар измисиз канизаклар ташқарига қўйилмаслиги Нури бибининг хаёлига ҳам келмасди. Ниҳоят, нигоҳи совуқ, ўкрайган наварлардан ижозат бўлмаслигини англагач, шошганича ортига қайтди. Бу сафар ҳарамга эмас, айвонга югурди...

Бу ердан ховли кафтдек кўринарди. У бор овозда кичкирмоқчи бўлди-ю, хаёлига кутилмаган ўй урилди: “Қизининг ҳарамга ташланганини билса отамнинг аҳволи нима кечади?” Нури бибининг тили боғланди. У отасини иложсиз кузатар, алам ва нафратдан шамолда қолган япроқдек титрар, “отажон!” дея кичкиришни истарди. Барибир, ақл ўз сўзини айтди. Чорасизликдан беихтиёр чўккалаб қолди, селдек бостириб келаётган кўзёшларини тўхтата олмади. У овозини чиқармасликка уринар, юраги нафратга тўлган эди. Чўри қилиб сотилганида ҳам, бир ҳарамдан иккинчисига ташланганида ҳам тақдир битигини сокин қабул қилганди. Бироқ, отасини асир олиб, қўлларига кишан урганларни сира кечира олмасди. Салтанатлар неча-неча жонлар эвазига қурилади, маҳкумларнинг қони билан суғорилади. Тахт дахлсизлиги учун ҳатто ота ўғилнинг, ака уканинги бошини ейди, силсила узилмаслиги, давлат пароканда бўлмаслигининг шартини шундай тушунадилар. Давлатнинг барқарор ва бардавомлиги учун қурбонлар келтирилаверади, келтирилаверади. Ҳукумат тутуми, таомили шу. Бунда бир-икки одамнинг тақдирини, ҳаёти ҳеч қимни қизиктирмайди... Айвоннинг муздек мармар устунини қучоклаган шўрлик канизакнинг кўнглидан шу ўйлар ўтарди. Кутилмаганда унинг тилидан ўзи хоҳламаган сўзлар отилиб чиқди: “Худонинг жазоси етмагунча розимасмен!..”

Бу мазлуманинги қарғиши эди.

22-боб: Қонли Жайҳун

Сафланиб, тилларанг ноғоралар ушлаб олган бу одамларнинг ким эканликларини Салоҳиддин билмасди. Аммо кийинишлари, ўзларини тутишлари ҳамда сўзлашишларидан англадики – аслзодалар! Уларнинг ноғоралар ушлаб олганликлари эса Салоҳиддинга эриш туюларди.

– Кетдик! – кўзлари чақчайган, юзида тиртиғи бор наварбошининг дағдағали овози эшитилди.

Одамлар бир-бирларига қараб олишди.

– Кўзғалинг! – яна навкарбошининг буйруғи эшитилди.

– Бизларга шу ерга жамъ бўлиш буюрилганди, қаёққа борамиз? – сўради ёши улутроқ, кўринишидан мадрасаларда дарс айтадиган мударрисларга ўхшаган киши.

– Султон хонимнинг буйруклари! Сизларни дарёга элтишимиз керак! – одамларнинг ҳали ҳам юрмай туришганидан аччиқланган навкарбоши кўпол гапирди.

– Навба шу ерда ижро этилиши лозим эмасмиди? – сўради кексароқ бир киши. У ҳам ноғора ушлаб олганди.

“Навба” сўзини эшитди-ю, Салоҳиддиннинг юраги хапкириб кетди. Ахир булар султон Аловуддин Муҳаммад саройида тутқунликда сақланаётган, фатҳ этилган виллоятларнинг ҳукмдорлари ва шахзодалари-ку! Уларнинг султонни шарафлаб, навба ижро этишлари оғизлардан тушмайди. Форсу Ироқ, Хуросону Мозандарон ҳукмдорлари, шахзодалари султон шарафига тилларанг ноғораларни чаладилар. Хос давраларда, мажлисларда бу ҳақда сўз очилиб қолади. Ҳатто хожаси Қутлуғхон ҳам бир марта султоннинг бу одатини шушламаслигини айтиб қўйган эмасмиди? Султонга ҳар нарса ярашади, лекин бундай кибрланиш мақбул эмас, демаганмиди? Ўшанда Салоҳиддин унинг куйинишларини унчалик тушунмаганди. Бугун насл-насабли, обрў-эътиборли кишиларнинг бўйниларига ноғоралар осилиб, навба чалишга мажбур қилинишини кўрди-ю, негадир уялиб кетди, гўё уларни бунга ўзи ҳам мажбурлаётгандек туюлди.

Кекса ҳукмдорнинг гапларидан навкарбоши тутакиб кетди, кўлидаги камчини асабий кўтариб, бир-икки аччиқ сўзлар айтгач, одамлар ниҳоят кўзғалдилар. Навкарлар уларни пухта кўриклаб келдилар.

Дарё тўлғониб, бўтана-бўтана лойқаланиб оқарди. Одамларни соҳилда яна сафга тизиб, уларнинг бошларига коп кийгизиб, оёқ-қўлларини боғлай бошладилар. Гаровдаги ҳукмдорлардан бири уларнинг дарё бўйига нега келтирганларини англаб, бакира кетди:

– Нега бизни ўлдирмоқчисизлар? Қўйворинглар! Қўйворинглар!

У қочишга уринди. Лекин навкарлар чакқонлик билан уни ушлаб, ерга ётқизиб олдилар. Собиқ ҳукмдор навкарларнинг чангалидан қутулишга уриниб, тўлғонаркан, жон талвасасида бакирарди:

– Қўйворинг! Қўйворинг!..

– Оғзингни юм! – навкарбоши ўдағайлади. – Малика Турконнинг буйруғи шу!

Қўллари боғлиқ, бошига коп кийдирилган асирлардан бирининг оёқларига оғир тош боғланди. Навкарлар уни ушладилар-да, дарёга улоқтиришди. Лойқа сув одамни шу заҳоти комига торгди. Нималар бўлаётганига ақли етмаётган, ҳам кўзларига ишонмаётган Салоҳиддиннинг эсхонаси чиқиб кетай деди. Маликанинг буйруғи шундайми?! Бу не шармандалик, не юзқаролик? Наҳотки у асирларни Жайхунга фарқ қилишни буюрган? Неча-неча кирғинбарот савашларни кўрган бўлса-да, юраги бунга дош бермади. У қилич ўкталганларга нисбатан шафқатсиз эди, қуролсиз одамларга эса қурол кўтаролмасди.

– Оллоҳ жазосини берсин! – бошига коп кийгизилган, ҳамон ерга босиб турилган кекса ҳукмдорнинг ҳириллаган овози эшитилди. – Оллоҳнинг лаънати бўлсин! Сенларни ҳам сув олсин! Сенларнинг ҳам уруғинг куйиб битсин!

Бакираётган бу киши собиқ ҳоким эди.

Навкарлар ҳеч кимга раҳм-шафқат қилишмади. Султон саройида сақланаётган йигирма икки ҳукмдору шахзодаларнинг бошларига коп кийгизилиб, оёқ-қўллари боғланиб, тош осилди. Уларнинг бари Жайхун сувига чўктирилди...

Салоҳиддин телбага айланаёзган, ўзини бу шармандали қатлга шерик бўлгандек сезарди. У умрида бундай ахволга тушган эмасди. Қўрғошин қуюлгандек оғирлашган оёқларини зўрға судраб саройга қайтаркан, миясини бир ўй кемирарди: “Кимнинг хизматидамен?!”

Кўпдан одамларни куттириб, дилгир килган қуёш бу тонг анча қўтарилиб, султон Аловуддин Хоразмшоҳнинг улуғвор, киши кўнглига ваҳм солувчи саройи, маҳобатли гумбазларини заиф нурлари билан сийпалаб, шаркка юзланган пештоқлардаги сирли кошнларда ажиб жилваланиб ўйнай бошлади. Сарой ғалати сукутга толган. Амирлар, сарой ходимлари ўзаро шивирлаб сўзлашадилар, кўзга кўринмаслик пайида бўладилар.

Саройнинг қуёшга терс девори остида Бадриддин Ҳилол совуқдан жунжикиб турарди. Анча нарида оёқ товушлари эшитилди. У икки навкар куршовидаги Умархонни кўриб, улар томон одимлай бошлади.

Умархон салласиз, кўзлари кўркувдан катта-катта очилган, энтикиб нафас оларди. Юришлари, ўзини тутишлари ғалати, телбавори. Атрофга аланг-жаланг боқади, сал нарасага чўчиб тушади. Кеча эрталаб гаровдаги ҳоким ва шахзодалар билан ўтиришганида навкарлар кириб келишди. Кўпол сўзлаб уларни ташқарига олиб чиқишди, қўлларига ноғораларни тутқизишди. Лекин негадир уни қолдиришди. Ажабланди. Тушунмади. Сабабини эса кечга яқин билди. Тутқунларни навбага эмас, балки дарёга чўктириш учун олиб кетишганини эшитди-ю кўз олди қоронғилашди. “Уларни сувга ғарқ қилиб ўлдирибдилар, мени қандай ўлдираркинлар?” деган ўй тонгача дахшатга солди, талва-сада ушлаб турди. Навкарлар иккинчи марта келганида ўлимни бўйнига олиб қўя қолди.

– Султон хонимнинг сизга нега раҳми келганини биласизми? – сўради Бадриддин Ҳилол.

Умархон ғалати ютинди.

– Й-йўк...

– Букун Султон хоним ҳарам билан Гурганчни тарк этадилар. Султон хоним Ёзирни¹⁰ кўзлаганлар, тушундингизми?

– Ҳ-ҳа... – Умархон шундагина малика унга нега шафқат кўрсатганини англади.

Ёзир ҳукмдорининг ўғли Умархон ҳам Султон Аловуддин саройидаги тутқун аслзодалар каби эди.

Нарирокда яна оёқ товушлари эшитилди. Бадриддин Ҳилол чўчиб, келаётган кишига қаради. Вазир Низомулмулк хансираб нафас олганича келарди.

– Каёқларда юрибсиз!? Султон хоним ҳозир ҳарамдан чиқдилар!

Намунча эрта, ўй ўтди Бадриддин Ҳилолнинг хаёлидан. У Умархонни ҳам унутиб, шошганича вазирнинг ортидан эргашди.

Саройнинг бош дарвозасига элтадиган, тарошланган тош ётқизилган йўлда аравалар, юк ортилган туялар турарди. Усти ёпик араваларнинг дабдабаси, туялардаги юкларнинг ҳашамидан кишини сир босарди.

Доруссалтанадан жориялар куршовида Туркон хотун чикиб кела бошлади. Унинг юзи хотиржам, кўзлари мағрур, викор билан боқади. Ўғли – султон Аловуддин мамлакатни Чингизхон кўшини оёқлари остига ташлаб қочмагандек, юртнинг бошига улуғ синовлар тушмагандек охиста қадам ташларди. Ҳарам оғаси ва вазир қўл қовуштирганларича маликанинг истиқболига ошиқишди. Малика эса уларни кўрмагандек юришда давом этди.

– Ҳарам йўлга ҳозирми?

Маликанинг саволи ўзига берилганини англаган Бадриддин Ҳилол шошганича олдинга бир қадам ташлади:

– Ҳа, Султон хоним.

– Черик-чи?

¹⁰ Ёзир – ҳозирги Туркменистон ҳудудидаги қадимий жой.

Вазир ҳарам оғаси билан қадамни тенглаштирди.

– Ҳозир, Султон хоним, – деди у.

Туркон хотун ўзига белгиланган арава ёнида тўхтаб, жориялари ёрдамида жойлашиб олгач, пардани хиёл кўтарди. Унинг саволи кимга берилишини билолмай, вазир ҳам, ҳарам оғаси ҳам типирчилаб қолишди. Орада бир муддат ўтгач, малика:

– Умархон қаёқда? – деб сўради.

Ҳарам оғаси Ҳилол аравага яқинлашди.

– Султон хоним, у кулингиз буйруғингизга илҳакланиб турибди. Ўзи шу ерда, сафарга ҳозир.

Туркон хотун пардани туширди. Ҳарам оғаси нима қилишини билмай каловла-ниб тургач, ортига тисланди...

Ҳарам саройдан чикди ва шаҳарнинг катта кўчасига тушиб олди. Ҳар хил овозлардан ҳадикка, кўркувга тушиб қолган Гурганч фуқароси ғалати ва тушқун кайфиятда бу карвонни кузатиб қоларди. Султон Аловуддиндан сўнг халқнинг умиди малика Туркондан эди. Аммо ўша умид малика тимсолида доруссалтанани тарк этмокда эди. Бу воқеа тезда шаҳар аҳлига таркаганидан одамлар юмушини ташлаб кўчаларни тўлдирган. Ҳатто мадрасаларда бугунга белгиланган дарслар бекор қилинган, кўчага чиккан мударрислар, толиби илмлар ҳам минг афсус ва надомат ичида карвонга кўз тикканлар. Бошида мударра дастори, эғнида ораста тўн, чехраси ёруғ ва оппоқ соқоли кўксига тушган кекса бир мударрис кўзларида ёш билан ёнидаги талабаларга дерди: “Э воҳ, холимиз энди хароб бўлғай! Ҳукумат кимнинг ил-кига ўтгай, ожиз ақлим етмас!” Мударриснинг куйинишича бор эди – малика Туркон амирларнинг бошини бир қилган, ҳукумат тизгинини қўлида маҳкам тутганди.

Карвон бозор майдонига етганида оломон орасидан кийимлари жулдур, увада рўмоли четидан буткул оқарган сочлари чиқиб қолган, ёшини билиш мушкул аёл суғурилиб чикди. Малика ўтирган арава билан тенг қадам ташларкан, қарғай кетди:

– Оллоҳнинг ғазабига учрагин! Эрим билан ўғлимнинг хуни тутмаса асло рози эмасмен! Асло розимасмен!

Малика сесканди. Бурун катаклари кенгайиб, энтикканича нафас ола бошлади. У овоз эгасини таниди. Пардани кўтариб ўша аёлни кўрмокчи бўлди, бироқ журъати етмади. Қалтироқ қўли билан пардани аста тутди ва бир муддат сукут саклаб, сўнг ҳадиксираганича кўтарди.

Сокчи навкарлар дарров отдан тушиб, ҳамон қарғаётган аёлнинг қўлларидан ушлаб, уни четга судрай бошлашганди. Аёл типирчилар, навкарларнинг чангалидан кутулишга уринарди. Унинг рўмоли сирғалиб бошидан тушиб кетди. Оппоқ сочлар маликанинг нигоҳидан четда қолмади. “Бу сочлар аввал коп-қора эди!..” – кутилмаган ўй яшиндек миясига урилди.

Арава пардаси кўтарилганини сезган ҳарам оғаси отидан чаккон сакраб тушди ва лўкиллаганича келди.

– Навкарларга буюринг, аёлни холи қўйишсин!

– Бош устига, султон хоним!

Ҳарам оғаси югурганича навкарлар томон ошиқди. Маликанинг буйруғидан сўнг аёл қўйиб юборилди. У оғир нафас оларкан, малика ўтирган аравага алам ва нафрат билан тикилди.

– Оллоҳ жазоласин! Жазоласин!

Малика беихтиёр кўзларини юмди. Титроқ кучайган қўлида пардани тутишга ҳам куч қолмади. Қуёш ботгандек, араванинг ичи коронғи тортди. Юрагига ғашлик ва кўркув инди. Унинг нафас олаётгани ҳам билинмасди.

Давоми бор



Абдурахим ЭРКАЕВ

АБДУЛЛА ОРИПОВ ФЕНОМЕНИ

Эссе



Абдулла Орипов ҳаёти ва ижоди халқимизнинг сўнгги 60 йилда босиб ўтган йўлини аниқ-тиниқ акс эттиради. XX асрнинг иккинчи ярмида бирор шоир, санъаткор бу йўлни Абдулла Ориповдек бадий куч-қудрат, хис-ҳаяжон билан кўрсата олган эмас. Чунки у ноёб даҳо истеъдодига мос масъулият туйғусига эга эди. Маҳорат бобида, сўз жозибаси ва образлилигидан фойдалана олишда унга замондошлари орасида тенг турадиган шоирлар бор. Аммо тарихий давр хусусиятларини, зиддиятларини, она Ватан тақдирини, халқнинг дардини, ғам-ташвишларини орзу-умидларини унингдек теран идрок этадиган, қалбининг ҳар бир ҳужайрасидан ўтказадигани йўқ. Замондош ижодкорлар орасида биринчи бўлиб Ватан ва халқнинг оғриқли дардини қаламга олгани, ҳасрат чекиб, эҳтиросли куйлагани, миллат қадр-қиммати, шаъни учун курашгани шундан. У халқ армонини куйлашда, миллий манфаатларни ҳимоя қилишда, халққа миллий ўзлигини англатишда Навоий ва Чўлпон анъаналарини янги тарихий шароитда қайта тиклаб, бойитди ва ривожлантирди. Албатта, бизнинг фикрларимиз хусусий бўлиб, кимларгадир баҳсли, исботталаб туюлар. Аммо булар рисола муаллифининг шоир маънавий дунёсидан болаликдан бутун онгли умри давомида бахраманд бўлгани, олган сабоқлари, турли ҳолатларга унинг муносабатларини кузатишлари асосида шаклланган. Хуллас, Абдулла Орипов феномени нимада?

Абдулла Орипов адабиётга лирик шоир сифатида кириб келди. Талабалик йилларидаги шеърларининг баъзилари унинг ўзига хос бадий идрокка, кучли эҳтиросларга эгаллигини, сатрлари равон, табиий, истиоралари оригинал эканини кўрсатди. “Сув париси”, “Куз ҳаёллари”, “Пушкин”, “Сен баҳорни соғинмадингми”, “Булок”, “Одамлар” шеърлари бунга далил бўла олади. “Сув париси” дан парча:

*Бешик-бешик тўлқинлар той-той бўлиб чопарди,
Кумуш ёлли қоялар соясини ёпарди.*

Бешик-бешик тўлқинларнинг той-той бўлиб чопиши – янги бадий топилама. “Куз ҳаёллари” сокин туйғулар, тирикликнинг ўткинчилиги тўғрисида фалсафий лирик мушоҳада. Шеърда қандайдир маъюслик, Пушкин ибораси билан айтганда

Абдурахим ЭРКАЕВ – фалсафа фанлари номзоди. Қариши давлат университети профессори. 1948 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетини тамомлаган. “Маънавият – миллат нишони”, “Миллий гоя ва маънавият”, “Тафаккур эркинлиги”, “Маънавият ва тараққиёт”, “Ўзбекистон йўли” каби монографиялар, кўплаб рисола ва мақолалар муаллифи.

“ёруғ маъюслик” бор. Ўша йилларда “ёруғ маъюслик” шоир калбига яқин бўлган. У ҳали ҳаётнинг қакшатқич зарбаларига, адолатсизликка, хиёнат ва сотқинликка, ҳасад ва нафратга дуч келмаган эди. Хаёллари “ширин” эди. У ҳали “ҳовлиқиб оқувчи сойда чавандоз умрининг қайтмас сеҳри”ни кўрарди:

*Бунда бари гўзал: тим қора оқишом,
Юлдузлар боқади тунд ва ёввойи.
Қамишзор, шовуллаб тургувчи сой ҳам,
Совуқ ва ёқимли: шундоқ анвойи,
Уларга боқаман, тўнаман баъзан,
Ширин бир хаёлга чўмамман баъзан.*

Талабалик йилларида шоир Лабзак кўчасининг кичик боши берк тармоқларидан бирида, ўша вақтда Пушкин номи билан аталадиган истироҳат боғи ортида ижарада яшарди. Хонадон ҳовлиси тепаликдаги қияликда жойлашган бўлиб, ундан Пушкин хайкали кўриниб турарди. Айтиш лозимки, шоир ёшлиқдан Пушкин шеърларини кўп ўқирди. Баъзан овозини чиқариб, 7–8 яшар болага ҳам ўқиб берарди. Бу бола мен эдим. Пушкинга ҳурмат, ошуфталик унинг бутун ҳаёти давомида сақланди. У хайрон қоларли даражада шоир таржимаи ҳолини, унинг ҳаётида юз берган йирик воқеалар майда тафсилотларга чача яхши биларди. Университетда рус адабиёти бўйича дарс берган аёл домласини миннатдорлик билан эсларди. У ўзи ва Пушкин орасида қандайдир умумийликни ҳис қилган бўлса, ажаб эмас. Пушкинни юксак киборлар доираси унчалик писанд қилмаган. Келиб чиқиши она томондан Пётр I га тортиқ қилинган хабашга боғланиши унга нисбатан киборлар орасида беписанд муносабатни шакллантирган. Ота томондан Пушкин қатта боболари сиёсий фитналарда катнашгани учун саройдан қувғин қилиниб, кашпоклашиб қолган дворянлар авлодига мансуб эди. Абдулла Орипов Тошкентда зиддиятли муҳитга тушиб қолганди. Бир томондан, у яхши дўстлар, устозлар орттирди. Атрофдагилар унга кизикиб қарай бошлади. Истеъдодини эътироф этди, хайрихоҳлик қилди. Иккинчи томондан, калондимоғлик ва ўша даврда пинҳона рағбатлантириб турилган маҳаллийчиликка дуч келди. Аслзодалардан ёки раҳбарлар авлодидан эмас. Қашқадарё деган чекка вилоятдан келган. Хўш, истеъдодли бўлса, нима қилибди? Осмондан юлдузни узиб олаётгани йўқ-ку! Бундайлар камми? Ёш шоирга шундай муносабатлар ҳам бўлган.

Унинг университетни битириш арафасида ёзган “Пушкин” шеъри аслида кичик лирик дostonга яқинрок. Зимдан шоир ижодий тафаккурида янги жанр шаклланиб келган. “Куз хаёллари”дан фарқли ўларок “Пушкин”да эҳтирос кучи ва жозибасини, шоирнинг юксак маънавий-фуқаролик позициясини кўрамай.

*Йўқ, йўқ, дардли шоир, порлоқ юлдузни,
Айт-чи, ким гамли деб айта оларкан,
Боқувчи кўзда нам бўлмаса агар!
Сил бўлган гўзалга ўхшармиди куз.
Қалбингда баҳордан гам бўлмаса гар...
Тожеу тахт қусури, қону адоват,
Ғийбату кин, гараз бижғиб сасиган
Замонга абадий лаънатлар бўлсин!
Эзгулик куйчисин ўққа тутган у
Олифта Дантеснинг қиёфасида!..*

Ушбу шеърда Абдулла Ориповнинг поэтик услуби узил-кесил шаклланди ва ундан кейин фақат янада такомиллашиб, сайқалланиб борди. Бу услубга романтизм,

фикрларнинг замон ва маконда чекланиб қолмаслиги, майда детал (ягоналик)нинг умумийлик, умумийликнинг ягоналик касб этиши, кескин тезлашишнинг сокинлик билан алмашиб туриши, контрастли ўхшатишлар ва истиораларни қўллаш хос бўлди. Уларнинг куртаклари “Пушкин” шеърида аниқ намоён бўла бошлади.

Абдулла Ориповнинг бадиий тафаккури, оддий тилда айтсак, поэтик истеъдоди баланд эди. Даҳо шунчаки улуг, буюк истеъдод эмас. Буюк истеъдод ижод қиладиган адабий турини, жанрини ғоявий-бадиий жиҳатдан такомиллаштиради, янги образлар, бадиий услублар, оригинал ва ҳаммага манзур асарлар билан бойитади. Даҳо эса булардан ташқари адабиётда янги ғоявий-бадиий йўналиш очади, унга янги бадиий мезон беради. Ҳақиқат ва миллий ўзликни англашни сифат жиҳатдан бир поғона юқори кўтаради. У ўз даври муаммоларини умуминсоний мезонлар нуктаи назаридан идрок этиб, халқининг дардини бутун инсоният дардига айлантира олади. Натижада Ватани Коинот даражасига кўтарилади, яшайдиган даври, вақти космик микёс касб этади. Ва, аксинча: Коинот ва космик вақт халқи яшайдиган макон ва замонда вокелашади. Умуминсоний ғоя ва қадрият миллийликда, миллий вокеликда ифодалананади. Абдулла Орипов ўзбек шеъриятига мана шундай тафаккур тарзини олиб кирди. Бунга шоирнинг нафақат ватанпарварлик мазмунидаги шеърларини, шунингдек, ишқий ва фалсафий шеърларини ўқиб ишонч ҳосил қилиш мумкин:

*Юргил, далаларга кетайлик, дўстим,
Диққинафас уйда ётмоқ пайтимас.
Олтин Ўзбекистон тупроги бу қун
Бир пари фаслнинг огушида маст.*

Нозик туйғулар анча жўшқин ва чиройли ифодаланган лирик сатрлар билан бошланган “Ўзбекистонда куз” шеърида мавсум манзарасига чизгилар давом этади:

*Шабнам шовуллайди боғлар қўйнида,
Салқин туман ичра бўзарар тонглар,
Қуёшнинг эринчоқ ёғдуларида
Нафис ялтирайди барги хазонлар.
Ҳар ёнда тўқинлик...
Қуздан нишона...
Ҳар ёнда гўзаллик ёймиш дафтарин.*

Аммо манзара чизгилари кўкқисдан безовта хис-туйғулар ифодасига ўтади, контраст ҳолат юзага келади:

*Сонсиз эгатларга сочилмиш, ана,
Менинг шодликларим, эзгу дардларим,
Менинг она халқим...
Эй қадим ҳалол,
Ризқи она ерга сепилган халқим,
Ушоқ чигитни ҳам этмай деб увол
Миллион эгатларга эгилган халқим!..*

Шоирнинг шодлигию эзгу дардлари она халқи туфайлидир. Халқининг меҳнатсеварлигидан, ушоқ чигитни ҳам увол қилмаслигидан фахр туйса, оғир меҳнат туфайли эзилиб кетганидан, ҳатто теварагидаги куз гўзаллигидан завқ олишга имкони йўқлигидан қайғуради. Халқини қаддини ростлаб, бошини кўтаришга, куз неъматидан баҳраманд бўлишга чорлайди:

*Бир нафас бошингни кўтаргин-у, боқ:
 Ер юзида ажиб виқор ва нуфуз.
 Сенинг ўзинг каби ўйчан ва қувноқ,
 Хушфеъл бўлиб келмиш тупрогингга куз.*

Куз тасвиридан шоир фалсафий мушоҳадага ўтади. Замон ва макон кенгайди: куз ҳосилни, яратувчи меҳнатни, ҳаёт тўкин-сочинлигини, ғам-ташвишини, умрни хисоб-китоб қиладиган фасл.

*Улуг Алишернинг соч оқин кўриб,
 Оғир хаёлларга чўмган бу фасл.
 Қайрағоч тагида ғамгин ўтириб,
 Чолларга ҳассалар йўнган бу фасл.
 Азалий кўркини қилади кўз-кўз...*

Куз образида “оғир хаёллар”, “ғамгин”лик, драматик кайфият, безовталиқ пайдо бўлди. Зеро, шоир учун кузнинг чиройи, тўкинлиги муҳим эмас, балки:

*Заҳматкаш ўзбекнинг ҳосили қандоқ?
 Кузнинг фалсафаси шудир биз учун.*

Шеър ватанпарварлик мавзусига бағишланмаган. Аммо табиат фасли хақида ҳақиқий асар ёзганда, қандай қилиб Ватан ва халқни четлаб ўтиш мумкин? Ахир, Ватан – она халқнинг яшайдиган табиатнинг бир қисми-ку! Табиат фасли – сен умргузаронлик қилаётган актуал замон, вақт. Бу замон ва маконда халқнинг қай даражада ўзлигини англаган? Қай даражада эркин? Ўзликини англаш ўз макони ва замонини, она табиати ва унинг саховатини, тўкин-сочин кузнинг гўзаллигини, баҳорининг ҳаётбахш фараҳини, тароватини англашни ҳам ўз ичига олмайдами? Абдулла Орипов қайси мавзуда ёзма-син, матн тагида она Ватани, халқининг асрий ғам-гуссаси яширин. Бу жиҳат айниқса “Ўзбекистонда куз”, “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” каби шеърларида ярқ этиб кўзга ташланади. Мана, Арманистонга бағишланган шеърдан бир парча:

*Менинг ҳам Ватаним жанглар гувоҳи,
 Менинг ҳам тупрогим топталганди хор,
 Менинг ҳам руҳимда аждодлар оҳи,
 Менинг ҳам қонимда қилич занги бор.
 Минорлар эмас бу – фалакка қасам,
 Қасоскор боболар кетмишлар санчиб.
 Мен тортган ғамни ҳам бир-бир санасам,
 Ўлик фиръавнлар кетарлар санчиб.*

Келтирилган парчани узоқ ва турли мавзулар, ғоялар билан боғлаб шарҳлаш мумкин. Шу саккиз мисранинг шарҳи катта бир мақола ёки мустақил рисола бўлиши мумкин. Фақат икки мисра талқини билан чекланамиз. “Менинг ҳам руҳимда аждодлар оҳи” деганда, она халқининг асрлар давомида чеккан азоб-укубатлари, ушалмаган орзу-армонлари муаллифнинг қалбида яшаб келаётгани, аждодлар хотираси олдида у ҳам масъул экани назарда тутилмоқда. “Менинг ҳам қонимда қилич занги бор” – аждодларнинг дил яраси унда давом этаётганини, ҳали битмаганини эслатиш каторида “қон” ва “занг”ни бирлаштириб қондаги қизиллик темир моддасидан ташкил топишига ишора қилаётир. Натижада ажиб бир образлик ва экспрессия вужудга келган.

“Мен тортган гамни ҳам бир-бир санасам, Ўлик фиръавнлар кетарлар сапчиб”
 поэтик муболағанинг юкори кўринишларидан бири. Фиръавнлар Куръони Карим-
 да қадимги Мисрнинг ёвуз подшоҳлари, кибр, зулм ва куфрнинг тимсоли сифатида
 қайд этилган. Ҳатто шундай золимлар ҳам менинг халқим бошига тушган кулфат-
 ларни эшитса, токат қилолмасдан тобутларидан сапчиб туриб кетар эди, демоқда
 шоир. Мулоҳазани давом эттирамиз.

Бошқа бир, орадан 30 йил ўтиб ёзилган “Жаҳонгашта” номли саккиз қаторлик
 шеърида ўқиймиз:

*Бир кун сўрадилар жаҳонгаштадан:
 – Айтгил, бир юракка олам сиққайми?
 Ёки йўқми сенда турар жой, Ватан.
 Сангиб юрмоқликдан шохинг чиққайми?
 У деди: тоқатим йўқдир фироққа,
 Мен асли муҳаббат учун яшайман.
 Фақат гоҳи-гоҳи кетиб йироққа
 Юртим даст кўтариб, тўйиб қарайман.*

Ватан ва миллатга меҳр Абдулла Орипов учун туғма туйғу, шоир ижодининг
 моҳиятидир. Бу туйғуни у замонасозлик қилиб, ёки бошқа конъюнктур мақсадларни
 кўзлаб қоғозга туширмайди. У:

*Мен шоирман,
 Истасангиз шу,
 Ўзимники эрур шу созим,
 Бировлардан олмадим туйғу,
 Ўзгага ҳам бермам овозим.*

деб ёзишга юз карра ҳақли эди. Ватанни кимдир фақат улуғлаб куйлайди, бутун
 умри маъно-мазмунини уни завқ-шавқ билан куйлашда кўради. Кимдир завқ-шавқ
 билан куйлаш қаторида куюнчаклик билан Ватандаги муаммоларни тилга олади.
 Лекин ҳамма уни она дея таърифлайди. Абдулла Орипов иккинчи тоифага мансуб.
 “Тилла балиқча” сарлавҳали саккиз қаторлик мўъжазгина шеър ҳам, гарчи улар
 тилга олинмаса-да, Ватан ва миллат ҳақида.

*Тухумдан чиқди-ю, келтириб уни
 Шу лойқа ҳовузга томон отдилар.
 Ташландиқ ушоқ еб ўтади қуни,
 Хору хас, хазонлар устин ёпдилар.
 Дунёда кўргани шу тор ҳовузча
 Ва гавжум толларнинг аччиқ хазони.
 Менга алам қилар, тилла балиқча
 Бир кўлмак ҳовуз деб билар дунёни!*

Чизилган манзара реалистик. Аммо манзара – бадий восита, холос. Тилла
 балиқча тузум қурбони – халқ. Сассиқ ҳовуз – ижтимоий муҳити бузук, темир парда
 билан жаҳондан ихоталанган мамлакат, бенаво Ватан. Шеър совет тузумига қарши
 маънавий исённи ифодаламоқда. Оддий манзара тасвири руҳий ҳолат ифодасига
 айланмоқда. Гарчи шоирнинг ўзи шеър қандай, не сабабдан ёзилганини таъкид-
 лаб, на тузумни, на унинг қурбони халқни назарда тутмаганини тан олган бўлса-
 да, унинг онги тубида, онг остида Гўрўғли ва Алпомишдан, Навоий ва Чўлпондан

келаётган архетип – адолат ва Ватан озодлиги курашчиси рухи яшарди. Шу сабаб нима ҳақда ёзмасин, Ватан ва халқ мавзуси беихтиёр юзага чикиб келаверарди.

Абдулла Орипов шеърларида Хоразмий, Фарғоний, Имом Бухорий, Имом Мо-туридий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий даҳолари бутун оламга илм зиёси ва маърифат тарқатгани ҳам, Темури давридаги халқнинг шиддати ҳам, кейин дав-лат раҳбарларининг калтабинлиги, сўкирилиги туфайли унинг тўзғиб, уч давлатга бўлиниб кетгани ҳам, миллий мустақиллигини 130 йил қўлдан бой бериб, бугун истиклолга эришгани ҳам уч-тўрт сатрларда мужассам юксак поэтик маҳорат билан ифодаланади. Ватан мавзуси шоир ижодида сўнги дамгача етакчи бўлиб қолди.

Биз юқорида Ватанга муҳаббат Абдулла Орипов учун архетип эди дедик. Ар-хетип тушунчаси изоҳга муҳтож. Мазкур тушунчани фанга атоқли психоаналитик олим Карл Юнг киритган. Архетип – жамоавий онгсизликни, халқ, бирор табақа, йи-рик гуруҳ онги остида сақланиб қолган ижтимоий инстинктни билдиради. Яъни бу туғма табиий – биологик инстинкт эмас, балки одамларнинг узок ажлодлари яшаш учун курашда тажриба орқали орғитирган, шакллантирган хулқий қолип, андозадир. У кейинчалик яшаш шароитлари, имкониятлари ўзгариши, яхшиланиши натижа-сида унутилиб кетган, аммо онг остида жамоавий онгсизлик – архетип сифатида сақланиб қолган. Бошқача айтганда, ижтимоий инстинктга айланган. Масалан, иб-тидоий кишилар гуруҳи йирткич ҳайвонлар ҳамласига ёки бошқа бир уруғ ҳужумига дуч келганда, ҳамма ҳар тарафга қараб қочса, йирткичлар ёки душманлар уларни деярли тўлиқ кириб ташлаган, агар биргалашиб қаршилик кўрсатса, ҳар ҳолда бир қисми омон қолган. Ёки жамоавий сиғиниш, қурбонликлар келтириш, маросимлар ўтказиш, байрамларга, урф-одатларга, ҳатто улардан айрим қадимдан келаётганлари сен сиғинаётган дин талабларига кирмаса-да (масалан, Наврўз), уларга амал қилиш архетипга мисолдир. Архетип туфайли урушда ҳужум қилганда барча жангчилар бирдан кўтарилиб, душманга ташланган, ёғилаётган ўққа томон чопган. Мана шунга ўхшаш англамаган, ғайримантикий ҳаракатлар, қарорлар архетип дейилади. Абдул-ла Ориповда ватанпарварлик туйғуси, Ватан учун кураш – архетип эди.

“Муножотни тинглаб” шеърида ҳали Абдулла Орипов феномени шаклланиши давом этаётганда, реал аниқ вақтда ғамгин куйдан ҳис қилаётган туйғуларни, дард-ни космик, фазовий вақт ва жаҳоний дард билан муштарак ифодалашда у янада юксакроққа кўтарилади:

*...Эшилиб, тўлганиб, ингранади куй,
Қайлардан келмоқда бу оҳу фарёд.
Қим у йиғлаётган Навоиймикин
Ва ё май куйчиси Хайёммикин, дод!*

Ингранаётган куйда асрлар ғамини, Навоий йиғисини Хайём дод-фарёдини эши-та олиш учун қалб қанчалик нозик, сезгир, дардкаш ва уйғоқ бўлмоғи керак. Қалб вақт ва маконда чекланмасдан, самовий хилқатда парвоз этмоғи лозим. Уларни бир неча ўта экспрессив, таъсирчан, айни пайтда гўзал сатрларда ифодалаш учун ис-теъдоддан қанчалик қудрат ва маҳорат талаб этилади. Бешиқ ва дор, она ва жал-лод антиномаларига табиат ва дунёни қиёслаб, сийқа, жўн, сохта донишмандлик қилмасдан, авж пардадаги бадий образли хулоса чиқариш учун-чи?

*...Агар алдамаса шу совуқ симлар,
Гар шу эшитганим бўлмаса рўё,
Сен бешиқ эмассан, дорсан, табиат.
Сен она эмассан, жаллодсан, дунё!*

Мусика ва шеър ё дарддан, ё шодликдан туғилади. Дарддан туғилганлари узокрок яшайди, кучлироқ таъсир кўрсатади. Ҳатто бахтиёр ошиқ ҳам маҳбубасининг инжикликларидан шикоят қилиб ғазал битади. Бу адабий анъана. Аммо маҳбуба инжиклигини эмас, улкан изтиробларни жаҳоний бокий дард даражасига кўтариб, дурдона яратиш ҳар қандай ижодкорнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун шундай дохиёна бадий тафаккур керакки, бутун оламни, жамиятни, инсонни, ўтмиш ва айни фурсатни муштаракликда камраб ололсин. Даҳо истеъдодлар ижодини миллий ва жаҳон адабиёти, санъати контекстида таҳлил қилиш лозим. Шунда улар тафаккури ва асарларининг ўзига хослиги, қўшган ҳиссаси, истеъдодининг кўлами ва салоҳияти аниқроқ очилади. Акс ҳолда у ҳақда айтилган фикрлар исботсиз, баландпарвоз мактовлар йиғиндисига айланиб қолади.

Абдулла Ориповнинг “Уйку” номли фалсафий-лирик шеъри бор. У аҳёнда айрим одамлар ўн-ўн беш йил летаргик уйкуга кетиши, лирик қаҳрамон баъзан шундай уйкуни исташи ҳақида. Чунки дунёда ёвузлар, разиллар, пасткашлар кўп, аср нотинч, урушу фалокат, низою таъқиб тинмайди. У “сержилд китобларда ёзгандай” бокирага айланган дунёда кутлуг бир сахарда уйғонишни истайди. Шоирнинг сержилд китобларда ёзилган утопияларга нисбатан кинояси сезилиб турибди. Аммо унинг мақсади коммунистик утопияга нисбатан киноя эмас. Балки замонанинг зўравонлиги, инсон-парварликдан йироқлигини эътироф этиш, унга даъвосини билдириш:

*Асрим, ўша олис ой қорасини
Санаб бўлгунингча бир зум толмадинг.
Бироқ одамзоднинг дил ярасини
Санаб етолмадинг, йўқ, етолмадинг.
Асрим, самоларда ёқолдинг чироқ,
Юлдуз қилиб отдинг самога ўзни.
Кўзгата олмадинг ўрнидан бироқ,
Аскар елкасида турган юлдузни.*

Ушбу сатрлар конкрет давр билан боғланган гуманизмнинг юксак намунасидир. Қуролланиш кучайиб кетган замонга, бутун жаҳонга надомат билдирилмоқда. Лекин ўқувчи бу надоматни тўғри қабул қилади. Лирик қаҳрамонга қараб “Сен ўзинг кимсан, бутун дунёни, асрни коралайсан, ўз ташвишларинг сенга етмайдимиз?” – деган савол бериш унинг ҳаёлига келмайди. Чунки лирик қаҳрамон ҳақ, у ўқувчининг онгида кечаётган ўй-фикрни гўёки ўқиётгандай. Ҳаммаси табиий, сунъийлик йўқ. Шоирнинг маҳорати шунда. Сохта сиёсий ёки ахлоқий сафсатабозликдан холи. Қалб безовталиги, инсоннинг яшашдан мақсади ҳақидаги лирик асар. У XX асрда илмий-техника тараққиёти фазони ўзлаштира бошлаганига қарамадан, инсон кадр-киммати унутилаётгани, ҳисобга олинмаётгани, худбинлик ўсаётгани тўғрисида поэтик мулоҳазалардир. Жафокаш инсон жамиятдан, асридан ўзини четга ололмайди. Яшашдан мақсади ҳаётини, жамиятни, асрини яхшилаш учун курашдир:

*Митти фарзанд бўлиб, бир дилбанд бўлиб,
Асрим, сени бахтда кўрмоқ истаيمان.
Ва лекин, баъзида уйкуга чўмиб
Сендан кўзларимни юммоқ истаيمان.
Аммо борми имкон бундай уйкуга,
Курашга яралган жафокаш инсон.
Ҳар қандай кураш ҳам ҳаётдир унга,
Ҳар қандай уйку ҳам – ўлим ҳар қачон!*

Космик микёсда фикрлаш, агар бадий маҳорат билан кўшилса, ҳар қандай асарни юксак даражага кўтарди, ижодкорга халқаро довруғ олиб келади. Бунга юксак санъат, мумтоз адабиёт мисолида амин бўлиш мумкин.

Ўрта Осиё замонавий адаблари орасида Чингиз Айтматов асарларида биз шундай космик тафаккурни учратамиз. “Момо ер”даги Тўлғаной ғуссалари шунчаки ўғли урушда ҳалок бўлиб, ҳали тугмаган келини билан қолган аёлнинг ғуссаси эмас, бутун дунё оназорларининг дардидир. “Ок кема”, “Юзма-юз”, “Жамила”, “Момо ер” каби дастлабки қиссаларидан бошланган алоҳида инсон дардида бутун инсоният хасталигини кўра олишга, халқи муаммоларида бутун кишилик жамияти муаммоларини идрок этишга Чингиз Айтматов охириги асарларигача содиқ қолди. Бошқача бўлиши мумкин эмасди, чунки унинг бадий тафаккури олам ва воқеликни шундай идрок этар эди.

Ўрта Осиё шеърятисида буюк адибга ўхшаб фикрлайдиган шоир Абдулла Ориповдир. Унга Чингиз Айтматовнинг ниҳоятда илиқ, дўстона муносабатининг бош сабаби, балки улар тафаккури ва маънавий оламининг яқинлигидир. Абдулла Орипов шеърлари Чингиз Айтматов асарларидек жаҳонга машҳур бўлиб кетмади.

Шеърятни бошқа тилларга деярли адекват таржима қилиб бўлмайди. Бунинг учун таржимон истеъдоди ва маҳорати шоирникидан кам бўлмаслиги лозим. Ҳаттоки тил яқинлиги ҳам таржима яхши чиқишига қафолат бермайди. Ўзбек тилидан қирғиз ёки қозоқ тилига таржима қилиш, гарчи улар тилимизга жуда яқин бўлса-да, озарбайжон ва турк тилига таржима қилишдан осон эмас.

Ҳақиқий йирик истеъдод эгаси профессионал таржимонликни эмас, оригинал ижодни танлайди. Наср – тамоман ўзга ҳодиса. Уни ҳар ҳолда диди юксак, икки тилни яхши биладиган тажрибали қаламкаш аслиятга яқин таржима қилиши мумкин. Шу сабабдан ғарбда рус адабиётининг энг ёрқин юлдузи А. Пушкин ижоди И. Тургенев, Л. Толстой, Ф. Достоевский, А. Чехов ва бошқа рус прозаиклари ижоди каби машҳур эмас. Бутун жаҳон адабиётида аҳвол бир хил. Шеърятнинг миллий қобидан чиқиши жуда қийин. 80-йиллар бошида Абдулла Орипов ўқинч-ла хитоб қилганди:

*Бир вақтлар илҳомнинг ўтли тигида
Фалакни куйларди менинг ҳам созим.
Лекин икки дарё оралигида,
Қолиб кетди менинг ўша овозим.*

Аслида шеърнинг мазмуни келтирилган хитобга нисбатан анча кенг ва теран. У овози икки дарё оралигида қолиб кетганидан, жаҳонга машҳур бўлолмаганидан афсусланаётгани йўқ, балки кўпроқ унинг инсонпарварлик, инсоф, виждон, ҳалоллик тўғрисидаги қақирларини, бадий ғояларини замондошлар эшитмаётганидан афсусланмоқда. Унда шоир ўзини, ҳамкасбларини оддий инсоннинг ғам-ташвишларини, ҳасратларини унутмасликка, табиатга, ҳаётга очик нигоҳ билан боқишга ундайди. Фақат аниқлик, ҳаққонийлик, ҳаётнийлик қуйлашга арзийдиган мавзудир, мавҳумийлик эмас:

*Муаллақ гапларни сўйлама менга,
Энди мен ер узра топганман қўним.
Инсон деб фалакка ҳайқирмоқ нега,
Инсон ёнингда-ку, у менинг қўшим.
Иқбол деб беҳуда чекасан оҳу,
Оҳинг бу – фолбиннинг даракларидир,
Асрим, асрим дейсан, асринг нима у!
У – тўзғоқ календарь варақларидир.*

*Богингда бир ниҳол гуллабди бу кеч,
Эрта қийғос бўлар олма напармон.
Илк баҳор захрини ўйладингми ҳеч,
Заминда не армон, сенда не армон.*

Шеър хитоб билан якунланади. Шоир ўз тафаккурига содик. У дунё дардини, ташвишини оддий инсон ҳақидаги ғам-ташвишга айлантирмоқда. Зеро, гуманизм оддий одамга ғамхўрликдан бошланади.

Таржима ҳақида, кези келганда, бир нарсани эслаб ўтиш ўринли деб ўйлайман. Тахминан 1974 йилнинг март ойлари бўлса керак. Мен аспирантурада ўқирдим. Ҳар шанба куни Абдулла Орипов уйига бориб, Данте ва “Илохий комедия”га оид бирор нарсани учратиб қолсам, харид қилиб, элтиб берар эдим. Шоир таржима билан машғул, ижодий таътилда, рўзғор юритиши анча оғирлашиб қолган. “Ёш гвардия” театрида адабий эмакдош, маоши катта эмас. Одатдагидек шанба куни эрталаб соат ўнларда шоирниқига бордим. “Яхши келдинг-да, Семен Израилевич Липкин билан Инна Лиснянская (таникли шоира, С. Липкин рафикаси)ни кутяпман”, деб қолди. Бироз ўтиб меҳмонлар келишди. С. И. Липкин машҳур таржимон эди. У форс адабиёти кўплаб буюк классиклари каторида Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун”и, Лохутий, Мирзо Турсунзода, Зулфия шеърларини рус тилига мохирона ўгирган. У Абдулла Орипов билан яқиндан танишиб, ижодий ҳамкорлик қилишга, унинг шеърларини таржима қилишга розилик олгани келган экан. Сухбат кизигандан кизиди. Дастурхон қуюк бўлмаса-да, сухбат узоқ давом этди.

С. И. Липкин форс-тожик тилини жуда яхши билар экан. Вақтида Садриддин Айнийга котиблик қилган. Арузнинг барча баҳрларини у киши каби чуқур тушунадиган мутахассисни бошқа учратмадим. Семен Израилевич жуда очилиб, яхши гурунг берди. У Абдулла Ориповга маъқул келишни, унга ёқиб қолишни сидқидилдан истар, ўзини жуда самимий ва очик, худди тенгдошдай, ҳатто ўспирин ёки йигитдай тугарди. Баъзи бир адабиётшунослик атамалари ва назарий тушунчаларга изох зарур бўлиб қолса, менга: “Қани, аспирант йигит, бир ёрдам бериб юборинг”, дея мурожаат этар эди. Абдулла Орипов мени: “Жияним. Асли филолог, ҳозир фалсафа бўйича аспирантурада ўқиётир”, деб таништиргач, у менга бегона сухбатдош сифатида эмас, шоирнинг яқин қариндоши ва маслакдоши сифатида қарай бошлади. Сухбат давомида Абдулла Ориповнинг баъзи шеърларини мен тағлама, сўзма-сўз таржима қилиб турдим. Шеър мазмунидан, образларидан, оҳангидан (шоир аввал овозини чиқариб, ўзбекчада шеърни ўқирди) меҳмонлар самимий завқланганди. Айниқса, Инна Лиснянская жуда ҳайратга тушди. “Чолларга ҳассалар йўнган бу фасл” унга чуқур таъсир қилди. У бир неча бор бу жумланинг ўрисча таржимасини такрорларкан: “Ноёб топилма, ноёб топилма”, дея хитоб қиларди.

Меҳмонлар ҳамкорлик таклифини айтиб қайтишди. Абдулла Орипов қатъий фикрини, розилигини билдирмади. Орадан икки ой ўтиб, мен ҳарбий хизматга кетиб қолдим. Хизматни тугатиб, аспирантурада ўқишни тиклаб, яна Абдулла Орипов билан мулоқотларни давом эттирдик. “Дўзах” таржимаси охирлаб қолган эди. Ҳар бир кўшиқ луғавий таржимасини муҳокама қилардик. Баъзан айрим жумлалар мазмунан бадиий образлилик жиҳатдан қандай ўтирилгани тўғрисида фикримни сўраб қоларди. Шундай сухбатларнинг бирида С. Липкин билан бўлган учрашув эса тушиб, ўзингизнинг шеърларингиз таржимаси нима бўляпти, Липкин билан ҳамкорлик қиялпизми? деган савол бердим. “Йўқ”, – деди шоир. “Нега”, деган саволимга: “Айрим кишилар Сизнинг ёшингизга, дунёқарашингизга мос ўз таржи-

монингиз бўлиши керак. Липкин кексайиб қолган. Бунинг устига у мумтоз шеърят бўйича таржимон, Сизнинг эхтиросларингизни ифодалай олиши гумон, дейишди. Ўйлаб кўрсам, гаплари тўғридай туюлди”. “Сизни махсус чалғитишибди”, дедим афсус билан. “Мен буни кейин тушундим, – деди шоир ҳам, – энди эса кеч”.

Абдулла Ориповнинг ўзи 2005 йил охирида “Шарк юлдузи” журнали ўқувчилари саволларига берган жавобларида кизик бир воқеани эслади. Москвадан келган бир гуруҳ таржимонларга “арбооб шоирлар” эгалик қилиб кетишган. “Совға-салом”лар бериб, кўнглини олишган, мунтазам Москвага қатнаб туришган.

Қолаверса, собиқ марказ миллий адабиётлардан халқ ортидан эргашадиган, миллий ғурури баланд янги етакчи шоирлар, санъаткорлар чиқишини унчалик хоҳламасди, айниқса салмоғи, салоҳияти катта халқлардан. 60-йилларнинг иккинчи ярмидан бир гуруҳ миллий адиблар жаҳонга танилгач, зимдан чеклашлар кузатила бошлади. Фақат Узоқ Шарқ, Чекка Шимол ва Кавказдаги камсонли халқларнинг айрим вакилларига “оқ йўл” тилашди. 70–80-йилларда на украинлардан, на ўзбеклардан йирик истеъдодларга йўл берилмади. Ҳатто жаҳонга машхур Чингиз Айтматов ва белорус Василь Биков каби адибларнинг янги асарларига тош отила бошлади. Мустабид давлатнинг миллий сиёсати такаббур эди.

* * *

Ватан, халқ, инсон эрки, равнақи, икболи Абдулла Орипов ижодининг бош мавзураларидир. Шу ўринда озарбайжонлик олим, ўзбек адабиётининг чинакам дўсти Яшар Қосимовнинг баъзи фикрларини эшлаш мақсадга мувофиқ: “60-йиллар ёш шоирларини... “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” саволидан ўйларга толган, уйғонган авлод, деб аташ мумкин. Ҳа, бу бениҳоя оташин ва самимий шеър турли кураш қатагонларда холдан тойган, ўзининг сеvimли ва фидойи фарзандларидан Сталин истибодди туфайли ажралган жабрдийда Ватанга шунчаки севги изхори эмасди. Бу шеър севгидан ҳам улуғвор, муҳаббатдан ҳам мукаддас туйғулардан, қандайдир сўз таърифига сигмайдиган, илоҳий жозибадор кечинмалардан туғилгандай эди”. Ўз фикрини давом эттириб, мунаққид адабиёт мустабид мафкурага бўйсундирилгани боис Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон ва Абдулла Қодирийдан кейинги ярим асрлик адабий ҳаракатда халқ ҳаётининг Абдулла Орипов ижодидагидек жонли ва таъсирчан тасвирини кўрмаймиз, дейди. Ва шундай хулоса қилади: “Бадий ва ижтимоий фикрни ушбу қуллик ва мутелик асоратидан халос этишга бел боғлаганлардан бири, эхтимолки, биринчиси Абдулла Орипов эди. Бутун вужудимизга чирмовукдай чирмашган, ҳатто, қалбимизга ва фикримизга ҳам ҳукм ўтказаятган манфур мафкуранинг даҳшатли асоратини илк бор у ёриб чиқди. Абдулла Орипов лирикаси миллий руҳнинг дастлабки ва буюк ғалабаси эди”¹. Ҳақиқатан, Абдулла Орипов ўзбек ижтимоий фикрини ўзгартира олган шоир бўлди.

Абдулла Орипов 60-йиллар давомида ёзган кўплаб шеърлари ҳамда “Юзма-юз”, “Сароб”, “Баҳор” каби кичик лирик поэмалари туфайли жуда ноёб истеъдод эгаси, файласуф-мутафаккир, улкан ватанпарвар, инсонпарвар шоир сифатида ўзбек адабиётида мустаҳкам ўрнини топди.

У ўзини ҳеч қачон халқдан ажратмаган. Ўзи учун яхши шарт-шароит, тўкин, фаровон турмуш яратиб олиши мумкин эди. Бунинг учун бироз тузум билан муроСага бориб, “ғоявий пухта” шеърлар ёзса, кифоя эди. Аммо у ҳатто ёшлигида, 60-йиллар бошида ҳамма қатори партиянинг янги дастурига самимий ишонч билан қараб,

¹ Истикбослар Матёқуб Қўшжонов, Сувон Мелининг “Абдулла Орипов (Т. Маънавият. 2000)” китобига сўнгсўз ўрнида ёзилган Яшар Қосимовнинг “Истиклол шеърляти” мақоласидан олинди. 129, 133-б.

порлоқ истикбол ҳақида ёзган маҳалда ҳам мадҳиябозлик қилмади. Фақат бўлажак коммунистик жамиятнинг ёвузликка, нафс ва ҳасадга, худбинликка барҳам беришига умид қилди. Кейинчалик турли йилларда ҳар хил идораларнинг шубҳаларини бироз камайтириш мақсадида ёзган айрим шеърларида ҳам оддий инсон ва халқ ташвишини унутмади, буларни усталик билан асар матнига сингдирди, хисларини изтироб ва ҳасрат даражасига кўтарди. “Юзма-юз” да ўқиймиз:

*Оҳулар кўйнимга кирса-да қиздек,
Менинг нигоҳимни тортади тақрор
Миллион эгатларга сочилган ўзбек.
Гарчанд пахтазорга боқаман мен ҳам,
Ва лекин дилимда ташвиш бор менинг.
Майлига, шўх кўшиқ яралсин тилда,
Рангпар сингилгинам, ўйлайман сени.
Кузги райҳондайин маънос ўсдинг сен,
Табиат бермади билагинга куч.
Ўзингдай одамга қаллиқ тушдинг сен,
На соғлик, на ёрдан ялчимадинг ҳеч...*

Бу сатрлар халқни ўз-ўзига четдан назар ташлашга, рангпар қизлари пахта далаларида эзилиб, соғлигини йўқотиб, ўзидек бир нотавонга турмушга чиқиб, умри шундай ўтиб кетаётганини англашга, охир-оқибат ҳаётини ўзгартиришга чорламаяптими?

Поэмадаги Истикбол ҳақидаги фикрлар бугун бироз эриш туюлиши мумкин. Аммо барибир самимийлиги, эҳтирослилиги билан ярқираб турибди:

*Дўстларим, мен сизга талтинган дамда
Қалбимда бўлади ёлғиз бир раъйим:
Хиёнат бўлмаса дейман ҳеч кимда,
Дўстларнинг имони бут бўлса доим.
Дейдилар: дунёни кураш айлар бир,
Инсон жанг-жадалда бўлар жуфту тоқ.
Ахир қон оқиши шартмикан, ахир,
Бу кураш қайси бир жангдан осонроқ.*

Бугунги ёшлар, ўқувчилар учун қўшимча ноадабий шарҳ зарур. Акс ҳолда асар мурдаоиси охиригача тушунилмай қолади. КПСС ўзининг XXII съездида, 1961 йилда, коммунизм куриш мақсадини эълон қилди. Икки сиёсий тузум – социализм ва капитализм ўртасида тинч-тотув яшаш сиёсатини эълон қилди, 20–30-йиллардаги жаҳон революциясига қорлайдиган шиорлардан уруш охирларида воз кечилганди. Лекин урушдан кейин СССР шарқий европа мамлакатларини мажбурлаб социализм йўлига ўткази бошлади. Социализм ва капитализм ўртасида мафкуравий “совуқ уруш” ва қуролланиш пойгаси авж олди. Оловли уруш хавфи ортиб бораверди. Совуқ уруш ва қуролланишнинг бир зум сусайтирмасдан, СССР тинч йўл билан коммунизм куриш ҳақида ўта жозибали, аммо сароб орзуларни янги дастурига киритди. “Бу кураш қайси бир жангдан осонроқ” деганда шоир юқоридагиларни назарда тутган. Коммунизм ғоясини, оддий халқ ва кўпчилик зиёлилар унчалик ишонқирамаси-да, идеал, бенуқсон тузум яратишга чакирик, навбатдаги вазифа сифатида қабул қилди. Ҳар ҳолда мукамалликка, эркин ва фаровон турмушга интилишнинг нимаси ёмон? Бунга эришиладимми ёки йўқми, бу – бошқа гап. Мазкур ғоя ўша пайтда 20–21 яшар шоирни ўзига жалб қилган. Аммо яқин келажакда қад ростлайдиган идеал жамиятни Абдулла Орипов оддий инсонлар бахт-саодатида, бунёдкорлигида кўради:

*Ана, йўл четида борар қурилиш,
Гишт терувчи йигит дорбоздай юрар,
Отга қамчи урар керосинфуруш,
Бир кампир энгашиб кўча сутураш.*

60-йиллар ўрталарида ҳатто Тошкентда хонадонларнинг аксариятига табиий газ ўтказилмаган эди. Одамлар керосинда ишлайдиган примус, керогазлардан фойдаланарди. Катта бочка ўрнатилган от-арава маҳаллаларда хонадонларга керосин сотиб тарқатиб юрарди. “Отга камчи урар керосинфуруш” деганда шулар назарда тутилаётди.

*Ана у таниш жой – анҳор қиргоғи.
Пивога кўп хумор талаба дўстим,
Мен сенинг исмингни билмайман, соқий,
Буюр мен учун ҳам майли бир жуфтин.
Уларга боқаман қалбимда ўқтин
Бир хушнуд ҳиссиёт кўтарар елкан,
Ўзгаларнинг гами йиғлатса, нечун,
Нечун иқболлари қувнатмас экан?!
Ахир, инсоф билан ўйласанг-ку рост,
Ўшалардир бугун соҳиби замон.
Ҳеч кимнинг ҳеч кимдан тили қисикмас,
Чегарадир фақат инсоф ва виждон.*

Ушбу сатрларда ифодасини топган ҳаққоний манзара, юксак баднийлик, теран инсонпарварлик, ҳаётга ошuftалик ва кайнок муносабат кишини ром этади. Зўрма-зўраки ишлатилган бирорта сўз йўқ. Ҳаммаси табиий ва мусика каби оҳангдор. Хулоса-чи? Инсонни тиядиган нарса тузум эмас, фақат унинг инсофи ва виждони бўлиши керак. Чуқур гуманистик хулоса.

60-йилларда ёзилган кичик лирик поэмаларда теран фалсафий мушоҳадалардан ташқари, ҳали ўзбек шеърияти мутлақо кўрмаган дунёвий эҳтирослар тошқини ҳам бор. Бобораҳим Машрабнинг фалакка иддаоларини ифодалайдиган айрим байтларини, ғазалларини ҳисобга олмаганда, мумтоз адабиётда фалсафий мулоҳазалар, мажозий ишқ ташки босиқлик билан (ички жўшқинлик инкор қилинмаса-да) ифодаланар эди. Ўзига хос “академик” услуб, арузнинг қатъий талаблари ҳукмрон эди. Фақат Чўлпон ва Усмон Носирда эҳтирослар очикча жўшқин тасвирланган қатор шеърларни учратамиз. Аммо бошқа ўзбек шоирлари ижодида Абдулла Ориповнинг “Онажон”, “Юзмаюз”, “Сароб”, “Баҳор”, “Ўзбекистон”, “Қарши кўшиғи” каби кетма-кет ёзилган лирик поэмаларида, шеърларидаги каби эҳтирослар жунбушини, айна пайтда уларнинг ўта гўзал ифодасини учратмаймиз. 40-йиллар иккинчи ярми – 50-йилларда эса ўзбек шеъриятида туссиз риторика, мафкурабозлик устунлик қилди. Ҳақиқий лирик шеърият пучмоқларда қолиб кетди. Эркин Воҳидовнинг “Тонг нафаси” тўплами ўзбек шеъриятида даврнинг янги, тоза ва хушбўй нафаси бўлди. Эркин Воҳидов шеъриятимизга риторик публицистика ўрнига ҳақиқий лирикани, жозибали сўз санъатини олиб кирган ёш авлоднинг биринчиси ва етакчиси бўлди. Эркин ака ўзбек шеъриятининг эски чордеворларида зўрага жон сақлаётган ғазал жанрига янги ҳаёт ва қувват бағишлади.

Лекин Абдулла Ориповгача Ватан ва Эрк мавзусига 30-йиллар катагонларидан кейин адабиёт деярли қайтмаган эди. Ватанпарварлик ва озодлик совет мафкурасига, коммунизм идеалларига содиклик, буржуа идеалогиясига, империализм тажовузига қарши туриш кўринишидагина тилга олинар эди. Шаклланиб қолган қолипни

биринчи бўлиб иккиланмасдан, кўркмасдан Абдулла Орипов бузди. Бу мавзулар жуда жўн ва осон ёритиладиган мавзулар эмас. Ҳолва деган билан оғиз чучимагандек, Ваган, Эрк деганинг билан шеър пайдо бўлиб колмайди. У мафкуравийликдан, ташвиқот ва даъватлардан иборат бўлмаслиги, сўз санъати даражасига кўтарилиши, одамлар қалбини китиклаши лозим. Шундагина уни ўқувчи қабул қилади. Бунинг учун қўлланиладиган ташбеҳлар, образлар, метофоралар ҳам ғояни, ҳам эҳтиросни юксак пардаларда ифодалай олиши керак. Шоир ижодида юксак ватанпарварлик ғоялари, чуқур фалсафа, тизгинсиз инсоний эҳтирос ва гўзал экспрессив образлик ўз синтезини, муштараклигини топди. “Баҳор”дан бир неча парча келтирамиз. Юқоридаги гаплар тўғрилигига ўзингиз амин бўлинг:

*Азалий ҳукмини ўқиди ҳаёт, –
Неча бор само ҳам кўмди кўёшин.
Иқболи саждагоҳ бўлганлар, ҳайҳот,
Ўзлари тупроққа қўйдилар бошин.
Ўн ойким сўнмишидир у таниш наъра.
Ҳамон фироғида фиғон чекар Шоир.
Баҳор келаёттир, бош кўтар, қара,
О, сурур куйчиси, донгдор замондош...
... Фақат билганидан қолмас тириклик,
Мана, гулга чўммиш Чигатой бўйи...
Баҳор қатра ёшим айлагил қабул,
Онам бошига ҳам бордингмикан, айт?!
Унинг оромгоҳи бундан олис жой,
Олисда ётибди менинг паноҳим.
Бугун кетганига тўлибди беш ой,
Беш ойким, кўксимда ёнади оҳим².
... Қизгалдоқ баргидай учар дилдан ғам,
Тошқинлар киради қалбимга маним.
Баҳоринг муборак бўлсин ушбу дам,
Менинг Ўзбекистон – дилбар Ватаним.
Фақат сен қалбимга чўқтирмай малол
Чарчаган руҳимга илҳом солурсан.
Баҳор ҳам, умр ҳам ўтар, эҳтимол,
Фақат сен дунёда мангу қолурсан.*

Шеърый иктибосларни шарҳлаб ўтирмаймиз. Зеро, Пушкин таъбири билан айтганда “гармонияни (уйғунликни) алгебра ёрдамида таҳлил қилиш имконсиз”. Ҳаёт ўткинчилиги ва бир вақтнинг ўзида боқийлиги, маҳзунлигиго гўзаллигини, Ўзбекистон – дилбар Ваган мангулигини бундай эҳтирос билан Абдулла Ориповгача ҳеч ким баралла қуйлай олмаган, ҳеч ким Ўзбекистонни дилбар Ватаним дейишга боғина олмаган.

Амалда у ўзбек адабиёти ва ижтимоий-сиёсий, фалсафий қарашларида, миллий ўзликини англашда, Яшар Қосимов адолатли таъкидлаганидек, янги саҳифа очиб берди. Ўшанда у эндигина 23–25 ёшга тўлган эди. У 60-йилларда миллатини уйғотган, унга кадр-қимматини эслатган шоирга айланди. Абдулла Орипов феномени қарор топди.

² 1966 йилда Ғафур Гулом, шоирнинг онаси Турди Карвон кизи, сўнг атоқли шоир Мақсуд Шайхзода вафот этган эдилар. Шоир уларни хотирламоқда.

Шеърятда янги жанрга асос солиниши

Абдулла Ориповнинг 1966–70-йиллар оралигида ёзилган “Авлодларга мактуб”, “Сароб”, “Баҳор”, “Ўзбекистон”, “Қарши кўшиги” номли асарлари бор. Юқорида улар кичик лирик поэмалар дейилди. Лирик поэма анъанавий поэмадан (достондан) фабуласи, сюжет тизими, воқеалар, уларда иштирок этувчи персонажлар йўқлиги билан фарқ қилади. Лекин унда лирик қахрамон образи бор. Кўпинча лирик қахрамон образи муаллифнинг айниятидир. Аммо ҳар доим ҳам эмас. Лирик поэмада сюжет унсурлари, бирор воқеани тасвирловчи, баён этувчи айрим эпизодлар учрайди. Улар лирик қахрамон фикрлари ва туйғуларини бадий-манتيкий асослаш, ифодалаш учун керак. Бундан ташқари, лирик поэмада, шеърдан фарқли, драматик ҳолат, қахрамон кайфияти, туйғулари, фикрлари шунчаки ифодаланмайди, балки ривожлантирилади. Туйғу, ғоя ифодаси кульминацион нуқтасига чиқади, ечимини топади. Образлар, фикрлар кўлами ва тадрижи шеър доирасидан четга чиқади. Шу сабабдан бундай йўналишда ёзилган асарни қатта шеър эмас, кичик лирик поэма деб аташ маъқул.

Тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, Абдулла Орипов ўзбек адабиётини лирик поэма жанри билан бойитди. Бу унинг ўзбек адабиёти ривожига қўшган улкан хиссасидир. Унгача Ғафур Ғуломнинг “Вақт”, “Соғиниш”, “Сен етим эмассан” номли дохиёна, дурдона шеърларида биз лирик поэма унсурларини учратамиз. Уларни фалсафий шеър ва кичик лирик поэма ўртасидаги босқич дейиш тўғрироқ бўлади. “Мен яхудийман” асарини эса лирик-публицистик памфлетга оид жанр, дея ҳисоблаш лозим. Сюжет ва воқеавийлик, эпик тасвир ва баён унсурларини биз Чўлпон, Ғафур Ғулом ижодида, Ҳамид Олимжон балладаларида учратамиз. Баллада – алоҳида жанр. Баллададан ташқари ҳолатларда муаллифлар юқоридаги унсурларни асосан шеърнинг лирик-публицистик мазмунини кучайтириш учун қўллаганлар.

“Авлодларга мактуб” ва “Сароб”дан (дастлабки номи “Ўйларим”) бошланган бу янги жанр Абдулла Орипов томонидан ўз салафларининг лирик шеърга тасвир ва сюжет унсурларини киритиш анъаналарини ривожлантириб, *матнга янги гоъвий-бадий вазифа юклаши, йирик ижтимоий-гуманистик муаммони кўтариб, инсон руҳиятини, қалби изтироблари ва тугёнларини бадий таҳлил қилиб, экспрессив ифодалаш натижасида шаклланди.*

“Сароб”да лирик қахрамон онгу шуурида жамиятдаги кескин оғриқли бурилиш туфайли баҳолар, кадрятлар тизимида инкироз юз бергани, ундан чиқиш ниҳоятда оғир бўлгани ва лирик қахрамон ҳали тамомила маънан “соғайиб”, инкироздан чиқиб улгурмагани ифодаланган. Психологияда бу ҳолат онгдаги динамик стереотипнинг синиши, яъни аслида ҳаракатчан онгда барқарор ишончга айланган карашлар бузилиб кетиши дейилади. Бундай ҳолатнинг сабаблари турлича бўлади. Сиёсий-мафкуравий ёлғон фош этилиши, адолатнинг кўпол бузилиши, сен сиғинган нарсанинг сохталигини билиб қолишинг, яқин кишинг, севгилинг, дўстинг хиёнати ва ҳоказо натижасида дунёқараш, кадрятлар тизимининг динамик стереотипи синиши мумкин. Бу алоҳида шахслардагина эмас, баъзан бутун авлод, бутун жамият мисолида ҳам кузатилади.

Динамик стереотип синиши шахсга сиғиниш ва қагаонлар билан боғлиқ жинойатларнинг фош этилишидан бошланди. Ижодкор зиёлиларда энди қагаонлар қайтмаслигига, сўз, ижод эркинлиги ривожланишига умид уйғонди. Аммо бу умидлар Москва Манеж майдонидаги кўргазманинг вайрон қилиниши, КПСС МК котиби Ильичев ва биринчи котиби Хрушчев маърузаларидан кейин чиппака чикди. Орадан кўп ўтмай Даниел ва Синявскийлар қамалди. 1956 йилдан кейин шаклланган янги стереотип ҳам чил-парчин бўлди.

Динамик стереотип синишини бошдан ўтказган шахс ва авлоднинг дунёкараши, ҳаётга, жамиятга муносабати кескин ўзгаради, баъзан фожиали кечади (айримлари ўз жонига қасд қилишигача боради), баъзан тамомила аввал кўрилмаган янгилик (ижод, таълимот, дин) яратилишига олиб келади. Ушбу муносабат билан иккита мисол келтириш жоиз. Совет тузумининг кирдикорларини, уларнинг асл сабаби тузумнинг мазмун-моҳиятида эканини билиб қолган улуғ шоир, инкилоб минбари номини олган Владимир Маяковский 1930 йилда, СССР Ёзувчилар союзи раиси Александр Фадеев 1956 йилда ўзларини отиб ташлаганлар. Бу динамик стереотип синишининг салбий оқибатидир. Иккинчи ижобий мисол буддизм динининг вужудга келишига туртки бўлган воқеадир. Будда динининг асосчиси шахзода Сидхартха отасининг саройида ҳақиқий ҳаётдан ажралган ҳолда ўлим, азоб-уқубат, касаллик борлигини билмасдан ўсади. Теварак-атрофида фақат соғлом, тўқ кишиларни, хурсандчиликни, гўзалликни, яхши муносабатларни кўради. Бир куни саройдан узокдаги бир кишлоққа бориб қолган шахзода бахт қаторида бахтсизликни – қашшоқликни, машаққатни, касал кишиларни учратади. Унинг кўз ўнгига бир чол ўлиб қолади. 30 ёшга кирган Сидхартханинг онгу шуури кескин ўзгариб кетади. У инсониятни уқубатлардан қутқариш йўлларини излаб, тарки дунё қилади ва охир-оқибат янги динга асос солади. Яримҳақиқат, яримривоят шаклида бизгача етиб келган мазкур воқеа онгдаги динамик стереотип синишига ва унинг ижобий оқибатига жуда ёрқин мисолдир. Абдулла Орипов онгдаги кескин ўзгариш ҳам ижодда ижобий оқибатга олиб келди. Эрк ва Ватан мавзусини қуйловчи янги шоирни, янги поэтик жанр – лирик поэмани ҳаётга келтирди, қарор топтирди. Аммо унинг шахсий-маиший ҳаётини заққумга айлантирди.

“Сароб” аслида ўзбек шеърлятида динамик стереотип синиши мавзусига бағишланган биринчи ва ҳозирча ягона поэмадир. У Абдулла Ориповлар авлодининг улғайиб, билими, тажрибаси ортиб, коммунистик ғояларга ишонмай кўйгани, совет тузумининг ёлғонини, унинг зулмкорлигини, шафқатсизлигини сезиб қолгани оқибатида илгариги сохта идеалларини инкор қилганини ифодалайди. У лирик қахрамонда жамиятга ва устозларга, дохийларга нисбатан шубҳа, бегоналашиш туғилганини, янги ижтимоий идеал топилмаётганини ифодалайди. СССРни ҳақиқий асл ватан деб ҳисоблаган лирик қахрамон, поэмада айтилмас-да, Ўзбекистон унда бир мазлум ўлка эканини, халқлар дўстлиги кўп жиҳатдан сохталигини, коммунистик мафкура риёкор, эркин ижодга, эркин фикрга зид эканини англагач, қалби дарз кетади, бус-бутунлигидан айрилади. Қалби тилка-пора бўлиб, онги хира тортади. Кўзлаган келажак манзили, эътиқоди саробга айланади.

Қахрамон беғубор болалигини, ўсмирлигини, самимий ишончларини эслайди:

*Кунларимиз жилгалардай ўтдилар оқиб,
Мақтаб бордик – оғир бўлиб қолдик дафъатан.
Девордаги арслон ёлли картага боқиб,
Секингина шивирлашдик: мана шу Ватан.*

Ватанга, халқлар дўстлигига муносабат ўшанда самимий бўлган. Чунки давлатнинг тарғибот-ташвиқоти кучли эди. Одамлар онги унинг ёрдамида усталик билан бошқарилар, оддий кишилар совет мафкураси чўпчакларига тўлик ишонарди. Ҳар ҳолда турмуши яхшиланишидан, оғир меҳнати енгил бўлишидан, сиёсий зўравонлик қамайишидан, катағонлар қайтиб келмаслигидан умид қиларди. Аммо шоир бу умидлар пуч, асоссиз эканини интуитив тарзда фаҳмлади:

*Лекин, дўстлар, ростин айтсам, мен ўша маҳал, –
Жондан ортиқ севар эдим она Ватанни.*

*Дўстлик билан бир бутундир, дердилар дунё,
Мен ҳам мангу дўстлик учун ичардим қасам...
Бу дунёда алам бўлмас, бўлмас деб фироқ,
Дада-дада китоблардан ўқирдик таълим.
Равон йўллар қаршингизда турибди муштоқ,
Дерди бизга ҳарф ўргатган ёш бир муаллим.*

“Дунё” деганда, совет мамлакати, “ёш бир муаллим” деганда коммунистик мафкура вакиллари, тарғиботчилари, дохийлари назарда тутилмоқда. Очиқ-ойдин ҳар нарсани ўз номи билан аташ ярамайди. Чунки шеърят публицистика эмас, ғоя, фикр рамзий тилда ифодаланиши талаб этилади:

*Шеър излайман бу кун Тошкент кўчаларида,
Секингина зирқирайди беором қалбим.
Мен умримнинг бу суронли кечаларида
На бир таскин топа олдим, на шеър тополдим.*

“Шеър” – шоир излаётган ҳақиқат, янги идеал. “Суронли кечалар” ўзи, ўз шубҳалари, иккиланишлари билан қурашаётган лирик қаҳрамоннинг изтиробли уйқусиз тунлари, остин-устун бўлиб кетган ўйлари дир. Поэмада драматизм кучайиб, энг авж пардага (кульминацион нуқтага) кўтарилади:

*Юрагимга бир маҳаллар кирган туйгулар
Энди сендан кетгаймиз деб сўрайди жавоб.
Мени бир зум ҳол-жонимга қўймайди улар,
Қўймайдилар ваъдаларинг чиқди деб сароб.
...Кўзларимга гоҳ кўринар телба мисоли,
Мен бир вақтлар сажда қилган ҳазрати инсон.
...Гар бор бўлсанг, жавоб бер, эй илоҳий қудрат,
Наҳот гўдак ишончини ёзибсан қорга?!*

Илоҳий қудратга ҳам таъна қилинмоқда. Бундан ортиғи энди бўлмаса керак. Шаккокликка ўхшайди. Аммо... эҳтиросли, бадий ўзини оқлаган “шаккоклик” асарга такорланмас жозиба ва руҳ бағишлайди. Буни Бобораҳим Машраб ғазаларию жаҳон адабиёти дурдоналари кўп бора исботлаган. Машраб ғазаларида “шаккоклик” аниқ мақсадга – носамимийлик, нафс ва ҳирсга мурасағўйлик кучайиб кетган, маърифатнинг асл моҳиятини бироз унутиб, маросимчиликка, сохта такводорликка мойиллиги ортиб бораётган расмий исломнинг айрим жиҳатларига қарши қаратилган.

*Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага бормоқ не керак,
Иброҳимдан қолган ул эски дўконни на қилай?!*

Ёр – Оллоҳ, бода – Оллоҳга мажозий ишқ-ла тўлдирилган идиш, эски дўкон – Каъба. Ривоятларга кўра, уни Иброҳим алайҳиссалом барпо этган. Машраб қалбингда Оллоҳга ишқ бўлмаса, бажарадиган дин фарзлари маънисини йўқотишини тасдиқламоқда. Расмий исломга муҳолифлик қилган тасаввуф унда самимийлик етишмаслигини, такво дин моҳиятидан устун қўйилишини танкид қиларди. Шу ўринда Қаршидаги Убайда Жарроҳ зиёратгоҳи эски дарвозасининг очиб-ёпадиган икки ҳалқасида шундай ёзув борлигини айтиб ўтсак, ортиқчалик қилмас: “Агар дилингда ҳақиқий ишқ бўлмаса, кавсар суви билан юз марта таҳорат олсанг-да, намозинг қабул қилинмайди”. Кавсар – жаннатдаги булок. Таъкидлаш жонзки, зиёратгоҳда ўтмишда Накшбандия тариқати дарвешлари жамоаси яшайдиган хонақоҳлар бўлган.

Лев Толстой, Федор Достоевский асарларида “шаккоклик”, дунёнинг черков ўрнатган маънавий тартиботи ва ахлоқий муносабатларидан норозилик, уларни танқид қилиш шундоқкина бўриб туради. Ваҳоланки, Толстой ва Достоевский ўта диндор бўлишган. Абдулла Орипов ҳам Оллоҳга сидқидилдан сизинарди. “Ҳаж дафтари”, “Ҳикмат садолари” шундан гувоҳлик беради. Айни пайтда у Оллоҳ бандасига фақат яхшилик исташини, агар кимнингдир умидлари рўёбга чиқмаса, бунда ё жамиятнинг, ё кишининг ўзи айбдорлигини тан олади. Поэма ўша йиллари жамоатчилик онгига, айниқса, талаба ёшлар ва ижодкор зиёлиларга ўта кучли таъсир кўрсатганди. Жамоатчиликда совет воқелиги ва мафқурасига нисбатан танқидий муносабатни янада кучайтириб, бутун авлодни уйғотишга хизмат қилди.

Инсон жамиятга мослашмасдан иложи йўқ. Ота-онаси ва Ватанини, туғиладиган замонини у танлай олмайди. Ҳаётдан, воқеликдан, замонадан юз ўгириш имконсиз, дилинг яра бўлса-да, яшайсан, қурашасан, фарзандлик ва фуқаролик бурчингни бажарасан:

*Не тонг, ахир фарзандмиз-ку шу замонага,
Ахир она сиймосидан фарзанд тонолмас,
Қўл кўтариб бўлармиди ахир онага,
Зотан, унга қўл кўтарган – фарзанд саналмас.*

Конфликт ўзига хос тарзда ечимини топди. Шоир гўёки замонаси билан муросага борди.

“Сароб” (“Ўйларим”) чоп этилгандан кейин таникли танқидчи-олим Норбой Худойберганов уни адабиётдаги конфликтсизлик назариясидан кутулиш мазмунида талқин қилганди. Очиғини айтганда, бунини ўша йилларда бошқача шарҳлаш, тузумдан, коммунистик мафқурадан кўнгил қолганининг ифодаси мазмунида талқин қилиш асло мумкин эмасди. Бу шоир учун ҳам, танқидчи учун ҳам анча хавфли эди.

Ватан туйғуси дастлаб ҳар бир кишида энг аввало туғилган жойи, кадрдон далакири, кишлоғи, маҳалласи, ота-онаси ва дўст-биродарларига, ёшлиқда эшитган эртақларию ўйнаган ўйинларига муҳаббат ўларок шаклланади. Кейин у муттасил кенгайиб, бойиб, чуқурлашиб бораверади. Ватан туйғуси доимо конкрет. Аввал ҳам Абдулла Орипов Ватан дея Ўзбекистонни куйларди, аммо “тенглар ичра тенг” Ўзбекистондан ташқари бошқа улканрок ватан борлигини инкор этолмасди. Шоирнинг бадиий тафаккурида бу ҳолат зиддият уйғотиши табиийдир. Она тили, маданияти ва урф-одатлари иккинчи даражали ҳисобланарди. “Одам бўлмоқчи, ҳаётда бирор нарсага эришмоқчи бўлсанг, рус тилини, рус маданиятини ўрган” деган ғоя боғча ва мактабдан ҳамманинг қулоғига куйилар эди. Албатта, мафқуравий босим кишида норозиликка сабаб бўлади. Ахир миллий ғурур қурмағур, агар виждон, адолат туйғулари сенга бегона бўлмаса, бундай пайт тинчлик бермайди. “Сароб” да илк марта бу масалага шоир ўзи ва ўқувчи учун аниқлик киритди. Шоирнинг кейинги шеърларидаги хитоблар: “Ўзбекистон – Ватаним маним”, “Менинг Ўзбекистон – дилбар Ватаним” халқнинг сеvimли канотли сўзларига айланди.

Қасида услубида ёзилган “Ўзбекистон” лирик поэмаси устида Абдулла Орипов узок йиллар тер тўқди. Унинг танланган асарлари I-жилдида қасида сўнггида “1964–70” деган сана қўйилган. Хрушчевнинг мамлакатга илиқлик ато этган йилларида шахсга сизиниш кораланди. Қатор ёзувчи ва шоирлар асарлари аввалгидек тузумга содиқлиги учун эмас, балки юксак бадиийлиги, умуминсонийлик ва миллийликни баланд авжларда куйлай олгани учун Ленин мукофоти лауреатлигига сазовор бўлди. Улар орасида миллий адабиёт вакиллари – Мухтор Аvezов, Расул Ҳамзатов, Чингиз Айтматов, Мирзо Турсунзода бор эди. Абдулла Орипов кўп китоб ўқир, айниқса шо-

ирлар ижодини диккат билан кузатиб борар эди. У Расул Ҳамзатовнинг журъатига, ватани Доғистонни кўйларга кўтаришига хавас билан боқарди.

Бу пайтларда мафкурага бўйсундирилган шеър битишдан бошқасини унутган, катагон йилларида юрагини олдириб қўйган катта авлод етакчи ўзбек шоирларига на севгининг бевафолигини, аламли муҳаббатни, на туғилган она Ватанини баралла куйлашда журъат етишмасди. Минг бор узрхошлик қилиб, улуг совет оиласида Ўзбекистон ва ўзбеклар бахтиёр эканини кимтинибгина эътироф этарди. Шеърларида лирика санъати, сўз жозибаси ва қудрати деярли учрамай қолган, кофиябозлик услубидаги сохта пафос устунлик киларди. Агар бахтсиз севги ҳақида ёзса, пессимист деб ном олишдан, ҳатто бахтиёр совет кишиларига тухмаат қилишдан дея айбланишдан қўрқарди. Улар замон ўзгарганини гўё пайқамагандек эди. Буюк рус оғасини ўхшатиб ёза олса, виждони дуруст бўлишини, Кремль минбаридан сўзлаётганидан чексиз ғурурга тўлганини шеърга соларди.

“Ўзбекистон”да миллий ўзлиқни англаш, тарихийлик ва замонавийлик, тарихнинг аччиқ сабоқларию халқнинг ғурури, умуминсонийлик ва миллийлик, фикр теранлигию эҳтирослар кайноқлиги пайвандланган. Булар қасида шарафига айтилган баландпарвоз мактовлар эмас. Исботи қасиданинг ўзида. Фақат икки парча келтирамиз:

*Боболардан сўз кетса зинҳор,
Бир калом бор гап аввалида.
Осмон илми туғилган илк бор,
Кўрагоний жадвалларида.
Қотил қўли қилич солди маст,
Қуёш бўлиб учди тилла бош,
Дўстлар, кўкда юлдузлар эмас,
У – Улуғбек кўзидаги ёш.
Ерда қолган, о, таним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним...*

Биринчи парча тарихга оид бўлса, иккинчиси халқнинг замонавий ахволи ифодасига оид.

*...Кеч куз эди, мен сени кўрдим,
Деразамдан боқарди биров.
У сен эдинг, о, дехқон юртим,
Турар эдинг ялангтўш, яёв.
– Ташқарида изиллар ёмғир,
– Кир, бобожон, яйрагил биров.
Дединг: – Пахтам қолди-ку, ахир,
Йиғиштирай келмасдан аёз.
Кетдинг, умри маҳзаним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.*

Биринчи парчада Улуғбек образи ўзбек халқи ва Ўзбекистон тимсолига айлан-тирилган, иккинчида халқ ва Ватан ялангтўш дехқон образида гавдаланаётир.

Қасида жами 150 сатрдан иборат. Ҳар 10 сатрлик мисра “Ўзбекистон, Ватаним маним” рефрени билан тугайди. Рефрен 15 марта қайтарилган ва барча мисраларни тематик бирлаштириб, уларга бус-бутунлик, яхлитлик бағишлаб турибди. Такрорланувчи сўз, жумла, сатр – рефрен шарқ ва ғарб шеърлятида азалдан мавжуд. Айниқса, мумтоз адабиётда биз унинг турли-туман шаклларида дуч келаемиз.

Ғазалда радиф, мухаммасда такрорланувчи бешинчи сатр ёки кофия, ғарб шеър-иятида, масалан, сонетлар гулдастасидаги йиғма сонетни ташкил этувчи сатрлар ва бошқа ҳар хил такрорлар, кўшиқларда эса накорат қўлланилади. Бу лирик шеър-иятни мусиқа санъати билан яқинлаштирувчи бадий услубдир.

Мусикада такрорлар, реприза кўпинча нафақат тематик бирлаштирувчи, тизим яратувчилик вазифасини, шунингдек ўзига ҳос ечим, тингловчи онгига сингдирил-диган асосий ғоя вазифасини ҳам ўтайди. “Ўзбекистон – Ватаним маним” рефрени ана шундай шоир томонида ўқувчи онгига сингдирилиши мўлжалланган асосий ғоядир. Ишонч билан айтиш мумкинки, айнан “Ўзбекистон” касидаси Абдулла Ориповни том маънода халқ шоирига айлантирди. Ҳар бир тўйда даврабошилар, албатта, касидадан парча ўкирди. Бирор мактабдаги, ўқув юрти ёки меҳнат жамо-асидаги байрам тантаналари, йиғилишлар касидадан парча ўқилмасдан ўтмас эди. Ватанпарварлик мавзуларига бағишланган талбирларда “Ўзбекистон – Ватаним маним” рефрени қайта-қайта янграйверарди.

Шоирнинг “Онажон” марсияси, “Авлодларга мактуб”, “Аёл”, “Она тилимга”, “Тилла баликча”, севги мавзусидаги шеърлари, “Биринчи муҳаббатим”, “Саратон”, “Минораи Калон тепасидаги лайлак” шеърлари унинг чинакам халқ шоирига ай-ланишини янада мустаҳкамлади. Каттаю кичик, эрақаю аёл, зиёлию оддий дехкон, талабаю ўқувчи, мўмин-қобил ёшлару ҳуқуқбузар безорилар – барча, барча Абдул-ла Ориповни ўзининг шоири ҳисоблай бошлади. Шоир бутун вужуди, қалби, дили, ўй-ташвишлари, орзу ҳаваслари билан халқига, Ватанига сингиб кетди:

*Юртим, сенда экан насибам тугал,
Сен ўзинг масканим, сен ўзинг шоним.
Сен онам, сен синглим, ёримсан, азал,
Эй, жоним, жаҳоним – Ўзбекистоним.*

Ҳақиқий лирик шеър-иятни мусикага яқинлаштирувчи бадий-услубий унсур-лар кўп. Уларни санаб ўтирмаймиз. Аммо Абдулла Ориповнинг кичик лирик по-эмаларини мумтоз мусиқа билан қиёслаб қарасак, қизиқ жиҳатлар очилади.

Лирик поэмалар – бадий тафаккур ифодаси. Ўз тузилмасига кўра, сўз ёрдамида яратилган симфонияга ўхшайди. Симфонизм, яъни симфоник асар асосида ётган мусикий тафаккур ва унинг оҳангларда юзага чиқиши ўзига ҳос хусусиятларга эга. Унда теран мазмунли яхлит, бус-бутун бадий ният (мавзу, ғоя) изчил ўзгаришда (ривожланишда) конфликтли тўқнашувлар орқали очиб берилади. Бунга юқорида кўриб чиқилган “Сароб” мисолида амин бўлиш мумкин. Яхшиси, шоирнинг бошқа бир мукамал асари “Қарши кўшиғи”ни симфоник асар сифатида таҳлил қиламиз.

Адабиётда ва симфонияда воқеа бошланишидан аввалги манзара, ҳолат тасвири экс-позиция дейилади (мусикада шунингдек прелюдия, увертюра атамалари қўлланилади). Экспозиция ўқувчини, тингловчини асар воқеаларини, ғоясини тўғри қабул қилишга тайёрлайди, унда маълум мазмундаги кайфият уйғотади. “Сароб”да экспозиция “Олти ойким шеър ёзмайман, юрагим зада”, деб бошланган бўлса, “Қарши кўшиғи”да:

*Мен бу чўллар қўйнида тугилиб топдим камол,
Кўҳна сардобаларда кўмилиб қолди дардим.*

деган сатрлар билан бошланади. Кўҳна сардобаларда кўмилиб қолган дард сабаблар-рига, оқибатларига, юзага чиқишига, бугунги эврилишларига ўқувчи зимдан тайёр-лаб борилади. Биринчи 12 сатр поэманинг экспозициясини ташкил этади. Экспози-циядан кейин шоир ниятини баён қилади. Энди нияти аввалгидек, “ўзар ва мажнун-

кор” шеърлар битиш эмас, балки туғилган жойи, ота юртининг шарафини куйлаш:

*Мана бу кун, эй юртим, гоз турибман қаршингда,
От айланиб жойини топар, деганлар доим.
Сен ҳақингда шеър битиш шарафи бор бошимда,
Эй сен, саҳройи халқим, эй сен, туғилган жойим.*

Ўз навбатида ушбу сатрлар драматик тугун вазифасини ўтайди. Лекин бу фақат бадий тугун холос, асло муддао эмас. Муддао асар кульминацияси олдидан айтилган. Тугундан кейин, одатда, воқеалар ривож, зиддиятлар, конфликт чуқурлашуви ва кескинлашуви юз беради. Бу сюжети аниқ эпик-драматик асарларга хос. Лирик-драматик асарларда воқеалар эмас, туйғулар, муносабат, кайфият, руҳий ҳолат ривож, зиддияти кучаяди.

*Ким айтади қўйнингда илҳом бор деб доимо,
Хусусан, саратоннинг ёниб турган палласи?
Бир нафас таклифингга таширф этса мабодо
Ҳар қандай шоирнинг ҳам тир бўлар ҳафсаласи.
Бу ерларнинг бори шу: қип-қизил саҳро бари,
Фақат сароб жимирлаб чорлар сирли базмга.
Унча ҳам сулув эмас саҳронинг жонзотлари,
Насрга ярашмаса, ярашмайди назмга.*

Агар асарни симфонияга киёслашни давом этсак, бу сонатавий аллегрони эслатади. Ўқувчиларга ушбу мусикий атамалар тушунарли бўлиши учун уларнинг луғавий мазмунини келтираамиз. Соната умумий бадий мақсад-ла бирлаштирилган бир неча контраст қисмлардан иборат мусикий асардир. Аллегро симфония ёки сонатанинг тез суръатда ижро этиладиган биринчи қисми.

“Қарши қўшиғи”ни шартли равишда бир неча қисмларга бўлиш мумкин. Унинг ҳар бир қисми нисбатан мустақил ва тугалланган. Шундайгина ажратиб олиб, алоҳида шеър сифатида чоп этиш мумкин. Айни пайтда бу қисмлар умумий мавзу ва халқнинг чўлни ўзлаштириш, фаровонликка интилиш орзу-армони билан бирлаштирилган.

Туйғулар, воқеликка муносабат ривож давом этади. Симфонизм қонуниятига кўра, бу шунчаки баён қилиш йўсинида эмас, конфликтли тўқнашувда, контрастли қарама-қарши қўйишлар кўринишида юз бериши лозим. Ҳақиқатан, асарда кетма-кет қарама-қарши, контраст ҳолатлар бир-бирини алмаштириб келаверади:

*Лекин унинг баҳори, о, сен, чўллар баҳори,
Согинтирган онаминг дийдори сендай ширин.
Эрта кун қовжирашдан бўлса ҳам дилда зори,
Лола лаби хандону тубда доғи яширин.
Оёқланган кўзидай доводирар елда майса,
Кўм-кўк мовий осмонда кезиб юрар оқ булут.
Тўрт тараф қисиб келиб, ногоҳон жала қуйса,
Оламга анқиб кетар минг хил кўкат, минг хил ўт.*

Чўлда баҳор тез ўтиб кетади. Манзара, ҳолат ўзгариши нозик, ингичка ва чўзик овозли ғижжаклар, торли асбоблар, най саси ёрдамида эмас, балки энди мисдан ясалган пуфлаб чалинадиган асбоблар, йирик ноғора ва контрабасларнинг гумбурлаган овози билан алмашади:

*Лекин офтоб забтидан қочиб боради баҳор,
Ножуд сайёд дастидан қалби қон оҳу каби.*

*Хайр энди, баҳорим, кўришгунча то дийдор,
Маҳшар келмай юмилди баҳорнинг қақроқ лаби.*

Бирдан оҳанг сокинликка ўтади. Ҳазинликка – минорга кўчади. Ҳазинлик ўқувчи хаёлини узок хотираларни жонлантиришга, рухий безовталликка тайёрлайди.

Асарда яна симфонизм қонуниятини ишга тушади. Маҳзун туйғулар ҳам конфликт-ли тўқнашувда ривожланиши зарур. Минорнинг акси мажордир. Қисқагина мажор сатрлар бу ерда контраст орқали маҳзунликнинг қўламини кенгайтириб, мазмунини чуқурлаштиришга, кульминацияга чиқаришга ёрдам беради.

*Ҳар недан гўзалроқдир балки чўл кечалари,
Уфқлар кафтдек равон, кўк сочган бор бисотин.
Термулсанг кўрингайдур жаннатнинг гўшалари,
Юлдузлар чуғурлашиб сўйлашар тафсилотин.
Сизни жондан севаман, о, юлдузли кечалар,
Кўйингизда ниҳондир сирли ва дилбар хаёл.
Сизни суронли кунлар қўмсаганман нечалар,
Сиз билан танҳоликда сўзлашсам, деб бемалол.*

Ушбу сатрлар, шубҳасиз, мажор оҳангида. Аммо яна мавзу ўзгаради, яна ҳазин сас янграй бошлайди. Бу энди симфониянинг 2-лирик қисмига – андантега ўхшайди. Ҳаракат секинлашди, вариациялар рондо-сонато услубида ижро этилаётир (ёзилаётир).

Рондо бош мавзуга бир неча қўшимча мавзулар қарама-қарши қўйиладиган мусиқий пьесади. Соната ҳақида юқорида гапирган эдик. Умумий бадний мақсад бир неча контрастли қисмларни ўз ичига олади. Рондо-сонато икки жанр услубини бирлаштиради.

*Лекин шаддод ҳаётнинг юлдузда борми иши,
Инсонлар бор – юлдуздан юлдузлар қадар йироқ.
Инсонлар бор – ўзидан бўлак йўқдир таъвиши,
“Савдойи” – деб атайди шоирни улар кўпроқ.*

Ён мавзу ўлароқ инсонларнинг ўзаро бегоналашуви, гўзалликдан йироқлиги, фақат фойдасини, нафсини ўйлаши айтиб кетилмоқда. Ўз навбатида бу бош мавзунини чуқурроқ идрок этишга, унинг нафақат ижтимоий-иқтисодий, шунингдек, ахлоқий-маънавий жиҳатини ҳам ҳис қилишга ёрдам беради.

Лирик чекиниш ҳаёлда ўтмиш хотираларини жонлантиради, синикларини ямайди. Аммо бу чекиниш туйғулар ривожининг, драмасининг муҳим, зарурий ҳалқаси асар композициясида махсус кечиктириб қўлланилмоқда. Аслида мантиқан шу пайтгача тасвирланган, ифодаланган воқеалардан, муносабатлардан олдинда туради.

*Йўл юрсанг ҳар жойларда работлар вайронаси,
Искандар, Қутайбадан қолган сонсиз даҳмалар.
Бу ерларда илк бора янграган Темур саси,
Чингизийлар бошига солиб кўркүв, ваҳмалар.
О, улардан не қолди? Турфа ривоят фақат...
Бирови қурганини бошқаси қилди вайрон.
Вақтинг бемалол бўлиб, сўйлай берсанг ҳикоят,
Ҳаттоки Фирдавсий ҳам боқарди сенга ҳайрон.*

Кўриниб турибдики, шоир бир неча ён мавзуларни бош мавзунини теранроқ очиб бериш учун жалб этмоқда. Бунда у контрастдан, қарама-қарши қўйиш санъатидан моҳирона фойдаланмоқда. Ўтмишга лирик чекинишдан кейин, асар асл муддаосининг баёнига ўтади. Симфониянинг скерцо қисми бошланди (Скерцо симфония,

соната ва квартеталарнинг қисми жонли, шиддатли суръатларда, кескин характерли ритмик ёки гармоник эврилишларни ифодалайди):

*Мен бу кун дўстларимга афсус-надомат билан,
Ерга чўп қадамаган амирлардан сўйлайман...
...Шу боисдан саҳронинг қалбида бир гўр ётар,
У менинг бобом қабри, қизимнинг бобожони.
Ҳар ўтганда руҳимга туганмас қайғу ботар,
Қултум сув ҳасратида узилган йиғит жони.
У бир замон қудуқнинг тубида қолган экан,
Сув кўзин очай деса – босиб қолибди тупроқ...*

Туйғулар, ҳасрат, афсус-надомат кучайиб авжга чиқади. Навбатдаги 12 сатр асар учинчи қисмининг якуни ва бутун асарнинг кульминациясидир.

*Мен унинг набираси, қўлимда қалам билан,
Қалбимда алам билан пойига қўйдим қадам.
Унинг-ку иши йўқдур бу тирик олам билан,
Лекин орзуси бор-ку, ният топмас-ку барҳам.*

Авждан туйғулар ифодаси секин пастга тушади ва асардаги “воқеалар” ривожининг янги йўналишига йўл очади. Асарнинг мазкур қисми якунланади.

*Ҳа, қудуқлар тубида кўмилиб кетмас армон,
Ҳар қандай заволнинг ҳам бордир сўнги, ҳудуди.
Қабрлар тепасида ёнган ўт ҳам беғумон,
Бирорта ўксик қалбнинг чақнаётган умиди.*

Поэманинг кейинги қисми симфониянинг финалига мос келади. У халқимизнинг чўлни ўзлаштириш бўйича орзу-мақсадларини, унинг азму шижоатини, бунёдкорлигини қуйлашга бағишланган. Лекин асарнинг бу қисми жасоратларга тўла меҳнатни улуғлаб қуйлашдангина иборат эмас. Симфонизм қонуниятини шоир интуитив равишда эсдан чиқармайди. У контрастдан, конфликтли карама-қарши қўйишдан воз кечмайди. Лекин бу контрастда энди минор эмас, мажор оҳанги жанр-англиди. Финал ҳам рондо-сонато услубида ёзилган:

*Биз ҳам бир кун ўтармиз бу дунёи қадимдан,
Бизнинг ҳам қалбимизда кетгуси балки армон.
Балки кимдир бизни ҳам хотирлаб қўйса зимдан,
Парчалаб қабр тошин келурмиз ўша замон.*

Ёки бошқа карама-қарши қўйиш қўлланилган мажор сатрлар:

*Мен-ку шеър ёзмасам ҳам саҳроларга сув чиқиб,
Шу буюк мамлакатим обод бўлиши тайин.
Лекин она халқимнинг ўтмишига кўз тикиб,
Келажаги ҳақида ўй сургим келар майин.*

Мазкур сатрлар халқ яратувчилик салоҳиятининг мадҳи билан қўшилиб кетади. Топилган муболағали метофора яна юксакликка, авжга кўтарила бошлайди:

*Иложин топса агар, кетмоннинг дастасин ҳам,
Ерга қараб термулиб, кўкартирувчи бу халқ,
Жазм этса кўкка бўйр жаҳон харитасин ҳам,
Бугун чўлга чиқибди, нияти топсин барҳақ.*

Дарёнинг чиройли образи яратилади. Кейинги сатрларда у ялтираб ётган шамширга ўхшатилади. Жонлантирилиб, тушовидан бўшалган, сарсон чопаетган отга киёсланади. У дарбадар, серхатар, вазмин, кув, ўжар сифатлари оркали таърифланади. Сифатлар контрастли. Бу дарё образининг ҳар хил, ўзаро зиддиятли, аини дамда улуғвор кирраларини, дарёнинг қудратини очиб кўрсатади. Асар шеърий симфоник поэма ўларок, жанр талабига биноан, туйғулар, мулоҳазалар, образлар уйғунлигида якунланади. Дарё билан хаёлан суҳбат қилиб, лирик қахрамон хулоса қилади:

*Ҳа, дайр денгизда якка инсон – зарра қум,
Замонлар соатидан ўтар у қатор-қатор,
Лекин сен борсан, Аму, денгиздай теран руҳим,
Лекин сен борсан, халқим, кўкрагим Помирча бор.*

Бу сатрлар ва кейинги 8-сатр ўзига хос реприза – мавзуни такрорлаб, асл мақсаднинг яна бир жиҳатини ўқувчига етказишдир.

Албатга, Абдулла Орипов симфонияга ёки ундан кичикроқ бир қисмли симфоник поэмага ўхшатиб лирик поэма ёзишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган. Бу аниқ гап. У махсус мусикий билимга эга эмас эди. Симфония таркибий қисмлари, улар қандай аталишини, мусикий терминларни батафсил тизимли ўрганмаган. Тўғри, рубобда айрим куйларни (“Муножот” ва бошқаларни) ижро этишни биларди. Яхши мусикани жону дили билан тингларди. Лекин бадииятнинг баъзи қонунлари шеърият ва мусикий санъат учун умумийдир. Чунки ҳар иккаласи ҳам тасвирий эмас, ифодавий санъат: инсон туйғулари, рухияти ҳолатлари ва эврилишларини куйлайди. Фақат бири сўзлардан, иккинчиси оҳанг, куйлардан фойдаланади. Шу сабабдан анъанавий сюжет унсурлари бўлмаган лирик поэма кўпроқ симфонияга ёки ундан қисқароқ симфоник поэмага мос келади. Шоир ўз ғоясини ифодалашда, мақсад-муддаосини баён этишда бадиий самарали усулни излаб интуитив тарзда топган, яхлит шеърий симфония яратган.

Абдулла Орипов асар устида қаттиқ ишларди, баъзи мисраларнинг ўнга яқин, ё ортик вариантларини синаб кўрарди. “Қарши кўшиғи” ана шундай оғир заҳмат оркали туғилган асардир. Келажакда матншунос олимлар уларни таҳлил қилар. Шунда шоирнинг бадиий-ижодий тафаккури механизми ҳақида ўқувчилар нисбатан аниқроқ тасаввурга эга бўлади.

Мулоҳазалар якунида бир неча фикрни кайд қилмоқчи эдик. Шеъриятни мусиқага киёслаш – қадимдан келаётган анъана. Баъзи халқларда, масалан, хиндларда, ҳатто шеърлар ўқилмайди, балки куйланади. Алишер Навоийнинг 525 йиллигига бағишланган Москвадаги тантанада (1968 й) академик Н. И. Конрад “Хамса”ни яхлит ҳолда симфонияга киёслаб, унинг ҳар бир дostonи симфониясининг қайси жиҳатларига ўхшашини эътироф этган эди. Абдулла Орипов асарларини ғарбий европа мумтоз мусиқа санъатининг муайян жанрига биринчи ўхшатиш устоз Озод Шарафиддиновга тегишли. У шоирнинг “Онажон” марсияси В. А. Моцартнинг “Реквием” асарига бадиий кучи ва қимматига кўра тенгдир, деган фикрни билдирган эди. Менга ҳам унинг лирик поэмалари Моцартнинг 39, 40, 41-симфонияларини, Людвиг ван Бетховеннинг 5- ва 9-симфонияларини эслатади. “Қарши кўшиғи”га хос лиризм уни Моцарт симфонияларига, кўтаринки романтизм руҳи ва шиддатли суръати Бетховен асарларига яқинлаштиради.

Балки, кимгадир Абдулла Ориповнинг лирик поэмаларини симфоник асарга киёслаш сунъий туюлар, эътироз уйғотар. Лекин шоир феноменини, ўзбек шеъриятига қўшган ҳиссасини теран англаб олиш учун унинг бадиий идроки ва тафаккури хусусиятларини ҳар томонлама таҳлил қилиш, янги қиёсий-тарихий, семиотик,

культурологик усулларга мурожаат этиш зарур. Кимдир симфония йирик асар, уни адабиётдаги романга, ёки 4 пардали йирик драмага қиёслаш ўринли, дейиши мумкин. Ҳақиқатан – шундай. Симфониядан ташқари, кичик ҳажмдаги симфоник асарлар бор: симфония-сюита, симфония-фантазия, симфония-поэма, симфония-кантата. Википедияда симфоник поэма ҳақида қуйидаги фикрларни учратамиз: “Симфоник поэманинг асосий қисмини, одатда, турфа характерли эпизодлар занжири ташкил этади. Улар сонатавий аллегро нуктаи назаридан бош партия, кўшимча (ён) партия ва ишланмасига, туркум нуктаи назаридан эса – биринчи (тез), иккинчи (лирик) ва учинчи (скерцо) қисмларига мос келади... Оддий сонатавий аллегрога нисбатан симфоник поэма эпизодлари мустақилроқ ва ички тугалроқдир... Симфоник поэмада эпизодлар ўртасидаги контраст сонатавий аллегрога нисбатан кескинроқ, эпизодлар эса учтадан кўпроқ бўлиши мумкин”.

“Қарши қўшиғи”даги эпизодлар экспозиция ва хотимадан ташқари: а) чўлда баҳорнинг тез ёз жазирамаси билан алмашуви; б) ўтмишни хотирлаш, работлар қолдиғи, “жиловдори бўлмаса, юган тортмаган золим” амирлар; в) қудукни тозалашда тупроқ босиб қолган аждод; г) чўлни ўзлаштиришга жазм этган халқ бунёдкорлиги эпизодларидан иборат. Ҳар эпизодга ички тугалланганлик ва мустақиллик хос. Улар умумий мавзу ва ғоя орқали бирлашиб, узвийлик касб этган.

“Қарши қўшиғи”ни 4 қисмли симфонияга ёки кўп қисмли симфоник поэмага ўхшатиш бўйича узил-кесил қарор қилишни, қиёслашни ўқувчининг ўзига қолдирамиз. Абдулла Орипов ўзбек адабиётини кичик лирик поэма жанрининг турли шакллари билан бойитди: психологик поэма, (“Сароб”, “Баҳор”, “Маломат тошлари”), поэма – қасида (“Ўзбекистон”), дидактик поэма (“Тарбия”), поэма-марсия (“Онажон”), поэма-хикоят (“Ҳангома”, “Шарқ хикояси”), фалсафий поэма (“Тафаккур монолоғи”) ва бошқалар.

Лирик поэма жанри бугунги ўзбек шеъриятида ўз ўрнини топди, у бугун ҳам турли услубларда давом эттирилмоқда. Масалан, Икром Отамуроднинг “Жадвал”, “Балки” асарлари кичик лирик поэмалардир. Фақат уларда Абдулла Ориповдагидек, анъанавий эмас, балки модерн услуби қўлланилган.

Давоми бор



Гулрух ХУДОЁРОВА

Ватан кўз бўлади нур берадиган

* * *

Хато бўлса неки десам, не қилсам,
Омадсизнинг омади ҳеч чопмасми?
Бу дунёнинг энг ёмони мен бўлсам,
Ёмонлар ҳам бир қуни бахт топмасми?

Орзуси бор ҳар қандайн юракнинг,
Орзу қилган юракка ишқ келмасми?
Айтгил, нахот, бўлолмайман керагинг,
Ёмонларни яхши кўриб бўлмасми?

Гар адашсанг юз бурарлар, жимдирлар,
Ёмонларнинг қайғулари дардмасми?
Айбинг билан сева олса кимдирлар,
Айби билан сева билсанг, бахтмасми?

* * *

Меъёри бор қулғуларимнинг,
Чегара бор хатто йўлимда.
Сўзларингни ўйлаб юрибман,
Ортикча сўз олмай тилимга.

Керак эмас қутилмаган ғам,
Керак эмас ортикча тилак.
Қиз боланинг армонлари ҳам
Пок-покиза бўлиши керак.

Ҳамма нарса ўзин ўрнида,
Нолимайман, нима десанг, хўп.
Кечир, фақат менинг кўнглимда
Орзуларим меъёридан кўп.

Гулрух ХУДОЁРОВА – 1991 йил 29 майда Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида туғилган. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбек филологияси факультети адабиётшунослик йўналиши II босқич магистранти. “Истеъдод мактаби VIII” Республика ёш ижодкорлар семинари шиттирокчиси.

* * *

Қанча ишқ уйлари бўлар экан кул,
Дунёда кам экан бахт берадиган.
Меъмор бўлмасам-да, англаганим шул –
Ватан энг яхши жой ишқ курадиган!

Одам бор, ҳаммаси суянч истайди,
Баъзан оз бўлади мард турадиган.
Дўстлар Ватан бўла олгайми, билмам,
Ватан дўст бўлади бахт берадиган.

Қанча кўзлар бордир меҳрдан нари,
Қалблар бор қорани ахтарадиган.
Мен сира зулматни кўрмайман, чунки
Ватан кўз бўлади нур берадиган!

Ватанга қофия излаб юрганлар,
Унга сўз топмади эш бўладиган.
Қофиясиз қилиб айтилса агар,
Ватан муҳаббатдир биз билладиган!

* * *

Термиламан. Бирам чиройли,
Бузилмаган ҳаётини мантик.
Узилади барглари иболи,
Гўзаллик йўқ бундан-да ортик.

Бир тартибда одамлар кезар
Қайғу билан бахт орасида.
Дунё шундай батартиб яшар
Деразанинг ташқарисида.

Ташқаридан тамоман фарқли,
Алғов-далғов бўлган бир юрак.
Тўрт томони аламли, дардли
Хона узра сочилган тилак.

Юрагини андухлар эзар,
Минг қайғу бор кўз қорасида.
Вайрон бўлган битта дил яшар
Деразанинг ичкарасида.

* * *

Бир сўзларки, дилга оғир олдим яна,
Оғирдан қолишмади енгиллари.
Она кишлоқ – менинг онам, сенга она,
Хотиржамми онамизнинг кўнгиллари?

Тандирида ёпган нони қуймадим,
Сўлмадим райхонлари, жамбиллари?
Ёки яна мени эслаб йиғладими,
Хотиржамми онамизнинг кўнгиллари?

Қизи кетиб қолмадим ёлғизланиб,
Эсладим укалари, сингиллари?
Тонгга яқин ухладими кўп ўйланиб,
Хотиржамми онамизнинг кўнгиллари?

Онам билан соғу бемор бўлиб чиқдинг,
Сенга боғлиқ бахту ғамнинг кўп йиллари.
Она кишлок, тушларимга кириб чиқдинг,
Хотиржамми онамизнинг кўнгиллари?

* * *

Боғ енгидан тортиб қўйди куз,
Дарахтларга тушди ҳаяжон.
Сариқ япроқ ерга қўйди юз,
Ўз юртида берган каби жон.

Пишганини англади олма,
Шохдан аста узилиб тушди.
Гул япроғи – кўкдаги кема,
Ерга секин сузилиб тушди.

Пишиб шира олган қовунлар
Дум уздилар тунда пинхона.
Кулча нонлар узилди, ногох,
Пишганини қилиб бахона.

Мен ҳам кузни интиқ кутгандим,
Умидларим кўп эди ундан.
Юрагимни кузга тутгандим,
Узмоқчийдим кўнглимни сендан.


Лекин, сендан дил узолмадим,
Билдим, йўлим айро тушмаган.
Сабабини ҳеч билолмадим,
Балки менинг дилим пишмаган.

* * *

Гулрух Худоёрованинг шеърларини ўқиб, яна кўпроқ шеърлар олиб келинг, деганимда, у шеърлари ҳали камлигини айтган эди. Ўзи кам ёзаман, кўпроқ мутолаа қиламан, деди. Гулрух Худоёрованинг ўзига хос қарашларини, ҳаёт ҳақидаги қузатувларини камгина бўлса-да, дилга яқин ёзилган, айниқса, аёл калбининг сирларини инкишоф этишга уринган шеърларидан англадим. Унинг мухаббат мавзусидаги: “Мухаббатда голиб йўк, унда голиб бўлмайди”; “Ҳар нарсада нарх бўлса, ишқда баланд кетаман”, деган мисралари ёки Ватан ҳақидаги: “Ватан дўст бўлади бахт берадиган”, деган сатрлари ногоҳон кишининг кўнгил оламидаги ҳали ўзи ҳам англаб етмаган туйғулари билан юзма-юз бўлишга ундайди. Ижодкор ижоди билан қалбларга қанчалар иссиқ тафт берса, инсонийлиги билан ҳам шундай таъриф олмоғи керак, деб ўйлайман. Шу жиҳатдан Гулрух Худоёровага ижод оламига ташрифингиз муборак бўлсин, дейман.

*Фароғат ХУДОЙҚУЛОВА,
Ўзувчилар уюшмаси ёшлар билан ишлаш
бўлими адабий маслаҳатчиси*

ИБРАТГА ЙЎҒРИЛГАН ХОТИРАЛАР



Шодмон ОТАБЕК

Тохир Маликнинг “Пўртанали уммонда сузар ҳаёт кайиғи” дея шоирона номланган китобида асосан, икки йўналиш, икки мавзу устувор. Биринчиси – муаллифнинг таржимаи ҳоли, кўрган-кечирганлари, замондошлари ҳақидаги хотиралари, иккинчиси – ёзувчининг сўнги йиллардаги кўпгина асарларида кўп ва хўп қаламга олинаётган мавзу – ахлоқий қадриятлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари.

Маълумки, дидактика Шарқ менталитети, фалсафаси ва адабиётининг муҳим таркибий қисмидир. Бу мавзуда ўлмас асарлар битилган. Асрлар синовидан ўтиб, ҳали-ҳамон таълим-тарбия борасида муҳим қўлланма бўлиб келаётган машхур “Қобуснома” ҳам дидактик асардир.

Мавриди келганда яна бир мулоҳаза. Назаримда, сермахсул, мухлислари беҳисоб адиб Тохир Малик ижоди негадир танқидчи ва адабиётшунос олимларнинг эътиборидан четда.

Адабиётнинг ўзгармас қонуни – гап нима ҳақида ёзишда эмас, гап қандай ёзишда! Жаҳон адабиётининг жуда кўп дурдона асарлари ўша детектив-саргузашт жанрида ёзилгани аён бўлади. Достоевскийнинг машхур “Жиноят ва жазо” романи ҳам соф детектив асар. “Ўткан кунлар”да ҳам детектив лавҳалар бор.

Тохир Малик ахлоқий қадриятлар ҳақида ёзганда, шунчаки умумий мулоҳазалар билан чекланмайди. Ҳамиша камровни кенгрок олади. Мавзунинг атрофлича теран ёритишга интилади ва аксар ҳолатларда мақсадга эришади. Қаламга олинган мавзулар ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайдиган, ҳар бир мўмин-мусулмон билиши лозим бўлган масалалардир. Адиб ўз фикр-мулоҳазаларини асослаш, қувватлантириш, таъсирчанлигини ошириш мақсадида муқаддас “Қуръон” оятларига, маданий меросга, турли ривоятлар, ҳикматларга, мумтоз ва замонавий адабиёт намуналарига мурожаат этади. Айниқса, муқаддас ислом динимизнинг моҳияти, асосий қадриятларини содда, раво ва изчил баён этишга алоҳида аҳамият беради. Демак, ушбу китобни маълум маънода диний, маънавий ва маданий қадриятларимизнинг ўзига хос қомуси дейиш мумкин. Шу аснода адибнинг ўзига хос услуби, бетакрор истеъдоди, қалби, дунёқараши, билим доираси, салоҳияти, донишмандлиги ҳам намоён бўлади. Дарвоқе, донишмандлар фақат ўтмишда ўтмаган. Бу сўзни иккиланмай Тохир Ма-

Шодмон ОТАБЕК – 1946 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини битирган. “Япроқдаги нур”, “Одамийлик синовлари”, “Энг бахтли кун”, “Ширмонбулоқ оқиомлари” каби китоблари чоп этилган.

ликка нисбатан ҳам бемалол қўллаш мумкин. Академик Азиз Қаюмов ўзаро бир суҳбатимизда “Тоҳир Малик бизнинг Толстойимиз” дея адиб ижодига юксак баҳо берганки, самимий бу эътирофда жон бор, албатта...

Юқорида эслатилган китобда тилга олинган масалаларга адиб куйиб-ёниб, астойдил муносабат билдиради, шу боис “дарди”ни китобхонга ҳам “юқтира” олади.

Кундалик ҳаётимизда “ҳалол”, “ҳаром” деган сўзларни кўп эшитамиз. Ўзбек курашининг довруғи туфайли бу сўзлар халқро микёсда ҳам қўлланадиган бўлди.

“Ҳалолга ҳаром аралашаверса, бировнинг ҳақидан қўркув ҳисси танамизни бир марта ҳам жимирлатиб қўймаса, энг ёмони – бу тирикчилик воситасига айланиб улгурган бўлса, биз қандай одам бўлдик?” дея огоҳлантиради адиб.

Ёзувчининг тўғрилиқ, ростлик ҳақидаги мулоҳазалари ҳам диққатга сазовор.

“Инсондаги ажойиб ҳулқлардан бири ростлик – тўғрилиқдир. Тўғрилиқ одамдаги барча ишларнинг тартиб ва маромда кетишини таъминлайди. Тўғрилиқ издан чиқдими, демак, ҳамма ишларнинг тартиби бузилади. Хоҳ катта ва улуг ишлар бўлсин, хоҳ кичкина ва арзимас амаллар бўлсин, агар диққат кўзи билан қаралса, уларда тўғрилиқ йўқ экан, ҳаммаси хароб бўлади. Барча турдаги ишларнинг бари тўғрилиқ билан барқарор, шу ишларни амалга оширувчилар эса тўғрилиқ билан бардам ва устувордирлар. Ҳаётда одамнинг узоқ яшаши эмас, тўғри яшамоғи муҳимроқ”.

Мундоқ қараганда жуда оддий, аммо худди ҳикматдай жаранглайдиган бу доно сўзларнинг маъноси нақадар ҳаққоний ва нақадар ҳаётий! Дарвоқе, адиб илмига ўзи амал қилгани учун ҳам ҳаётда, адабиётда ўз ўрнини топиб, муваффақиятга эришди.

Сир эмас, ҳаётдаги жуда кўп муаммолар тарбиядаги нокисликлар туфайли юз беради. Китобда ушбу муҳим мавзу юзасидан ҳам атрофлича, асосли мулоҳазалар билдирилганки, уларни бефарқ ўқиш мумкин эмас. Адиб гўё китобхонга кўзгу тутади, мавриди келганда аччиқ ҳақиқатларни эсга солиди.

“Илмга интилган киши энг яхши инсондир. ИЛМДАН ЮЗ ЎГИРИШ – ИНСОНИЙ-ЛИКДАН ЮЗ ЎТИРИШ демак. Чунки ИЛМ – ИНСОНИЙЛИК ТЎЖИ ҳисобланади.

...МАЪРИФАТ – ДУНЁНИНГ ЎЗИДА ЖАННАТГА ЭРИШИШ демакдир” (Таъкидлар муаллифники).

Бу ҳикматмонанд сўзларни ҳар бир ўқув даргоҳи пештокига, ҳар бир хонадонга шпор янглиғ ёзиб қўйса бўлади, деб ўйлаймиз.

Илму маърифат борасидаги мулоҳазаларида ёзувчи ноилож чиқарган ушбу ҳукм-хулосага, афсуски, қўшилмай илож йўқ.

“...мен ўзим учун ҳақиқат бўлиб туюлаётган гапни айтишига мажбурман: болаларимизга бўлган муносабатимиз яхши эмас. Биз бу муносабатни тубдан ўзгартирмас эканмиз, келажакда буюк давлат мартабасига етишимиз чўзилиб кетади”.

Дўппини мундоқ олиб қўйиб фикрласак, ёзувчининг гапларида жон бор деймиз. Мен ҳаётда болаларининг таълим-тарбияси билан мутлақо шуғулланмаслиги, бу ишни хотинига юқлаб қўйганини айтиб, мактанадиган кимсаларни биламан. Гумроҳлик шу даражада!.. Беихтиёр Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ҳаётмамот масаласидир” деб айтган пурҳикмат сўзлари эсга тушади.

Маърифатли китобхон, таълим-тарбияга дахлдор ҳар бир одам ёзувчи куюнчалик билан айтган сўзларнинг маъзини чақади ва тегишли хулоса чиқаради.

Тарбиячилар, муаллимлар ёшларга Ватан ҳақида гапирганларида кўпинча умумий, китобий гапларни айтадилар, шу боис сўзларининг таъсири, салмоғи бўлмайди. Ёзувчи бу борада ҳам ибратли мулоҳазалар билдирган.

“Биз Ватанни тинмай мадҳ этишни ватанпарварлик деб ўйлаймиз. Тўғри, мадҳ этмоқ ҳам лозим, аммо бу бир заррадир, холос... Донолар айтадиларки: “Ватанпарварлик – номусли ва назокатли туйғудир. Муқаддас сўзларни эҳтиёт қил,

шамолга совурма. Ватанга муҳаббат хусусида дуч келган ерда оғиз кўпиртирма, яхшиси унинг фаровонлиги ва қудрати йўлида индамайгина меҳнат қил”.

Муаллиф асариде фақат фазилатлар хусусида эмас, хиёнат, лафзсизлик, ялқовлик, ёлғончилик каби қусурлар борасида ҳам батафсил сўз юритади.

Китобда диққатни жалб киладиган яна бир фазилат кўзга яққол ташланиб туради. Ҳар кун, ҳамма ерда эшитиб юрганамиз мақол, ҳикматлар замиридаги теран маъноларни адиб китобхонга содда тилда, мағзини чакиб, қайтадан “таржима” қилиб бераётгандек туюлади. Асарни варақлашда давом этамиз:

“Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат”, деган мақол оддий гапга ўхшайди, бироқ шу ҳикматнинг замирида улуг бир ҳақиқат мавжуд: халқнинг фасодга берилиши буюкларга ҳурмат, кичикларга муҳаббат кўрсатмасликдан бошланади”.

Тоҳир Малик китобда тилга олинган масалаларни бевосита ҳаёт йўлида қузатган ёки ўз бошидан кечирган воқеалар мисолида жонли, кизиқарли тарзда баён этгани асарнинг муҳим фазилатларидан биридир.

Энди, китобдаги иккинчи йўналиш хусусида кенгрок тўхталиш жоиз. Асардаги дидактик йўналишни мутлақо камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, муаллифнинг бевосита таржимаи ҳоли билан боғлиқ бўлган иккинчи йўналиш китобхонни янада кўпроқ кизиқтириши табиийдир.

Машҳур кишилар ҳаёти, туриш-турмуши ҳамиша кўпчиликда қатта кизиқиш уйғотган.

Мемуар адабиётга қизиқиш ҳамиша қучли бўлган. Бизда бу жанрда сўнгги йилларда бирмунча жонланиш кузатилмоқда. Тўғри, медалнинг икки томони бўлганидек, олиб-югуриб, ўзи ҳақида китоб ёзишни, аниқроғи, ёздиришни уддалаётган олғирлар ҳам йўқ эмас.

Тоҳир Маликнинг китоби аввало самимийлиги, воқеа-ҳодисаларга ҳолис ёндашгани ва улардан ибратли маъно чиқара билгани билан эътиборга моликдир.

Адибнинг севиқли устози, раҳматли Асқад Мухторнинг “Ёзувчининг таржимаи ҳоли қанчалик бой бўлса, шунчалик яхши” деган ибратли бир ўғити бор. Сир эмас, ёзувчи асосан ўзини, кўрган-кечирганларини ёзади.

Тоҳир Маликнинг отаси Абдумалик ака ва онаси Санобар аялар (Оллоҳ уларни ўз раҳматига олган бўлсин) ҳалол, имон-этиқоди бутун инсонлар эди. Улар оиланинг кенжаси Тоҳирни ҳам ўзларидай ҳалол инсон қилиб тарбиялайдилар. Бўлажак адиб кичиклигидан меҳнатдан бўйин товламай, астойдил ҳунар ўрганади, оиласига баҳоли қудрат ёрдам беришга тиришади, китобга, бадиий ижодга меҳр қўяди. Ёзувчи китобда ўз оиласи, онаси, қатта бобоси Исмоилхўжа шажараси ҳақида юксак ҳурмат-эҳтиром билан ёзади.

Эллингинчи йилларда мактаб ўқувчиси бўлган ёш Тоҳирнинг “Гулхан” журналида кичик бир ҳикояси чиқади. Ҳар бир қаламкаш учун биринчи асарнинг қувончи, завқи, нашгу намоси бекиёсдир.

“Ҳикоянинг чиқиши мен учун улуг шодлик эди, ҳозир қатта-қатта китобларим чиқса ҳам ўшандай қувонмайман” дея эслайди адиб.

Мактабни битирган ёш Тоҳир университетнинг журналистика факультети, кечки бўлимига ўқишга кириб, кундузи қурилишда ишлайди. Дурадгорлик ва қурувчилик касбининг сир-асрорларини янада пухтарок эгаллайди. Кейинчалик, ёзувчи сифатида танилиб, турли тахририятларда ишлаб юганида ҳам мабодо ишдан кетсам, тирикчилигим нима бўлади, дея ортиқча ташвишланмаган. Индамай, ранда, тешасини олиб, ҳунари орқасидан рўзгорини тебрата олиш имконияти борлигидан хотиржам эди.

Журналистика факультетининг кечки бўлимида адабий учрашувлар деярли ўтказилмасди. Ёш қаламкаш эълонлар тахтасини қузатиб, кундузги бўлимда уюштириладиган тadbирларга борган, таникли, номдор адибларни кўрган, суҳбатларидан баҳраманд бўлган.

Ёзувчи ҳарбий хизматда юрганида Тошкентнинг Навоий кўчасидаги таниш иморат сурати кўлига тушиб қолади. Шунда у суратнинг тагига “Навоий кўчаси – 30-уй” – мен туғилган уй” деб ёзиб қўяди. Дарҳақиқат, кўпчилик ижодкорлар учун таниш ва қадрдон бўлган бу кутлуғ масканда Тоҳир Малик ёзувчи сифатида туғилган, у кўп йиллар хизмат қилган “Ленин учкуни” газетаси (ҳозирги “Тонг юлдузи”), Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, “Чўлпон” нашриёти, Маданият вазирлиги шу бинода жойлашган эди. Бу табаррук даргоҳ ҳар бир ижодкор ҳаётида муҳим аҳамият касб этувчи адабий муҳитнинг қайноқ ўчоғи эди.

Тоҳир Малик таржимаи ҳолида кўзга яққол ташланадиган яна бир ҳолатга алоҳида тўхталиш жоиз. Маълумки, мустақилликдан илгари газета, журналлар санокли бўлгани боис тахририятларга ишга кириш осон бўлмаган. Айниқса, шоирларни ишга масъулиятсиз бўлишди дея ишга олишмасди. Тоҳир Малик эса ёзувчи сифатида анча-мунча танилгани ва ишга масъулият билан ёндашгани учун харидорлари кўп бўлган. Аммо бир жойда узок ишламаган. Радионинг ўзига уч марта, “Шарқ юлдузи” журналига ҳам уч марта қайта-қайта ишга борган. Шундай маҳалда мен уни учратиб қолсам, (биз у билан тенгдошмиз) “Мавлоно, меҳнат дафтарчангиз неча том бўлди ўзи?” дея ҳазиллашиб кўярдим.

Ёзувчининг тез-тез ишини ўзгартириши – ишни эплоймаслиги ёки одамлар билан чиқишмаслиги тўфайли эмас эди. Хотиралар китобида тўғрисиўз адиб ўзининг айрим камчиликларини ҳам очик ёзади. Унинг кўнгли нозик эди, биронтаси бир оғиз ноҳўя гапирса ёки ноҳақ хафа қилса, ҳамма нарсдан ҳафсаласи пир бўлиб, ол ишингни дея кетворарди. Адолатни тиклаш учун курашмасди, иродасизлик қиларди. Бу иши яхши эмаслигини китобда ўзи ҳам эътироф этади. Умуман, ёзувчи китобида айрим хотираларда бўлганидек, ўзини идеаллаштирмайди, фаришта қилиб кўрсатмайди.

“Ўсмирлик чоғим фаришта эмас эдим, то шу ёшга етгунимга қадар ҳам бу мартабага даъво қилмаганман. Бошқаларда бор камчилик каминида ҳам озми-кўпми бўлган, ҳозир ҳам мавжуд” дея эътироф этган муаллиф ўз камчиликларига танқидий назар билан қарай олган ва улардан қутулишга ҳаракат қилган.

Китобда диққатга сазовор яна бир муҳим ҳолат ҳақида тўхталмоқчиман. Тоҳир Малик “Ёшларимиз тарихни яхши билмасалар керак” дея яқин ва узок ўтмишдаги айрим воқеаларга ўз муносабатини билдириб ўтадики, бу ҳам жуда муҳимдир. Собик шўро давридаги адолатсизликлар, қусурлар ҳақида ёзаркан, ўз даврида кўп тилга олинган “қайта қуриш” сиёсатини истехзо билан “қайта бузиш” деб атайди. 1966 йили бўлган Тошкент зилзиласи муносабати билан юзага чиққан ўзгаришлар, қизил империянинг айрим найранглари ҳақидаги асосли мулоҳазалар ҳам китобхоннинг яқин ўтмиш ҳақидаги тасаввур, тушунчасини бойитади.

Китобда муҳим тарихий воқеалар, буюк сиймолар ҳақида мухтасар маълумотлар берилган. Сталиннинг қатағон сиёсати қурбони бўлган жадидлар – Мунавварқори, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Чўлпон, Усмон Носирларнинг аянчли ҳаёт йўли, тортган азоб-уқубатлари ҳақида қон ютиб ёзилган битикларни ўқиган китобхон қалби ларзага келади. Адиб жадидлар фаолиятига алоҳида ихлос билан қарайди, улар ҳақида қаттароқ асар ёзишни режалаштирганини баён қилади.

Тоҳир Малик ибратли ҳаёт йўлида яхшига ҳам, ёмонга ҳам кўп йўлиқади. Меҳрибон устозлари – Мирзақалон Исмоилов (адибнинг туғишган тоғаси), Қуддус Мухаммадий, Асқад Мухтор, Носир Фозилов, замондош ижодкорлар – Омон Мухтор, Шукур Холмирзаев, Машраб Бобоев, Рауф Парфилар ҳақида, уларнинг бетақрор ижоди, инсоний фазилатлари ҳақида самимият ва ҳолислик билан ҳикоя қилади, *“Ижод оламида топган акаларим ҳақидаги хотираларни мен “У тирик!” деган ишонч билан ёзаман”* дейди адиб. Балки ана ўша ишонч меҳр, соғинч туйғуси билан омухта бўлгани боис муаллиф ҳамнафас бўлиб яшаган замондошларининг сиймосини уста мусаввир янглиғ бир-икки чизги билан ёрқин гавдалантира олган.

“Асқад ака (Асқад Мухтор – Ш. О.) ярим асрдан ортиқроқ умрларини адабиётга бердилар. Асқад ака ва у кишининг тенгдошлари ижоди ҳақида гапирилганда муҳим бир ҳақиқатни четлаб ўтмаслик керак. Улар адабиётга ҳавас қўйиб, ижод сирларини ўрганаман деб аҳд қилишганда бу олам чаман эмас эди, бўстон эмас эди. Бўстонга аямасиз оралаб, чаманларнинг эконига қасд қилган даврлар эди”.

“Ўзувчилар орасида Шукр акадай (Ш. Холмирзаев – Ш.О) инжиқ одам йўқ. Мухаррир сифатида бошқаларнинг асарларига қандай инжиқлик билан талаб қўйсалар, ўзларининг романларига қўядиган талаблари янада кўпроқ эди”.

“Қисман тўғри гапириш ҳақиқат эмас... Не бахтки, Рауф Парфи қисман тўғри гапирадиганлардан эмас”.

“Машираб Бобоевга унвоннинг энг зўри берилган, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган яхши одам” деган унвон сизни қониқтирадим?”

“Ўлмас ака (Ў. Умарбеков – Ш. О.) ҳаётда самимий бўлганлар, атрофдагиларга ишонганлар, одамларни тоифаларга, навларга ажратмаганлар. У кишининг энг севган сўзлари – “АЗИЗИМ” эди”.

“Гулистон”да (“Гулистон” журналида – Ш. О.) Анвар Эшонов билан ишладим. Анвар ака назмда эмас, публицистикада ҳам маҳоратли эдилар. Агар ялқовликларини энга олганларида адабиётимизнинг сардорларидан бири бўлишлари аниқ эди”.

“Тоғай Мурод бир неча йил илгари эълон қилган дастлабки қиссасида ҳам, ҳикояларида ҳам оддий халқ ҳаётини яхши билишини, урф-одатлар билимдони эканини намойиш қилган эди... У ҳеч қайси тенгдошига хос бўлмаган бир услубда ёзади”.

“Мен шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф эгаллаган илм даражаси не қадар улуг экани хусусида сўз айта олмайман... Устоз Алоуддин Мансур суҳбатларимиздан бирида: “Агар бугунги Ислом оламида ўнта улуг олим бўлса, биттаси шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, бешта бўлса, шуларнинг пешқадамларидан, иккита бўлса, биридир”, – дегандилар.

Асқад Мухтор бош муҳаррир бўлган “Гулистон” журнали таҳририятида бир гуруҳ истисноддори ижодкорлар меҳнат қилгани, уларнинг иш услуби, бу даргоҳда шаклланган ажойиб таҳрир мактаби, журналнинг республика маънавий ҳаётида нуфузли аҳамият касб этгани соғинч ва эхтирос билан ҳикоя қилинади.

“Гулистон” мен учун унутилмас, қийслаб бўлмас бир мактаб бўлди. Ҳатто кўнгилни хира қилувчи воқеалар, гаплар ҳам ибрат мактаби эди” деб ёзади адиб. Айни чоғда ушбу хотираларда нима учун эндиликда мохир, зукко муҳаррирлар, ноширлар кам, нега айрим нашрларда хатоликлар кўп, таҳрир маданияти заиф деган долзарб, муҳим муаммоларга ҳам жавоб айтилгандай...

Олтмишинчи йилларда ҳукуматнинг ўзувчиларга қандай муносабатда бўлгани, театр санъатидаги муҳим воқеалар (адиб ўша кезлар Маданият вазирлигида Бош муҳаррир вазифасида хизмат қилган – Ш. О.) ҳақида маълумот беради. Шу асно ўша даврдаги адабий муҳити борасида китобхон тасаввурини бойитади. Адабиёт илмида аллақачон ўз баҳосини олган айрим сиймолар ҳақида танқидий мулоҳазалар билдиришга журъат этади. Масалан, Абдулла Қаҳҳорнинг юксак санъатини тан олган ҳолда, ижодининг айрим кирраларини танқид қилади. Тўғри, бундай “шартакилик” айрим қаҳҳоршуносларга ёқмаслиги мумкин. Аммо адолат юзасидан айтганда, адабий карашлар догма эмас, ҳар ким ўз фикрини айтишга ҳақли.

Эндиликда яқин ўтмишдаги, аниқроғи, XX асрдаги адабий меросга муносабат жиддий муаммо бўлиб турибди. Энг яхши, ҳолис ҳакам – давр синови. Бу имтиҳондан ўтолмаган асарлар унутилмоқда. Бундай асарлар ўз даврида ҳам жиддий танқидларга учраган эди. Хўш, ундай бўлса, нега улар чоп этилган? Бундай оғриқли саволларга жавоб бераркан, муаллиф танқид маданиятини, назокатни унутмайди.

Ёзувчининг номини янада машҳур қилган, қисқа бир вақтда қайта-қайта босилган асар – “Шайтанат”нинг ёзилиш тарихи китобхонларни кизиктириши табиий эди. Адиб хотиралар китобида бу истакларни ҳисобга олиш баробарида, “Ҳикмат афандининг ўлими”, “Фалак”, “Бир кеча, бир кўча”, “Чорраҳа”, “Иблис девори”, “Одам ови”, “Мурдалар гапирмайдилар”, “Самум”, “Алвидо, болалик...” каби асарларининг яратилиш тарихи ҳақида кизикарли маълумотларни баён қилади. Бу самимий ҳикоялар адибнинг адабиётдан ўз ўрнини топиш учун астойдил интилгани, истъдод интизомли меҳнат билан уйғунлашса саъй-ҳаракатлар яхши самара беришини кўрсатади.

Хотираларда китобхонни андак ажаблантириши, хайратга солиши мумкин бўлган айрим тафсилотлар ҳам йўқ эмас. Сир эмас, содда китобхон ёзувчи халқини салкам фаришта ҳисоблайди, шундай ҳисоблашга ҳақли ҳам. Аммо ҳаёт жуда мураккаб, ёзувчи халқи ҳам хом сут эмган оддий банда.

Тоҳир Малик турли таҳририятларда нуфузли вазифаларда хизмат қилганида ҳар хил тоифадаги одамлар билан ишлашига тўғри келган. Бу ҳақда шундай ёзади:

“Мақтанишга йўйманг-у, камина қаерда ишламасин, ходимларга меҳр билан муомалада бўлардим, фақат яхшилик қилишни ўйлардим. Лекин хизмат вазифасини бажариш бобида қаттиққўл эдим”.

Тоҳир Малик Ёзувчилар уюшмасида ва “Ёшлик” журналида ишлаган кезлар ушбу қутлуг даргоҳларга тасодифан келиб қолган, ҳақиқий адабиётдан йироқ бўлган айрим кишиларнинг тазйиқи – ҳужумига дуч келган. Уларнинг турли ноқонуний ишларига, ўғирликларига изн бермаган. Натижада ғаламислар турли йўллар билан адибни ишдан кеткизмочқи бўлишади. Бу ҳақда афсус ва изтироб билан ёзишга мажбур бўлган адиб гап эгасини топар дея ғаламисларнинг асл исми шарифини очик айтмайди. Тафсилотларни холис, адолат билан баён қилади.

“...ҳаётда нохуш воқеаларга дуч келган ёшларга ибрат бўлармикин, деб бир чимдимгинасини қозоғга туширдим. Агар чегарадан чиққан бўлсам, узримни қабул этинг” дейди. Китоб охирида эса ўзига ёмонлик қилган кимсаларнинг гуноҳидан ўтганини изхор этадики, бу ҳам бир ибратдир.

Ҳар қандай мемуар асарда муаллиф истайдими, йўқми, ўзининг портретини, характерини ҳам яратади. Китобхонлар шу маҳалгача Тоҳир Маликни баркамол асарлар ёзган машҳур адиб сифатида билишар эди. Мана энди улар адибнинг оиласи, шажараси, шахсияти, феъл-атвори, ижодхонаси, асарларининг яратилиш тарихи, у яшаган даврнинг муҳим хусусиятлари, адабий муҳити, замондошлари билан ҳам яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Асарнинг қиммати ҳам шундадир.

Тоҳир Малик асарларини таҳлил қилганда адиб услубининг ўзига хослиги, бетакрор оҳанги, самимияти, раволиги, тилининг ширадорлиги, бекиёс юмори ҳақида сўзламаслик мумкин эмас. Айниқса, китобхонга завқ-шавқ берадиган ажойиб ҳазил-мутойибалар (“Дўрмон хангомалари”, “Тоҳир Малик бир қуни...” китобларимда бундай хангомалардан намуналар берилган) асарга алоҳида жозиба бахш этган.

Китобда баҳсли ўринлар ҳам йўқ эмас. Тақрорлар учрайди. Айқинчи китобнинг “Сароб” деб номланиши мантқан тўғри эмасдай... Шунингдек, айрим тафсилотлар ҳаддан зиёд чўзилиб кетган. Адиб буни ўзи ҳам сезган шекилли, аҳён-аҳён китобхонни толиқтириб қўйгани учун узр сўрайди. Бу қамчиликлар асарнинг умумий қиммати пасайтиролмайдми, албатта.

Оммавий маданият никоби остида турли бало-қазолар ҳар томондан хуруж қилиб келаётган бир даврда маънавиятимизнинг янада баркамоллашувига хизмат қиладиган, тарбиявий аҳамияти юксак мақомда бўлган шундай керакли китобнинг ёзилиши айни муддаодир.

ШЕРОЗ АДАБИЙ МУҲИТИДА ТУРКИЙ ШЕЪРИЯТ



Мўминжон
СУЛАЙМОНОВ

Тарихий манбалардан маълумки, 1409 йилда Амир Темурнинг тўнғич ўғли Шохрух мирзо ҳукмдорликни қўлга киритгач, пойтахтни Хуросоннинг маркази Хиротга кўчиради. Шу йили Темурнинг набираларидан бири Искандар Султон Форс ўлкаси маркази Шерозга ҳукмдор бўлади ва 1414 йилгача фаолият кўрсатади, шунинг учун уни Султон Искандар Шерозий деб аташган. “Махзан ул-асрор” дostonининг муаллифи Ҳайдар Хоразмий айнан Султон Искандар хомийлигида ижод қилганлиги Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасидан маълум: “Султон Искандар Шерозий ҳам набирадур. Салтанат тажаммулини, дерларким, салотиндин ўзи онча қилмиш бўлғай. Етти ё саккиз йиллик салтанатида гўёки уч ганж топибдур. Мавлоно Ҳайдар туркигўй, анинг модихи экандур”¹. Шу ўринда Навоий такқослаш учун Ҳайдар Хоразмий маснавийсида бир байтни ва Султон Искандарнинг туюғини келтиради ҳамда Султон шеърини турконарокдур, деб баҳолайди:

*Тўлин ойга нисбат этдим ёруми,
Ул хижолатдин кам ўлди ёруми.
Тори мўюнгнинг закотин мен берай,
Ё Мисрни, ё Ҳалабни, ё Руми².*

Ҳайдар Хоразмий каламига мансуб “Гул ва Наврўз” дostonи Мавлоно Лутфийга нисбат бериб келинган эди, 1996 йилда Шайх Аҳмад Тарозийнинг адабиётшуносликка оид “Фунун ул-балоға” асари топилгач, бу масалага ҳам аниқлик киритилди³.

Искандар Султондан сўнг 21 йил давомида Шерозда Шохрух мирзонинг кичик ўғли Иброҳим Султон (1394–1435) ҳукмдорлик қилди. Иброҳим Султоннинг ҳукмдорлик даврида ҳам илм-фан ва бадий ижод тараққий этган. Султон давридаги адабий-маданый ҳаёт ҳақида матншунос ва манбашунос олим Жалолиддин Жўраев мақоласида кенг маълумот берилган: “Иброҳим Султон хомийлигида туркий ва форсий адабиёт-

¹ Навоий, Алишер. “Мажолис ун-нафоис”// МАТ, 13-жилд. – Тошкент: Фан, 1997. 165-бет.

² Ўша бетда.

³ Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асари Эргаш Очилов томонидан нашрга тайёрланиб, “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг 2001–2002 йиллардаги сонларида эълон қилинган.

Мўминжон СУЛАЙМОНОВ – 1962 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида таҳсил олган. Ҳозирга қадар 200 га яқин илмий, илмий-услубий, илмий-оммабоп мақолалари, “Ўзбек халқ озгаки ижоди” ҳамда “Мунаввар тонг кўшиги” (К. Тўлабоев билан ҳамкорликда) рисоалари нашр этилган.

нинг ажойиб намуналари яратилди ва нодир нусхалари кўчирилди. Унинг ҳукмдор ва ижодкор сифатида мунтазам адабий анжуманлар ўтказиб турганлиги ҳам маълум⁴.

Шарафиддин Али Яздий темурийлар тарихи ёритилган “Зафарнома” асарини Иброҳим Султоннинг топшириғига биноан ёзиб тугатган.

Машхур шоир Ҳофиз Шерозий туфайли Шероз шоирлар юрти сифатида машхур бўлди. Унинг ижоди бутун Шарқ халқлари адабиётига жуда катта ижобий таъсир кўрсатганлиги тарихий манбалардан яхши маълум. Бинобарин, шоирдан кейин кўплаб ижодкорлар Ҳофиз тахаллусини қўллаганлари ҳам бу таъсирнинг нечоғлик кучли бўлганлигини кўрсатади. Профессор Ҳамид Сулаймоннинг таъкидлашича, Ҳофиз номли шоирлар бўлганлиги ҳам табиий. Аммо уларнинг бирортаси туркий тилда ижод қилганлиги маълум эмас эди. 1975 йили Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги Салоржанг музейидан туркий тилда шеърлар ёзиб девон тартиб қилган шоир Ҳофиз Хоразмий қўлёзма девонининг топилиши бу масалага аниқлик киритди.

Иброҳим Султон саройида туркий тилда ижод қилувчи шоирлар ҳам бўлганлигини, айнан, Ҳофиз Хоразмий девонидаги қимматли маълумотлардан билиб оламиз.

Ўша даврда шоир девонининг топилиши, таркиби, жанр хусусиятлари, айрим бадий ўзига хосликлари ҳақида бир қатор мақолалар эълон қилинди⁵. Бу адабий мерос бир неча нашрлар орқали оммалаштирилди, ҳатто маълум қисми рус тилига таржима қилинди ва тўплам ҳолида нашр этилди⁶.

Демак, Иброҳим Султон ҳукмдорлиги даврида шоирлар юрти Шерозда туркий тилда ижод қилиш давом этган ва туркигўй шоирлар рағбатлантирилган.

Бу фикрларни хоразмлик Ҳофизнинг қуйидаги байтлари ҳам тасдиқлаши мумкин?

*Гулистон юзли, эй соқий, санинг ишиқинг манга жондур,
Ичалим боданиким, даври Иброҳими Султондур...
Саноу ҳамд этадур яратқан биру борингга,
Ўшул султон замонинда бу Ҳофизким газалхондур⁷.*

Ҳофиз Хоразмий девонда жами тўққизта қасида бўлиб, уларда ҳам шоир таржимаи ҳолига оид қимматли маълумотларни учратамиз. Зеро, олтинчи ва еттинчи қасидаларда шоирнинг тахаллуси ҳамда нисбаси келтирилган:

*Вилоёту каромату карам ўзиндин издаю,
Бўлубоур Ҳофизи Хоразмий жони била Кирмоний⁸.
Иноят бирла сўз бобинда ёрий кўргузур бўлса,
Ошургай Ҳофизи Хоразмий шеърин фарқ иуародин⁹.*

Юқоридаги қасидаларнинг келтирилган байтларидан кўриниб турибдики, шоирнинг тахаллуси Ҳофиз, нисбаси Хоразмий бўлган. Бошқа шеърларининг ҳаммасида тахаллус сифатида фақат Ҳофиз сўзи келтирилган, аммо бошқа бирор ўринда Хоразмий нисбаси қўлланмаган.

Шоирнинг исми Абдурахим эканлигини девондаги олтита форсча¹⁰ ва 199-ўзбекча газалдан билиб оламиз, чунки Раҳим ёки Абдурахим хали ўзига муқим

⁴ Жўраев Ж. “Ўзбек адабиётидаги илк марсия” “Шарқ юлдузи” журнали 2015 йил 6-сон. 10–21-бетлар.

⁵ Хоразмий, Ҳофиз. Шеърятидан намуналар. //Адабий мерос, 1978. №3. – Б.23-44. Хоразмий, Ҳофиз шеърятидан. – Тошкент: Ўз КПКМ нашрети, 1980. – Б.120.

⁶ Из лирики Хафиза Харезми. – Ташкент: Изд-во ЦККП, 1981. – С.120.

⁷ Хоразмий, Ҳофиз. Девон. 1-китоб. – Тошкент: Ўз КПКМ нашрети, 1981. 112-бет.

⁸ Хоразмий, Ҳофиз. Қўлёзма фотокопияси. – Б.78.

⁹ Хоразмий, Ҳофиз. Қўлёзма фотокопияси. – Б.82.

¹⁰ Хоразмий, Ҳофиз. Қўлёзма фотокопияси. – Б. 83. шоирнинг форсча газаллари Девоннинг 1981 йилги нашрига киритилмаган.

тахаллус танламаган шоирнинг исми бўлиши мумкинлигини профессор Ҳамид Сулаймон ҳам таъкидлаб ўтган¹¹.

*Хос ўз қулига лутф этиб раҳм қилса ёр,
Мухлису қадимий қул анга Абдурахим эрур¹².*

Шоирнинг Хоразмда туғилганлиги, ҳатто она юртидалигидаёқ машҳур бўлганлиги бир неча фахрияларида кўзга ташланади:

*Тенг бўла билмас эди Ҳофиз била Хоразмда,
Туркий айта тирилур бўлса бу дамда Санжарий¹³.*

Ёки:

*Ҳофиз, санинг қадрингни гар Хоразм аҳли билмаса,
Азми Ироқ айлаб равон, оҳанги Шероз этгасен¹⁴.*

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, шоир қандайдир сабабларга кўра Шерозга боришни орзу қилган ёки шунга мажбур бўлган. Бу фикримизга қуйидаги байтлар далил бўлади:

*Шерозий туркларга элтунг бу шеърниким,
Сурдум бу тавр узра Ҳофиз бикин каломе¹⁵.*

Балки Абдурахимнинг урушлардан холи Шерозга бориб ижод қилиш мақсади бўлгандир. Балки ўзи ҳавас билан таҳаллусини қабул қилган ва устоз деб билган Ҳофиз Шерозийнинг юртига боришни, у ерда шоир билан учрашишини ният қилгандир. Бирок икки Ҳофизнинг учрашганига ҳеч қандай ишора йўқ. Айни пайтда, туркий шеърятда шерозлик Ҳофиздек бўлишни даъво қилиш ҳамманинг ҳам кўлидан келавермаганлигини ҳам таъкидлашимиз зарур. Ҳазал мулкининг султони Алишер Навоий ўзининг ғазал жанридаги устозлари ҳақида фикр юритиб, Хисрав Дехлавий, Абдурахмон Жомийлар қаторида Ҳофиз Шерозийни ҳам тилга олганлиги маълум.

Хоразмлик туркигўй Ҳофизнинг ҳаёти, девонининг қачон тузилгани ҳақида нисбатан аниқроқ хулосаларни унинг девонидаги ягона марсияни ўрганиш орқали ойдинлаштириш имкониятига эгамиз. Шоир девонининг кашшофи профессор Ҳамид Сулаймоннинг фикрига кўра бу марсия дастхати бошқа шеърларникидан фарқ қилади¹⁶.

Марсиядан маълум бўлишича, шоир 1435 йилда ҳаёт бўлган, шу йил Шероз ҳукмдори Иброҳим Султон вафот этганда, у Султоннинг вафотига атаб марсия ёзади. Марсия 93 байт (186 мисра)дан иборат бўлиб, рамал (фоилотун фоилотун фоилотун фоилун) баҳрида ёзилган. Марсия 10 байтлик 9 та ғазал шаклини эслатади. Фақат шуни таъкидлаш керакки, 7-банд 12 байт, 8-банд эса 11 байт. Айтиш мумкинки, шоир таркиббандга ўхшаш шаклини танлаган. Марсия жанр талабларига риоя қилинган ҳолда маҳорат билан битилган бўлиб, шундай бошланади:

*Бу вафосиз фони оламда бақони издаманг,
Дарди жонга эмдидин сўнгра давони издаманг¹⁷.*

¹¹ Хоразмий, Ҳофиз. Девон. 1-китоб. 1981. 6-бет.

¹² Хоразмий, Ҳофиз. Девон. 1-китоб. 1981. 6-бет.

¹³ Хоразмий, Ҳофиз. Девон. 2-китоб. 1981. 226-бет Шоир тилга олган Санжарий ким эканлигини аниқлай олмадик.

¹⁴ Хоразмий, Ҳофиз. Девон. 2-китоб. 1981. 72-бет.

¹⁵ Хоразмий, Ҳофиз. Девон. 2-китоб. 1981. 232-бет.

¹⁶ Хоразмий, Ҳофиз. Девон. 1-китоб. 1981. 10-бет.

¹⁷ Хоразмий, Ҳофиз. Қўлёзма фотокопияси. – Б.52.

Марсия куйидаги байт билан якунланади:

*Мустажоб айлаб Ҳофизнинг дуосин, эй Карим,
Раҳматингдан бер улуш сансан чу Раҳмону Раҳим!*¹⁸.

Профессор Ҳамид Сулаймон бу марсия бошқа дастхат билан кўчирилиб девонга кейин кўшилганлиги сабабли, девон кўлёмаси автограф бўлиши мумкин, деган кимматли фикрни билдирган¹⁹.

Бинобарин, шоир девони 1435 йилга қадар тартиб берилган деб хулоса чиқарамиз. Шу ўринда шоирнинг марсияси туркиялик олим Режеп Топарли томонидан 1998 йил Анкарада нашр эттирилган Ҳофиз Хоразмий девонида эълон қилинганлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқ жоиз²⁰.

Шоирнинг марсияси 2015 йилда Жалолиддин Жўраев томонидан “Шарқ юлдузи” ва “Шарқшунослик” журналларида эълон қилинди²¹.

Ҳофиз Хоразмий марсияси 1435 йилда вафот этган темурий шахзода Иброҳим Султонга бағишлаб ёзилганлиги куйидаги мисраларда яққол билиниб туради:

*Фатҳу нусратлиғ ул Иброҳим Султон қандадур,
Ким фироқи заҳмидин ҳоли жигарлар қондадур.
Қурратул-айни шаҳаншоҳ Шохруҳ хоқон қани,
Молики мулки Сулаймон соҳиби фармон қани?*²²

Шунингдек, шоир Иброҳим Султоннинг Абдулло отли ўғли борлигини айтиб, Султонни эслаганда шахзодани ёд қилиш, хабар олиб туришни айтади.

*Чун эрур шахзода Абдулло ўзиндин ёдгор,
Топмасангиз ўзини қойим мақомин ёд этинг.
Ашнуғи шахзодау шахларни аторгон аро,
Одил Иброҳим Султоннинг номин ёд этинг?*²³.

Марсияда тилга олинган Абдулло исмли шахзода 1433 йилда туғилган бўлиб, 1450 йил Мирзо Улугбекнинг ўғли Абдуллатиф Мирзо ўлдирилгач, Самарқанд тахтига ўтиради. Унинг ҳукмдорлиги кўпга бормайди: 1451 йил июль ойида Султон Абу-сайид Мирзо (1424 – 1469) билан Булунғур даштида бўлган жангда ҳалок бўлади²⁴.

Ўзини “Иброҳим Султон замонасининг ғазалхони” деб ҳисоблаган шоир, шубҳасиз, ўша замон анъаналарига кўра марсия ёзганлиги табиий ҳол. Марсиядаги муболағали ташбехлар ҳам асарнинг жанр хусусиятига мос келади. Айниқса, куйидаги байтлар характерлидир:

*Боримиз банда эдук, ўртада ўзи шоҳ эди,
Ҳоли хуш эрди, барча ҳолидин огоҳ эди...
...Кўй билан бўри онинг давринда қардош эрдилар,
Чун онинг адли эди саҳрониишинларга шўбон?*²⁵.

Бундай байтларни шоир замондоши Саккокийнинг Мирзо Улугбекка бағишлаб ёзган қасидасида ҳам кўришимиз мумкин:

¹⁸ Хоразмий, Ҳофиз. Кўлёмза фотокопияси. – Б.58.

¹⁹ Сулаймон Ҳ. Ҳофиз Хоразмий. Девон. 1-китоб. Сўзбоши. – Т.: 1981. 3–15-бетлар.

²⁰ Narezimli Hafiz'in divanı. - Ankara: Türk Dil Kurumu, 1998. 121–127-bet.

²¹ Жўраев Ж. “Ўзбек адабиётидаги илк марсия” “Шарқ юлдузи” журнали. 2015. 6-сон. 10–21-бетлар. Яна. “Шарқшунослик” жур. 2015, 2-3-сонлар. 216–226-бетлар.

²² Хоразмий, Ҳофиз. Кўлёмза фотокопияси. – Б.52.

²³ Хоразмий, Ҳофиз. Кўлёмза фотокопияси. – Б.56.

²⁴ Турғун Файзиев. Темурийлар тақдири. // Мулоқот, 6-сон, 1991. – 72–74 бетлар.

²⁵ Хоразмий, Ҳофиз. Кўлёмза фотокопияси. – Б.54.

*Раият қўй эрур, султон анга чўпону ё бўри,
Бўри ўлго-ю қўй тингай, чу Мусотек шўбон келди*²⁶.

Ҳофиз Хоразмий марсияси ҳозирча ўзбек адабиёти тарихида Алишер Навоийга-ча бўлган даврда яратилган биринчи намунадир. Аммо шоир шеърлари нашрларининг бирортасига марсияси кирмай қолган.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, адабиётшунос олим Жалолиддин Жўраев “Шарқ юлдузи” журналининг 2015 йил 6-сонида чоп этилган “Ўзбек адабиётидаги илк марсия” номли мақоласида шоирнинг бу асари ҳақида атрофлича маълумот берган, Иброҳим Султоннинг Шерозда олиб борган маърифатпарварлик ишларини кенг ёритган, шунингдек, марсия матнини ҳам эълон қилган²⁷.

Хулоса шуки Иброҳим Султон даврида Шерозда туркий тилли адабиёт ривож топган. Ўзбек мумтоз адабиётининг мумтоз намуналари яратилган. Бу фикрлар адабиётимиз тарихида жанрлар такомил ҳақидаги билимларимизни бойитади ва айрим муаммоли масалаларга аниқлик киритади:

Биринчидан, ҳозирга қадар Шерозда туркий тилда фақат Султон Искандар ва Ҳайдар Хоразмий ижод қилганлиги маълум эди, холос. Ҳофиз Хоразмий Шерозда ижодини давом эттиргани туркий адабиётнинг худуди Форс ўлкасида мустаҳкамланганидан ва тараққий этганидан далолат беради.

Иккинчидан, XV асрнинг биринчи ярмида ҳам ўзбек адабиётида марсия жанрига оид асар яратилганлигидан хабардор бўламиз. Юқорида таъкидлаганимиздек, бу марсия шоир таржимаи холини ҳамда ижодий меросини ўрганишда кимматли маълумот беради.

Учинчидан, Султон Искандар, Иброҳим Султон, Ҳайдар Хоразмий ва Ҳофиз Хоразмийларнинг адабий мероси ўша давр адабий жараёнининг даражасини аниқлашда катта аҳамиятга эга.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада XV асрда Эроннинг Шероз шаҳрида яратилган туркий тилдаги бадий адабиёт, жумладан, Ҳофиз Хоразмий ижодига мансуб марсия жанри таҳлил қилинган. Унинг адабиётимизда тутган ўрни ва роли ҳақида фикр юритилган.

В данной статье анализируются художественные произведения, созданные на туркоязычном литературном языке в XV веке в Иранском городе Шираз, а также жанр марсия, принадлежащего перу Хафиза Хареми. А также обсуждается о значимости и роли марсии в узбекском литературе.

This article analyzes examples of Turkish literature in Shiraz of Iran in XV century, and marsiya bay poetry uzbek poet Hafiz Kharezmi and their role and importance at uzbek literature.

²⁶ Сақоқий. Танланган асарлар. – Тошкент: 1958. – 69-бет.

²⁷ Жўраев Ж. “Ўзбек адабиётидаги илк марсия” “Шарқ юлдузи” журнали 2015 йил 6-сон. 10–21-бетлар.



Насим ОЧИЛОВ

БАХШИЛАРИ БАРҲАЁТ МАСКАН

Халқ бадий тафаккурининг сарчашмаси ҳисобланган фольклор намуналари республикаимизнинг бир қатор ҳудудларида бўлгани каби Қашқадарё воҳасида ҳам анъанавий ижро хусусиятлари сақланган ҳолда етиб келган. Фольклорнинг кўплаб ижодкорлик ва ижрочилик намуналари воҳада тарқалган бўлса-да, улар ҳудудий жиҳатдан бир хилда оммалашмаган. Бундай ҳолатлар воҳа аҳолисининг ижтимоий-иқтисодий ва маиший ҳаёт тарзи билан боғланади. Ҳудудий тарқалишига кўра Қарши, Шаҳрисабз ва унинг атрофларида фольклорнинг кичик жанрлари оммалашган бўлса, Қашқадарёнинг шарқий-жанубидаги Ҳисор тоғ тизмаларидаги Ғилон кишлоқларида кўшиқлар, хусусан, машшоклик санъати етакчилик қилган. Бахшилик санъати, яъни дoston ижро этиш қир-адир ва яйловларда, чорвачилик билан машғул Чирокчи, Қамаш, Дехқонобод ва Ғузур туманларида кенг тарқалган. Шундан бўлса керакки, бугунги кунда ҳам дoston ижро этиш билан боғлиқ жонли жараёнлар бевосита ушбу ҳудудларда давом этмокда.

Фольклоршунос олимларнинг XX асрда олиб борган тўпловчилик ва тадқиқотчилик ишлари натижаси шуни кўрсатдики, воҳада Чирокчи, Қамай дostonчилик мактаблари мавжудлиги, Шеробод дostonчилик мактабининг кўплаб бадиҳагўй бахши-шоирлари бевосита шу ҳудудда яшаб ижод этганликларининг ўзидек ушбу санъатнинг ўзига хос ривож топганидан далолат беради. Гарчи Қашқадарёда фаолият кўрсатган дostonчилик мактаби вакиллари эпик репертуари ҳам умумўзбек дostonчилик мактаби бахшилари репертуари ва ижро усулларига ўхшаш бўлса-да, уларни ажратиб турувчи хусусий жиҳатлар ҳам мавжуд. Бундай хусусиятларни фольклоршунос олимлар Ҳоди Зарифов ва Тўра Мирзаевлар ўз тадқиқотларида кўрсатиб берганлар¹.

Воҳа дostonчилиги ҳақида фикр юритганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ҳудудда дoston ижро этиш анча кучли ва қадимий анъаналарини сақлаган ҳолда ривожланиб, бахшилар аудиториясининг кенгайишига сабаб бўлган. Устоз ва шоғирд, бахши шахси ва унинг дoston ижроси, анъана ва бадиҳа, жамоа ва индиви-

¹ Зарифов Х. Ўзбек фольклористикаси тарихидан // Ўзбек фольклори масалалари. – Т.: Фан, 1970; Мирзаев Т. Эпос и сказитель. – Т.: Фан, 2008.

Насим ОЧИЛОВ – филология фанлари номзоди, доцент. 1972 йилда тугилган. Қарши давлат университети ўзбек филологияси факультетининг ўзбек тили ва адабиёти йўналишини тугатган. Унинг “Халқ эпосида замонавийлик”, “Фольклоршунослик атамаларининг ўқув изоҳли дугати” қўлланмалари, 40 дан ортиқ илмий, илмий-оммабоп мақолалари хорижий ва республикаимиздаги журнал ва тўпламларда чоп эттирилган.

дуал ижод, соз ва сўзнинг бадий таъсир кучига эътибор каби масалалар воҳа бахши-шоирларининг эстетик қарашларини ўзида акс эттирган. Шунингдек, дostonчилик мактаблари ўртасидаги ўзаро тортишувлар, бир-бирига бўлган танкидий ёндашувлар бахшилар маҳоратини ҳамда эпик репертуарнинг бойиб боришида муҳим аҳамият касб этган. Эпик ижрога бўлган мана шундай хусусиятлар Ражаб шоир, Холназар шоир, Абдулла Нурали ўғли, Ҳамро шоир Эргаш ўғли (Чирокчи), Бердимурод шоир, Абдукарим Жуйрук, Хидир шоир, Мулла Холназар, Саъдулла Ҳакимов, Мулла Бозор шоир (Қамаши), Ражаб бахши Нормуродов, Турди шоир, Умир шоир Сафаров, Қодир Раҳимов (Дехқонобод) ва бошқа кўплаб талантили бахши-шоирларни тарбиялаб етиштирдик, ушбу бахшилар воҳа дostonчилигининг гуллаб-яшнаши ва тараққиётига катта ҳисса қўшдилар.

Аммо бахшилар асрлар мобайнида бадий салоҳияти ва юксак ижрочилик маҳоратлари билан халқимиз маънавий тафаккурини бойитишга хизмат қилган бўлсалар-да, XX асрда кечган илмий-техникавий ривожланиш, глобаллашув, аҳборот алмашинувининг тезлашгани, халқимиз оммавий саводхонлик даражасининг ошгани, ёзма адабиёт ва бошқа санъат турларининг халқ маданияти ҳаётидан кенг ўрин олгани дostonчиликнинг аввалги мавқеини анча сустрлаштирди. Жонли оғзаки ижро ва анъаналарнинг маълум маънода ўзгаришига олиб келди. Дoston ижро этиш усуллари ўзгариб, у сахнага кўчди.

Бундай жараёнлар дoston ижро этишининг янгича кўринишини шакллантирди. Бахшилар тўйларда, байрамларда ва давраларда дўмбирага микрофонни улаб, доира жўрлигида шўх-шўх термалар, дostonлардан парчалар айтиб тингловчилар талабларига мос оҳангда ижро этиш усулини юзага келтирди. Дўмбира ва доира жўрлигидаги оҳанглр, даврадагилар ҳаракатини дoston матнига қўшиб айтиш, ёхуд эпосдаги ўйноқи вазнлардан фойдаланиш ҳаракатлари маълум маънода ёш авлодни ушбу санъат турига қизиқиш кўникмаларини орттириб бормоқда. Жонли жараёнлардаги бу каби ўзгаришлар ёш бахшилар ўртасида терма ижодкорлигини ҳамда терма айтиш асосида ўзларини бахши сифатида баҳолаш имконини кенгайтормоқда. Ҳаттоки, Чирокчи дostonчилик мактабига хос ижро хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган, устоз кўрган Шомурод Тоғаев репертуари ҳам бунга мисол бўла олади.

Бугунги кунда анъанавий дostonларни ўзлаштириб, шогирд бахшилар тайёрлаш усул ва йўлларига амал қилаётган Рўзи Қултўраев, Қаҳхор ва Абдумурод Раҳимов, Шодикул ва Бойкул Мирзаев, Очил бахши, Маматмурод бахши, Панжи бахши, Баҳром бахши, Зиёдулла бахши каби устоз бахшиларнинг фаолият юритаётганлиги дostonчиликнинг жонли жараёнларда давом этишига сабаб бўлмоқда. (Юқорида тилга олинган бахшиларнинг кўпчилиги марҳум, дехқонободлик истеъдодли Қодир бахши Раҳимов шогирдлари бўлганликлари ва уларнинг Дехқонобод худудидан эканликлари ушбу худудда дoston ижро этиш нисбатан кўпроқ сақланиб қолганлигини кўрсатади).

Воҳа аҳолисининг ҳозирда ҳам бахшиларни дoston айтиришга бўлган талаблари ва қизиқишлари бахшиларни дoston ижро этиш малакаларини такомиллаштиришга ундамоқда. Демак, аудиториянинг мавжудлиги, бахши-шоирлар ўртасида устоз-шогирдлик муносабатларининг нисбатан давом этаётганлиги ва унга амал қилишлар ёшлар ўртасида дoston матнларини ўрганиш иштиёқини уйғотмоқда. Бахши-шоирларнинг жонли жараёнларга бўлган бундай қизиқишлари “Алпомиш”, “Рустамхон”, “Кунтуғмиш”, “Келиной”, “Гўрўғли” туркум дostonларининг бугунда ҳам янграётганлигидан далолат бермоқда. Аммо шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз-

ки, бахшилар анъанавий дostonлар ижро этишга ҳаракат қилсалар-да, бугунги адабий-маданий муҳит туфайли ўзларида муаллифлик ҳисси, эпосга ижодий ёндашув туйғуси кучайиб бормоқда. Бахшилар ижроси ва эпик репертуари билан боғлиқ бу каби ўзгаришлар индивидуал ижодкорликни, дoston матнларининг бузилишига олиб келди. Мавжуд дoston воқеалари асосида янги-янги дoston ижро қилишга уринишлар ҳам фикримизни исботлайди. Дoston ижро этишнинг бу каби усуллари бахшиларнинг “ёзувчилик”, “шоирлик”ка интилиши, илгари эпик анъанада бўлмаган дostonларни тўқишга уриниш маҳсулидир. Ҳаттоки, устоз кўрган, дoston ижро этиш усул ва йўллари оғзаки эшитиб ўрганган Қаҳҳор Раҳимовдек бахшилар репертуари ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Унинг ижросида мавжуд “Бева Барчин” дostonи матнида ҳам сунъий ижодкорлик кўзга ташланади.

Маълумки, “Алпомиш” халқимизнинг қахрамонлик дostonи сифатида бахши-шоирлар репертуарида оммалашган. Кейинроқ яратилган “Ёдгор” дostonи билан туркумлик доирасида ижро этиб келинган. Кейинги вақтларда “Алпомиш” 33 дostonдан иборат, ҳатто дostonни наслий туркумлик доирасида ўрганиш кераклиги ҳақида фикр-мулоҳазалар пайдо бўла бошладики, бундай асоссиз қарашлар анъанавий дostonчилигимизга зиддир. Қаҳҳор бахши репертуаридан ёзиб олинган “Бева Барчин”, “Кўнғирот” каби дostonлар ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. “Бева Барчин” дostonи жанубий воҳа дostonчилигида ўтган асрнинг 60–80-йилларида мустақил дoston шаклида ижро этила бошлаган. Дoston Қора ва Чори Умировлар, Қодир ва Қаҳҳор Раҳимовлар репертуарида қайд этилган. Қаҳҳор Раҳимов вариантыни А. Қаҳҳор ва А. Эргашевлар ёзиб олишган².

Дoston сюжет йўналишини Алпомиш ва Барчинойнинг соғинчи, садокати, Барчиной ва унинг тарафдорлари Бойбўришоҳ, Кунтуғмишой, Ёдгор, Қалдирғоч, Қоражонларнинг Ултонтоз бошчилигидаги қора кучларга қарши қураши ташкил этади. “Бева Барчин”даги эпик воқелик, асосан, “Алпомиш” дostonининг иккинчи қисмидаги воқеалар асосида давом эттирилади. Шунга қарамай унда “Алпомиш”нинг иккинчи қисмида мавжуд бўлмаган қатор эпизодлар ҳам мавжуд. Бир қатор эпизодлар тасвири кенгайтирилган ёки янги талқин этилган. Бу эса дostonнинг мустақиллигини таъминлашга ҳаракат қилган. Дostonда анъанавий асосда тўқилган ажойиб мисралар, бадий гўзал парчалар жуда кўплаб ўринларда учрайди. Кечаси Барчиннинг ўтовига қирмоқчи бўлган Ултонтозга унинг мардона жавоби шундай тасвирланади:

*Ўйланганда ўйинг йўқ,
Бўйлагали бўйинг йўқ.
Нега келдинг бостириб,
Элга берар чойинг йўқ.
Ой нечага, нечага,
Ҳайронман қулбаччага,
Шундай ҳазил қилама,
Тунда келиб чечага.
Чечаннинг бир зўри бор,
Эшони бор, тири бор.
Қандай келдинг кечаси,
Алпомишдай эри бор.*

² Бева Барчин. Дoston. Айтувчи Қаҳҳор Раҳимов. Ёзиб олувчилар А. Қаҳҳоров, А. Эргашев. Дostonнинг қўлёзма нусхаси шахсий архивимизда. Мисолларни ушбу маъбадан олдик.

Шу билан бир қаторда дostonни бадийи мукамал тарзда баҳолаб бўлмайти. Яхлит олганда дostonда китобийлик устунлик қилади. Халқ дostonларига хос тил ва услуб бузилган. Мисол учун дostonда Ултонтоз бир бечора ошиқ сифатида тасвирланади. “Барчинойни жондан ҳам яхши кўрар, кўлидан бир ушлашни кечалари тушида ҳам орзу қилар, лекин Алпомишдан ўлгудай кўрқар, унинг кучидан хайиқар, шунинг учун бу орзу-умидлари юзага чиқмай, ичида темир каби чириб, қонига қўшилиб, ҳаваси икки кўзида қолган эди”.

Эпик аънаёнага кўра Ултонтоз ошиқ эмас, балки даъвогар. У Бойбўрининг ўғай ўғли бўлганлиги учун ҳам ўзини Бойсун-Қўнғиротнинг Алпомишдан кейинги қонуний эгаси ҳисоблайди. Шу боисдан ҳам у Барчинга уйланмоқчи. Бахши эса буни бутунлай бошқача талқин қилади ва жонли эпик аънаёнага зид йўл тутати. Ёхуд ёзиб олиниб, чоп эттирилган “Соҳибқироннинг туғилиши”, “Ойсулув” (Рўзи бахши Қултўраев), “Аҳмад Яссавий”, “Темур ва Боязид”, “Самарқанд таровати”, “Қўнғирот” (Қаҳҳор Раҳимов) ва бошқа шу каби дoston намуналари ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин.

Буларнинг барчаси бугунги воҳа бахшилари дунёқарашининг замонавийлашадганлигини, эпик жараённинг давр руҳига мос тарзда акс эттириш кучайиб бораётганлигидан дарак бермоқда. Бадийи мезонларда тингловчиларнинг дунёқарашини асосида дoston воқеаларига эркин ижодий ёндашиш ҳолатларини кузатиш мумкин. Гўёки бахшилар ўзларини янги давр ижодкорлари сифатида баҳолай бошладиларки, бу каби жараёнлар ижтимоий-маданий ҳаётимизда кечаётган ўзгаришлар асосида юзага келган ҳолатлардандир. Бугунги бахшиларнинг саводхонлиги чоп эттирилган дoston матнлари ва ёзма адабиёт намуналаридан ижодий жараёнларда эркин фойдаланиш имконини яратмоқда. Бундай ҳолатлар оғзаки шароитда дoston ижро этишининг аста-секинлик билан сўниб боришини тезлаштирмоқда.

Шундай бўлишига қарамадан, Қашқадарё воҳасида бугунги жонли жараёнларда дoston ижро этиш билан боғлиқ аънаёлар давом этаётган экан, бунинг бир қатор ўзига хос омиллари мавжуд. Биринчидан, воҳада истиқомат қилаётган маҳаллий аҳолининг бахши ва унинг санъатига кизикиши ҳозирги вақтда ҳам сўнгани йўқ. Кекса авлод кишиларининг бахшини тинглашга ва ижодидан баҳраманд бўлишга интилиши, тўйлар, давралар ва байрамларда бахшиларни таклиф қилишга уринишлар ҳам ёш авлодни ушбу санъат турига бўлган кизикишини орттирмоқда.

Иккинчидан, бугунги кунда моддий ва номоддий маданий мерос объектларини асраш, химоя қилиш, ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилганлиги, бахши-шоирлар кўрик-танловлари ва улар ҳақида оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштириладганлиги, “Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси” унвонининг таъсис этилиши натижасида Шомурод Тоғаев, Қаҳҳор ва Абдумурод Раҳимовлар, Маматмурод ва Очил бахшиларнинг ушбу унвонга сазовор бўлишларининг ўзиёқ уларда бахши шогирдлар тайёрлаш ҳамда дoston айтиш масъулиятини кучайтирмоқда.

Айниқса, Қаҳҳор Раҳимовнинг Бойкўчкор бахши, Зиёдулла бахши, Жовли бахши, Муҳаммад бахши, Абдумурод ва Баҳром Раҳимовлар, Бекжон бахши, Малик бахши, Нуриддин бахши, Илҳом бахши каби кўплаб бахшиларга устозлик қилиши, дoston ижро этиш усулларини ўргатаётгани ушбу санъатнинг нисбатан воҳада давом этиши ва сақланишига имкон туғдирмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, дostonчилик аънаёлари замонавий ижроси билан бугунги кунда ҳам воҳада жонли жараёнларда давом этаётган экан, уларни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилиш ҳозирги тарихий-фольклорий жараён динамикаси ва пост-фольклорнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда аҳамиятлидир. Шу боис, ишонамизки, дostonчилик янгича талқинлари билан авлодларга хизмат қилишда давом этади.



Bahrom AKBAROV

**Yoz g'animat,
ey do'stlar!..**

JONZOTLAR NIMA DEYDI?

(turkum)

Ilon:

– Ajdar asli amakim,
Anakonda xolamdir.
Haqiqatni aytganda,
Zuluk kichik bolamdir.

Jo'ja:

– Men hozircha jo'jaman,
Bir kun bo'larman xo'roz.
Har tong qichqirganimda,
Deysiz: yashavor, shovvoz!

Bo'ri:

– Men bo'riman, bo'riman,
Qo'y-qo'zilar sho'riman.
Tulkilik qilolmayman,
Hayvonlarning g'o'riman.

Zag'izg'on:

– Taqinchoqqa juda o'chman,
To'ymayman.
Ko'rib qolsam sovunni ham
Qo'ymayman.

Baqa:

– Ariq, hovuz makonim,
Erta-yu kech sayrayman.
Yemishim – pashsha, chivin,
Ovlab-ovlab yayrayman.

Bahrom AKBAROV – “Shuhrat” medali sohibi. 1961-yilda tug'ilgan. Bolalarga atalgan “Kichkintoylar savod kitobi”, “Uchinchi sayyoraga sayohat”, “Bahaybat kaltakesaklar” hamda “Mitti botir” kabi kitoblari nashr etilgan.

Mushuk:

– Arslon avlodi,
Chapdast botirmiz.
Sichqon tutishga
Juda mohirmiz.

Pingvin:

– Pocha-po'stin kiyvolib,
Hech qo'rqmayman sovuqdan.
Po'stinni ijaraga
Olgan edim tovuqdan.

Qarg'a:

– Sezib qolib hiylasin,
Tulkini xo'p bopladim.
Qag'illamay o'tirib,
Pishloqni yeb sobladim¹.

Ninachi:

– Soz chalib, o'ynab-kulay,
Yoz g'animat, ey do'stlar!
Chumoli ishlayversin,
Qishgacha bir gap bo'lar.

Ho'kiz:

– Uyim kichikroq bo'lsa,
Aylanolmay buzaman.
Kim meni ho'kiz desa,
Rosa boplab suzaman.

Kakku:

– Daraxtdagi qurtlarni
Tashlayman qirib,
Shu boisdan uchaman
Ko'kragim kerib.

Tasqara:

– O'laksaxo'r demanglar,
Sanitarman, bilingiz!
Tabiatni sarqitdan
Aritaman, ko'ring siz.

Musicha:

– Tog'am burgut
Ekanligin bilasizmi?
Bilsangiz ham
Soddasan, deb kulasizmi?

Pashsha:

– Tarsillatib
Urmasayding boshimga,
Behush bo'lib
Tushmas edim oshingga.

Echki:

– Taka o'g'lim suruvga
Bosh bo'ldi-ku, og'ayni.

¹Sobladim – tamom qildim.

Menga bo'yin egmagan
Chaqir, qo'chqor tog'angni!

Olmaxon:

– Nomim qiziq – Olmaxon,
Olmani xush ko'rmayman.
Lekin shirin yong'oqni
Chaqib sira to'ymayman.

Chualchang:

– Qarmoqqa ilinvolib,
Kutaman.
So'ngra laqma baliqlarni
Tutaman.

O'rdak:

– Men g'ozlarga hayronman –
G'o-g'olaydi tinmasdan.
G'oz yurishar g'erdaiyb,
Tayinli ish qilmasdan.

G'oz:

– Tumshug'im sarg'ish-qizil,
Patim kulrang, qo'ng'ir, oq.
Suvdan quruq chiqdim deb,
Qo'shiq aytaman quvnoq.

Tulki:

– Tulki, dedingizmi siz?
Bu xislat menga yotdir.
Qorin uchun tulkilik,
Qilmasam ko'p uyatdir.

Ukki:

Alifbedan men faqat
“U”, “K” harfin o'qiyman.
Unga atab har kuni,
Uk-uklab she'r to'qiyman.

Echkemar:

– Eчки sutin ichmaganman
Aslida.
Sigir sutin ichganim rost
Yaslida.


Qyon:

– Uydagilar meni yomon
Ko'rishmaydi.
Quloqsizsan, deya aslo,
Koyishmaydi.

Boyo'g'li:

– Sichqon tutishga
Kerak zo'r toqat.
Toqati yo'qlar
Qolar beovqat.

ШОИРНИНГ БАРҲАЁТ СЎЗИ



Баҳодир СОБИТ

Марказий Осиё мамлакатлари халқларини кўп минг йиллик қардошлик ва яхши кўшнилик ришталари боғлаб туради. Тарих, дин, умумий маданият ва анъаналар бирлаштиради. Минтақамизда дунё тамаддуни ривожига улкан таъсир кўрсатган ноёб маданият ва тараққиёт мавжуд бўлиб, бу Марказий Осиё мамлакатларининг умумий келажаги, барқарор ривожланиши ва фаровонлигини таъминлашда мустаҳкам пойдевор бўла олади.

Сўнги икки йилда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари фаоллашди. Икки давлат раҳбарлари шу давр ичида олти бора турли даражадаги таширларни амалга оширди. Халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида учрашувлар бўлиб ўтди. Бундан ташқари, турли воқеалар муносабати билан телефон орқали мулоқотлар ва мурожаатномалар алмашуви ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистонда Ўзбекистон йили очилишига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида жумладан шундай деди: “Халқларимизнинг Абу Райхон Беруний ва Абу Наср Фаробий, Хўжа Аҳмад Яссавий ва Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий ва Абай Қўнонбоев, Ойбек ва Мухтор Аvezов, Гафур Ғулум ва Собит Муконов каби улуғ намоёндалари ва бошқа кўплаб атоқли олимлар, мутафаккир ва шоирлар мероси бизнинг умумий бойлигимиздир.

Биз инсонпарварлик ва эзгулик ғоялари билан йўғрилган бу маънавий меросни араб-авайлашимиз ва бойитишимиз лозим”.

Туроб Тўла Қозоғистонда туғилиб, Ўзбекистонда ўқиб, ижод қилган икки халқнинг сеvimли дилбандларидан биридир. Ўзбекистонда ҳам Қозоғистонда ҳам бундай ҳар икки мамлакатга дахлдор ижодкорлар бир талай. Туроб Тўла Қозоғистоннинг қадимий қишлоқларидан бўлган Турбатда туғилиб вояга етган.

Турбат қишлоғи қадимий Шош ва Сарём шаҳарлари билан тенгдош кўҳна қишлоқлардан. Қишлоқ Буюк Ипак йўли бўйидаги машҳур икки шаҳар оралиғида жойлашган. 1918 йил куз охирида қолганда Тўлаҳўжа қози хонадонидан чақалоқ оламга келди. Унга шу қишлоқнинг номидан келиб чиқиб Туроб деб исм қўядилар.

Баҳодир СОБИТ – 1950 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг филология факультетини битирган. Унинг “Турбат тароналари”, “Битмас эсароҳат”, “Турбатликларим”, “Саждагоҳим Ватан” каби китоблари ўзбек тилида, “Сыр шертедi ақындары”, “Туран толқындары” китоблари қозоқ тилида нашр этилган. Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Туробнинг ёшлик йиллари ривоятлардагина куйланадиган бекиёс, гўзал Турбат қишлоғининг кенг буғдойзорлари, булбулларга макон бўлган боғлари, тиззагача кўпчиган тупрок кўчаларида, Қоржантов бағридаги салкин арчазорларда, козок овулидаги козок кадрдонларимизнинг ўтовларида ўтади.

“Ўзининг ўткир зехни билан ўз ўртокларини доимо таажжубда қолдирадди” – деб эслайди қишлоқ оқсоқоли Абдужаббор ота Сулайманов Туроб Тўла билан бирга ўқиган йилларини хотирларкан. Туроб Тўла ўзининг автобиографик “Етти зоғора” насрий асарида болалик йилларини мароқ билан ҳикоя қилади. Турбат қишлоғи манзараларини маҳорат билан чизиб беради.

Чилла... Туроб буғдой ўраётганларга эшагида хуржунга иккита мешни тўлдириб гўжа олиб кетаяпти. Негадир шеър ёдлагиси, бувисидан эшитган эртақларини эслагиси келади. Қандайдир илғаб бўлмас ёшлик кайфияти уни сархуш қилган. Ўзи билан ўзи овора. Матансой буғдой ўрувчилар билан тўлиб кетган. Турбат қариялари Туробни кўриши билан: “Ана, шоиртабиат бола келяпти! Баракалла! Гўжани олиб кел! Яша ўғлим!” деган мактовлар билан уни эшагидан тушириб олишади.

1989 йил 24 апрелда Ўзбекистон ва Қозоғистон ёзувчиларининг Турбат қишлоғидаги учрашувида Туроб Тўла оташин нутқ сўзлаганди. Шоир Туроб Тўла билан кўп учрашувларда, тўйларда, адабий анжуманларда бирга бўлганман. Адабиёт, ҳаёт, ижод ҳақида кўп суҳбатлар курганмиз. Турбат ва турбатликлар ҳақида гапириш шоирга завқ бағишларди.

Шоир онасидан жуда эрта ажралди. Шу боисданми, қачон волидаи мухтарамаси ҳақида гапирганда, кўзларида ёш қалқирди. Ўзининг “Турбат” шеърисида: “Энг лобар одамни сўрдилар мендан. Менинг онам дедим, онам албатта” – дея қуйлаганди онасини, она қишлоғини эслаб шоир.

Туроб Тўла Тошкентдаги болалар уйида тарбияланган. Шоир ижодий чашмасининг кўзи 1934 йилда очилади: унинг “Олқишлар” сарлавҳали илк шеъри газетادا босилади. “Ёшлик ва орзу”, “Чегарада”, “Руставели” каби қатор шеърлари 1939 йил илк тўплами “Шеърлар”дан ўрин олган.

Ғарб ва Шарқ адабиётини мукамал ўргана борган шоир “Бахт тонготари”, “Муборакбод”, “Табассум”, “Доира”, “Қанотлан, кўшиқларим” каби шеърый тўпламлар, дostonлари билан адабиётимизни бойитди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистон радиосида суҳандон бўлиб хизмат қилди. “Волоколамск тош йўли”, “Мингорол кўшиғи”, “Йигирма олти” каби асарлари яратилди.

Эллик йилдан ортиқроқ ижоди даврида Ватанга муҳаббат шоирнинг асосий мавзусига айланди. Шоир диёримизнинг бекиёс бўстонларини, тиник сувлари, бегубор осмони, кенг сахрою осмонўпар тоғларини катта илҳом билан тараннум этди. “Замон ҳукми”, “Ҳат”, “Трамвайда топилган дафтар” каби достони, халқ оғзаки ижоди услубида ёзилган “Суюн Момо” эпоси шоир эҳтироси кучли, заҳматкаш ижодкор эканлигининг ёркин далилидир. Номлари зикр қилинган асарларда халқлар дўстлиги туйғуси ярқ этиб кўзга ташланиб туради.

Туроб Тўла драматургия ва кинодраматургияда ҳам баракали ижод қилди. “Нодирабегим”, “Қизбулок”, “Момо ер” драмалари, “Зулматдан зиё” операси, “Самарқанд афсонаси” балет либреттоси, “Фурқат”, “Мафтунингман”, “Шашмақом” каби киноасарлари томошабинлар қалбидан чуқур ўрин олган.

Туроб Тўла кўшиқчилигимизнинг асл фидойиси эди. “Нафосат”, “Камалак” тўпламлари бастакорлар ҳамда кўшиқчилик муаммоларига бағишланган бўлиб, ижодкорларни ўз устида ишлашга даъват этади. Шоирнинг “Момо”, “Қуйлатиб

кўйдинг мени”, “Таббасум”, “Маҳбубга”, “Келинг ёр”, “Дилором”, “Ортиқсан”, “Бўламан дейди”, “Санам, ҳеч борми инсофинг”, “Сабо”, “Сен бўлмасанг”, “Гулбоққа”, “Муҳаббат мадхи”, “Гулёр”, “Хаёлим сенда”, “Сарвиноз”, “Булбул”, “Мажнунтол”, “Мафтунингман”, “Гулрух”, “Ширмоной”, “Навнихол”, “Торимнинг сири”, “Эй гул”, “Уч дугона”, “Тошкент нахори”, “Олтин сандик”, “Йўлларим” каби юзлаб кўшиқлари кириб бормаган ўзбек хонадони бўлмаса керак.

Шоир “Яхши кўшиққа тўйиб бўлмайди. Қанча бўлса – шунча оз!” дегувчи эди. Унинг кўшиқларига тўйиб бўлмайди. Эшитсанг, роҳатланасан. Кайфиятинг кўтарилади. Хонандага кўшилиб кўшиқ айтаётганингни сезмай қоласан. Туроб ака хақида устоз шоир Уйғун шундай деган эди: “У адабиётнинг барча жанрларига қўл уриб кўрди ва ҳамма жанрда ҳам муваффақият қозонди”.

Туроб Тўла ўзининг мазмунли ҳаёти давомида мохир устоз композиторлар: Мутал Бурхонов, Дони Зокиров, Муҳаммадҷон Мирзаев, Ҳамид Раҳимов, Наби Ҳасанов, Икром Акбаров, Манас Левиев, Сайфи Жалил, Сулаймон Юдаковлар билан бирга юздан ортиқ кўшиқлар яратди ва ўз элига тортиқ қилди. Ўзбекистон маданият вазирлигида бўлим ходими, Ўзбек давлат академик драма театрининг директори бўлиб хизмат қилди. Унинг “Момо ер”, “Қари киз”, “Қизбулок” драмалари кўплаб театрлар сахнасида қўйилган. Шоир туғилиб ўсган кишлоғи Турбатда унинг номи билан аталадиган мактаб бор.

Туроб Тўла шеърлари, дostonлари, ажойиб сахна асарлари билан мухлисла-ри қалбида ҳамон яшамокда. Зеро, унинг барҳаёт сўзи халқимиз орасида ҳамон кадрланади. Туроб Тўла ўзбек ва козoқ халқларининг дилбар шоири, жўшқин оқини бўлиб икки халқ ўртасидаги маънавий кўприк сифатида халқларимиз қалбида абадий яшайди.



Турoқ одамнинг юракдан ҳам азиз жoиу бoрми?..

Ошиқлик ва севги-муҳаббат юрак ишидир.

АБАЙ



Туроб ТЎЛА

Муҳаббатнинг рангин овози

*Сарвиноз сенча қани,
Ишиқибоз менча қани!*

Алишер НАВОИЙ

Жигарпора килади тамбур
Пора-пора қилиб жигарни,
Қалбинг тўридаги бирдан-бир –
Хаёлингдан қувиб губорни.
Жигарпора. У илк муҳаббат
Сеҳри билан кўзингни очган
Ва мангуга бериб саодат,
Жароҳатлаб, яралаб кочган...
Жигарпора ўшанинг мунги,
Маъсум, зариф хилқатнинг сози.
У ўша илк яралган кунги –
Муҳаббатнинг рангин овози...

2

Қайга борсам сени кўраман,
Фаромушман, ҳушим йўқ энди.
Фақат ўйинг билан юраман,
Сендан ўзга ишим йўқ энди.

3

Йўлингга гул бўлиб чиқаман,
Оларми дейман-у, олмайсан.
Йўлингга кул бўлиб чиқаман,
Арзимга қулоқ ҳам солмайсан.
Қуш бўлиб учаман бошингда,
Зор бўлиб қуралай кўзингга.

Туроб ТўЛА – Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби. 1918 йилда туғилган. Тошкент давлат педагогика институтини битирган. Ижодкорнинг “Шодлигим”, “Табассум”, “Бахт тонг отари”, “Сенинг ҳақингда”, “Қанот қоқинг, кўшиқларим”, “Камалак”, “Нафосат”, каби китоблари нашир этилган. Туроб Тўла 1990 йилда вафот этган.

Сой бўлиб оқаман кошингда,
Олсанг деб бир ҳовуч юзингга.
Куйладим энг яхши куйингни,
Хатто бир қулок ҳам қокмадинг.
Шеър бўлиб тўлғадим ўйингни,
Наздимда, ўйингга ёкмадим.
Интизор боқаман йўлингга,
Бир боқиб ўтмайсан мулойим.
Билмайсан, талқдирим қўлингга,
Бунча ҳам кийиксан, гулойим.
Хайрият, боқдинг-у бир маҳал,
Дедингки, қулок сол сўзимга:
Ниятинг не ўзи, сен аввал
Ўз бўлиб кўрингил кўзимга...

4

Висол остонада, гўзал, бебаҳо,
Қил устида таҳлид илк орзусида.
Мисқол ҳам оғирлик қилади гоҳо
Биринчи муҳаббат тарозусига.

5

Муҳаббат бу – чинни, унга қаттиқ тегма,
Сўзнинг тошга айланиши бор.
Эр йигитнинг эр бошини эгма,
Муҳаббатни, жоним, этма хор.
Унга йўл бер, унга бер омон,
Муҳаббатнинг уволи ёмон.

6

Капалакка қиёс умримни
Хўрламасанг бўларди бунча.
Менга, жоним, алмашдинг кимни,
Севги наҳот гул очилгунча?
Наҳот қисқа унинг хазони,
Капалакнинг умрими у ҳам?
Оғримаса наҳотки жонинг,
Наҳот сенсиз оламдан ўтсам?..

7

Нима қилиб қўйдинг шу куни,
Нима ташлаб ўтдинг қалбимга?
Ногоҳ тебраб ўтдинг дил бешигини,
Айтиб бўлармиди буни ҳар кимга?
Фақат ўша кундан мисоли баҳор,
Фақат ўша кундан очилади гул.
Фақат ўша кундан киши интизор,
Фақат ўша кундан келади булбул.

Ўша кундан ошуфтахолман,
Сени кўрсам айланар бошим.
Ўша кундан ёлғиз ниҳолман,
Бошим узра ўзинг қуёшим...

8

Энг дилбар одамни сўрдилар мендан,
Менинг отам дедим, отам, албатта!
Энг лобар одамни сўрдилар мендан,
Менинг онам дедим, онам, албатта!
Энг сиймбар Ватанни сўрдилар мендан,
Менинг, дедим, менинг – менинг, албатта!
Ёмон кирдикоринг, дея сўрдилар,
Ғурбат, дедим, ғурбат, ғурбат, албатта!
Энг дилбар диёринг дея сўрдилар:
Турбат, Турбат дедим, Турбат, албатта!

9

Қор эгибди дарахт бошини,
Қор эгибди холос, жонгинам.
Хеч кўрмагин инсон ёшини
Эгилганин, синганини ҳам.

10

Фарзанд кўрган оила эшикка тол экади,
Етилгунча қатор тол фарзанд бўйга етади.
Дерларки, илк хиссингни қўшни қизи уйғотар,
Эгасини сийлаган қушига дон сепади.

11

Кўнгилсиз мухаббат – истарасиз хусн,
Севги йўқ, дейдилар, тенглик йўқ, ерда.
Гул ҳам офтобсиз йўкотар тусин,
Тенглик барг ёзади тенглик тақдирда.

12

Мухаббат нақ гулхан, оловнинг ўзи,
Ёниши осон-у, ўчиши қийин.
Модомики ёнса кўнгил юлдузи,
Ёритсин мангуга мухаббат уйин.

13

Севги илохий бир мардлик кўшиги,
Йиглаб излайдилар: кайдадир севаги?
Излаган топади, тополмас йиғи,
Изҳор этилмаган жойдадир севаги!

14

Учирма куш бўлар бўйи етган киз,
Эси-хуши бўлур икки кўзида.
Унинг топган бахти тенгсиз, мислсиз,
Муҳаббат гул бўлиб гуллар юзида.

15

Ҳеч ким мени суймаган ёниб,
Ҳеч ким мен деб кечмагандир жон.
Аммо менинг ёшимга кониб
Бўлганлар бор энди пушаймон.

16

Тотли кунлар кўпдир зоҳиран, эркам,
Озмас аччиғи ҳам зотан дунёда.
Ҳикмат борки, дерлар: аччиқ бўлса ҳам
Ичурсан ишқ захрин мисоли бода.
Ранжу аламларга берурсан барҳам
Асл ошиқлардай пок ва озода.

17

Энди хафамасман суймаганингга,
Мени одам дея туймаганингга.
Фақат озурдаман, пушаймон бўлиб
Бугун ўз-ўзингни қийнаганингга.

18

Чиройлисан. Чиройли бўлсин –
Дединг фақат умрйўлдошим.
Ўйламадинг, сабр косанг тўлса
Етармикан унга бардошинг.
Чиройни у қайдан олибди,
Чирой биров берган садака.
Меҳнат қилиб топмай, олифта
Чиройингни килур бир чака.
Бирок, балки чирой берганда
Кўшиб берган дерсан идрок ҳам.
Бўлган бўлсин бахтинг ўшанда,
Жони бўлсин жонингга малҳам.



СОҒИНЧ ДАВРИ

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ

Ғоят истеъдодли, камтарин, заҳматкаш шоир Аскар Қосимовни талабалик йилларидан билардим. Янглишмасам, биздан уч йил кейин ўқиган эди.

Ўша йилларда факультетимизда юкори курс талабалари томонидан таёрланадиган “Филолог” деворий газетаси чиқиб турарди. Барча материаллар талабчанлик билан танлаб олинарди. Бу даврларда партия кўмитаси ва комсомолнинг нуфузи баланд бўлиб, деворий газетадаги ҳар бир шеър, мақола ёки ҳажвий лавҳаю расмлар уларнинг назаридан ўтарди. Шунга қарамасдан бу деворий газета шеърга шайдо талабаларни илҳомлантиргани аниқ. Мен ҳассос шоир Рауф Парфи (у пайтлар Турсун Парфи деб ёзар эди), Аскар Қосимовнинг илк шеърларини ана шу газетада ўқиганман. Рауф ака кўпроқ сарбастда ёзгани учун тушунишим кийинроқ кечарди, чунки у кезлар шеърий вази ҳақида тузукроқ маълумотга эга эмас эдим.

Аскарнинг шеърлари эса халқона оҳангларда ёзилгани учун тез “ҳазм” бўларди, аини замонда аксари мисраларида ҳазинлик, норозилик оҳанглари сезилиб турар, аммо қоса тагида нимқоса тарзида айтмоқчи бўлган фикрларини, муддаосини илғаб олиш мумкин эди. У Чўлпон ижодига ғойибона мухлис бўлганини, буюк шоирнинг гоҳо дардчил, гоҳо жанговар оҳангларига эргашганини, ўзи ҳам истибодод кишанларига қаттиқ ўраб ташланган она-юрт – ночор Туркистон бир куни зулм занжирларидан халос бўлишини чин юракдан орзу қилувчи эътиқоди мустаҳкам ижодкор эканини кейинроқ англаб етдик.

Менинг омадим кулиб тўртинчи курсга ўтганимизда – ёзги таътил пайтида профессор Ғулом Каримов раҳбарлигидаги ўзбек адабиёти кафедрасининг етакчи домлалари Хумсонда – бизнинг уйимизда, бир кун меҳмон бўлишди. Сўнгра Угам тоғлари оралиғидаги Бахмал кўлига борамиз деб йўлга отландик. Раҳматли отам йўлбошчи, жияним ва мен майда-чуйда ишларни бажарувчи, раҳматли Аъло Ашрапов бош ошпаз, қолганлар ёрдамчи. Ҳамма ишларимиз кўнгилдагидек бўлди-ю, лекин Бахмал кўлига ета олмадик. Йўл биз ўйлагандан кўра узоқ ва оғир экан. Кўшимча улов зарур бўлди. Саёҳатнинг охири босқичига ҳомийлик қилаётган раҳматли Ўринбой поччам муҳим топшириқлар билан банд бўлиб қолиб, бизни кўзланган манзилга бошлаб бора олмади. Лекин ҳеч ким хафа бўлмади, чунки гўзал тоғлар бағрида, тоза ҳаво кўйнида эдик. Атрофдаги тоғларга, яшил арчаларга бокиб тўймасдик. Угам дарёсининг сўлим кирғоғига чодир тикиб олгандик. Ўн кун

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари номзоди. 1943 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎЗМУ) тамомлаган. Унинг “Шеърятнинг тиниқ осмони”, “Қалбга очилган йўл”, “Туркистоннинг ўткан кунлари”, “Хиванинг истило қилиниши” каби китоблари нашр этилган.

қандай ўтгани сезилмади ҳам. Шу баҳонада мен домлалар билан ака-укадек яқин бўлиб қолдим. Саёҳатдан қайтганимиздан кейин яна омадим келди. Озод домла мени Абдулла Қаҳҳор билан таништирди. Хуллас, мен ана шу бахтиёр кулларимизда адабиёт ҳақида ҳам, она юртимизнинг қисмати ҳақида ҳам бирорта аудиторияда гапириб бўлмайдиган ва ҳеч қаерда босиб чиқариш мумкин бўлмаган жуда кўп гапларни эшитиб, кўзим мошдек очилган эди. Шу туфайли бўлса керак, Аскар ҳамда Рауф ака ёзган айрим шеърлар тагидаги теран маъноларни англашим осон кечди.

Аскарнинг ўзи билан ҳам яхшилаб танишиб олдим. Университетни битириб, ярим йил ишлаганимдан кейин сиртки аспирантурага таклиф қилишди.

Устоз Озод Шарафиддинов илмий раҳбар этиб тайинланди. Натижада бошқа домлалар билан ҳам янада қалинлашиб кетдик. Кафедра мажлисларида бемалол қатнашадиган бўлдим. Ана ўша даврда Аскар яна бир дадил чиқиш қилган эди. Бу ҳақда шоирнинг дўсти Шодмон Отабоев шундай хотирлайди: “Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари охирлари эди. Ёзувчилар уюшмасининг Хадича Сулаймонова кўчасидаги эски биносида бўлиб ўтган бир адабий анжуманда Аскар юртнинг мустақил эмаслиги, миллатнинг камситилаётгани очик-ойдин ифодаланган шеърини ўқиб юборди. Шоирнинг бу чиқиши очикдан-очик исён эди”. (Аскар Қосимов. “Эй, каро кўзим” тўплами, “Тафаккур” нашриёти, Т.: – 2011, 7-бет.)

Бу чиқиш катта шов-шувларга сабаб бўлганидан хабарим бор. Уюшма раҳбарлари қарахт. Бу шаккок йигитга қандай жазо бериш керак? Факультетда ҳамма ғимирлаб қолган; муҳокама устига муҳокама. Шоирни талабалар сафидан чиқаришдан осон иш йўқ. Аммо шундай истеъдод эгаси ҳақиқатни очик айта олгани учун қурбон бўлиб кетишига йўл қўйиш ғирт адолатсизлик. Талабаларда катта норозилик уйғониши мумкин. Эшитишимча, ҳамма домлалар, жумладан, Ғулом ака, Озод домла, Умарали Норматовлар муроса йўлини топиш учун кўп ҳаракат қилишган ва факультет раҳбарлари ректоратни зўр-базўр кўндириб, катъий ҳайфсан билан ишни тинчитишга эришган эди. Шундан кейин Аскар гўзал лирик шеърлар ёзиб, расмий тилда айтганда “тинч” юрди, лекин 5-курсда яна “аслига” қайтди. Факультет газетасида икки-учта шеър чикди-ю, аввалгидек боши ғалвага қолди. Деворий газета мутасаддилари қандай юрак ютиб бу шеърларни чиқарди – менга қоронғи. Очигини айтганда, у шеърларда ҳеч қандай замонидан норозилик ёки даъваткор руҳ йўқ эди. Кимдир “фидойилик” қилиб, Аскарнинг шеърларида Чўлпоннинг руҳи бор, у миллатчилик ғояларини усталик билан яшириб тарғиб қилмоқчи, деган ғирт бемаъни, куракда турмайдиган гапларни тарқатган шеклли, деканимиз Анвар Шомаксудов шиддат билан кафедрага бостириб кирди. Ичкарида домла Ғулом Каримов билан ниманидир муҳокама қилиб ўтирган эдик. Хуллас, мен декан билан кафедра мудирининг тортишувига тасодифан гувоҳ бўлиб қолдим. Анвар ака Аскарни қоралайди, каттик чора кўриш керак, деб талаб қилади. Ғулом ака талаба – шоирни ёқлашга уринади. Ғалати бир манзара. Декан эса, уни бошқа химоя қилолмаймиз, деб дағдаға қилади. Шунда мен ҳам тилим кичиб, гапга аралашдим. Деканимиз аввалига менга эътибор бермаган эди, бирданига ранги ўзгариб кескин гапирди: “сиз нима қилиб ўтирибсиз бу ерда?” Мен, кафедра мудирининг топшириғини бажариб ўтирибман, деб хотиржам жавоб бердим.

– Чикинг бу ердан, гапга аралашманг! – деб буюрди декан.

Ноилож хонадан чиқдим. Улар каттик тортишаётганини кўнглим сезиб турибди. Анчадан кейин декан қовоғини солиб чикди ва менга хўмрайиб бир қаради-ю, индамасдан ўз кабинетини томонга қараб тез-тез юриб кетди.

Декан, Ғулом ака, бошқа домлалар Аскарга нима дейишганидан хабарим йўқ. Фақат газетани ўша куниёқ олиб қўйишди. Ўқиш тамом бўлгунча, бошқа “фавқуллода ходиса” юз бермади.

Шоир йигит университетни тугатганидан кейин Ғафур Ғулом нашириётида ишлаш бошлади. Бу ерда, агар янглишмасам, унинг тўртта мўъжаз шеърый китоби чиқди, бешинчи – Ботир Норбоев тўплаб, нашрга таёрлаган анчагина салмоқли китоби вафотидан сўнг босилди.

Мен ҳам етмишинчи йилларнинг ўрталаридан “Шарқ юлдузи” журналида ишлаш бошладим. Нашриётга бирор юмуш билан борганда, бошқа дўстлар қатори Аскарни кўрмасдан қайтмас эдим. У ёзган шеърлар, драматик дostonлар ва антик шоирлар ижодидан қилган ажойиб таржималарини ҳавас ва хайрихоҳлик билан ўқирдим. Аскар кўнглимга яқин шоир ва ҳалол, мард инсон сифатида юрагимда қолди.

Айниқса, уни менга кўрсатган бир жўмардлиги, саховати сира эсимдан чиқмайди. 1983 йилда нашрётга янги мақолалар тўпламимни тошширган эдим. У пайтларда ҳам дўстим, ҳам маслақдош акам Маҳкам Маҳмудов нашриётда танқид ва адабиётшунослик бўлимини бошқарди. Тўплам унга маъқул бўлиб, йиллик режага киритилди. Аскар адабий муҳаррир қилиб белгиланди. Жуда хурсанд бўлдим. Маълум бир муддатдан кейин шоир, менга тез етиб келинг, маслаҳатли иш бор, деб телефон қилди. Зумда етиб бордим. Кўравериб ўрганиб қолганимиз – Аскар тўладан келган, оғир-босиқ йигит самийий кутиб олди. Салом-алиқдан сўнг асосий мақсадга ўтдик. Холи бир хонада гаплашдик. Аскар бироз қимтиниб, негадир, хижолат бўлиб, тортиниб секин гапирди:

– Ортиқ ака, агар йўқ, демасангиз, бир илтимосим бор...

– Бемалол гапираверинг, Аскаржон? – деб далда бердим.

– Ундай бўлса, аввало тўплам билан табриклайман! Ўқиб чиқдим. Мақолаларнинг ҳаммаси ёқди...

У яна тўхтаб қолди.

– Қандай илтимос ўзи? Айтаверинг. Агар қўлимдан келса...

У сал иккиланди:

– Илтимосим шуки, тўпламнинг бирор жойига қалам текиза олмадим...

Унга хайрон бўлиб тикилдим.

– Китобингизнинг бирор жойига қалам текиза олмадим. У қандай ёзилган бўлса, шундай чиқарайлик. Агар сиз рози бўлсангиз. Нима дейсиз?

Яна ҳайратим ошди. Шу пайтгача бирор муҳаррирдан бу каби гап эшитган эмасман. Уларнинг инжиклиги, талабчанлигию нукул осмондан келишини кўравериб дийдамиз котиб кетган. Таниқли шоир, тажрибали муҳаррир: “Китобингиз қандай бўлса, шундай чиқарайлик”, деб турса – кимга ёқмайди, дейсиз? Ичимда шубҳаланаман. Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйрук на қилур, дейишган-ку. Яна ўзимга тасалли бераман: тўпламга кирган мақолаларнинг ҳаммаси матбуотда чиққан. Шу чокқача бирон танқидчи ёки адабиёт мухлиси, “фалон мақоланг ёмон”, деган гапни айтгани йўқ. Қани, бир таваккал қилайлик-чи...

– Мен розиман. Аммо раҳбарингиз кўнадимиз. У ерини нега қискартирмадинг, бу ерини нега таҳрир қилмадинг, деб бошингизни қотирмайдими?

– Сиз рози бўлсангиз бас, бу ёғидан хотиржам бўлаверинг. Фақат илтимосим шуки, буни ҳеч ким билмаслиги керак.

Мен рози бўлдим. Китоб Аскар айтганидек, бирор жойи қискартирилмай, таҳрир қилинмасдан босилиб чиқди. Лекин, уни кўриш шоирга насиб этмади. Китоб босилиш арафасида бевақт ўлим Аскарни орамиздан олиб кетди.

Шоирнинг бевақт вафотидан кейин янги муҳаррир тайинланганини айтишди. Ҳайрон қолдим, иш битган, фақат қўл қўйиш қолган эди, холос. Муҳаррир сифатида Аскарнинг номи, фамилияси ҳам қўйилганми, деб сўрадим, энг охириги вароқни кўрсатинглар, деб талаб қилдим. Ўзим кутганимдек, охириги саҳифада фақат янги муҳаррирнинг исми шарифи ёзилган эди. Аскарнинг фамилиясини қора рамка ичида берасизлар, у асосий ишни

бажаради-ю, бошқа биров ҳеч қандай меҳнат қилмасдан, муҳаррир сифатида ёзилди-ми, деб қаттиқ туриб олдим. Талабим инобатга олинди. Аскарнинг фамилияси биринчи муҳаррир сифатида қора рамкада берилди, кейин янги ходимнинг исми шарифи...

Мен ваъдамга вафо қилиб, бу ғалати “шарт” ҳақида ҳеч қимга оғиз очмадим. Орадан йиллар ўтиб, Шодмон Отабекнинг саъй-ҳаракатлари туфайли 2011 йилда Аскарнинг шеърлари ва таржималари кўз кўрса қувонадиган китоб бўлиб, “Тафаккур” нашриётида босилди. Кўп ўтмасдан китобнинг тақдимоти ҳам ўтказилди. Ана ўша анжуманда бояги сирни очиб, китобнинг қандай чиқарилганини оқизмай-томизмай айтиб бердим. Аскарнинг жўмардлиги, саховатли, мард инсон эканлигини яна бир қарра таъкидладим.

Мен Аскар ёзган шеърларни ҳозир ҳам соғинган вақтларимда ўқиб роҳатланаман. Улардан завқланаман. Кўп мисраларини ёддан биламан. Кўшиққа айланган “Ёр-ёр” шеърини ўқиш ҳам, эшитиш ҳам роҳат. Китобларини варақлаганимда, “Узилган чечаклар” шеърини бағрим хун бўлиб ўқийман:

*Сув узра раъноми, сув узра гулми,
Майлини оқимга топишган?
Чинданам дарёми, чинданам сувми,
Бир даста чечакни гирдобда шопирган?
Соҳилда бақрайиб турган, эй майсалар!
Гапиринг,
Тилинғиз бор бўлса!
Чечаклар қирғоққа чиқолмай чайқалар...*

Шоирнинг саволлар, хитобларига диққат қилинг. Мисраларнинг маъзини чақиб кўринг. Шеър истибдод йилларида эркидан, ҳақ-ҳуқуқларидан маҳрум этилган халқимиз қисмати ҳақида эканлигини англашингиз кийин эмас.

Ёки “Пирпирак” шеърини ўқинг, унда эркинлик, мустақилликдан маҳрум юрт фожиаси чуқур очилган. Халқона руҳда, содда вазнда ёзилган бу шеър бағрида ҳам олам-олам маънолар яширин. Бундай мисолларни хоҳлаганча келтириш мумкин.

Аскар ижодкор сифатида айни балоғатга етган, қирчиллама йигит ёшида оламдан ўтди. У юртимиз мустақил республика бўлиб, истибдод занжирларидан қутулган кунларга етиб кела олмади. Истиклолни, озодликни соғиниб кутган оккўнгил шоир Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Элбек, Усмон Носир сингари фидойи адибларга қўйилган ҳайкалларни кўра олмади. Уларнинг пойига бир даста гул қўйиш унга насиб этмади. Аммо Аскарнинг ана шу буюк устозлар руҳидан мадад олиб ёзган гўзал шеърлари, нодир таржималари, драмалари мангуликка дахлдор асарлар сифатида яшаб қолади. Мен бунга чин дилдан, астойдил ишонаман. Аскарнинг ўзи “Эй, қора кўзим-кўзим” шеърда шундай ёзади:

*Ғам ема, бўтам, асло
Эй, қора кўзим-кўзим.
Эл олдида ҳамшиша
Ёп-ёруғ юзим-юзим.
Айюб янглиг сербардош,
Талабгор ўзим-ўзим.
Ўткир эрур қиличдек
Ҳар сўзим-сўзим.*

Шоирнинг ўз ҳаёти, шеърлари ҳақида мана шундай катта ишонч билан ёзишга маънавий ҳақи бор эди.

АДАБИЙ ҲАЁТ

14 февралда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Ўзбекистон халқ демократик партияси ҳамкорлигида Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 535 йиллиги муносабати билан “Ёшлар камолотида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодий меросининг ўрни ва аҳамияти” мавзусида адабий кеча бўлиб ўтди. Унда шоирлар, ёзувчилар, уюшма муассислигидаги адабий нашрлар ходимлари ҳамда ёш ижодкорлар катнашди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Акмал Умаралиев, ХДП Марказий кенгаши аъзоси Нилуфар Йўлдошева ва бошқа ижодкорлар ёшларнинг маънавий камолотида, уларни миллий ва умуминсоний кадрятлар руҳида тарбиялашда Бобур шеърляти ва “Бобурнома” асари мутолаасининг аҳамияти ҳақида сўзлади.

Тадбирда Олмазор туманидаги 100-сонли мактаб ўқувчилари шонининг ғазал, рубоий ва туюқларидан ўқидилар.

* * *

19–21 февраль кунлари Урганч шаҳрида атоқли шоир, таржимон, адабиётшунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Матназар Абдулҳакимнинг 70 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтди.

Тадбирда шоирлар – Икром Отамурод, Нодир Жонузоқ ва Даврон Ражаб, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг профессор-ўқитувчилари – филология фанлари докторлари Баҳодир Каримов, Узок Жўрақулов, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти олимлари иштирок этди.

Маданият бошқармаси томонидан тайёрланган театрлаштирилган томоша ва мушоира кечага ўзгача кўрк бағишлади.

Анжуманнинг иккинчи куни “Матназар Абдулҳаким замонавий ўзбек адабиётининг йирик вакили” мавзусида илмий конференция ўтказилди. Учинчи куни Урганч давлат университетидаги “Шеърят кечаси”да воҳаниннг таниқли шоирлари ҳамда ёш ижодкорлари ўз ижод намуналаридан ўқиб бердилар.

* * *

20 февраль куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг янги биносига Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси жаноб Ерик Ўтембаев билан ўзбекистонлик ижодкорлар учрашуви бўлиб ўтди. Унда шоирлар, ёзувчилар, таржимонлар ва журналистлар иштирок этди. Тадбирни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али очиб, бугунги глобаллашув замонида бу дўстликнинг янада мустаҳкам бўлиши халқларимизнинг фаровонлиги ва оламнинг тинчлиги учун ниҳоятда муҳим эканини таъкидлади.

Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенгесбой Каримов, Қозоғистоннинг Ўзбекистондаги элчихонасининг маслаҳатчи вакили Мурсалнаби Туяқбоев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси халқаро адабий алоқалар ва бадий таржима кенгаши масъул котиби Адҳамбек Алимбеков ва бошқа ижодкорлар ўзаро адабий алоқаларни янада ривожлантириш, адиб ва таржимонларнинг ижодий ҳамкорлигини кучайтириш, икки халқнинг мумтоз ва ҳозирги замон адабиёти намуналарини ҳар икки тилга таржима қилиш, ўзбек шеърляти антологиясини қозоқ тилида, қозоқ шеърляти антологиясини ўзбек тилида нашр этиш, янги китоблар тақдироти ҳамда ижодкорлар учрашувларини ташкил этиш масалалари ҳақида сўзладилар.

* * *

21 февраль куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган ижодий кеча атоқли адибимиз Одил Ёкубовни хотирлашга бағишланди. Уюшма раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ўзбек адабиётини дурдона асарлари билан бойитган устоз адибнинг кенг киррали ижодий фаолияти ҳақида сўзлади.

Хотира кечасида сўзга чиққан филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматов, ЎзФА академиги Наим Каримов, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Иброҳим Гафуров, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Шухрат Ризаев, шоир ва адиблар Азим Суюн, Ашуралӣ Жўраев устоз адибимиз ҳаётига доир унутилмас хотираларни ёдга олдилар.

Тадбирда иштирок этган ёзувчининг фарзанди Маликжон Ёкубов отаси ҳақидаги хотираларидан сўзлади ва ижодий кеча ташкилотчиларига миннатдорлик билдирди.

* * *

1 март – халқимизнинг ардоқли шоираси, мунис ва ҳассос ижодкор Зулфиянинг таваллуд куни бу гал ҳам ёшлар учун ижод байрамига айланиб кетди. Ҳар йили шоира ҳайкали пойида ўтадиган тадбир бу сафар ҳам ўзгача шукуҳ ва киёфа касб этди.

Тадбир давомида турли соҳа ижодкорлари, шоирани яқиндан билган шогирдлари, оила аъзоларига ҳам сўз берилди. Шоира номидаги давлат мукофотиغا сазовор бўлган истеъдодли кизлар ўқиган шеърлар, эстрада хонандалари ижросидаги кўшиқлар тадбирга шукуҳ бағишлади.

* * *

5 март куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Адабий танқид кенгашининг 2017 йилги фаолиятига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Адабий танқид кенгаши раиси Суворон Мели олиб борди. Бу йилги ҳисоботнинг ўзига хослиги шундаки, унда ёш адабий танқидчилар фаол иштирок этди. Муҳокамада танқидчи адабиётшунослар ва бошқа ижодкорлар кун тартибидаги масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

* * *

6 март куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Театр ва кинодраматургия кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Унда театршунос олимлар, танқидчи драматурглар, ёш ижодкорлар ва талабалар иштирок этди.

Қизгин мунозаралар жараёнида драматурглар ва театршуносларнинг театрлар билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ижодини рағбатлантириш борасидаги муаммоларни ҳал этиш каби кўплаб масалалар муҳокама этилди.

* * *

7 март куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида 8 март – Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган “Салом, баҳор! Салом, Муҳаббат!” деб номланган мушоира бўлиб ўтди. Шеърят кечасида шоирлар, ёзувчилар, жамоатчилик вакиллари ва ёш ижодкорлар иштирок этди.

Ижтимоий ҳаётда аёлларнинг ўрни нақадар муҳимлиги ҳақидаги суҳбат мушоирага уланди.

Ёзувчилар уюшмасининг “Ижод” жамоат фонди томонидан фаол ижодкор аёлларга совғалар улашилди.

МУНДАРИЖА

ДУРДОНА

ФУРКАТ. Мен дедим: “Фуркат деган бир бекарорингдур ўшал”4

НАЗМ

Омон МАТЖОН. Илҳом, бу – Ватанни севмоқ мастона! ...28
Зикрилла НЕЪМАТ. Кўкда куёш бокий эрур нури билан ...34
Шукур ҚУРБОН. Сиз айтган гапларда сўзларим яшар.49
Абдулла ВАХШ. Она ер сезади куёш тафтини.53
Зухра ОЧИЛОВА. Жавдирар соғинчининг юраги.57
Хайитбой АБДУСОДИҚ. ...Хар сафар хотираларинг сўзлаб берасан.63
Маъмура ЗОҲИДОВА. Бизларни масрур қилган ишқдан айтинг, ё бегим!67

НАСР

Усмон АЗИМ. Бир даста қизил гул. Ҳикоя.6
Жамила ЭРГАШЕВА. Ганиматим – онам. Эссе.38
Нодирабегим ИБРОҲИМОВА. Мен, дадам ва Альцгеймер. Ҳикоя.60
Абдукаххор ИБРОҲИМОВ. Хотинмасжид. Эссе.71
Насриддин ИСМОИЛОВ. Жангчи мактуби. Мансура.80
Бахтиёр АБДУҒАФУР. Султон Жалолиддин Мангуберди. Роман (давоми).88
Абдурахим ЭРКАЕВ. Абдулла Орипов феномени. Эссе. ...118

БУ БЎСТОН САҲНИДА

ЧОРШАМЪ. ...Жамолингни кўриб руҳи равоним яйрасин.84

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Гулрух ХУДОЁРОВА. Ватан кўз бўлади нур берадиган. ...142

МУТОЛАА

Шодмон ОТАБЕК. Ибрата йўғрилган хотиралар.145

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Мўминжон СУЛАЙМОНОВ. Шероз адабий мухотида туркий шеърят.151
Насим ОЧИЛОВ. Бахшилари барҳаёт маскан.156

BOLALAR DUNYOSI

Bahrom AKBAROV. Yoz g'animat, ey do'stlar!160

УНУТМАС МЕНИ БОГИМ

Баходир СОБИТ. Шоирнинг барҳаёт сўзи.163
Туроб ТЎЛА. Муҳаббатнинг рангин овози.166
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ. Соғинч даври.170
Адабий ҳаёт.174

Шарқ юлдузи

2018

3-сон

Муассис:

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ**

* Муаллифлар фикри тахририят ижодий жамоаси нуктан назаридан фарқланиши мумкин. Тахририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шуғулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:

100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳкўча, Адиллар хиёбони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

Телефонлар:

231-23-65, 231-23-66, 231-23-68

www.sharqyulduzi.uz

e-mail: sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди

06.04.2018 йил.

Қоғоз бичими 70x108 1/16.

Офсет босма усулида офсет қоғозда

босилди. Босма табоғи 11,0.

Шартли босма табоғи 15,4.

Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.

Адади 3500 нусха.

Буюртма №

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-ракам билан рўйхатга олинган.

“Mashhur-Press nashriyoti” МЧЖ ва

“Argumenty i fakty Centrasia”

МЧЖ ҚҚ ҳамкорлигида чоп этилди.

Корхона манзиллари:

Тошкент шаҳри,

Ислоҳ Каримов кўчаси, 16⁻уй.

100011, Тошкент шаҳри,

Элбек кўчаси, 8-уй.

Журнал ойда бир марта

чоп этилади.

Мусаххич:

Дилфуза Маҳмудова

Саҳифаловчи-дизайнер:

Мадина Абдуллаева

Copyright © “Шарқ юлдузи”

Унутилмас лаҳзалар



Туроб Тўла ҳаётидан лавҳалар

Version 28229

реклама



«MASHHUR-PRESS»
NASHRIYOTI



Manzilimiz:

100 098, Toshkent shahri, Shayxontohur tumani,
Islom Karimov ko'chasi, 16-a uy.

Telefon: +99890 900 75 77, +99894 659 94 62